а) шаклнинг ўхшашлиги, яъни ифодаланаётган нарса ва ҳодисалар ўртасидаги шаклий ўхшашлик асосида: одамнинг оғзи («одам аъзоси» — бош лексик маъно) — шишанинг оғзи (ҳосила маъно), одамнинг қулоғи (бош лексик маъно) — қозоннинг қулоғи (ҳосила маъно);

б) ташқи кўринишнинг мавҳум ўхшашлиги: одамнинг боши («одам аъзоси» — бош лексик маъно) — кўчанинг боши ёки ишнинг, асарнинг боши («нарса, ўрин-жойнинг бошланғич нуқтаси» — ҳосила маъно);

д) баҳолар тузилишидаги ўхшашлик, иккита белги-хусусият ўртасидаги нисбий ўхшашлик асосида: оғир юк («вазмин, енгил эмас» — бош лексик маъно) — оғир одам («табиатан босик» — ҳосила маъно) – оғир шароит («қийин, мураккаб» — ҳосила маъно) ёки енгил юк («вазмин, оғир эмас» — бош лексик маъно) – енгил матн, енгил вазифа (осон, қийин бўлмаган — ҳосила маъно);

е) ишлаб чиқарилган таассуротларнинг ўхшашлиги: ширин узум (бош лексик маъно) – ширин туш (ҳосила маъно);

ф) жойнинг ўхшашлиги, нарса-предметларнинг у ёки бу қисмларини ўрин нуқтаи назардан ўхшатиш асосида: одамнинг қулоғи («одам аъзоси» — бош лексик маъно) — тандирнинг қулоғи («нарсанинг ён қисми» — ҳосила маъно), кучукнинг думи («жонзот

аъзоси» — бош лексик маъно) – самолётнинг думи («нарсанинг орқа қисми» — ҳосила маъно);

г) ҳаракатларни тақдим этиш усулидаги ўхшашлик, яъни бажарилган ёки бажариладиган иш-ҳаракатлар ўртасидаги нисбий ўхшашлик асосида: урмоқ («кўл ёки бирор предмет воситасида зарба бермоқ» — бош лексик маъно: Аламдан айвон четига бир урди) — урмоқ («танқид қилмоқ» – ҳосила маъно: Порахўрларни газетага уриб чиқишди), қўлламоқ («руҳлантирмоқ» — бош лексик маъно: Кексалар ёшларни қўллаб-қувватлайди) – қўлламоқ («мустаҳкам сақламоқ – ҳосила маъно: Қозиклар кўприкни қўллаб-қувватлайди), ўсмоқ (унмоқ) – ўсмоқ (ўз устида ишлаб ривожланмоқ);

h) турли ўсимлик ва ҳайвонлар номи одамларга нисбатан қўлланади: қалдирғоч (қуш — бош лексик маъно) – қалдирғоч (мактабимиз қалдирғочлари – илк битирувчилари); гул (ўсимлик — бош лексик маъно) – гул (севикли ёр – ҳосила маъно: Сўйла, гулим!) [1, 99-100].

Метафоранинг қуйидаги турлари фарқланади [қаранг: 2]:

1. Номинатив метафора. Бу метафора қуруқ, йўқолган тасаввурни ифода этади. Луғатлар, одатда, ушбу турни мажозий метафора сифатида белгиланмайди. Масалан: эшик тутқичи, чиганок, кўзнинг оқи.

Сўзда тасаввур бор, у исмни бир объектдан бошқасига ўтказиш асосида мавжуддир.

2. Фигуратив метафора. Яширин таққослашни ўз ичига олиб, характерли хусусиятга эга. Масалан: юлдуз (машхур), ўткир зеҳн.

Мажозий метафора инсоннинг ҳақиқий дунё объектларини тушуниши натижасида пайдо бўлади.

3. Когнитив метафора. Таққосланаётган тушунчалар орасидаги хусусиятларнинг реал ёки нисбатланган умумийлигини руҳий акс этириш. Сўзнинг абстракт (мавҳум) маъносини ҳосил қилади. Масалан, одамлар бир ҳовуч (оз миқдорда), йигирмоқ (доимий фикрлар бўлиши).

Юқоридаги фикрларга таяниб, қуйидагиларни метафоранинг асосий хусусиятлари сифатида талқин этиш мумкин:

1. Метафора ҳал қилиниши керак бўлган жумбоқдир.

2. Бу қисқа таққослаш.

3. Иккиламчи семантик табиатга эга.

4. Метафора – тил олаmidан тил бўлмаган воқелик ҳақидаги билимлар оламига бир поғона.

5. Метафорада ҳодисаларнинг доимий ва муҳим хусусиятлари муҳимдир.

6. Метафора кундалик билим билан озиқланади [2].

Метафора, асосан, от, сифат ва феъл туркумлари доирасида кўп учрайди. Шу боис уни предмет, белги, ҳаракат ўртасидаги нисбий ўхшашликка асосланишига гувоҳ бўламыз:

1) предмет ўртасидаги ўхшашлик от доирасида кузатилади: кўйлакнинг ёқаси (ўз маноси) – дарёнинг ёқаси (кўчма маъно), кўйлакнинг этаги (ўз маъноси) – тоғнинг этаги (кўчма маъно).

2) белги ўхшашлиги сифат туркумида ва қисман равиш туркумида учрайди: қаттиқ бодом (ўз маъноси) – қаттиқ совуқ (кўчма маъно), қаттиқ уйқу (кўчма маъно), юмшоқ нон (ўз маъноси) – юмшоқ овоз (кўчма маъно), уйи тоза (ўз маъноси) – қалби тоза (кўчма маъно), тез юр (ўз маъноси) – тез кунда кўришамиз (кўчма маъно).

3) ҳаракат ёки ҳолат ўхшашлиги феъл туркуми таркибида кузатилади: данак чақмоқ (ўз маъноси) – гап маъносини чақмоқ (кўчма маъно) каби феъл доирасида кўп учрайди.

Ҳаётий мисолларга диққат қиладиган бўлсак, метафорик маъно от туркумига нисбатан феъл доирасида метафора кўп учрашига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Жумладан, феъл туркумидаги сўзларнинг, деярли, барчаси полисемантик хусусиятга эга (2). Бу ҳол қуйида ажратиб кўрсатилган сўзлар мисолида ҳам ёрқин кўринади: Мунгли куй юракни тирнар эди. Адолатга йўл очмоқ. Дўстларим билан қалинлашиб кетдим. Гап билан чақиб олади. Ёмон одатларини ташламоқда. Тест ечишга берилиб кетди...

Ўхшашликнинг мавжудлиги асосида метафорик ҳосила маъно юзага келишини шу соҳа билан шуғулланганларнинг барчаси эътироф этади. Лекин ўхшатишнинг метафорадаги ўрни масаласида турли фикрлар билдирилади. Масалан, А.Потебнянинг таърифлашича, "Метафора қисқарган ўхшатишдир". Яъни ташбеҳга хос бўлган "каби", "худди", "айнан" "ўхшамок" сингари сўзлар туширилса, метафора юзага келади. Масалан: У гул каби гўзал ва нафис эди // У гўзал ва нафис гул эди. Лекин ўзбек тили назариясида бундай қолипни бирликларга ҳам ташбеҳ деб қаралади. Метафора бўлиши учун "гўзал ва нафис гул эди" тарзида ўхшамоқ туширилган ҳолда қўлланиши талаб қилинади.

Поляк олими Я.Касян ҳам юқоридаги фикрни ривожлантиришга ҳаракат қилади. Агар келиб чиқишини текширадиган бўлсак, шаксиз, у ёки бу метафора у ёки бу ўхшатишдан ривожланган бўлади. Бироқ шундай асосда қарама-қарши ҳулоса ҳам чиқариш мумкин. Қўплаб ўхшатишлар метафорадан келиб чиққан. Шунинг учун айрим олимлар метафора ва ўхшатиш орасидаги фарққа алоҳида эътибор берганлар. Масалан, Веселовский, Ч.Кукин, М.Штейнлар фикрича, ўхшатишда ўхшатилаётган нарсалар ажратиб тасаввур қилинса, метафорада улар бир бутундек тушунилади [6, 109-111].

Метафора ва ўхшатиш орасидаги муносабат хусусида икки хил қараш мавжуд:

1. Метафора – қисқарган ўхшатиш, яъни улар орасида фарқ ташқи шаклланишидир.
2. Метафора ва ўхшатиш ўзаро мазмуний (ички) шаклланив жихатидан фарқ қилади.

Умуман, метафорага берилган таърифларда уни ёндош ҳодисалар билан қўшиб юборилган ҳолатлар кўп учрайди. Масалан, Э.Кассирер метафорага қуйидагича таъриф беради: "Метафора бир тасаввур номини унга мутаносиб қандайдир белгига эга бўлган ёки у билан қандайдир билвосита "аналогия"ларни назарда тутувчи бошқа соҳа – бошқа тасаввурга кўчириш деб тасаввур қилиш мумкин" [7, 33].

Таърифдан маълумки, Кассирер метафора асосида ўхшашликнигина кўрмайди, балки умуман ҳар қандай "аналогия"ларни назарда туттади. Натижада метафора тушунчаси остига метонимия ва синекдоха ҳам киритилади. Чунки номи кўчаётган ва номни қабул қилаётган предметларо белгининг табиати изоҳланмайди: ўхшашликми, боғлиқликми, бутун қисмликми... шунинг учун ном кўчишнинг бир неча хил белгига асосланганлиги билан фарқланувчи турлари қоришиб кетади.

Шу ўринда, метафорани адабиёт дарсликларидан берилган ташбеҳ ва кўчим турларидан фарқлаб, чегарасини аниқлаб олишимиз лозим бўлади.

Ташбеҳ (ёки ташбеҳ) – адабиётда кенг қўлланадиган шеърий санъатлардан бири. Уни ўзбекча қилиб, ўхшатиш деса ҳам бўлади. Ташбеҳда нарса, белги ва ҳаракат кабилар бошқасига ўхшатиш, қиёслаш орқали таққосланади. Бу ўша тушунчани англаш ва ҳис қилишни осонлаштиради. Демак, ташбеҳ икки нарсани бир-бирига ўхшатишдир. Масалан, «сўзинг асалдай ширин» дейилганда сўз асалга ўхшатишмоқда. Ташбеҳнинг юзага келишида тўрт унсур иштирок этиши мумкин:

1. Ўхшамоқ (ўхшатиш билан нарса, мушаббаҳ) – тасвирда фикр қаратилган нарса ёки тушунча (сўз).
2. Ўхшатиш (ўхшаган нарса, мушаббаҳун биҳи) – тасвирда қиёсланаётган нарса ёки тушунча (асал).
3. Асос (ўхшатиш сабаби, важҳи шабоҳ) – нимага кўра ўхшатишнинг юзага чиққанлиги (ширин).
4. Восита (ўхшатиш воситаси, одати ташбеҳ, ҳолати ташбеҳ) – ўхшатиш белгиси (- дай). Восита иштирок этган ўхшатишларда ташбеҳ аниқ кўришиб, билиниб туради. Сўз санъатида – дек//-дай, -ча, -симон, -вор, -осо, -ваш, -ий, -ойин каби кўшимчалар; каби, сингари, мисли, мисоли, гўё//гўёки, нақ, янглиғ, худди, ўхшаб, нечукки, бикин ва бошқа ёрдамчи сўзлар восита бўлиб хизмат қилади [қаранг: 4, 220].

Шеъриятда кўпинча асос иштирок этмайди.

Бахт сингари олис юлдузлар, гўё,
Азал гўзалликнинг шаъмини ёқар.
Кўнглим осмон янглиғ.

Ёришди осмон [9, 33].

Баъзан восита ҳам тушиб қолиб, ташбихда ўхшамиш билан ўхшатишмишгина иштирок этади. Масалан, «қоши ҳилолдек эгик» дейиш ўрнига «қоши ҳилол», «қомати сарв каби тик» дейиш ўрнига «сарвқомат», «юзи ой сингари» ўрнига «юзи ой» тарзида қўлланади:

Сен Қуёшсан, мен сўнган чирок.

Қийнамагил мени, онажон.

Сен - абадий, мен - лаҳза, биров

Итоат эт менга шул замон [9, 66], – байтида ҳам шу ҳолатни кўриш мумкин.

Асос ва воситанинг қўлланиш ёки қўлланмаслигидан қатъи назар ўхшамиш билан ўхшатишмиш иштирок этган ўхшатиш санъати **мутлак ташбих** (аниқ ўхшатиш) дейилади.

Айрим ўринларда ўхшамиш ҳам тушиб, ўхшатишмишнинг ўзигина сақланади. «Ҳилол», «сарв», «ой», «гул» сўзларининг ўзи ўхшамашга ҳам ишора қилади ва бу **киноя ташбих** (ишора ўхшатиш) деб аталади [қаранг: 4, 220-221].

Порлоқ осмонингда қузғунлар учди,

Эвоҳ, ёғийларинг солди яғмони.

Ёғийларинг жигар—қонингни ичди [9, 163], – мисраларида иккита киноя ташбих бор: қузғун – қузғундек таловчилар, истеъдод вакиллари, жумладан, шоирларнинг жигар—қонини ичишга, йўқ қилишга аҳд қилганлар ташбихининг ишораларидир.

Адабиётда кўчимнинг кўп ишлатиладиган кўринишларидан бири **метафора**, яъни **истиора** деб юритилади. Истиора арабча сўз бўлиб, «қарз олиш», «вақтинча ижарага бериш» маъносида келади. У образли тафаккур шаклларида бири, бадиий адабиётда кенг қўлланиладиган тасвир воситасидир. Истиорада, юқорида метафора сифатида таъкидлаганимиздек, бирор нарса-ҳодисага хос хусусиятларни бошқа бир нарса-ҳодисага кўчириш орқали бадиий маъно ифодаланади. Лекин бу кўчиришда ташқи ўхшашлик асосий ўрин тутавермайди. Балки ўхшатилаётган ва ўхшаётган нарса-ҳодисалар орасидаги ички мантиқий боғланишга, яқинликка, вазифалардаги умумийликка таянилади [4, 310]. Истиора қисқарган кўринишдаги ўхшатиш сифатида икки нарса ўртасидаги ўхшашликка асосланишини юқорида ҳам қайд этиб ўтдик. Ташбихдан фарқли равишда, ўхшатиш воситаси ва ўхшатиш сабаби қўлланмайди. Масалан, Рауф Парфининг 60-йиллар ижодида “қушча” образи пайдо бўлади:

Бир қушча деразам ёнида,

Ўлтирар паришон ва ғариб.

Йиғлайди, кўзлари ёнади,

Кўзлари иккита марварид.

Бир ажиб навога ўхшайди,

Шоирга ўхшайди у ҳассос.

Мискин соз чалмоққа у шайдир,

Дардига бордир-ку бир асос [9, 119].

Ўша 60-йилларда ёзилган шеърларидан бирида Рауф Парфи қушчани яна тилга олади:

Бир қушча сайрайдир руҳим ичинда,

Бир қушча йиғлайдир мени ахтариб [9, 65].

Энди қушча дераза олдида эмас, шоирнинг руҳида сайрапти. Бу – Рауф Парфи руҳиятидаги Шоирлик эди. Энди Рауф Парфи номли Шахс билан Шоирлик бир вужудда яшайпти. Лекин шунда ҳам шоир “қушча”ни танитайди: “Мен сенинг исмингни билмайман, Қушчам!” – дейди бошқа бир шеърда. Чунки инсоний ақл билан уни танишнинг, англашнинг иложи йўқ, у ҳис қилинади, холос. Агар шоир ижодидаги қуш образини тадрижий ўрганилса, ушбу поэтик образ динамикасини кузатиш мумкин бўлади. Бу – Рауф Парфи руҳияти замирида томир отган Шоирликнинг ўсиши сифатида истиорага ёрқин мисол бўлади.

Бадиий ижод талабига кўра айрим сўзлар ташийдиган маъно бошқа сўзларга кўчирилишини англамай туриб, кўркам асарларни тушуниш, ундан таъсирланиш, лаззатланиш ва таҳлил қилиш мумкин эмас. **Кўчим** энг кўп ишлатиладиган бадиий

воситалардандир. Маъно кўчиришда нарса-ходисалар ўртасида ё ички, ё ташқи, ё мазмун ўхшашлиги, алоқадорлиги бўлиши шарт. Бу жиҳатдан кўчимлар ўхшатишга яқин туради. Лекин асосий фарқ шундаки, ўхшатишда ўхшаган буюм ҳам, ўхшатишган нарса ҳам ифодаланган бўлади. Кўчимда эса баъзан ўхшаган нарса, баъзан ўхшатишган нарса ифодаланиб, иккинчи қисмдаги маъно биринчисига кўчирилади.

Кўчим кўркем тасвир воситаси бўлиб, у китобхоннинг тасаввур оламини кенгайтиради, тасвирланаётган туйғуларни бевосита ҳис қилишга, асар қаҳрамонлари ҳолатини туйишга ёрдам беради. Шундай қилиб, кўчим сўзни кўчма маънода қўллаш ёки нарса-ходисага хос сифатларни қайсидир жиҳати билан шуларга ўхшайдиган бошқа нарса-ходисаларга кўчириш санъатидир. Адабиётшунослик илмида кўчимнинг мажоз, истиора, рамз сингари кўринишлари мавжуд:

Мажоз адабий асарда ўқувчига ноаниқроқ бўлган тушунчани кўпчиликка маълум бўлган нарсаларга хос белгилар билан ифодалашдир. Гулханийнинг “Зарбулмасал” асаридан жой олган «Туя билан бўталок», «Маймун билан нажжор», «Тошбақа билан чаён» масалларида жанр талаби билан инсонларга, айрим ижтимоий табақаларга хос хусусиятларнинг ҳайвон образларига кўчирилиши мажознинг ёркин намунаси.

Рамз ҳам кўчимнинг кенг тарқалган турларидан биридир. Ўқувчи англаши мураккаброқ бўлган мавҳум ахлоқий маънавий сифатнинг шу сифатларга кўпроқ эга бўлган нарса ва жониворлар орқали ифодаланишига **рамз** дейилади. Рамз адабиётшунослик фанида тимсол ёки символ атамалари билан ҳам юритилади. Ўзбек мумтоз адабиётида гул – маъшуқа рамзи, бургут – мағрурлик рамзи, чумоли – меҳнатсеварлик, тиришқоқлик рамзи ва ҳ.к. тарзида қадимдан қўлланиб келинади [қаранг: 4, 309-310].

XX аср иккинчи ярмига келиб, айниқса, XXI асрда когнитив тилшуносликнинг шаклланиши билан метафорага ёндашиш бутунлай ўзгарди, унинг кўлами кенгайди. Агар анъанавий тушунишда “метафора” атамаси остида бир сўзнинг бошқаси билан алмаштирилиши назарда тутилган бўлса, бугун аксарият тадқиқотчилар метафора том маънода фундаментал билиш фаолятининг намоён бўлиши эканлигини эътироф этмоқдалар. Кўриниб турганидек, метафора кўп қиррали ва беноҳоя мураккаб ҳодиса бўлганлиги учун ҳам унинг талқинларида фарқли жиҳатлар анча-мунча.

Метафора моҳиятидаги иккиёқламаликка кўра бу ҳодисанинг икки асосий тури фарқланади, яъни лисоний метафора ва поэтик (бадий) метафора [8, 9]. Бошқача айтганда, метафоранинг тил ва нутқдаги ўрнини қуйидагича талқин қилиш мумкин:

1. Умумий тил (одатий). Ижтимоий қиёфасини акс эттиради, фойдаланишда тизимли характерга эга. У қайта ишлаб чиқариладиган ва аноним бўлиб, луғатларда ўз аксини топади.
2. Индивидуал (бадий). Улар тилда репрезентатив эмас, муаллифга эга, маълум контекстда пайдо бўлади, алоҳида экспрессивлиги мавжуд, шунинг учун уларнинг адабий матнда роли катта.

Бугунги кунда барча тадқиқотчилар томонидан тўла эътироф этилаётган метафоранинг тил воситаси ва поэтик фигура сифатидаги икки ёқлама моҳияти дастлаб Цицерон томонидан образли тарзда қуйидагича изоҳланган: “Худди кийим дастлаб совуқдан ҳимояланиш учун кашф қилиниб, кейинчалик тананинг беага ва шахснинг фарқловчи белгиси сифатида ҳам қўлланиладиган бўлиб қолгани каби метафорик ифодалар ҳам тилда сўзларнинг етишмаслигини тўлдириш учун яратилиб, кейин кўпроқ хузурланиш учун қўлланиладиган бўлиб қолган”. Н.Маҳмудов бу фикр ҳақиқатни етарли даражада акс эттирмаслигини таъкидлагани ҳолда, метафора гўё номинатив мақсад билан денотатни ифодалаш учун яратилади, кейин муайян коннотатив маънони ифодалаш учун жалб қилинади, яъни олдин лисоний метафора юзага келади, бадий метафора эса ундан кейин юзага келади, дея таъкидлайди. Шунингдек, бадий метафоралар лисоний метафораларсиз ҳам майдонга келиши, кейинчалик лисоний метафора мақомини олиши ҳам мумкин, деб ҳисоблайди ва кўпчилик тадқиқотчилар кейинги ҳолатни асосий деб санаганини айтиб ўтади [8,10].

Хулоса

Метафора семантик алоқанинг маҳсулдор турларига асосланади. Бетақорр поэтик образ метафорик маъно ҳосил қилишнинг когнитив механизмларига асосланган бўлиб, поэтик матнларни идрок этиш ва талқин қилиш имкониятини беради. Шеъррий матнларда концептуал метафора матннинг маълум бир тўлиқ парчасида намоён бўлиб, унинг элементар бирлиги диктовка ҳисобланади.

Поэзиянинг асосий ифода воситаларидан бири бўлган поэтик метафора ҳодисаларни индивидуаллаштиришга қаратилган мураккаб хилма-хил структура вазифасини бажаради. Шеъррийда метафора яққол гиперболик характерга эга, чунки у дастлаб референтнинг қиёслаш мавзусидан туб семантик узоқлиги туфайли баённинг ифодалилигини кескин оширишга қаратилган. Поэтик тил ва поэтик тимсолни янгилаш билан бирга поэтик метафора шоир акс этган воқеликка нисбатан концептуал жиҳатдан кучли воситадир. Концептуал поэтик метафора – бу бир тасвирнинг бошқасига бирлаштирадиган занжир тропидир.

Хулоса қилиб айтганда, метафорани ёндош ҳодисалар билан – ички алоқадорликка асосланувчи метонимия, бутун-бўлак муносабатини ифодаловчи синекдоха, вазифавий бир хилликка қўра ном кўчиши бўлмиш вазифадошлик билан – қориштирмаслигимиз лозим бўлганидек, уни бадий воситалар ташбиҳ ва кўчим турларидан – мажоз, рамздан ҳам фарқлай олишимиз даркор. Бунинг учун эса, энг аввало, метафоранинг моҳиятини яхшилаб англаш, унинг юқорида таъкидланган асосий хусусиятларини ва юзага келишидаги ўзига хосликларни доимо инобатга олиш чалкашликка йўл қўймаслик борасида асос бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Dedaxanova M., Dadaxonov A. O‘zbek tili fanidan ma’lumotnoma. Qo‘llanma. – Toshkent: “Yangi kitob”, 2016. – 592 b.
2. <https://russkiyazyk.ru/leksika/metafora.html>
3. Jamolxonov H. Hozirgi o‘zbek adabiy tili: Oliy o‘quv yurtlari uchun darslik. – T.: «Talqin», 2005. – 272 b. (www.ziyouz.com kutubxonasi)
4. Yo‘ldoshev Q., Qosimov B., Qodirov V., Yo‘ldoshbekov J. Adabiyot: Umumiy o‘rta ta’lim maktablarining 7-sinfi uchun darslik-majmua. Qayta ishlangan 4-nashri – T.: «Sharq», 2017. – 160.
5. Бикертон Д. Введение в лингвистическую теорию метафоры. Теория метафоры. –М., “Наука”, 1990. – С. 284-306
6. Гюлумянс К.М. Образное употребление названий животных в сравнениях и метафорах// Труды СамГУ. Вып. 217. Вопр. фразеологии. – Самарканд, 1971.
7. Кассир Э. Сила метафоры.// Теория метафоры. М.: Наука, 1990. – 511.
8. Махмудов Н., Одилов Ё. Сўз маъно тараққиётида зиддият [Матн] : ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати. – Тошкент: “Akademnashr”, 2014. – 288 б.
9. Рауф Парфи. Туркистон руҳи: Сайланма: шеърлар, таржималар / нашрга тайёрлаган В.Файзуллоҳ. - Тошкент: «Шарқ», 2013. - 320 б.
10. Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили: Олий ўқув юрти филология факультети талабалари учун дарслик.— Т.: “Ўзбекистон”, 1992.— 399 б.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

ХАКИМОВА Feruza Abdumanabovna
O‘zbekiston davlat san’at va madaniyat instituti
"Cholg'u ijrochiligi" kafedrası mudiri, dotsent v.b

CHOLG‘U IJROCHILIGIDA AFG‘ON RUBOBINI O‘QITISH USULLARI



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-8297-2024-1-3>

ANNOTATSIYA

Ushbu maqoloda cholg‘u ijrochiligida afg‘on rubobidan foydalanish usullari va uning o‘rni xususida batafsil fikr-mulohazalar keltirib o‘tilgan. Shuningdek, afg‘on rubobining kelib chiqish tarixi, shakllanish bosqichining ilmiy asoslari hamda o‘qitish usullari haqida ma’lumotlar berilgan.

Kalit so‘zlar: cholg‘u ijrochiligi, afg‘on rubobi, musiqiy shakl, ritm, tirnama, noxun, afg‘on rubobi

ХАКИМОВА Феруза Абдуманабовна

Узбекский государственный институт искусств и культуры
заведующая кафедрой «Инструментальное исполнительство», доцент и др.

МЕТОДИКА ОБУЧЕНИЯ АФГАНСКИМ РУБОБИ В ИСПОЛНЕНИИ АННОТАЦИЯ

В данной статье подробно рассматривается использование афганского рубаба в инструментальном исполнительстве и его роль. Также представлены сведения об истории возникновения афганского рубаба, научных основах его формирования, методах обучения.

Ключевые слова: инструментальное исполнительство, афганский рубаб, музыкальная форма, ритм, скретч, нохун, афганский рубаб.

XAKIMOVA Feruza Abdumanabovna

Uzbek State Institute of Arts and Culture

Head of the Department of "Instrumental Performance", Associate Professor, etc.

METHODS OF TEACHING AFGHAN RUBOBI IN PERFORMANCE**ANNOTATION**

This article provides a detailed discussion of the use of the Afghan rubab in instrumental performance and its role. It also provides information on the history of the origin of the Afghan rubab, the scientific basis of its formation, and teaching methods.

Keywords: instrumental performance, afghan rubab, musical form, rhythm, scratch, nohun, afghan rubab

Xalqimizning o'ziga xos bo'lgan bebaho boyligi hisoblangan milliy musiqa cholg'ularimiz o'zining betakrorligi, ovoz tarovatining rang-barangligi va ijro imkoniyatlarining beqiyosligi bilan musiqa madaniyatimizda alohida o'rin egallaydi. Xalq cholg'ulari asrlar davomida taraqqiy topib cholg'u ijrochiligining uch navi yakka, jo'r va jamoa turlari bilan uzoq yillar davomida rivojlanib musiqiy merosimizda alohida o'rin tutib kelmoqda. Cholg'ularning torli, puflama va urma cholg'ular guruhlaridan iborat namunalarining nomlari bizgacha yetib kelgan. O'zbek xalq cholg'ulari Tirnama (yoki tirnab chertiladigan dutor, do'mbira), noxunli (noxun vositasida chertiladigan tanbur, afg'on rubobi, qashqar rubobi), torli urma (yog'och moslamalar bilan urib chalinadigan chang) hamda kamonli (kamon bilan chalinadigan qo'biz, g'ijjak, sato) sozlardan iborat torli cholg'ular asrlar davomida taraqqiy topib, o'zining mukammal shaklini kashf etib juda boy tasviriy imkoniyatlarga egadir.[1]

O'rta Osiyo hududida ijrochilik san'ati paydo bo'lgan uzoq o'tmishda dastlab urma cholg'ular, keyin damli cholg'ular, so'ngroq torli-mizrobli cholg'ular va torli-kamonli cholg'ular paydo bo'lgan. Maroqand, Niso, Termiz va boshqa hududlarda olib borilgan qazishmalar natijasida dutorsimon cholg'ular, tanbur, rubobsimon cholg'ular, ud, rud, chiltor, nay, burg'u, karnay, doyrasimon cholg'ular tasvirlangan madaniy yodgorlik haykalchalari topilgan.

Afg'on rubobi – XX asrdan boshlab shunday nomda atala boshlangan. Ilgari davrda rubob nomi bilan atalib kelinganligi Farobiy, Darveshali Changiy, Abdurauf Fitratning musiqaga bag'ishlangan risolalarida keltirilgan.[2]

Ushbu cholg'u o'zbek adabiy so'zlaridan biri bo'lgan —afg'on, ya'ni mung, —nola, —faryod ma'nolarini ifodalaganligi bois, cholg'uning mungli, mayin va nolali tovush hosil qilganligi sababli qadimgi davrlardan uning sadolanish xususiyatiga mos ravishda —afg'on rubob nomi berilgan.

Turli musiqiy manbalarda afg'on rubobi - Buxoro yoki tojik rubobi deb ham yuritiladi. Afg'on rubobi o'ziga xos shaklga ega bo'lib, chertib chalinadigan noxunli cholg'udir. Usti teri bilan qoplangan katta

va chuqur o'yma. Korpusi (bir butun tuzilma) ning toraytirilgan yon tomonlaridan yuqori qismiga yupqa qopqoq yelimgan. Odatda korpus bilan bir butun yo'niladigan yo'gon dastasida ichakdan atigi 4 parda bog'langan bo'lib, qolganlarining yog'och qopqog'i ustiga chop qalamchalar yopishtiriladi. Odatda, rubob, 5 ta chalinadigan asosiy paytor (shu jumladan, unison sozlanadigan 1-2, 3-4 qo'sh torlar) hamda yon quloq(go'shak) larga tortiladigan 10-11 ta aks sado beruvchi sim torlarga ega bo'lib, asosiy kuychan torlar o'zaro kvartaga sozlansa, aks sado beruvchi simlar pog'onama-pog'ana ko'tariluvchi sekundalarni tashkil etadi. Diapazoni ikki oktava doirasida bo'lganiga qaramay afg'on rubobi deyarli professional xalq sozandalari yakkanavoz soz hamda ansambl tarkibida O'zbekistonning barcha hududlarida ishlatiladi.[3]



Afg'on rubobi ham shu tarzda modernizatsiyalashtirildi. Kosaning yog'och dekali qismi ijroga qulay bo'lishi uchun ancha ixchamlashtirildi. Dasta qismi uzaytirildi hamda dastaga xromatik tovushqatorlar o'rnatildi. Natijada afg'on rubobida nafaqat o'zbek va qardosh xalqlar kuy-qo'shiqlari, balki O'zbekiston kompozitorlarining maxsus asarlari hamda jahon durdona asarlarini ijro etish imkoniyati paydo bo'ldi. Shuningdek, afg'on rubobi ham ruboblar oilasi bilan birga ansambl va orkestrlarda yakkanavoz va jo'rnavoz sifatida qo'llanilmoqda.

XX asrning 20-30-yillaridan boshlab mamlakatimizda turli musiqa o'quv yurtlari, 1918-yilda Turkiston xalq konservatoriyasi, 1924-yilda Toshkent davlat musiqa bilim yurti, 1932-yilda Namangan va Buxoro musiqa bilim yurtlari, 1936- yilda Toshkent davlat konservatoriyasi ochildi. 1948-yilda konservatoriyada xalq cholg'ulari ijrochiligi bo'yicha ta'lim berish boshlandi. Prima rubobi va qashqar rubobi sinflari 1948-yilda, afg'on rubobi sinfi esa 1963-yilda ochilgan. Surxondaryoda Termiz musiqa bilim yurti 1961-yilda o'z faoliyatini boshlagan. Xalq cholg'ulari sinfi bilim yurti tashkil topgan kundan boshlab faoliyat yuritib kelmoqda. Bilim yurtida Qashqar rubobi cholg'usi bo'yicha Muhammadi Muhammadiyev, Normurod Bakarov, Afg'on rubobi cholg'usi bo'yicha Klara Mardayeva, Adolat Mamatova, Prima rubobi cholg'usi bo'yicha Abdurashid Ashurov, Ilhom Alimovlar saboq berib kelishgan.

Afg'on rubobi cholg'usining ustozlari va mohir sozandalari Najmiddin Nasdriddinov, Tovur Jumayev, Ergash Shukrullayev, Umarjon Hamidov, Usta Muhammad Umar, Nikolay Savinov, G'ulomqodir Ergashev, Tohir Yo'ldoshev, Klara Mardayeva, Adolat Mamatova, Ilhom Azimov, Anvar Hojinzarov, Dilshod Meliboyev, Fazliddin Shafoatov, Ixtiyor Abdunabiyev va boshqalarni kiritish mumkin.[4]

Afg'on rubobi Sharq xalqlarining o'tmishdan cholg'u asbobi hisoblanib kelingan. Ushbu afg'on rubobi Hindiston, Pokiston, Eron, Afg'oniston, O'zbekiston, Tojikistonda keng tarqalgan bo'lib, bizning davrimizgacha yetib kelgan qadimiy cholg'u hisoblanadi. Bu rubobning nomlanishi bir necha xil bo'lgan. Tojik rubobi, Buxoro rubobi, badaxshon rubobi deb ham ataladi. Ayrim risolalarda Hindiston rubobi deb yuritilgan.

Afg'on rubobi cholg'usida tovushlar kichik oktava lya yoki si notasidan ikkinchi oktava lya notasigacha bo'lgan oraliqda yaxshi jaranglaydi. O'zbek xalq cholg'ulari orkestrda afg'on rubobi o'rta registrli kuy yo'nalishini chaladi. Bas guruhlariga yaqinligi bor. Bas guruhlari chaladigan kuylarga afg'on rubobi qo'shilsa, tovush jilosi jihatidan har biri o'ziga xoslik kasb etadi. Ya'ni, past registrda quyuq va so'lim jaranglagan kuyni o'rta registrli afg'on rubob tovushlari to'ldirib turadi. Asar yana ham zich ohang beradi.

Afg'on rubobi cholg'usi o'zbek xalq cholg'ulari orkestr tarkibida jo'rnavozlik yo'nalishiga ham katta hissa qo'shadi. U orkestrda pp, ff, interval, arpedjiolarni chalish imkoniyatiga ega. Asarlarni cholg'ularga moslashtirish jarayonida afg'on rubobi cholg'usi qashqar rubobi, dutor, tanbur, dutor bas, g'ijjak alt, g'ijjak bas variantlari chiroyli birlikni tashkil qiladi. Yozilganidan bir oktava past eshitiladi.

Afg'on rubobi cholg'usi 1 va 2- qo'sh torlar - birinchi oktava —Lya notasiga; 3 va 4- qo'sh torlar - birinchi oktava —Mi notasiga; 5-tor – kichik oktava —Si yoki —Lya notasiga sozlanadi.[5]

Ushbu afg'on rubobi cholg'usi to'g'risida musiqashunos olim Al-Forobiy, Darvish Ali o'zlarining risolalarida ta'riflab o'tganlar. Afg'on rubobining mayin tovushi xuddi ud cholg'u asbobining tovushiga o'xshaydi, shakli esa boshqacharoq. O'zbekistonda ushbu cholg'u asbobini

afg'on rubobi deb yuritiladi. Bu cholg'u asbobi o'ziga xos shaklga ega bo'lib, chertib chalinadigan torli-mizrobli cholg'ular guruhiga kiradi. Ushbu cholg'uning yasalishiga kelsak, usti teri bilan qoplangan katta va chuqur o'yama kosasining toraytirilgan yon tomonlaridan yuqori qismiga yupqa qopqoq yelimgandir. Odatda korpus bilan bir butun yo'niladigan yo'g'on dastasida ichakdan atigi to'rt parda bog'langan bo'lib, qolganlarining yog'och qopqog'i ustiga cho'p qalamchalar yopishtiriladi.

Odatda afg'on rubob beshta chalinadigan asosiy pay tor (shu jumladan, unison sozlanadigan 1-2-juft va 3-4 juft torlar) hamda yon quloq (go'shak) larga tortiladigan 10-11 ta aks sado beruvchi sim torlarga ega bo'lib, asosiy kuychan torlar o'zaro kvartaga sozlanadi. Aks sado beruvchi simlar esa, pog'onama-pog'ona ko'tariluvchi sekundalarni tashkil etadi. Afg'on rubobining diapozoni ikki oktava bo'lganiga qaramay, deyarli professional xalq sozandalari ansambllarda va yakkanavoz ijroda keng qo'llaniladi.

Afg'on rubobining qayta ishlangan turi rubob tenor deb nomlanadi. Unda beshta tor bo'lib, hammasi ichakdan. Sozi kvarta intervali oralig'ida. 5-tor katta oktavadagi si, Iya tovushiga, 4 va 3 juft torlar kichik oktavadagi mi tovushiga (unison), 2 va 1 torlar kichik oktavadagi Iya tovushiga (unison) sozlanadi. Umumiy ovoz hajmi katta oktavadagi si tovushidan ikkinchi oktavadagi do, Iya tovushiga qadar. Notalar eshutilishiga nisbatan oktava yuqorida skripka kalitida yoziladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Qosimov R. «An'anaviy tanbur ijrochiligi» Toshkent., «Cho'lpon», 2012-yil;
2. O.Nazarov Qashqar rubobida o'qitish uslubiyoti. Toshkent., 2018-yil;
3. A.Lutfullayev. O'zbek xalq cholg'ularida ijrochilik san'ati tarixi. Toshkent.,2017-yil;
4. A.Tashmatova. Ijrochilik san'ati tarixi. Toshkent.,2017-yil;
5. Sh.Rahimov, A.Lutfullayev Cholg'ushunoslik. Toshkent., —Musiqqa 2018-yil;
6. B.Rahimov. Musiqqa tarixi. Urganch. 2018-yil;
7. D.Sattorov,N.Bakarov —O'zbekistonda qashqar rubobi ijrochiligi tarixi Toshkent —Mumtoz so'zi 2017-yil.

**СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART**

Азимова Ирода Алишеровна,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети Амалий
тилшунослик ва лингводидактика кафедраси доценти
iazimova@gmail.com

**ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ АГРАММАТИК АФАЗИЯДА ОТ ВА ФЕЪЛЛАРНИНГ
ИФОДАЛАНИШИ**



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2024-1-4>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ўзбек тилидаги аграмматик афазияда от ва феълларнинг айтилиши расми номлаш тажрибаси асосида текширилган. Тажрибада соғлом ҳамда афазияга чалинган кишилар иштирок этган. Афазияда от ва феълларнинг икки хил сақланиши шу вақтгача қилинган нейролингвистик тадқиқотларда қайд этилади. Аксарият илмий изланишлар афазияга чалинган кишилар учун отларни айтиш феълларни айтишга нисбатан осонроқ кечишини кўрсатган. Мазкур тажриба натижалари ўзбек тилидаги аграмматик афазияда от ва феъл диссоциацияси йўқлигини кўрсатди. Бироқ отларнинг айтилишида сўзни ўзлаштириш ёши, феълларнинг айтилишида сўз маъносининг тасаввур қилиниш даражаси каби психоллингвистик омилларнинг таъсири борлиги кузатилди.

Таянч сўзлар: афазия, от, феъл, нутқ яратилиши

Азимова Ирода Алишеровна,
Ташкентский государственный университет узбекского
языка и литературы имени Алишера Навои,
доцент кафедры прикладного языкознания и лингводидактики

**ВОСПРОИЗВЕДЕНИЕ СУЩЕСТВИТЕЛЬНОГО И ГЛАГОЛА В
ЭФФЕРЕНТНО-МОТОРНОЙ АФАЗИИ (НА ПРИМЕРЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА)**

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется воспроизведение существительных и глаголов с помощью психоллингвистического эксперимента. В эксперименте приняли участия две группы людей, одна группа как контрольная и другая экспериментальная, которая состоит из людей с диагнозом эфферентно-моторная афазия. Результаты показали, что в узбекской грамматической афазии диссоциация существительного и глагола не наблюдается. Но некоторые психоллингвистические факторы имеют влияния на воспроизведения слов: возраст, когда было освоено слово в существительных, а уровень прдставляемости (imageability) в глаголах.

Ключевые слова: афазия, существительное, глагол, воспроизведение речи

Azimova Iroda Alisherovna,
Tashkent State University of Uzbek Language and
Literature named after Alisher Navoi, assistant professor of
the Department of Applied Linguistics and Linguodidactics

NOUN AND VERB PRODUCTION IN UZBEK NON-FLUENT APHASIA

ANNOTATION

Noun and verb retrieval in Uzbek agrammatic aphasia is studied through picture naming experiment. Healthy and brain-damaged individuals participated in the study. Neurolinguistic studies showed difference in noun and verb impairment in aphasia. Majority of studies reported that noun processing is easier than verb processing for aphasic speakers. The results of the current study showed no noun-verb dissociation in Uzbek agrammatic aphasia. However, a small effect of age of acquisition on noun production and imageability effect on verb production is observed.

Key words: aphasia, noun, verb, speech production

Кириш

Афазияга чалинган шахсларнинг нутқида от туркумига оид сўзларнинг феъл туркумига оид сўзларга нисбатан яхшироқ сақланиб қолиши кўп кузатилган. Мазкур масалага биринчи Ж.Холмс, Ж.Маршал ва Ф.Ньюкомблар эътибор қаратганлар. Улар дислексияси бор беморнинг от туркумига оид сўзларни феъл туркумига оид сўзларга нисбатан яхшироқ ўқиганлигини қайд этишган [12]. Мазкур тадқиқотдан сўнг бошқа олимлар ҳам ўз тадқиқотларида афазияда от ва феъл туркумларига хос диссоциацияни кузатганлар. Хусусан, итальян олимлари Б.Рапп ва А.Карамаца бир афазик беморнинг диктант ёзишда отларни ёзишда феълларни ёзишга нисбатан яхшироқ натижага эришганлигини кузатганлар [13]. Шунингдек, бу диссоциация расмдаги нарсанинг номини айтишда ва ёзма ифодалашда ҳамда спонтан нутқда ҳам намоён бўлгани қатор олимларнинг тадқиқотларида акс этган [17; 9; 5].

От ва феъл диссоциацияси биринчи навбатда туб когнитив универсалиялар орқали изоҳланган. От туркумига оид сўзлар нарса-буюмларни ифодалайди. Феъллар эса ҳаракатни ифодалайди. Мазкур қарашнинг асосида нарса-буюм билан ҳаракат ўртасидаги тушунчавий фарқ уларнинг инсон миёсида ҳам турли тарзда акс этишини таъминлайди, деган мантиқ ётади [7]. Феълларнинг афазияга чалинган кишилар учун қийинчилик туғдириши феълларнинг лисоний хусусиятлари, жумладан, аргумент структураси (яъни феълнинг нечта аргумент олиши), ўтимли-ўтимсизлиги, отдан ясалган-ясалмаганлиги билан ҳам боғлиқлиги тажрибавий тадқиқотларда исботланган. Масалан, феъл камроқ аргумент олса, уни қўллаш афазик бемор учун осонроқ кечади, икки ёки ундан ортиқ аргументли феъллар афазиклар учун қийин бўлади [13].

Р.Аляҳя, А. Халай, П.Конрой, М.Ламбонлар от ва феълнинг айтилиши ва тушунилишини тадқиқ қилганлар [1]. Бу тадқиқотда 48та афазияга чалинган бемор иштирок этган. Тажриба учун танлаб олинган сўзларнинг бари қўлланиш частотаси, тасаввур қилиниш даражаси, ўзлаштириладиган ёш, сўз узунлиги ва тасвирнинг визуал мураккаблиги каби психолингвистик омилларнинг тенг бўлишига эътибор қаратилган. Тадқиқот афазияга чалинган кишиларнинг натижалари ҳамда бу жараёнда уларнинг миёсида фаоллашган соҳаларга кўра тадқиқ қилинган. Тадқиқот хулосасида нейролингвистикада шу вақтгача кузатилган от ва феъл диссоциацияси психолингвистик белгиларга етарлича диққат қаратилмагани учун намоён бўлганлиги, аслида эса туркумларнинг қайта ишланишида шу вақтгача даъво қилиб келинган жиддий когнитив фарқ йўқлиги таъкидланган.

Биз ушбу тадқиқотда биринчи марта ўзбек тили мисолида аграмматик афазияда от ва феълларнинг айтилишини тажрибавий тадқиқ қилдик. Ўзбек тилидаги аграмматик спонтан нутқда от ва феъл диссоциацияси кузатилмаган [2; 3; 4]. Ўзбек тилидаги афазияда от ва

фeъл диссоциацияси бўладими деган саволга жавоб топиш учун мазкур масалани бошқа тажриба усуллари билан ҳам текшириб кўриш керак. Шу мақсадда биз нейролингвистикада кенг қўлланадиган расмнинг номини айтиш тажриба усулидан фойдаландик. Шу пайтгача қилинган тадқиқотларга асосланган ҳолда биз ўзбек тилидаги аграмматик афазияда от ва фeъл диссоциацияси йўқ деган гипотезани олдинга сурамиз. Шу билан бирга тадқиқотимизнинг мақсади ўзбек тилида от ва фeълнинг айтилишида қайси психоллингвистик омиллар муҳим роль ўйнашини аниқлашдан иборат.

Усуллар

Тажриба иштирокчилари. Тадқиқотимизда ўзбек тили она тили бўлган, эфферент-моторли афазия диагнозига эга, ёши 48-75 оралиғида бўлган 4 киши ҳамда соғлом, ёши 44-70 ёш оралиғида бўлган, ўзбек тилини она тили сифатида қўлловчи 7 киши иштирок этдилар.

Тажриба материали. Иштирокчиларга қора қаламда чизилган, предмет ҳамда ҳаракат тасвирланган (ҳар бири 50 тадан) жами 100 та расм кўрсатилди.

Берилган расмларда от туркумига оид сўзлар маъно гуруҳига мансублигига қараб тенг миқдорда (хайвонлар, паррандалар, шахс отлари, асбоб номлари, озиқ-овқат номлари) ўнтадан олинди. Фeъл туркумига оид сўзларни танлашда уларнинг ўтимли-ўтимсизлиги, асбоб билан бажарилувчи ҳаракатни ифодалаш, асбоб номини билдирувчи сўздан ясалганлиги, аргумент структураси каби хусусиятлари ҳисобга олинди. Битта фeълга бир вақтнинг ўзида бир қанча хусусиятлар хос бўлгани учун ҳар бир параметр бўйича фeълларнинг сонини тенг миқдорда олиш қийинроқ. Бизнинг тадқиқотимизда 50 та фeълнинг 36таси ўтимли, 24таси ўтимсиз, асбоб билан боғлиқ фeъллар 24та, асбоб номидан ясалган фeъллар 15та, қўшма фeъллар 11та, 2 аргументли фeъллар 34та, 1 аргументли фeъллар 16тани ташкил этди.

Тажриба жараёни. Ҳар бир иштирокчига аввал предмет расмлари кўрсатилди. Расмдаги нарсанинг номини айтиш сўралди. Иштирокчининг жавоби ҳам аудио, ҳам жавоблар варақасига қайд қилиб борилди. Ҳаракат тасвири кўрсатилганда ҳаракатнинг номини айтиш сўралди. Жавоблар бунисида ҳам диктофонга ва жавоблар варақасига қайд қилинди.

Натижалар ва мунозара

Тажриба натижалари. Тажрибанинг соғлом иштирокчилари от туркуми бўйича 50 тадан 39-49 та оралиғида тўғри жавоб берган бўлиб, ўртача қиймат 46ни ташкил этади. Фeъл туркуми бўйича 36-49 та оралиғида тўғри жавоб берилган, ўртача қиймат 44. Афазияга чалинган иштирокчилар эса от туркуми бўйича 25-38 оралиғида тўғри жавоб берганлар, ўртача қиймат 31,5; фeъл туркуми бўйича 23-34 оралиғида тўғри жавоб берганлар, ўртача қиймат 29,5.

Натижалардан кўриниб турибдики, соғлом иштирокчилар билан афазияга чалинган иштирокчилар ўртасида тўғри жавоблар миқдори бўйича катта фарқ бор. Шу билан бирга, назорат гуруҳи иштирокчиларининг кўрсаткичларида ҳам, тажриба гуруҳи иштирокчиларининг кўрсаткичларида ҳам от ва фeъл туркумларининг ўртасида фарқ деярли йўқ.

Тажриба натижалари таҳлили. Айтиб ўтилганидай, тажриба натижалари ўзбек тилидаги аграмматик афазияда от ва фeъл диссоциацияси йўқлигини кўрсатди. Мазкур натижа ўзбек тилидаги аграмматик спонтан нутқ таҳлилидаги натижалар билан уйғун [2; 3; 4]. Шундай бўлса-да, у ёки бу сўзнинг айтилишида маълум омилларнинг аҳамиятли эканини кузатдик.

Назорат гуруҳида от туркуми бўйича берилган жавобларда ғоз расми кўрсатилганда 7 иштирокчидан 4таси “ўрдак” деб жавоб берганлар. Ўрдак расми кўрсатилганда эса учтаси “ғоз” жавобини берган. Оққуш расми кўрсатилганда 7 иштирокчидан икки иштирокчи тўғри жавоб берган. Тўрттаси “ғоз”, биттаси “ўрдак” деб айтган. Улоқчанинг расми кўрсатилганда 5 иштирокчи “қўзичоқ”, биттаси “эчки” деб жавоб берган.

Тажриба гуруҳида ғоз расми кўрсатилганда 3 иштирокчи тўғри айтган, фақат бир иштирокчи “ўрдак” жавобини берган. Ўрдак расми кўрсатилганда икки иштирокчи тўғри жавоб берган, бир иштирокчи “ғоз”, бир иштирокчи эса “ўрдка” деган. Оққуш расми кўрсатилганда бир иштирокчи бу парранда номини русча “лебедь” деб айтган, қолган уч иштирокчи “ўрдак” деган.

Ананас расми кўрсатилганда тажриба гуруҳи иштирокчиларининг бирортаси ҳам тўғри жавоб бера олмаган. Иштирокчилар томонидан “киви”, “бананга ўхшаган”, “кактус” деган жавоблар берилган, бир иштирокчи бу сўзни умуман айта олмаган.

Асосий хатолар ғоз, ўрдак ва оққуш паррандаларининг номини айтишда рўй берган. Соғлом иштирокчиларнинг учтаси ғоз расмини кўрганда “ўрдак” жавобини бериб, ўрдак ва оққуш расмларининг кўрганда “ғоз” деб жавоб берапти. Бу ҳолат иштирокчилар онгида “ғоз”, “ўрдак” ва “оққуш” сўзларининг маъноси аниқ шаклланмаганлигини билдиради. Маълумки, ўзбек жамиятида мазкур паррандалар кенг тарқалмаган. Иштирокчиларимиз уларга ўз ҳаёти давомида кўп дуч келмаганлигидан ташқари мазкур сўзларни ҳам товук, хўроз сўзлари даражасида кўп қабул қилмаган. Бундан ташқари психолингвистикада сўзнинг ўзлаштирилиш ёши муҳим омил ҳисобланади. Мавжуд тадқиқотларнинг хулосаларига кўра, сўз қанча эрта ўзлаштирилган бўлса, у афазияга чалинган кишида бенуксон сақланиб қолади [6; 8]. Юқоридаги парранда номларининг адаштирилишида айнан шу омил муҳим бўлганини тахмин қилишимиз мумкин. Гарчи ўзбек тилидаги сўзларнинг неча ёшда ўзлаштирилиши юзасидан луғат ёки бирор маълумотлар базаси бўлмаса-да, ўзбек жамиятида ўрдак, ғоз, оққуш паррандаларининг кенг тарқалмаганлиги мазкур парранда номларининг нисбатан кейинроқ ўзлаштирилишини тахмин қилишимиз мумкин. Шунингдек, тажриба иштирокчилари томонидан ўрдакнинг ўрнига ғоз, ғознинг ўрнига ўрдак, оққушнинг ўрнига ғоз деб айтилиши психолингвистикадаги сўз ўзлаштиришнинг контекстга боғлиқ (context-bound) босқичига мисол бўла олади [10, 78]. Инсон янги сўзни ўзлаштирар экан, мазкур сўз дастлаб контекстуал маънога боғланади. Ушбу сўзнинг турли контекстларда қабул қилинишигина сўз маъносининг ўзлаштирилишига сабаб бўлади.

Ғоз, ўрдак, оққуш сўзларининг адаштирилиши реципиент онгида ушбу сўзлар маъносининг аниқ шаклланиб улгурмаганлигидан далолат беради ва бу сўзнинг ўзлаштирилиш ёши муҳим психолингвистик омил эканлигини яна бир бор исботлайди.

Отларнинг айтилишида семантик гуруҳларнинг аҳамияти қатор тадқиқотларда кўрсатиб ўтилган. Хусусан, Ж.Харт, Р.Берндт ва А.Карамача МД номли бемор мева ва сабзавотларни номини айтишда қийналганини қайд этганлар [11]. У бемор қадимги ҳисоблаш ускунаси абакнинг ёки Сфинкснинг расмини кўриб, номини айта олган, аммо нок ёки апельсиннинг расмига қараб уларнинг номини айта олмаган. Шунингдек, у бу номларни бошқа одам айтганда тушунган, ёзма шаклда берилган мева ва сабзавот номларини қийналмасдан синфларга ажрата олган, лекин расмга қараб таснифлаш сўралганда, МД бунинг уддалай олмаган. МДнинг мазкур кўрсаткичлари инсон миясида сўзларнинг семантик категорияга кўра гуруҳланишини исботлайди. Бизнинг тажрибамизда бу оққуш, ўрдак, ғоз сўзларининг адаштирилиши, улоқча сўзининг ўрнига кўзичоқ сўзининг айтилиши, ананас сўзининг ўрнига киви, банан сўзларининг айтилишида кузатилди. Шунингдек, иштирокчиларнинг индивидуал хатоларининг ичида ҳам семантик гуруҳ таъсирини кўриш мумкин: тойчоқ – ҳўтик, болға – болта, хўроз – ғоз, қулоқ – бурун, қулф – калит, чойнак – челақ, кучук – мушук, болға – омбур.

Шуни қайд этиш керакки, феълларнинг айтилишида бирор омил бошқасидан сезиларли даражада устунлик қилмаган. Тажриба натижаларининг статистик таҳлили феъл турларининг ўртасида жиддий фарқ йўқлигини кўрсатди. Шунга қарамай, айрим феълларнинг ҳам соғлом иштирокчиларда, ҳам афазияга чалинган иштирокчилар учун қийинчилик туғдирганини кўриш мумкин.

Хусусан, аксириш, йиғлаш каби феъллар тажриба иштирокчиларида бир оз қийинчилик туғдирган. Назорат гуруҳидан 6 киши аксириш феълини тўғри айта олган

бўлса, йиғлаш феълени иккита иштирокчи тўғри айтган, уларнинг учтаси “хафа бўлиш”, иккитаси “хўмрайиш” деб жавоб берган. Аграмматик иштирокчилар мазкур феълларни умуман айта олмаганлар. Ўрнига “шамоллаш”, “эснаш”, “тиш ювиш”; “хўмрайиш”, “қовоғини солиш”, “қувониш” каби феъллар айтилган.

Аграмматик иштирокчилар гуруҳида чапак чалиш, эснаш, йўталиш, шўнғиш каби феълларга фақат биттадан тўғри жавоб берилган. Соғлом иштирокчилар гуруҳида эснаш 5/7, йўталиш 5/7, шўнғиш 4/7, чапак чалиш 3/7 тўғри жавоблар берилган.

Мазкур феълларни бирлаштирувчи хусусият уларнинг барчаси бир аргументли эканлигидир. Расмни номлаш талаб қилинадиган тажрибаларда аргумент структурасининг таъсири кузатилмаганлиги бошқа тадқиқотларда қайд этилган [15]. Бизнинг тажрибамизда жами 16та бир аргументли феъл ишлатилган бўлса, улардан бтасидагина шундай ҳолат кузатилган. Қолган ухлаш, югуриш, кулиш, сакраш, чўмилиш, ўтириш, куйлаш каби феъллар 100 фоиз тўғри айтилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, тажрибамизда кузатилган аксириш, йиғлаш, чапак чалиш, эснаш, йўталиш, шўнғиш феълларининг афазияга чалинган иштирокчиларимиз учун қийинчилик туғдирганини улрнинг тасаввур қилиниш даражаси пастлиги билан изоҳлаш мумкин. Мазкур омилнинг аҳамиятли эканлиги психоллингвистик тадқиқотларда таъкидланган [7]. Сўзларнинг семантик билимлар тармоғи билан алоқасини таъминловчи ягона тизим мавжуд деб қаралади. Тасаввур қилиниш даражасининг таъсири шу тизимга тегишлидир. Сўзнинг фаоллашувидаги фарқлар сўз билан семантик билимни боғлаб турган маълумотлар миқдорига боғлиқ. Тасаввур қилиниш даражаси паст сўзлар эса контекстга кўпроқ боғланган бўлади [16].

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек тилидаги аграмматик афазияда от ва феъл диссоциацияси рўй бермайди. Афазияга чалинган иштирокчиларга расмга қараб от ва феъл туркумига оид сўзларни фаоллаштириш соғлом иштирокчиларга нисбатан қийинроқ кечади. Бу қийинчиликлар нейролингвистик тадқиқотларда тилга олинган сўзнинг ўзлаштирилиш ёши, тасаввур қилиниш даражаси каби омиллар таъсирини ўзида намоён қилади.

Адабиётлар рўйхати

1. Alyahya, R. S.W., Halai, A. D., Conroy, P., Ralph, M. A. L. (2018) Noun and verb processing in aphasia: Behavioural profiles and neural correlates. *NeuroImage: Clinical* 18 (2018), 215–230.
2. Azimova I. (2014) O'zbek tilidagi agrammatic spontan nutqda otlarning ifodalanishi. *Til va dabiyot ta'limi*. 9, 30-33.
3. Azimova I. (2015) O'zbek tilidagi agrammatik spontan nutqda fe'llarning ifodalanishi. *O'zMU xabarlari # 2*, 214-218.
4. Azimova I., Bastiaanse R. (2014) Verbs in Uzbek agrammatic spontaneous speech. *Stem-, Spraaken Taalpathologie*. Vol. 19, Supplement 1, pp. 116-119. <http://rjh.ub.rug.nl/sstp/article/view/13158/10658>
5. Bastiaanse, R. & Jonkers, R. (1998) Verb retrieval in action naming and spontaneous speech in agrammatic and anomie aphasia. *Aphasiology*, 12, 951-969.
6. Bastiaanse, R., Wieling, M. & Wolthuis, N. (2016) The role of frequency in the retrieval of nouns and verbs in aphasia, *Aphasiology*, 30:11, 1221-1239, DOI: 10.1080/02687038.2015.1100709
7. Bird, H., Howard, D., & Franklin, S. (2000). Why is a verb like an inanimate object? Grammatical category and semantic category deficits. *Brain and Language*, 72, 246–309.
8. Brysbaert, M. (2016). "Aphasia and age of acquisition: are early-learned words more resilient?". *Aphasiology*. **30** (11): 1240–1263.
9. Caramazza, A., & Hillis, A. (1991). Lexical organization of nouns and verbs in the brain. *Nature*, 349, 788–790.
10. Clark, E.V. (2009) *First language acquisition*. Cambridge University Press, 504.

11. Hart, J., Berndt, R. S., & Caramazza, A. C. (1985). Category-specific naming deficit following cerebral infarction. *Nature*, 316, 439–440. PubMed Google Scholar.
12. Holmes, J. M., Marshall, J. C., & Newcombe, F. (1971). Syntactic class as a determinant of word-retrieval in normal and dyslexic subjects. *Nature*, 234, 418.
13. Rapp, B., & Caramazza, A. (1998). A case of selective difficulty in writing verbs. *Neurocase*, 4, 127–140.
14. Thompson C.K. (2003) Unaccusative verb production in agrammatic aphasia: the argument structure complexity hypothesis. *Journal of Neurolinguistics*, 16, 151–167.
15. Thompson, C. K., Lange, K. L., Schneider, S. L., & Shapiro, L. P. (1997). Agrammatic and nonbrain-damaged subjects' verb and verb argument structure production. *Aphasiology*, 11, 473–490.
16. Westbury CF, Cribben I and Cummine J (2016) Imaging Imageability: Behavioral Effects and Neural Correlates of Its Interaction with Affect and Context. *Front. Hum. Neurosci.* 10:346. doi: 10.3389/fnhum.2016.00346
17. Zingeser, L. B., & Berndt, R. S. (1990). Retrieval of nouns and verbs in agrammatism and anomia. *Brain and Language*, 39, 14–32.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

О‘ЗБЕК MUSIQA SAN’ATI ISLOHOTLARI VA SHASHMAQOM

Dadayev Shomurod Shokarimovich

O‘zDSMI " Milliy qòshiqchilik" kafedrası òqıtıvchısı

Annotatsiya: Ushbu maqolada o‘zbek xalq musiqa san’ati uning jamiyatda tutgan o‘rni xususida fikr-mulohazalar bildirib o‘tilgan. Shuningdek, o‘zbek xalq musiqa san’atida milliy sozlarning o‘rni va shashmaqom haqida batafsil ma’lumotlar keltirib o‘tilgan.

Kalit so‘z: musiqa san’ati, milliy soz, qadriyat, milliy meros, shashmaqom, madaniyat hayot, islohot

РЕФОРМЫ УЗБЕКСКОГО МУЗЫКАЛЬНОГО ИСКУССТВА И ШАШМАКАМ

Дадаев Шомурод Шокаримович

Преподаватель кафедры «Национальное пение» ЎзДСМИ

Аннотация: В данной статье рассматривается роль узбекской народной музыки в жизни общества. Также имеется подробная информация о роли национальных слов в узбекской народной музыке.

Ключевые слова: музыка, национальный язык, ценности, национальное достояние, шашмаком, культура, жизнь, реформа.

UZBEKI MUSICAL ART REFORMS AND SHASHMAQAM

Dadayev Shomurod Shokarimovich

Teacher of the "National Singing" department of UzDSMI

Annotation: This article discusses the role of Uzbek folk music in society. There is also detailed information about the role of national words in Uzbek folk music.

Keywords: music, national language, values, national heritage, shashmaqom, culture, life, reform

Yosh avlodga berayotgan bilimimiz vanimiz kelajagi uchun bir poydevor hisoblanadi. Biz poydevorni qanchalik mustahkam qilsak, u shunchalik chidamli, har qanday vaziyatda qulamaydigan, yillar o'tsada o'z haybati bilan lol qoldiradigan bir ko'rinish kasb etadi. Bugungi kunda Prezidentimiz tomonida o'tkazilayotgan islohatlar, farmon va farmoyishlar shu poydevorni imkon qadar mustahkamlash uchun qilinayotgan harakatlardir. Bugungi kunda global maydonda kechayotgan tahlikali jarayonlarga nisbatan faqat mustaqil va qat'iy yondashuvga ega bo'lgan, ma'naviy va jismoniy barkamol yoshlargina qarshi tura oladi.

O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Harakatlar strategiyasida belgilangan yoshlarga oid davlat siyosatini takomillashtirish, yoshlarning huquq va manfaatlarini himoya qilish, ularning barkamol bo'lib voyaga yetishi uchun zarur shart-sharoitlar yaratish borasida bir qancha muhim hujjatlar qabul qilindi, amaliy ishlar yo'lga qo'yildi, muayyan natijalarga erishildi. Shunday bo'lsa ham, bu borada bajariladigan ishlar hamisha keng ko'lamlı bo'lib, o'z dolzarbligini saqlab qolaveradi.

Shu bilan birga O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 2019-yilning 19-mart kuni 5 ta muhim tashabbusini ilgari surgan edi.[1]

Birinchi tashabbus - yoshlarning musiqa, rassomlik, adabiyot, teatr va san'atning boshqa turlariga qiziqishlarini oshirishga, iste'dodini yuzaga chiqarishga xizmat qiladi.

Ikkinchi tashabbus - yoshlarni jismoniy chiniqtirish, sport sohasida qobiliyatini namoyon qilishlari uchun zarur sharoitlar yaratishga yo'naltirilgan.

Uchinchi tashabbus - aholi va yoshlar o'rtasida kompiyuter texnologiyalari va internetdan samarali foydalanishni tashkil etishga qaratilgan.

To'rtinchi tashabbus - yoshlar ma'naviyatini yuksaltirish, ular o'rtasida kitobxonlikni keng targ'ib qilish bo'yicha tizimli ishlarni tashkil etishga yo'naltirilgan.

Beshinchi tashabbus - xotin-qizlarni ish bilan ta'minlash masalalarini nazarda tutadi.

Oiladagi bu tarbiya maktabda izchil davom ettirish uchun nima qilmoq kerak? Bu savolga Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tomonidan ilgari surilgan 5 tashabbus g'oyasidan aniq javob topamiz. Bu tashabbuslar zamirida qanchalik ezgu maqsadlar mujassam ekanini uning mohiyatini to'g'ri tushunganlar teran his etadi. Xo'sh bu borada bugungi kunga qadar qanday ishlar qilindi va ular biz uchun qanday imkoniyatlarni vujudga keltirdi?

Jumladan, yoshlarning musiqa, rassomlik, adabiyot, teatr va san'atning boshqa turlariga qiziqishlarini oshirishga, iste'dodini yuzaga chiqarishga qaratilgan birinchi tashabbus doirasida 779 563 nafar o'quvchilar to'garaklarda ishtirok etishmoqda. Bundan tashqari, maktablarda 2108 ta havaskor yoshlar teatr studiyalari tashkil etilib, 198 698 nafar o'quvchilar jalb etildi.[2]

Davlatimiz rahbari tomonidan yosh avlodni tarbiyalash ishlariga bunday aniq va maqsadli yondashuv, tizimli va tartibli qat'iy munosabat barcha soha vakillarini, shuningdek, keng aholi qatlami, ayniqsa, yoshlarni yanada sergaklantirib, daxldorlik hissi va mas'ulligini oshirmoqda. Oliy hamda ezgu maqsadlar sari bir yoqadan bosh chiqarib, birgalikda harakat qilish, o'zaro qo'llab-quvvatlash orqali yuqori natijalarga erishish, yurt taraqqiyotiga munosib hissa qo'shishga undamoqda.

Qator mamlakatlarda maktab hamda maktabdan tashqari tashkil topgan o'quv jarayoni, uning shakl va usullari shubhasiz, katta qiziqish uyg'otmoqda. Jahonning ko'pgina mamlakatlarida yosh avlodga musiqiy tarbiya berish ishlari umumdavlat ahamiyatga ega bo'lib, shaxsni shakllantirishning muhim vositasi hisoblanadi. Har bir mamlakatning musiqa tarbiyasi g'oyaviy-siyosiy jihatdan xalqning sotsial tuzumiga xizmat qiladi.

Har bir xalqning maorifida musiqa tarbiyasi metodikasi pedagogikaning didaktik qonuniyatlariga va shu xalqning milliy musiqa madaniyati, tili va madaniy an'alariga asoslanadi. Shu bilan birga musiqa tarbiyasning strukturasi, sistemasi (tizimi) va ilmiy-metodik yutuqlar boshqa millatning ma'rifiy madaniyatiga ham ijobiy ta'sir etadi.[3]

Jamiyatimiz taraqqiyotida ma'naviy va jismoniy sog'lom avlodni tarbiyalash bugungi kunda bizning eng ustuvor vazifalarimizdan biri sanaladi. Zeroki qator aytilgan bu fikrlar zamirida har doimgidek yoshlar turadi, sababi ularning bugungi kundagi olgan ta'lim- tarbiyasi nafaqat o'zlari uchun balki yurtimiz taraqqiyoti uchun eng muhim poydevordir. Hurmatli Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev bejizga "Agar mendan sizni nima qiynaydi" deb so'rasangiz, farzandlarimizning ta'lim va tarbiyasi deb javob beraman" - degan purma'no fikrlari fikrimiz yaqqol dalilidir. Biz yashab turgan

jamiyat taraqqiyotida musiqa va san'atning o'rni beqiyosdir. Har bir millat va elatlarni birlashtiradigan an'analarimizni mustahkamlaydigan ham mana shu hisoblanadi. Har qanday ko'ngilni o'ziga rom eta oladigan, insonlarni qalbiga ezgulik urug'ini ekib boshqa yomon illatlarga qarshi kurashadigan ham musiqa desak mubolag'a emas. Shu o'rinda o'z-o'zidan sezilib turibdiki musiqa san'ati qanchalik beqiyosligi hamda tarbiyaviy jihatdan ham katta ahamiyatga ega ekanligini.

Musiqaning inson ruhiyatiga ta'sir qilish borasida keng imkoniyatlar qadimdan musiqa ustalari, mutafakkirlar va olimlar diqqatini o'ziga jalb qilgan. Ular musiqa san'atining insonlarni shaxs sifatida shakllanishiga ta'sir qiladigan xususiyatlarini aniqlashga urinishgan. Darhaqiqat jahon fani ravnaqiga ulkan hissa qo'shgan buyuk ajdodlarimiz komil insonni tarbiyalashda musiqa o'rnini chuqur anglab, shaxs kamolotidagi ahamiyatini o'z asarlarida, pedagogik qarashlarida tadqiq qilib bizga beqiyos manbalar qoldirganlar. Buyuk mutafakkirlar Al Forobiy, Abu ali Ibn Sino, Abdulqodir Marog'iy, Sharafiddin ali Yazdiy, Mahmud Qoshg'ariy, Ahmad Yugnakiy, Sadiy Sheroziy, Abdurahmon Jomiy, Kavkabi, Darveshali Changiy, Komil Xorazmiy, Alisher Navoiy, Zahridin Muhammad Bobur kabi allomalarning qator asarlarida keltirilgan musiqaga oid ma'lumotlar bugungi kunda o'z ilmiy, nazariy hamda tarbiyaviy jihatdan yosh avlodni tarbiyalash jarayonida eng dolzarb va eng kerakli maba ekanligini ko'rishimiz mumkin.

O'ylashimcha musiqa tarbiyasini avvalo oiladan boshlash eng maqul yo'l sanaladi. Sababi shundaki musiqaga qiziqish oiladagi muhitga juda bog'liq. Agar oilada o'zaro san'atga bo'lgan munosabat yuqori ruhda, baland ishtiyoq hamda hurmatda bo'lsa bolada o'z-o'zidan qiziqish, ijtimoiy-psixologik muhit paydo bo'ladi.[4]

Ma'lumki yaxshi oilaviy muhitda tarbiyalangan bolaning hayot haqidagi turli voqea-hodisalar, urf-odat, madaniyat va san'atga oid taassurotlari ko'pincha ijobiy kechadi. Oiladagi birlikda televizor ko'rish, konsert tomosha qilish, teatr tomosha qilish va o'z taassurotlarini o'rtoqlashish kabi muloqotlar bolalar dunyoqarashini o'stirib, hayotiy voqealarni aks ettiruvchi adabiyot, san'at musiqani mohiyatini tushunish va badiiy idrok etishga olib keladi.

Xususan eng avvalo musiqaga oilaviy muhiti yiroq bo'lgan bolalarni qiziqitish uchun ham va qiziqqan bolalarni yanada dunyoqarashini oshirish uchun ham o'rta ta'lim maktablarida, Maktabgacha ta'lim muassalarida san'at ustalari bilan ijodiy uchrashuvlar ko'ngilochar tadbirlarni tashkillashtirish ularning musiqa haqidagi tasavvurlarini kengaytirish, o'quvchi yoshlarning qiziqishini o'stirib, bo'sh vaqtlarini behuda sarflamasliklarini oldini olishimiz mumkin. Bejizga davlatimiz rahbari Sh. Mirziyoyev bugungi kunda yurtimizda amalga oshirilayotgan: "Besh muhim tashabbus"ni joriy qilmaganlar. Aynan shu besh tashabbusimizning birinchi yo'nalishi musiqa va san'atga bag'ishlangan. Mana shundan ham ko'rinib turibdiki musiqa yosh avlod tarbiyasida o'rni kattaligini.

Biz insonning ruhiy kamoloti haqida gapirar ekanmiz, albatta bu maqsadga musiqa san'atisiz erishib bo'lmaydi.

- a) Musiqa - o'z tabiatiga ko'ra hissiy va ruhiy kechinmalar uyg'otuvchi;
- b) Musiqa - kishilarda nozik didni tarbiyalovchi;
- c) Musiqa - tinglovchini ham, ijrochini ham nafosatga, ma'naviy barkamolikka undovchi kuchli vosita.

Ko'pchilik yaxshi biladiki, ertaklarda qahramon musiqa orqali ulkan dev yoki ilonni sehrlab, uning changalidan o'zi yoki sevgan qizini xalos etadi. Bunday voqealar rivojida musiqa orqali ifodalab, ochib beradi. Chuqurroq nazar tashlaydigan bo'lsak, buning zamirida musiqa ko'ngilni ezgulikka undovchi san'at ekani o'z aksini topgan. Musiqa ashula va raqs tarkibida ham vujudga keladi. Keyinchalik esa badiiy ijodning turiga aylanadi. U o'ta o'ziga xos badiiy ifoda "til" ga ega bo'lib maxsus ishlab chiqilgan va tanlab olingan tovushlar ana shu "til" ning manba'idir. Albatta musiqa shaxsni shakllantirish, uning ijobiy fazilatlarini o'z-o'zidan belgilab bermaydi. Biz aytmoqchi bo'lgan

fikr shundayki musiqaning g'oyaviy mazmuni nafaqat yosh avlod balki butun insonyat tarbiyasi bilan bog'liqdir.[5]

Bolalar tomonidan musiqaning idrok etilishi avvalo milliy musiqamizni idrok etishdan boshlanishi lozim. Milliy istiqloq sharofati bilan milliy musiqiy merosimizga milliy-ma'naviy qadryatlarimiz qatorida alohida e'tibor berila boshlandi. Endilikda biz xalqimizning ajoyib, xilma-xil va bir biridan go'zal mahalliy musiqiy an'analarini tinglab idrok etish va ulardan ma'naviy zavq olish, ruhiy bahramand bo'lish imkoniga ega bo'ldik. Milliy musiqa xalqimiz boy ma'naviyatining, barkamol ruhiyatining sadolardagi go'zal badiiy ifodasi bo'lish bilan bir qatorda yangi, buyuk davlat bunyodkorligi yo'lida tinmay mehnat qilatotgan xalqimizga, jamiyatimiz ma'naviy ruhiy quvvat bag'ishlovchi muhim vosita bo'lib xizmat qiladi.

Musiqaning ana shunday o'tkir tarbiyaviy kuchidan foydalanish, san'at vositasida yosh avlodning ma'naviy dunyoqarashini shakllantirish, ularda yuksak axloqiy sifatlarni tarbiyalash umumta'lim maktablari zimmasidagi eng muhim va doim dolzarb bo'lgan vazifalardan biridir. Davlatni ijtimoiy-iqtisodiy, madaniy va ma'naviy jihatdan rivojlantirish hamda mustaqilligimizni yanada mustahkamlashda o'tmish me'rosimiz milliy musiqa merosimiz o'rni alohida.

Ma'lumki biz bugungi kunda butun dunyo shiddat bilan o'zgarayotgan fan-texnika, innovatsiyalar asrida yashayabmiz. Fan texnika qanchalik tez o'zgarsa bizning hayotimizda tutgan o'rni shunchalik muhim bo'lib boraveradi. Xuddi shunday bu albatta yurtimizda ta'lim sohasiga ham o'z ta'sirini ko'rsatmoqda. Bugun har bir pedagog o'qituvchi darslarini ana shunday samarali o'tkazish uchun bundan foydalanmoqda. Bu borada aynan musiqa fanida chinakam musiqa na'munalari va ularda ilgari surilgan ezgu g'oyalar yosh avlodga singdirilmoqda va o'zining ijobiy natijasini beradi.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, musiqa tarbiyasi shaxs sifatida shakllanayotgan bolalarning qalbida milliy ruhni kamol toptirish, ma'naviy va axloqiy madaniyatni musiqiy didni shakllantirish, musiqiy tasavvurlarini yanada boyitish hamda ularda vatanparvarlik, insonparvarlik tuyg'ularini, tashabbuskorlik qobiliyatlarini kamol toptirishdir.

FOYDALANGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 2019-yilning 19-mart kuni 5 ta muhim tashabbusi;
2. "Milliy musiqa ijrochiligi masalalari", Fattohxon Mamadaliyev, Toshkent-2021;
3. Matyakubov Sh. "Ansambli ijrochiligi uslubi" T.: 2022 y
4. Talaboev, A., Akbarov, T., & Haydarov, A. The European Journal of Arts, Issue 1/2020.
5. Talaboev, A. (2021). O'zbek xalq musiqa ijrochiligi san'atida maqom janrini tiklash va rivojlantirish omillari. *Oriental Art and Culture*, 2(4), 325-333.
6. Ibragimov X. I va boshqalar. Musiqa pedagogikasi. O'quv qo'llanma. – T.: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti. 2017 y.
7. Xo'jayev N. va boshqalar. Pedagogika asoslari. – T.: 2022. -120 bet
8. <http://www.edustorng.ru/main/book/pedagogtechno.htm>
9. www.ziyonet.uz.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

To‘rayeva Dildora Anvarovna,
M.Ulug‘bek tumani 308-umumta’lim maktab o‘qituvchisi

SHAXS XARAKTERINING NUTQDA VOQELANISH MEXANIZMI



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2024-6>

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada turli temperamentga ega shaxslar nutqi psixolingvistik koeffitsiyentlar asosida o‘rganildi. Treyger koeffitsiyentida fe‘llar miqdorining sifatlar miqdoriga nisbati; Harakatning predmetlashganligi koeffitsiyenti asosida nutqda uchraydigan fe‘llar miqdorining otlar miqdoriga nisbati tajribaviy tadqiq qilindi. Shaxs nutqida lisoniy imkoniyatlardan amaliy foydalanishda aks etadigan nolisoniy omillar: ekspressivlik va uning nutqda namoyon bo‘lishi, nutq vaziyati, nutq maqsadi, nutq vaqtiga bog‘liq ravishda leksemalardan foydalanish natijasida nutqda yuzaga keladigan aniqlik va mavhumlik tushunchalari turli temperamentda o‘ziga xos ekanligi o‘rganildi.

Kalit so‘zlar: ekspressivlik, nutqiy faoliyat, temperament, Treyger koeffitsiyenti, Harakatning predmetlashganligi koeffitsiyenti, fe‘l, ot.

Turayeva Dildora Anvarovna,
Teacher of 308th secondary school of M.Ulugbek district, Toshkent city

THE MECHANISM OF PERSON’S CHARACTER IN SPEECH

ANNOTATION

In this article, the speech of people with different temperaments was studied on the basis of psycholinguistic coefficients. The ratio of verbs in the Treyger coefficient to the amount of adjectives; Based on the objectivity coefficient of the action, the ratio of verbs in speech to nouns were investigated experimentally.

Non-linguistic factors reflected in the practical use of linguistic possibilities in a person's speech: expressiveness and its manifestation, speech situation, purpose of speech, peculiarities of clarity and abstraction in different temperaments resulting from the use of lexemes that depend on the time of speech were studied.

Keywords: expressiveness, speech activity, temperament, Treyger coefficient, objectivity coefficient of action, verb, noun.

Тураева Дилдора Анваровна,
М.Улугбекский район, город Ташкент,
учитель средней школы 308-й

МЕХАНИЗМ ЛИЧНОГО ХАРАКТЕРА В РЕЧИ

АННОТАЦИЯ

В данной статье речь людей с разными темпераментами изучалась на основе психолингвистических коэффициентов. Отношение количества глаголов в коэффициенте Трейгера к количеству прилагательных; исходя из коэффициента объективности действия, отношение числа глаголов в речи к числу существительных изучалось экспериментально. Нелингвистические факторы отражаются в практическом использовании лингвистических возможностей в речи человека: выразительность и ее проявление в речи, речевая ситуация, назначение речи, ясность и абстракция в речи в результате использования лексем в зависимости от времени речи.

Ключевые слова: выразительность, речевая активность, темперамент, коэффициент Трейгера, коэффициент объективности действия, глагол, существительное.

Kirish. Ekspressivlik (tilshunoslikda) — til birligining semantikstilistik belgilari majmui; til birligining aloqa soʻzlashuv jarayonida soʻzlovchining nutq mazmuniga yoki nutq qaratilgan shaxsga nisbatan subyektiv (ijobiy yoki salbiy) munosabatining ifoda vositasi boʻla olishini taʼminlaydi. "Ekspressivlik" terminini fanga rus olimi N. V. Timofeyev Resovskiy kiritgan (1927).

Ekspressivlik tilning barcha sathlari birliklari uchun xosdir. Fonetik ekspressiv vositalar sifatida soʻz tarkibidagi undoshlardan birining qoʻshaloq holda yoki biror unlining choʻziq talaffuz etilishi, urgʻuning oʻrnini oʻzgartirish kabilarni koʻrsatish mumkin. Morfologik vositalar sifatida keng miqyosdagi erkalash-kichraytish qoʻshimchalari (subyektiv baho ifodalovchi qoʻshimchalar)ni koʻrsatish mumkin (oyi-oyijon, uka-ukaginam va boshqalar). Leksik ekspressiv vositalarga oʻz haqiqiy maʼnosidan tashqari uslubiy (salbiy yoki ijobiy) boʻyoqqa ega boʻlgan soʻzlar, undov soʻzlar va kuchaytiruv yuklamalari kiradi (masalan, "qiltiriq" soʻzi ozgʻinlikni salbiy jihatdan ifodalaydi, baholaydi). Sintaktik sathda esa ekspressivlik odatdagi soʻz tartibini oʻzgartirish, elliptik tuzilmalardan foydalanish, soʻz takrorlari orqali taʼminlanadi[1].

Inson nutqi va unda aks etadigan ekspressiv holatlar tahlili oʻta murakkab jarayon boʻlib, bu muammo bilan shugʻullanish, nafaqat tilshunoslik, balki madaniyatshunoslik, psixologiya, tibbiyot, sotsiologiya psixolingvistika, neyrolingvistika, pragmalingvistika, kognitiv tilshunoslik kabi fanlarning ham obyektidir. Aynan his-tuygʻular muayyan individnigina emas, u mansub boʻlgan etnik, ijtimoiy guruh va hatto xalqning oʻziga xos jihatlarini aks ettiradi. Ayniqsa, hozirgi globallashuv jarayonida turli millat vakillarining obyektiv bilimlari bir-biriga juda yaqin keladi.

"Psixolingvistika" termini birinchi marta amerikalik psixolog N.Pronko tomonidan 1946-yilda ilmiy muomalaga kiritilgan. "Psixolingvistika" psixologiya (yunon. psyche "ruh") va lingvistika (lotin. lingua "til") kesishgan nuqtadagi metafan, yaʼni psixologiya va lingvistikaning sintezi hisoblanadi. 1953-yilda AQShning Blumington shahridagi Indiana universiteti huzuridagi Lingvistika va psixologiya qoʻmitasi tomonidan tashkil etilgan universitetlararo seminarda psixolingvistika mustaqil fan sifatida eʼlon qilindi[2]. Tilshunoslik va psixologiya mushtarakligi zaminida yuzaga kelgan bu soha til va nutq aspektiga antroposentrizm nuqtayi nazaridan yondashishni taqozo etadi. Yaʼni inson lisoniy va nutqiy faoliyati bevosita psixik holati bilan bogʻliq jarayondir. Nutqiy faoliyat psixologiyasi yuzasidan koʻpgina olimlar ish olib borganlar: N.I.Jinkin, A.N.Sokolov, A.N.Leontev, L.S.Vigotskiy, L.A.Chistovich, D.I.Ramishvili, Y.L.Ginzburg shular jumlasidandir[3].

Dastlab tilni inson ruhiyatining namoyon boʻlishi deb baholagan mualliflardan biri V.fon Humbolt edi. U tilni oʻlik mahsulot emas, balki doimiy tugʻilish natijasidir, deya qaraydi[4]. Rus psixologi L.S.Vigotskiy fikrni soʻzga toʻyinib turgan bulutga oʻxshatadi. U fikr ifodalanmaydi, balki soʻzda namoyon boʻladi, - degan gʻoyalarni ilgari surgan[5]. Haqiqatan ham, tilda barcha leksemalar tayyor holda boʻladi va biz uni yomgʻir tomchilaridek nutqda alohida-alohida voqelantiramiz.

Professor N.Mahmudovning quyidagi fikrlariga eʼtibor qaratish lozim: "Tilni faqat va faqat kishilar oʻrtasidagi aloqa vositasi sifatida talqin etish insonning tabiiy tilini, bu murakkab va muhtasham hodisani, eng kami, joʻnlashtirishdan, aniq bir milliy qiyofa yoki milliy-ruhiy zamindan mosuvo boʻlgan sunʼiy tilga (masalan, esperanto kabi) tenglashtirishdan. Yoʻl harakatini

tartibga solish maqsadida yaratilgan shartli “til”ga baravarlashtirishdan boshqa narsa emas... Holbuki, odamlar til vositasida tuyg‘u va kechinmalari, quvonch va qayg‘ulari, hayrat va hayronliklari, qalbdagi huzurlari kabi xilma-xil sezgilarni ham ifodalaydilar, bular hamisha ham sof kommunikativ maqsadlarni ko‘zda tutmaydi”[6].

Lisoniy birliklar bamisoli Mendeleyev davriy sistemasidagi kimyoviy elementlar majmuidir. Borliqda kimyoviy elementlar sof holda uchramaganligi singari, lisoniy birliklar ham nutqda o‘z-o‘zicha mavjud bo‘la olmaydi. Lisoniy birliklar nutqda shunchaki ketma-ketlik munosabati asosida bog‘lanib qolmay, balki pragmatik unsurlar bilan ham o‘ziga xos ravishda munosabatga kirishadi. Boshqacha aytganda, nutq vaziyati, muhiti, so‘zlovchi va tinglovchining xususiyati, holati lisoniy birliklarni nutqqa xoslovchi, moslashtiruvchi omillar sifatida namoyon bo‘ladi[7]. Shunday ekan, nutq nafaqat pragmatik, balki psixologiya, psixolingvistikaning ham o‘rganish obyekti sanaladi

Psixologik konstantlarning tildagi aksi bo‘lgan emotsional konseptlar Jeneva tilshunoslik maktabining eng yorqin namoyondalaridan bo‘lgan Sh.Balli tilda affektiv faktorning o‘rniga e‘tibor bilan qaragan. Uningcha, insonlarning ko‘pchiligida hissiyot aqldan ustun turadi va bu holat nutqda, albatta, aks etadi. Uningcha, tilda affektiv faktor 2 maqsadga xizmat qiladi:

1. Inson subyektiv dunyosini aks ettiradi.
2. Kommunikatsiyaning boshqa a‘zolariga ta‘sir ko‘rsatadi.

Har bir fraza “ikki qavatli” bo‘lib, birinchi qavat axborot, ikkinchisi esa subyektning informatsiyaga munosabatidir. Aslini olganda, Qadimgi Yunoniston tilshunoslari aniqrog‘i, stoiklar nutqni ikkiga: tashqi nutqqa va ichki nutqqa bo‘lib o‘rgandilar.[8] Bu esa qadim davrlardan oq nutqda “qavatlilik” borligini isbotlaydi.

Bu xil qarashlar boshqa tilshunoslardan ham bayon qilingan bo‘lib, nemis tilshunosi K.Byuller diqqatga sazovor fikrlar aytgan. U o‘zining “Til nazariyasi” asarida lisonning uch vazifasi haqida gapiradi:

- 1) Darstellung – “bayon, tasvir” predmet yoki hodisaning ifodalanishi;
- 2) Ausbruk – “ifodalash ekspressivlik” axborot uzatuvchining shaxsiy xususiyatlarining ifodalanishi;
- 3) Appell – “murojaat” axborotni qabul qiluvchiga ta‘sir ko‘rsatish va uning xatti-harakatini boshqarish.

Shaxsning lisoniy imkoniyatlardan amaliy foydalanishi so‘zlovchi hamda tinglovchining shaxsiy sifatleri, nutq maqsadi, uning turlari(oshkora yoki yashirin), shakllari(xabar so‘roq, buyruq, iltimos, maslahat, va‘da berish, salomlashish, so‘rashish, xayrlashuv, uzr, tabrik, shikoyat kabilar), nutq strategiyasi va taktikasi, nutq odobi, muloqot madaniyati, so‘zlovchi yoki tinglovchining dunyoqarashi, bilim darajasi, qiziqishlari kabi qator nolisoniy omillar bilan mushtarak holda yuzaga chiqadi[9]. Darhaqiqat, lisoniy imkoniyat ijtimoiy hodisa bo‘lganligi sabab uning birliklari ham nutqiy voqelanishda turli pragmatik omillar ta‘sirida yuzaga keladi. Masalan, “voy” undov so‘zini turli pragmatik omillar asosida yuzaga keltirish mumkin. Inson hayratlanish, achinish holatida, dard chekkanda, boshqacha aytganda, to‘y va aza marosimlarida “voy” undov so‘zini salbiy yoki ijobiy semasini voqelantiradi. Demak, lisoniy imkoniyat sifatida umumiylik, takroriylik kasb etsa, nutqiy voqelanganda pragmatik omillarga ko‘ra xususiylashadi. Bu esa so‘zlovchining nutqiy faoliyatining sifatini oshiradi. Inson mustaqil fikrlash va turli vaziyatga ko‘ra so‘zlardan o‘rinli foydalanish ko‘nikmasini shakllantiradi.

Lison va nutq dixotomiyasi bilan shug‘ullangan tilshunoslarning ta‘kidlashicha, lisoniy imkoniyat nutqda me‘yor asosida voqelanadi, shu bilan birga, nutqqa nisbatan “obrazsiz” hamda “jonsiz”dir. Nutqning obrazliliklari esa pragmatik omillar asosida vujudga keladi, lisoniy imkoniyatni “jonlantiruvchi” hodisalar majmui sifatida qaraladi[10]. Lisoniy imkoniyatlar nutqda voqelanar ekan, endi u xususiylashadi, nafaqat pragmatik omillar ta‘siri, balki so‘zlovchining dunyoqarashi, psixik holatini ham o‘zida namoyon etadi.

Olimlar tomonidan nutqiy voqelikni tahlil qilish masalasida psixolingvistik ko‘rsatkichlar aniqlanganki, ular nutqda ishtirok etgan so‘z turkumlarining miqdoriga ko‘ra inson ruhiy holati, fikrlashidagi aniqlik va mavhumlikni belgilaydi.

Psixolingvistik koeffitsiyentlar: Treyger koeffitsiyenti (KT), harakatning predmetlashganligi koeffitsiyentlari (HPK) va direktivlik koeffitsiyenti (KD) bo‘lib, ular inson nutqida ishtirok etadigan so‘z turkumlari nisbati va miqdoriga ko‘ra tahlilni taqozo etadi[11].

KT – bu matn birligida berilgan fe‘llar miqdorining sifatlar miqdoriga nisbatini belgilaydi. Uning qiymati barqaror bo‘lmasdan ayni subyektning ayni paytdagi amaliy harakat va faollikka, refleksiya va passivlikka tayyorligiga ishora qiladi. KT emotsional barqarorlik darajasi va emotsional regulyatsiyaning ko‘rinishi bilan bog‘liq. KT me‘yorda 1 ga yaqin bo‘ladi. Uning ko‘payishi bosh miyadagi organik buzilishlarda, vasvasalarda, affektiv holatlarda, obsessiv-fobik buzilishlarda, stenik ko‘rinishidagi kechinmalar mavjudligida kuzatiladi va aktiv harakatlarga moyil odamlarga xos bo‘ladi. Aleksitimiya belgisi sanaladi. KT pasayishi defitsitar psixopotalogik simptomatikada, dissotsiativ buzilishlarda, somatizatsiyalashgan patologiya, asteniya ko‘zga tashlanadi; shaxsdagi jur‘atsizlik, tobe‘lik, serxavotirlilik kabi xususiyatlarga ishora qiladi[12].

HPK – bu matn birligida berilgan fe‘llar miqdorining otlar miqdoriga nisbatini belgilab, uning darajasi ta‘kidning sintaksik tugalligi, ijtimoiylashganligini ifoda etadi. HPK KT singari tahlil etiladi. Shuni alohida ta‘kidlash mumkinki, HPK balandlashuvi nutqning regressiv ko‘rinishiga ishora etadi. Bosh miyaning mikroorganik jarohatlarida, shizofreniya klinikaidagi defitsitar buzilishlarda, ongning sifatli va miqdoriy buzilishlari diagnostikasida katta ahamiyat kasb etadi.

KD – matn birligidagi umumiy so‘z miqdoriga A- ekspressiya so‘zlari va iboralari miqdoriy nisbatiga aytiladi. A-ekspressiyaga quyidagi so‘z va so‘z birikmalari taalluqlidir: “kerak”. “shart”, “majbur”, “hech qachon bo‘lishi mumkin emas”, “hech kimga ruxsat etilmaydi”, “mumkin emas”, “e‘tirossiz”, “mutlaq”, “shaksiz”, “butunlay”, “hamisha(doim)”, “har yerda”, “hech qachon”, “hech kim”,

“hech nima”, “shubhasiz” va h. KD – ta‘kidlar negizida yotgan kognitiv faollik pregnantligini aks ettiradi, uni aks ettiruvchi affekt shiddati bilan bog‘liq, ustuvorlik, ekspansiyaga moyil, jur‘atli va beskompromis shaxs xususiyatlarini ifodalaydi. KD yuqorilashuvi suitsidal faollik, ijtimoiy xavfli xatti-harakatlarni amalga oshirish imkoniyati ko‘pligini bashorat qilish imkonini beradi. KD balandligi agressivlik darajasining yuqoriligi, affektiv to‘yingan g‘oyalar(shu jumladan, vasvasalar) ustuvorligiga bilvosita ishora qiladi[13]. Konkret insonning semantik-grammatik xususiyatlari to‘g‘risida yaxlit tasavvur hosil qilish uchun psixolingvistik koeffitsiyentlar, ular dinamikasi kompleks baholanishi lozim.

Matnda psixologik holatlarni ifodalashda assotsiativ so‘zlar ham muhim o‘rin egallaydi. Bunday so‘zlar matnda o‘ziga xos assotsiativ maydon hosil qilib, matn o‘quvchisining ruhiyatida ham muayyan holatni yuzaga keltiradi. Bunday holatning yuzaga kelishiga matnda qo‘llangan, psixologik jihatdan o‘zaro aloqador bo‘lgan so‘zlar haqidagi obrazlarning qayta tiklanishi sabab bo‘ladi[14].

Tadqiqot obyekti sifatida biz psixolingvistikadagi assotsiativ metod va Treyger koeffitsiyentidan foydalandik. U asosida turli temperamentli shaxslarning ijtimoiy hodisalarga nisbatan aniq va ekspressiv munosabatini aniqlashga harakat qildik. Birinchi tajribada 20 respondent ishtirok etdi. Respondentlar Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat universitetining filologiya fakulteti 302-guruh talabalaridir. Dastlab talabalardan assotsiativ metod asosida shaxs temperamentini aniqlash testi olindi. Unga ko‘ra respondentlarning 60%i sentimental melanxolik, 20%i sangvinik, 10%i flegmatik va 10%i xolerik tipga mansub ekanliklari aniqlandi.

Sentimental-melanxolik ko‘ngilchan, xayolparast, ammo fikrlashda ikkilanish kuchliligi bois bu ularni ehtiyotkorlikka undaydi. Ular bir ishni qilishdan oldin uning oqibatlarini chuqur o‘ylaydilar. Biroq faollik past, qiyin vaziyatlarda o‘ylab qilinmagan ishlar ularni jur‘atsiz va qo‘rqoq qilib qo‘yadi.

Flegmatik tip-psixik barqaror tip: ular faol, o‘z xatti-harakatlarini yaxshi baholay oladi, tashabbuskor. Biroq o‘z vaqtini keraksiz narsalarga ishlatishni istamaydi, turli hissiyotlarga ham bunday insonlarni dalillar asosida ishontirish mumkin.

Xolerik insonlar zarracha narsadan ham xavotirga tushadi, biroq og‘ir vaziyatdan chiqish choralarni ko‘rmaydi, ular har doim ham vaziyatni oldindan baholay olmaydi[15].

Endilikda ushbu tip vakillarining nutqiga e'tibor qarataylik. Biz dastlab respondentlarning temperamentini aniqlash maqsadida Fransiya Xeymansning eksperimentidan foydalandik. So'ng ularning nutqini aniqlash uchun biz 20 ta respondentdan "Talabalik-oltin davrim" mavzuyida ijodiy bayon oldik.

1-jadval

Temperament	%	Ot	Fe' l	Sifat	Son	Olmosh	Ravish	Bog' lovchi	Ko' makchi	Yuklama	Modal
Melanxolik	60	53	28	11	3,4	16	4,8	7	3,5	1,4	1,3
Sangvinik	20	52	30	4,5	2,8	11	3,3	7,8	1,3	-	0,5
Flegmatik	10	42	23	5	1	12	5,5	5,5	3	1	1
Xolerik	10	37	20	7	2	10	4	4,5	2	2,5	2,5

Treyger koeffitsiyentini topish uchun fe'lning sifatga nisbatini aniqlaymiz. Yuqoridagi jadvaldan ma'lum bo'ladiki, melanxolik 2.60, sangvinik 6.61, flegmatik 4.5, xolerik 2.85. Treyger koeffitsiyentining meyoriy ko'rsatkichi 1.0 ga yaqin bo'ladi. Ammo 1-jadvalning koeffitsiyentiga ko'ra to'rttala temperamentda ham bu ko'rsatkich me'yorida emas. Uning ko'payishi bosh miyadagi organik buzilishlar, affektiv holatlar, obsessiv-fobik buzilishlar, stenik ko'rinishidagi kechinmalar mavjudligida kuzatiladi va aktiv harakatlarga moyil odamlarga xos bo'ladi. Aleksitimiya, ya'ni o'z kechinmalarini ifoda etishga qiynalish belgisi sanaladi[16]. Bu omillar sangvinikda nisbatan kuchli. Sangvinik - juda faol, har bir narsaga ham qattiq kulaveradi; yolg'on dalillarga jahli chiqadi. Atrofdagi narsalar, ma'ruzalar diqqatini tez jalb etadi[17]. Ammo o'tkazilgan eksperimentdan shu ma'lum bo'ladiki, ushbu tip vakillarida affektiv holat juda kuchli, ular tashqi ta'sirlarga tezda reaksiya bildirishadi. Ta'sirlanish hissi yuqori. Bunday insonlarni jahлга va xayolotga berilishi juda tezlik bilan amalga oshadi.

Tajriba natijasidan shu ma'lum bo'ladiki, affektiv holatlar, obsessiv-fobik buzilishlar, stenik ko'rinishidagi kechinmalar kuchli va aktiv harakatlarga moyil odamlarga xos bo'ladi. Aleksitimiya, ya'ni o'z kechinmalarini ifoda etishga qiynalish belgisi bor.

KT ko'rsatkichi melanxolik tipida nisbatan past, ammo me'yorida ham emas. KT tahliliga ko'ra ular tez ta'sirlanuvchan, arzimagan narsalarga ham xafa bo'luvchi, tez yuragiga yaqin oladi, nutqiy ekspressivligi yuqori, ya'ni o'zidagi emotsional holatni atrofdagilatga tez yuqtirib oladigan tip vakilidir. Ularga maqtov va tanbehlar juda kuchli ta'sir qiladi.

Harakatning predmetlashganligi koeffitsiyenti matnda berilgan fe'llar miqdorining otlar miqdoriga nisbatini belgilaydi, uning darajasi ta'kidning sintaksik tugalligi, ijtimoiylashganligini ifoda etadi. Harakatning predmetlashganligi koeffitsiyenti melanxolikda 0.53, sangvinikda 0.57, flegmatikda 0.53, xolerikda 0.54 ko'rsatkichni tashkil etyapti. Demak, bu ko'rsatkich sangvinik va xolerik tipiga mansub insonlarda ko'p qiymatni tashkil etyapti. Masalaga yanada oydinlik kiritish uchun jadvaldagi ikki respondent misolida buni ko'rib chiqaylik. Birinchi respondent Berdiyeva Gulnoza matnda jami 86 so'zdan 36 tasida ot turkumidagi so'zlardan foydalangan, ya'ni jami foydalanilgan so'zlarning 41%ini tashkil etadi.

Ikkinchi respondent Xudoyorov Asliddin esa jami 166 so'zdan 84 tasida ot turkumidagi so'zlardan foydalangan, ya'ni umumiy so'zlarning 50%ini tashkil etadi. Mazkur holat nimani

anglatadi, degan tabiiy savol tug'iladi. Ushbu savolga javobni A.Arno va K.Lanslo asarlaridan topish mumkin. Ularning fikriga ko'ra nutqning asosiy birligi gapdir. "Odamlar o'zlari tasavvur qilgan narsani ifodalash uchun emas, aksariyatda o'zlari tasavvur qilgan narsalar to'g'risida mulohazasini bildirish uchun so'zlashadilar." Narsa va hodisalar to'g'risidagi mulohazasini ular gap(propozitsiya) deb nomlashadi. Har qanday gap ikki elementdan iborat: subyekt (nutq predmeti) va atribut (ta'kidlanayotgan va tasdiqlanayotgan narsa). Ular nutq tuzilishida predikativ funksiyani bajaruvchi fe'llarga alohida e'tibor qaratgan. A.Arno va K.Lanslo yozadilar: "...fe'llar tafakkur qanday kechishini ko'rsatib beradigan so'zlardir. Fe'l mavjud nutq faqatgina qandaydir obyektlarni angalayotgan emas, balki ular xususida o'z fikri va mulohazasini bildirayotgan odam nutqidir." Bundan kelib chiqadiki, o'z nutqida, asosan, "fe'l" turkumiga mansub so'zlardan foydalangan holda tuzishga intilayotgan odam o'zi so'z yuritayotgan obyekt to'g'risida aniq bir fikrni, ushbu obyekt funksiyalarini, ya'ni uning o'zi aslida nimaligini, u qanday vazifa bajarishi mumkinligini anglay olgan odam nutqidir. A.Arno va K.Lanslolarning fikridan shunday xulosa kelib chiqadiki, o'z nutqida "Fe'l" so'z turkumidagi so'zlardan yetarlicha foydalangan inson so'zlayotgan fikri haqida aniq tasavvur va fikrga ega hisoblanadi.

"Ot" so'z turkumidagi so'zlar inson aytmoqchi bo'lgan fikrlarini to'la namoyon etolmaydi, chunki unda mavhumlik kuchli o'rinda turadi. Zotan odam o'z nutqida "ot" so'z turkumidan foydalanar ekan, hamisha uning funksional jihatini ifodalovchi fe'l yoki sifatni ham zikr etishi kerakligi nazarda tutiladi.

Bundan tashqari Berdiyeva Gulnozada sifat, ravish, fe'l yig'indisi foydalanilgan umumiy so'zlarning yig'indisi 32%ni tashkil etsa, Xudoyorov Asliddinda bu ko'rsatgich 65%ni tashkil etyapdi. Berdiyeva Gulnoza xolerik, Xudoyorov Asliddin esa melanxolik temperamentga ega. Bundan shunday xulosa kelib chiqadiki, Xudoyorov talabalik tushunchasini, uning yoqimli va mashaqqatli davrlarini Berdiyevaga nisbatan yaxshiroq anglaydi. Berdiyeva talabalik haqida ko'p so'zlaydi-yu, ammo uning to'g'risida fikr yuritmaydi.

Shaxs xarakterining yaxlitligi bus-butunligi mutloq narsa emas, albatta, chunki insonning asosiy munosabatlaridan biri boshqa barcha munosabatlarni to'la belgilay olgandagina xarakter mutloq xususiyat kasb etadi. Lekin shaxsning munosabatlari ijtimoiy munosabatlarining aks ettirilishidan iboratligi tufayli uning munosabatlari bilan xarakter xislatlari o'rtasida ziddiyat hukm suradi[18]. Bundan xulosaga kelgan holda shaxsning xakteri nisbiy jihatdan yaxlitdir deyishimiz mumkin, biroq uning bir butunligi ham individual, o'ziga xos xususiyatga egadir.

Xulosa. Matnda psixologik holatlarni ifodalashda assotsiativ so'zlar muhim o'rin egallaydi. Chunki bunday so'zlar matnda muallif aytmoqchi bo'lgan fikrlarni kitobxon tez va tiniq ilg'ay olishiga, asardagi peyzajni tasavvur qilishiga, bir so'z bilan aytganda asar muhitida yashashiga yordam beradi. Bu esa kitobxonning badiiy-estetik va aqliy savodxonligini oshiradi

Treyger koeffitsiyentini sangvinik tipiga mansub insonlarda kuchli, ya'ni ularda affektiv holat ko'p sodir bo'ladi. Bunday insonlarni quvontirish ham, xafa qilish ham tezda sodir bo'ladi. Ular tashqi muhitga juda ta'sirchan, reaksiya qaytarishi yuqori. Xolerik tipiga mansub Harakatning predmetlashganligi koeffitsiyenti sangvinik va xolerik tipiga mansub insonlarda ko'p qiymatni tashkil etadi. Ular o'zi so'z yuritayotgan obyekt to'g'risida aniq bir fikrni, ushbu obyekt funksiyalarini, ya'ni uning o'zi aslida nimaligini, u qanday vazifa bajarishi mumkinligini anglay olmay fikr yuritadilar. Zero, bu holat insonni reallikdan uzoqlashtirib, xayolotga yaqinlashtiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Ginzburg.Y.L. 1) Nutq harakatining programm sxemalari haqida. "XVIII Xalqaro psixologik kongress. Ma'ruzalar tezislari" 2-chiqishi. –M., 1966.[3]
2. JinkinN.I. Nutq mexanizmlari. –M., 1958.[3]
3. Leontyev.A.A. Nutq faoliyatida so'z. Nutq faoliyati umumiy nazariyasining ayrim muammolari. – M., 1965.[3]
4. Leontyev.A.A. Til va inson aqli. – M., 1965.[3]

5. Leontyev.A.A. Tilning vujudga kelishi va dastlabki rivoji. –M., 1963.[3]
6. Mengliyev B. Tilda imkoniyat va voqelik mushtarakligi. Ma’rifat gazetasi.,2013.15-may.[7,9,10]
7. Psixolingvistika. Ma'ruzalar matni. –T., 2011., –10-b.[2]
8. Ramishvili.D.I. Nutq psixologiyasi nuqtayi nazaridan til belgisi muammosi. “Psixologlar jamiyati I syezdida ma’ruzalar tezislari”. 1-chiqishi, –M., 1959.[3]
9. Rasulov R. Umumiy tilshunoslik. –Toshkent, 2010. –22- b.[8]
10. Sokolov.A.N. Tafakkurning nutq mexanizmlari muammosi bo’yicha tadqiqot. “psixologik fanlar”, 1-tom, –M., 1959.[3]
11. Sokolov.A.N. Tafakkur jarayonida ichki nutq dinamikasi va funksiyalari (yopiq artikulyatsiyada), “PFA axboroti”, 113-chiqish. – M., 1960.[3]
12. Sokolov.A.N. Ichki nutqning elektromiografik tahlili va tafakkur (fikrlash)ning eyrodinamikasi muammosi. – M., 1963.[3]
13. Vigotskiy.L.S. Tafakkur va nutq. “Tanlangan psixologik tadqiqotlar”. M., 1956. – 378-b.[5]
14. Xudoyberganova D.S. O‘zbek tilida matnning antroposentrik tadqiqi. Fil.fan.dok.diss. – Toshkent., 2014.[14]
15. Xudaybergenova G. “Eksperimental psixologiyasi” bo’yicha o‘quv-uslubiy majmuasi. –Nukus, 2012.[4]
16. Yo‘ldoshev M.M. Badiiy matnning lingvopoetik tadqiqi: Filol. Fan. d-ri ...dis.– Toshkent: O‘zR FA TAI, 2009. –104 b.[6]
17. G‘oziyev E. Umumiy psixologiya. –Toshkent, 2002.[15,17,18]
18. Chistovich.L.A. Insonning odamdagi(har kungi) nutqni payqashi. –M., 1962.[3]
19. <https://helpiks.org/3-6191.html>[11,12,13,16]
20. <https://uz.wikipedia.org/wiki>[1]

**СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART**

Feruza Makhammadovna Mamatova
The University of Journalism and
Mass Communication of Uzbekistan
English language teacher
E-mail: feruzamakhammadovna@gmail.com

**FAMILY TRADITIONS: REFLECTION OF SOME FAMILY TRADITIONS IN THE
LINGUISTIC PICTURE OF THE WORLD (ON THE BASIS OF ENGLISH AND UZBEK
PROVERBS AND IDIOMS)**



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-1-7>

ABSTRACT

The present paper aims to compare the principles of choosing a marriage partner and analyse the status of being in the marriage in the frame of family traditions that are totally inherent to the both of the nations: English and Uzbek. It is known that interconnection and cross-cultural communication between the countries of these two nationalities have been recently developed. The purpose to give an idea about these types of family traditions and prevent any misunderstanding that might occur in the communications makes our investigation topical one. The research used phraseological units as an object and the marriage aspects as the subject. Proverbs and sayings associated with Marriage and reflected in the English and Uzbek languages enables to understand the national – specific features of the cultures of both nations. Discussions conducted a descriptive method, which offers to gain background information about the issue. Secondly, comparative method is used to reveal similarities, differences, and unique versions of choosing a marriage partner and in marriage itself of the English and Uzbek linguoculturology. The research results show that these types of family relations sharply differ from each other in certain aspects in the English and Uzbek cultures whereas it is determined that some proverbs have similar view points regarding the traditions of marriage status.

Key words: national culture, family tradition, marriage, a marriage partner, linguoculturology, marriage status.

Феруза Махаммадовна Маматова
Преподаватель английского языка,
Университет Журналистики и Массовых
Коммуникаций Узбекистана, Ташкент.
Эл. почта: feruzamakhammadovna@gmail.com

**СЕМЕЙНЫЕ ТРАДИЦИИ: ОТРАЖЕНИЕ НЕКОТОРЫХ СЕМЕЙНЫХ ТРАДИЦИЙ
В ЯЗЫКОВОЙ КАРТИНЕ МИРА (НА ПРИМЕРАХ АНГЛИЙСКИХ И УЗБЕКСКИХ
ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ)**

АННОТАЦИЯ

Цель данной статьи провести сравнительный анализ принципов выбора партнера по браку и проанализировать статус нахождения в браке в рамках семейных традиций, которые полностью присущи обеим нациям: английскому и узбекскому. Известно, что взаимосвязь и межкультурная коммуникация между странами этих двух национальностей были развиты в последнее время. Цель дать представление об этих видах семейных традиций и предотвратить любые недоразумения, которые могут возникнуть в коммуникации, что доказывает, что наше исследование актуальное. В исследовании использовались фразеологические единицы как объект, а аспекты брака - как субъект. Пословицы и поговорки, связанные с браком и отраженные в английском и узбекском языках, позволяют понять национальные особенности культур обеих наций. Дискуссии ведутся описательным методом, который предлагает получить справочную информацию о проблеме. Во-вторых, сравнительный метод используется для выявления сходств, различий и уникальность выбора партнера по браку и находиться в статусе супруг/супруга английской и узбекской лингвокультурологии. Результаты исследования показывают, что эти виды семейных отношений резко отличаются друг от друга в определенных аспектах в английской и узбекской культурах, тогда как установлено, что некоторые пословицы имеют сходные точки зрения относительно традиций брака.

Ключевые слова: национальная культура, семейная традиция, брак, партнер по браку, лингвокультурология, статус брака

Feruza Makhammadovna Mamatova

Ingliz tili o'qituvchisi

O'zbekiston Jurnalistika va Ommaviy kommunikatsiyalari Universiteti

Elektron manzil: feruzamakhammadovna@gmail.com

**OILAVIY AN'ANALAR: BA'ZI OILAVIY AN'ANALARNING OLAMNING LISONIY
MANZARASIDA NAMOYON BO'LISHI (INGLIZ VA O'ZBEK FRAZEOLOGI
BIRLIKLARI MISOLIDA)**

ANNOTATSIYA

Maqolada bo'lajak turmush o'rtoq tanlash tamoyillarini taqqoslash va ikkala millat: ingliz va o'zbek uchun mutlaqo xos bo'lgan oilaviy an'analar doirasidagi nikoh maqomini tahlil qilishdan iborat. Ma'lumki, ushbu ikki millat mamlakatlari o'rtasidagi o'zaro bog'liqlik va madaniyatlararo aloqalar yaqindan rivojlangan. Muayyan bir oilaviy an'analar to'g'risida tushuncha berish va muloqotda yuzaga kelishi mumkin bo'lgan har qanday tushunmovchiliklarni oldini olishda bizning olib borgan ilmiy izlanishimiz dolzarb hisoblanadi. Tadqiqotda frazeologik birliklar ob'ekt sifatida va nikoh jihatlari sub'yekt sifatida ishlatilgan. Nikoh bilan bog'liq bo'lgan hamda ingliz va o'zbek tillarida aks ettirilgan maqol va iboralar ikki millat madaniyatining o'ziga xos xususiyatlarini ochib berishga imkon beradi. Muhokamalar tavsifiy uslubda olib borilib, ushbu muammo bo'yicha asosiy ma'lumotlarni olishga imkon beradi. Ikkinchidan, qiyosiy metod ingliz va o'zbek lingvomadaniyatida turmush o'rtoq tanlashning o'ziga xosligi, o'hshash jihatlari, farqlari tomonlarini aniqlash uchun ishlatiladi. Tadqiqot natijalari shuni ko'rsatadiki, oilaviy munosabatlarning ushbu ko'rinishlari ingliz va o'zbek madaniyatida muayyan ma'noda bir-birlaridan keskin farq qiladi, shu bilan birga ba'zi maqollarda nikoh an'alariganisbatan mavjud munosabatlarning o'xshash juhatlari mavjudligi aniqlandi.

Kalit so'zlar: milliy madaniyat, oilaviy an'analar, nikoh, turmush o'rtoq, lingvomadaniyat, nikoh maqomi.

Introduction.

Antropocentrism allows to penetrate into the culture of a nation via the language. It is discovered that interconnection of language and culture is a tie between person's worldview, mentality, nationality, national peculiarities and a language, since all of them are reflected in the language an individ speaks. Since antropocentric direction in linguistics dragged scientists' attention there have been done a great deal of investigations where culture and language are the principal subjects. Traditions being considered one of the essential part of the culture of any nation as a rule, are reflected in the language too. Family traditions are a considerable part of traditions and they are inherent to the cultures of English and Uzbek nations. In order to reveal similarities, differences and unique features of some family traditions reflected in the English and the Uzbek linguoculturology, we have addressed to the proverbs and idioms of these languages.

Main part

A culturologist G. Rikkert writes: "The issue of traditions and values of a nation is to recognize the culture thoroughly. The system of values interacts with national traditions, folklore, religion, life experience, art images. It is visible that in the all directions of the culture there is a complex of traditions created by people and accepted also by them" [5, 69-104]. Indeed, if one pays a serious attention to the rules and laws existing in a person's life, it is not complicated to realize that they are created to assist people to live better, to gain life experience.

Such rules turn into traditions over the time and they pass from one generation to the next one. The practical part of our research focuses on the comparative study of family traditions, the people, the way of life of a particular people, the life experience accumulated over the centuries, the phraseological way of life, problems, achievements, rituals, traditions, ceremonies, and all are reflected in the proverbs like a mirror. Through the study of phraseological units it is possible to trace the stages of development of an entire society - from the birth of traditions and values to the achievements of science and technology, and to compare the peculiarities and differences of the evolution of two dissimilar societies.

For many centuries up to present days marriage has been essentially a purchase and sale agreement between the parents of two young people. This tradition has been preserved in many cultures, especially in Asian ones, whereas in Western and European nations there have been variations in keeping to this tradition. According to Asian family traditions, parents of the future groom presents a certain amount of money as a gift to the family of a future bride which is known as "kalyn" among the Uzbek people. The word "kalyn" means "to buy" and it serves as a symbol for taking the girl to the groom's family forever and accepting her as a member of the family. The word "kalyn" originates from the Turkish language and has following meaning "an amount of money, gifts, cows and other types of presents sent to a bride's house in order to gain an agreement of the bride's parents [2, 97]. According to the information presented in Wikipedia the word "Kalyn" has also another variants as "kala", "kalu" which means to "remain" that is all the gifts presented by the groom's family remain in the bride's family in return of their [9]. The word "marriage" in the English language originated from French word "marier" and means "to get married", [10]. In the English and Uzbek linguistic world picture family traditions are reflected via stereotypes of these cultures.

The intention of two people to form a family, to live together, is accepted as an ancient tradition for all peoples of the world. This tradition is so ancient that it is reflected in the native language of each nation. In particular, if we apply to the fund of phraseological units of English and Uzbek languages, we will prove our point. The English idiom get hitched, walk down the aisle together, tie the knot, take one's vows [64, 12-249] and the Uzbek idioms оила қурмоқ (get married), бир ёстикқа бош қўймоқ (tie the knots), турмуш қурмоқ (to marry), бошини иккита қилмоқ (tie the knots), бошларини қовуштирмоқ (to marry) have similar meanings. If it is analysed much more deeply these idioms one can find both similar and dissimilar aspects of these two linguocultures. The English people have been paying great attention to the religious aspects of this traditions, i.e. the two youth who decided to get married are to pass through the benches of the church. In one of the English idiom walk down the aisle together the word aisle represents the

meaning that if a man and a woman passes the aisle in the church together hand in hand they are going to marry or are just married.

In Uzbek culture a similar case can be found. The Uzbek idiom бир ёстикка бош қўймоқ (to get married) demonstrates a religious rule and law that married people must live in one house together after their church wedding. Here the Uzbek word “ёстик” (pillow) symbolically express a mutual life after marriage. Another idiom кўз остига олиб қўяди (to choose a girl to marry) is usually used for the parents and a future groom while they are choosing an appropriate candidate to marry. The suitability of a man and a girl are significant for both nations. Hence, the idioms perfect couple, the one for someone are used in the English language to stress that he and she are applicable to one another. In the linguistic picture of the Uzbek world the idiom юлдузи юлдузига тўғри келди (his and her stars are suitable) which means that the character of the man is appropriate to the woman's and the idiom ўхшатмасдан учратмас (one find his wife/husband according to his/her character). Not in vain are these idioms are reflected in the language, because the suitability of life partners is the guarantee of a strong and happy marriage and family. Another Uzbek family tradition depicts a process of asking an agreement for taking a family's daughter as a wife for their son: оғиз солиш means to ask the parent of a girl whether they agree to marry their daughter to the son of other parents.

In the linguoculturology of English and Uzbek there are similarities in views, opinions on the issue of marriage. However, the results of our reserch has showed that English people approach to marriage slightly negatively rahter than Uzbek. For example, English proverbs as wedlock is padlock; honest men marry quickly, wise men not at all; he who marries does well, but he who marries not, better; marriage makes or mars a man; the married man has many cares, the unmarried one many more; why buy a cow when milk is so cheap, marriage goes by contrast have negative conotation on the marriage issues. The proverbs age and wedlock we all desire and repent of; age and wedlock bring a man to his nightcap openly demonstrate that married person feels as if he or she was in the prison as he/she lost his/her liberty. According to Uzbek culture and its traditions marriage is a serious decision in one's life which brings a happy, joyful life. Nevertheless, there are Uzbek proverbs with less quantity than in the English that express a slight negative menaning of marriage. For instance, the proverb турмуш – мушт (marriage is a fist) [7, 20-299] reflects difficulties of marriage. Here, a clear difference in accepting marriage of the representatives of these two culture differ to some extent.

Proverbs marriage is a lottery; marriages are made in heaven; match made in heaven reveal English viewpoint approaching the marriage life as a surprise, as it may be happy or not, one can be lucky or unlucky in finding a life partner. The second proverb demonstrates the belief of the English that it has already chosen a spouse for in the destiny of a person.

An Uzbek proverb умр савдоси – қийин савдо (marriage is a complicated issue) represent the Uzbek viewpoint that it is difficult to reach one exact decision to choose a life partner. Despite the difficulties and problems that is certainly may arise in a marriage life there exist a viewpoint and advice reflected in the both linguoculturology of both nations that each person should start his/her own family in the cultures of being compared nationalities. The majority of the English proverbs put forward the idea that one should not hurry in getting married: marry in haste, repent at leisure; make haste when you are purchasing field, but when you are to marry a wife be slow. Indeed, the moderate nature of English people is reflected in these very proverbs. Another group of English proverbs warn not to marry in a young age explaining that young person is not clever and experienced enough and make a lot of mistakes both in choosing a life partner and in a marriage life.

Uzbek proverbs “ўтирган киз ўрнини топар” (a girl who does not hurry to get married, finds a good life partner) “Шошилган киз эрга ёлчимас” (A girl who hurries to get married makes a mistake in choosing a life partner) are addressed to females and their parents. The reason for this is that according to Uzbek culture most parents marry their daughters in a very young age.

In old times it was parents who decided to marry or not the children and to whom marry. This tradition in most cases is preserved in Uzbek families, but hardly ever in the English one.

There were times when Uzbek girls used to get married even not meeting their her future husband, they trusted in the taste of the parents. Therefore, men would agree with the girl's parents, in most cases with the mother. All these viewpoints are reflected in the following proverbs: he that would the daughter win, must with the mother first begin, in Uzbek она ақли- қиз ақли, ота сўзи - ақл кўзи (If you get the consent of the parents, the daughter will obey the parent's decision). The emergence and consolidation of such expressions in language requires that family traditions do not "solidify", but emerge in a new form. As a result of the rapid development of Europe, it is clear that the essence of the above presented English proverb will not have its influence today, and will be partially meaningful in the Uzbek culture. This is due to the fact that society is moving forward, social changes are taking place, including the breakdown of stereotypes formed by family traditions. In this regard, it is correct to agree with N.N, Goncharova: "In the process of perceiving the world, man is constantly changing, making adjustments to the worldview, and this happens much faster. The linguistic landscape of the universe changes naturally more slowly, preserving the archaic elements of its conservative and ancient landscapes for a long time. These elements serve to create a new worldview, in the process of perception they are saturated with new content. So, the linguistic picture of the world will retain the view of the old and the new world [1, 396- 405]. Indeed, in the process of our analysis, some of the proverbs seem to be semantically distant to modern society as well, while others have retained their significance to this day. For this reason, the linguistic landscapes of both the English and Uzbek worlds reflect a changing trend in spouse choice. In both nations' cultures choosing a life partner has a well- followed rule as to marry children according to his or her parents and ancestry. In the English linguoculturology this tradition is reflected in the following proverbs: like mother, like daughter; take the vine of a good soil and the daughter of a good mother; Be sure before marry of a house wherein to tarry and in the Uzbek "қиз берсанг-отасига қараб бер, қиз олсанг-онасига қараб ол (If you marry your daughter get to know about the groom's father and if you marry your son learn about the bride's mother).

However, the proverb "Онасиз келин - ювош, онали келин – бебош келин" (A motherless bride is a gentle, motherly bride is a rebellious bride) usually means that most mothers pamper their daughters and bring them up carefully. It illuminates the idea that girls are usually humble, living submissively wherever the bride goes. So, it is also important to pay attention to how the girl was brought up before marriage. Naturally, a girl's relatives praise her in front of the future groom, but wise people of the two nations advise not to be deceived by this, but to ask and clarify from other people. For example, Choose a wife rather by your ear than your eye, in the Uzbek language "онаси мақтаган қизни олма, эл мақтаган қизни ол (do not marry a girl praised by her mother, marry a girl praised by people). Even though the following English proverb reflects the English character as prudence in being careful not fully trust others opinion: in a choosing a wife and buying a sword we ought not to trust another.

Indeed, a majority part of proverbs that clay the choice of a suitable partner to live in the same house for the rest of one's life is one of the most important decisions to be made in person's life also support the idea that one ought to marry relying not on the beauty on a girl's face, not on her wealth but on her sense, wit and intelligence. For instance, keep your eyes wide before marriage, half shut afterward, please your eye and plague your heart, and these Uzbek proverbs ҳуснига боқма, ақлига боқ (marry for her wit, not for her beauty); ҳусн тўйда керак ақл кунда (beauty for the wedding, mind forever); ақли хотин-уй кўрки, чиройли хотин – кўча кўрк (a clever wife is a house's beauty, a beautiful wife a house's figuration) are semantically closer to English ones. Besides, English culture treats to marriage highly seriously: Never choose your woman on linen by candle light. This proverb explains that it is necessary to think over the marriage and choose a wife with mind. Similar proverbs in the Uzbek language concerning the marriage of a man has not been found.

In the Uzbek culture a time when parents realize that it is time to marry their daughter is expressed by the following idiom: бўйи етди (ready to marry). At his age parents precipitate with buying and collecting clothes, dishes and other necessary thing for a new, future life in marriage

of their daughter. As it has turned into tradition, it has become natural to go to the groom's house with vesture. In the process of our scientific research we came across proverbs and idioms related to this tradition both in the English and Uzbek linguocultures, however nowadays this tradition is much more preserved in the Uzbek culture rather than in the English. English use idioms such as bottom drawer, hope chest, proverbs do not exist with this theme. Uzbek people call it "sarpо", "sep" which include clothes, dishes, sometimes furniture, jewelers, linens and others. As a rule parents start collecting "sarpо" as soon as they have a baby girl in their family. In the Uzbek culture in ancient times a bride was valued and characterized according to her "sarpо's size and quality. A bride from a wealthy family had a lot of clothes, golden, brilliant jewelry; however she may not have a good education, clever mind. Therefore the Uzbek people prefer a clever, intelligent bride to a bride's "sarpо". Such an Uzbek worldview is reflected on the Uzbek proverbs: сепли бўлмаса ҳам, эпли бўлсин (let a bride be without wealth, but let her be hardworking); келинни келганда кўр, сепи ёйганда (Value a bride when you see her, her wealth when she shows). There is contradicting opinion concerning this issue in the English culture, a part of proverbs disapprove to marry for wealth he that sells his liberty marries for wealth whereas some of them support to marry a wealthy girl as it may make your life easier: never marry for money, but marry where money is. Another proverb warns not to marry if a man has not money, since after wedding he will have to support materially not only himself but also his wife, then children: don't marry for money, but don't marry without money. The Uzbek traditions also disapprove wealth to be in the center of the marriage as it may not always bring happiness: бойга келин бўлгунча, камбағалга қиз бўл (better be a poor's wife, rather than a wealthy man's wife). It is claimed that one, even both husband and wife of a marriage built on wealth lose their freedom, liberty. In both cultures people who are going to get married are warned to be cautious. The proverbs who marrieth for love without money, hath good nights and sorry days; , "better be a man's darling than a rich man's slave" and "Бойнинг қизи – сепи билан, йўқнинг қизи – кўрки билан" (A rich man's daughter with "sarpо", a poor man's daughter with beauty) demonstrate what kind of marriage bride and groom are going to have depending on their choice. Therefore, In the linguoculturology of being compared languages there are proverbs that support the idea to marry a person who is equal from all aspects. To illustrate, an English proverb Every Jack has his Jill and idioms Mr.Right and Mrs.Right emphasize the tradition's deep sense. In Uzbek an idiom баланд дорга осилмоқ (to hang on high pole that is to choose someone in higher rank than you) and proverbs тенг тенги билан, тезак қопи билан (equal with equal) and this Uzbek proverb тенги чиқса текин бер (marry for free to equal) mentions about the "kalyn" we talked at the top. It means that if a man who proposes is equal to your daughter from much many enough aspects do not ask, renounce "kalyn". It is so important to find a right person to marry since money and other material things fade into the background.

In the English and Uzbek linguoculturology we observed that both of these cultures pay a serious attention to the norm of age of a future groom and a bride. As to a tradition an Uzbek bride must be younger than a groom, as for the English mentality it is considered a normal case when a groom and a bride are at the same age. It is believed that the younger a wife the less misunderstanding might occur and the happier life is guaranteed for these married couple. Since an older husband would treat his young wife with more love and caution. This belief is reflected on the proverbs with meaning "an adult husband and a young wife" of both cultures. For example, better be an old man's darling than a young man's slave and in Uzbek ёшнинг серкаси бўлгунча, қарининг эркаси бўл (let an old husband pamper you than a goat that leads sheep).

In the linguistic image of the English and Uzbek world proverbs claim that it is usually difficult for peers to reconcile, as one of the couples is older, has more experience and is wiser, so it is easier to reconcile. The love and affection between two people who intend to get married is of great importance for the survival of the marriage. According to the proverbs, it is easy to overcome the above-mentioned "difficulties of life" through love for one's spouse, but on the other hand, it is believed that a husband and wife live happily in a family built on love. For example, in Uzbek севгисиз кўнгил вайрона (the soul is in ruins without love); ўз суйганинг – ўзинга

сулув (your lovely person is beauty for you); муҳаббат- иттифоқнинг онаси (love is the mother of union), in the English “choose your wife rather by your heart than your eye; if Jack is in love he is judge of Jill’s beauty; faults are thick where love is thin. Some idioms may also support the power of love in marriage: one’s one and only, in Uzbek жигаридан урмоқ, муҳаббат қўймоқ, кўнгли бор, кўнгли боғламоқ (be in love).

In proverbs in the linguistic culture of the languages being compared, parents appear as responsible for choosing the right partner for their children, for them to get married on time, because they are the first advisors in making the right choice for their children who do not yet have much experience. For example, in the Uzbek culture қизни эркига қўйсанг, ўйинчига тегар (let a girl choose a partner she will choose a dancer); чиққан қиз чийриқдан нари (a married girl is a stranger for her father’s home), in the English marry your daughter betimes, lest they marry themselves; marry off your son when you wish, marry off your daughter when you can. Here is a slight difference in the core of idea of the proverbs, representatives of both cultures emphasize the role of parents in marrying their children, however the Uzbek parents mostly attempt to marry sons and daughters to a suitable for them person whereas The English parents consider a right time to organize a wedding for their children.

Delaying marriage or marrying too late is seriously disapproved in both of the cultures. This situation has an ironic color in English, the following idiom reflects it: on the shelf, this figurative meaning says that who marries (especially girls) seem to be a book lying on the shelf. The proverbs he that marries late, marries ill; faint heart never won fair lady tell about the negative consequences of a late marriage. With a reasonable difference the Uzbek culture warns if a man marries late he will either loses a chance to marry a good wife or will live not a successful life: бошинг икки бўлмагунча молинг икки бўлмайди; уялган йигит қиздан курук қолади. Another Uzbek proverb stresses on not choosing a life partner for such a long time, because if one neglects good candidates for marriage, may remain without a choice. The Uzbek idiom Дунёдан тоқ ўтмоқ (Pass away being single) is used to say about people who do not marry and die without starting his or her own family. Idioms with this meaning was not found out in the English language. Taking into consideration above illustrated proverbs, we can say that traditions of both culture are: each man should have his own wife and each woman her own husband; a man is only half a man without a wife; wives must be had, be they good or bad, in Uzbek хотинсиз ўтиш- хато, боласиз ўтиш- жафо (it is a mistake to live without wife and it is torment to live without children).

Accordingly, the first steps of marriage begin with the selection of a suitable couple while the next step is to keep the family, try to create a happy marriage, endure difficulties that might occur in it. It is natural that in the culture of both nations, proverbs about such a serious choice and decision are reflected in the linguoculture of these nations.

Analyzing the peculiarities and similarities, we revealed that in paremiological linguoculture of the compared languages the tradition of choosing a suitable partner, marriage, and procreation is almost completely positive in Uzbek, and in English culture in most cases positive. Besides, we found out that there exist proverbs which disclose reveals the negative consequences of living without marriage in both languages.

Conclusion. In the process of our scientific research we analysed more than 500 proverbs and 300 idioms related to family tradition marriage. In this article we attempted to hold a comparative analysis of some aspects of the tradition of marriage. Comparison has showed that these two different cultures have both similarities and dissimilarities, also unique peculiarities of family traditions called choosing marriage partner and getting married. According to the results of our analysis similarities are more than dissimilarities, surely unique features exist. Comparative analysis of these multi-systemic languages, nations, mentalities enables closely get acquainted with the culture of this or that nation on the one hand, being aware the cultural peculiarities of family tradition makes it easy to get into cross-cultural communication with people of another nationality with specific culture and mentality avoids any misunderstanding that may occur in the process of communication.

References

1. Goncharova N.N., Yazykovaya kartina mira kak obyekt lingvisticheskogo opisaniya(Linguistic picture of the world as an object of description) Izvestiya tulskogo gosudarstvennogo universitetf, 2012, 396-405 pp.
2. Madvaliyev A., O'zbek tilining izohli lug'ati (The Explanatory dictionary of the Uzbek language), Tashkent: O'zbekiston Milliy entsiklopediyasi, 2003, 56 p.
3. Kunin A.V., Anglo-russkiy frazeologicheskiy,(English-Russian phraseological dictionary), Moscow: Russkiy yazik, 1984, 10-135 pp.
4. Karamatova K.M., Karamatov H.S., Proverbs, Maqollar, Poslovitsi (Proverbs), Tashkent:Mehnat,2000, 3-378 pp.
5. Rikkert G., Nauki o prirode i nauki o culture//Kulturologiya XX veka (Science about nature and science about culture// Culture study of the 20th century), Moscow: Yurist, 1995,69-104 pp.
6. Siefiring J., The Oxford dictionary of Idioms Edited, the United States: by Oxford University Press Inc., New York, 2004, 34-87 pp.
7. Shomaksudov Sh., Shorahmedov Sh., Ma'nolar mahzani (The meaning of sense), Tashkent: O'zbekiston Milliy entsiklopediyasi, 2001, 29-345 pp.
8. Speake J., The Oxford Dictionary of Proverbs: New York, Oxford University Press, 2008, 2-300 pp
9. (<https://ru.wiktionary.org/wiki/>).
10. <https://en.wikipedia.org/wiki/Marriage#Etymology>).

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Imomkulova Oysanam Binayevna

Muhammad al- Xorazmiy nomidagi Toshkent axborot texnologiyalar universiteti qoshidagi akademik litseyi o'qituvchisi
oysanamimomkulova@gmail.com

O'TKIR HOSHIMOVNING "TUSHDA KECHGAN UMLAR" ROMANIDA BADIY XARAKTER YARATISH MAHORATI VA RUHIYAT TALQINI



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2023-1-8>

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada o'zbek xalqining zabardast va sevimli yozuvchisi bo'lgan, O'zbekiston xalq yozuvchisi O'tkir Hoshimovning "Tushda kechgan umrlar" romanida badiiy xarakter yaratish va ruhiyat talqini xususida ayrim mulohazalar yuritiladi. Badiiy ijodda ruhiy tahlilning o'rni va ahamiyati beqiyos. Har qanday badiiy asarning darajasi unda inson qalbi haqidagi haqiqat qay yo'sinda, qanday ifoda etilgani yoki tasvirlanganligiga ko'ra belgilanadi. Badiiy asar markazidagi inson qiyofasi uning ruhiyati tahlili orqali ochib beriladi. Ilmiy fikrlar romandagi qahramonlarning ichki kechinmalari, xarakteri, o'y-xayollari, ruhiy dunyosidagi jarayonlar misolida asoslab boriladi.

Tayanch so'zlar: Psixologik-ruhiy tasvir, shaxs tushunchasi, badiiy xarakter, xarakter va muhit, xarakter va konflikt.

Имомкулова Ойсанам Бинаевна

Преподаватель академического лицея при
Ташкентского университета информационных
технологий имени Мирзо Улугбека

НАВЫКИ И ДУХОВНАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ХУДОЖЕСТВЕННОГО ХАРАКТЕРА В РОМАНЕ УТКИРА ГАШИМОВА "ЖИЗНЬ В МЕЧТЕ"

АННОТАЦИЯ

В этой статье рассказывается о создании художественного персонажа и толковании психики в романе народного писателя Узбекистана Уткира Хошимова, блестящего и любимого писателя узбекского народа, в романе «Жизнь в мечте». Роль и значение психологического анализа в искусстве несопоставимы. Уровень любого произведения искусства определяется тем, как истина о человеческом сердце выражается или изображается. Образ человека в центре произведения искусства раскрывается через анализ его психики. Научные идеи основаны на внутреннем опыте, характере, мыслях и процессах в духовном мире главных героев романа.

Ключевые слова: психологический образ, концепция личности, художественный характер, характер и окружение, характер и конфликт.

Imomkulova Oysanam Binaevna

Teacher of lyceum of Tashkent University of Information
Technologies after named Mirzo Ulughbek

UTKIR HASHIMOV'S MOVEMENT AND SPIRITUAL INTERPRETATION OF ARTISTIC CHARACTER IN THE NOVEL "LIVES IN A DREAM"

ABSTRACT

This article discusses the creation of an artistic character and the interpretation of the psyche in the novel "Lives in a Dream" by the People's Writer of Uzbekistan Utkir Hoshimov, a brilliant and beloved writer of the Uzbek people. The role and importance of psychological analysis in art is incomparable. The level of any work of art is determined by the way in which the truth about the human heart is expressed or portrayed. The image of a person at the center of a work of art is revealed through an analysis of his psyche. Scientific ideas are based on the inner experiences, character, thoughts, and processes in the spiritual world of the novel's protagonists.

Keywords: Psychological image, concept of personality, artistic character, character and environment, character and conflict.

Kirish. Badiiy adabiyotda psixologik-ruhiy tasvirning o'rni benihoya kattadir. Yozma adabiyotda psixologik-ruhiy tasvir tushunchasi ostida adabiy qahramonlarning ruhiy olami, ichki dunyosi, orzu-o'ylari, kechinmalari, kayfiyatlari hamda intilishlarini yuksak badiiylik asosida tasvirlash san'ati yotadi. Uning mohiyatini esa, qahramon xarakteriga xos xislatlarning, ruhiy olamining qay holda, qay vaziyatda ochilishi belgilaydi. Yozma adabiyotda psixologik tasvir anchagina chuqur va ko'p qirralidir, ya'ni unda, nafaqat ruhiy-psixologik tasvir, balki ruhiy tahlil hukmronlik qilish darajasiga yetadi. Ruhiy tahlil kuchli bo'lgan adabiy-badiiy asarlarda har bir detal, xatti-harakat, epizod, har bir voqea u yoki bu qahramonning ichki-ruhiy olamini ochishga bo'ysundiriladi.

Har qanday adabiy-badiiy asar bilan o'quvchi tanishar ekan, uning oldida eng birinchi va asosiy vazifa-badiiy asarni tushunish masalasi ko'ndalang bo'ladi. Asarni tushunish uchun esa, o'quvchi uni o'qish asnosida muayyan qoidalar, qonuniyatlar asosida ish ko'rishi zarur bo'ladi. Bu qonuniyatlar asarga tegishli bo'lgan va u bilan bog'liq bo'lgan, tushunish masalasini osonlashtiruvchi bir qator omillardir. Bu omillardan biri, badiiy asarning ruhiyatiga kira olish, uning ruhiy olamini, qahramonlarning xarakterlari, ichki kechinmalari, o'y-xayollari, ruhiy dunyosini anglash, demakdir. Badiiy asardagi har bir xarakter, xatti-harakatlar, detallar, voqealar rivoji, epizodlar orqali asar ruhiyati anglashiladi. Bu, nisbiy tushuncha. Chunki, badiiy asar ruhiyatini faqat yuqoridagi vositalar orqaligina tushunish mumkin, degan hukm noto'g'ri. Biroq, bu narsalar asarni to'laroq tushunishda vosita rolini o'ynaydi, xolos.

Badiiy asarni to'laligicha namoyon bo'lishi uchun qahramon va uning ruhiyati masalasi birinchi o'rindagi masalalardan biri hisoblanadi.

Adabiyotshunos olim U.Normatov alohida qayd qilganidek: "Hozirgi jahon adabiyotshunosligida badiiy asar qimmatini, darajasi birinchi galda unda hayot va shaxsning yangicha konsepsiyasi hamda badiiy talqini, ifodasiga qarab belgilanadi. Shu yuksak umumbashariy adabiy – badiiy mezonlar asosida yondashiladigan bo'lsa, O'tkir Hoshimovning "Tushda kechgan umrlar" romani 90-yillar o'zbek adabiyotidagi jiddiy voqea, muhim yangilikdir"[1]. Bu fikrlardan ko'rinadiki, 90-yillar badiiy adabiyoti shaxs olamidagi ziddiyatlarni, shaxs va muhit o'rtasidagi qarama-qarshiliklarni haqqoniy tasvirlashga intilganligidan dalolat beradi. Roman voqealari hayotning murakkab qirralarini badiiy talqin etish bilan bir qatorda, hayotiy ziddiyatlarning shaxs xarakteriga tasirini borlig'icha yoritishga harakat qilgan. Shuning uchun har qanday yetakchi mavzu, ezgu g'oyalarni san'atkorona ifodalay olsagina yuksak badiiylik kasb etadi.

Adabiyotshunos O.Sharafiddinov ta'kidlaganidek: "Bugungi adabiyot, badiiy tafakkurimizda erishishimiz kerak bo'lgan eng muhim jihat – voqelikka dunyoga munosabatda yangi aspektlarga chiqish, dunyoni yangicha, chuqurroq, yuksakroq idrok qilishga o'tish. Binobarin, dunyoning, jamiyatning, insonning mohiyatini kengroq ochishga harakat qilishimiz kerak"[5].

Darhaqiqat, badiiy adabiyotdagi estetik o'zgarishlar jamiyatni, ma'lum bir davrni murakkab qirralarini yangicha tamoyillar asosida talqin qilar ekan, shaxs konsepsiyasiga jiddiy e'tibor qarata boshladi. Estetik tamoyillarning o'zgarishi, inson xarakteridagi ziddiyatlarni, ijtimoiy muhit o'rtasidagi vujudga kelayotgan qarama-qarshiliklarni o'sha davr nuqtaiy nazaridan talqin etish O'tkir Hoshimov ijodida ham o'ziga xos ifodasini topgan. Ana shu nuqtaiy nazardan roman haqidagi fikrlarni umumlashtirish mavzuning yangiligini belgilaydi.

Asosiy qism. Yozuvchi O'tkir Hoshimovning "Tushda kechgan umrlar" romanida badiiy xarakter yaratish an'anasini, uning talqinini, xarakter va muhit, xarakter va konflikt kabi xususiyatlar asosida tahlil qilishimiz mavzuning dolzarbligidan dalolat beradi. Shuningdek mustaqillik davr romanchiligi tarixiy taraqqiyotida adibning o'rni va badiiy mahoratini asosli ko'rsatib berishdan iborat. Adib ijodi haqidagi adabiy-tanqidiy qarashlarni umumlashtirish jarayonida, o'z mulohazalarimizni qayd qilish orqali, roman badiiyatini tahlilga tortish va badiiy xarakterlar olamini yoritishdan iborat.

Badiiy adabiyot xarakterlar yaratish san'ati ekan, yozuvchining bir romani misolida, bu tushunchalarni nazariy jihatdan asoslash, xarakter darajasiga ko'tarilgan badiiy obrazlarning o'ziga xosligini ifodalab berish orqali bugungi estetik ta'moyillardagi o'zgarishlarni badiiy asar sujetiga singdirilish jarayoniga jiddiy e'tibor qaratish ham muhim ahamiyatga ega.

Iste'dodli yozuvchi O'tkir Hoshimov «Tushda kechgan umrlar» romanida hayotimizning salbiy tamonlari bilan bir qatorda, afg'on urushining fojeali tomonlarini hayot haqiqatidan kelib chiqib tasvirlagan.

Hozirgi jahon adabiyotshunosligida badiiy asar qimmatini, darajasi birinchi galda unda hayot va shaxsning yangicha konsepsiyasi hamda badiiy talqini, ifodasiga qarab beliglanadi. Shu yuksak umumbashariy adabiy-badiiy mezonlar asosida yondashiladigan bo'lsa, O'tkir Hoshimovning «Tushda kechgan umrlar» romani 90-yillar o'zbek adabiyotidagi jiddiy voqea, muhim yangilikdir. Bir qarashda roman yangi o'zbek adabiyotida muayyan an'anaga aylanib qolgan mavzu-muammolar — mustabid tuzum tanqidi, afg'on urushi, «o'zbeklar ishi» qurbonlari haqida bahs etadi. Biroq badiiy asarda, xususan, romanda yozuvchining yangi so'zi u yaratgan jonli va ko'lamli shaxslar timsoli orqali gavdalanadi. «Tushda kechgan umrlar» romanidagi talay personajlar, xususan, ikki yorqin qahramon — Rustam va Komissar obrazlarini yozuvchining bugungi adabiyotimizdagi yangi so'zi, badiiy kashfiyoti desa bo'ladi. Asarda Rustam, Qurbonoy xola, Shahnoza, Soat G'aniyev (komissar), To'lagan, Fotima, Nazira, Mauzer, Mels kabi o'nlab obrazlar galeriyasi mavjud. Yozuvchimiz bu obrazlarni kasbi kori, turmush tarzi, ijtimoiy kelib chiqishi turli tuman bo'lishiga qaramasdan bir-birlari bilan shunday mohirona bog'liqlikda asar sujetiga singdirganki, natijada har bir personajning xakteri shakllanishida, ruhiy dunyosini ochib berishga bevosita xizmat qilgan.

Asar bosh qahramonlari Rustam, Komissar, Qurbonoylardir. Bu uchlik-obrazlar asarning g'oyaviy konsepsiyasini aniqlashda muhim ahamiyatga ega.

Asar peysaj tasviridan boshlanadi: «Kuz o'lim to'shagida yotgan bemorga o'xshaydi. Oyoq ostida kasalmand xazonlar ingraydi... Erta – indin osmonga motam libosini kiygan bulutlar chiqadi. Yer ustida uzoq charx uradi-da, achchiq-achchiq ko'z yosh to'kadi. Sim-sim yomg'ir yog'adi: to'rt kunlik umrida dunyoga sig'magan, oxir-oqibat jon taslim etgan tabiatga aza ochib, unsiz yig'laydi»². Peyzaj tasviri ham inson ruhiyatini ma'lum bir qirrasini yoritishga xizmat qiladi. E'tibor qilinsa, ijodkorning badiiy mahorati shunda ko'rinadiki, voqealarni "...kuz o'lim to'shagida yotgan bemorga o'xshaydi..." tashbehi bilan boshlab, o'quvchini keyinroqda yuz beradigan fojeiy vaziyatga ruhiy jihatdan tayyorlab oladi.

Bilamizki, har qanday salmoqdor, ezgu g'oya san'atkorona ifodasini topgan taqdirdagina qudratli kuch kasb etadi, asar g'oyasi esa o'quvchi qalbini asir etadigan yaxlit sirlil-sehrli tasvir ohangi orqali pafosga aylanadi. Ilk jumladagi mana shu ma'yus, mungli ohang asar davomida tovlanib, goh sokin, goh shiddatli tus olib vujud-vujudingizni qamrab oladi. Asar qahramoni qismati boshdagi o'sha mungli so'zlar bilan intihosiga yetadi. «Kuz o'lim to'shagida yotgan bemorga o'xshaydi» jumlasini faqat qahramon qismatidagina emas, asarda aks etgan davr, muhit, jamiyatga ham dahldor — darhaqiqat, o'sha yillari jamiyat bamisoli o'lim to'shagida yotgan bemordek talvasada edi. Romanda o'zgacha davr, o'zgacha vaziyat, muammo, mojarolar. Biroq bosh

qahramon boshiga tushgan savdolardan qutilish yo'li o'sha — Rustam tipidagi oriyatli, vijdonli yigitni bu mudhish ko'rguliklardan o'limgina mosuvo etadi. Chuqurroq qarajak, Rustam obrazi talqinida ekzistensializm falsafasining ta'siri seziladi... Darhaqiqat, agar «Tushda kechgan umrlar» romanini ekzistensializm nuqtai nazaridan tushunmoqchi bo'lsak, Rustam obrazi talqinida o'ziga tamomila «begona dunyo»da, o'ziga «dushman dunyo»da yashagan shaxs fojeasini ko'ramiz. Rustam o'zi yashayotgan dunyoda o'zini mutlaq «begona» his qiladi, o'z dunyosidan mantiq, hayotidan ma'ni topolmay qoldiki, ayni shu sharoitda uning qarshisida «hayot yashab o'tishga arziydimi?» qabilidagi absurdga xos savol ko'ndalang bo'ldi. Absurd falsafasining otasi Kamyu:

«Inson ongidan tashqarida absurd mavjud emas. Uning o'limi bilan, boshqa barcha narsalar kabi, absurd ham yo'q bo'ladi», - deb yozadi. Ayni paytda, Kamyu insonning ixtiyoriy hayotdan ketishini ham yoqlamaydi, aksincha, uning talqinida «isyon o'lim emas, hayot manbaidir. Uning tub mohiyati — vayronkorlik emas, bunyodkorlik mantiqidir». Ya'ni, insonning isyoni voqeyelikni o'zgartirishga, tartibsizlikni (xaos) uyg'un tartibga (garmoniya) keltirishga qaratilishi lozim. Shu bilan birga, Kamyu — pessimist, dunyoni muayyan tartibga, bir paytlar ma'rifatchilar o'ylagandek inson uni «aqlga muvofiq holga keltira olishiga» ishonmaydi (aslida, modernizm dunyoqarash sifatida ma'rifatchilikning to'la inkori bo'lib maydonga kelgan). Demak, Kamyu talqinidagi inson mavjudligining sharti bo'lmish «isyon» ham avvalboshdan absurddan o'zga narsa emas, u insonning o'zi uchungina kerak, uning o'z hayotida ma'ni bor deb o'ylashi uchun aldov, xolos. Ayni shu o'rinda «Tushda kechgan umrlar»dagi va Kamyu talqinidagi «absurd» orasida ulkan farq mavjudligi ko'zga tashlanadi. O'.Hoshimov umidvorlik hissidan mosuvo emas, uning uchun «absurd voqeylik» jamiyat taraqqiyotidagi bir bosqich, «absurd tuyg'usi» shu bosqichda yo'lsizlikdan qiynalayotgan shaxs dunyoqarashi, kayfiyatidagi muvaqqat holat. Kamyu uchun esa, ma'lumki, absurd — universal hodisa, u absurd tushunchasini insoniyatning tongidan shomiga qadar, azaldan abadga qadar tadbiiq etadi...

Rustam — fojeiy shaxs. Katta hayotga endigina kirib kelayotgan, ona yurtning yetuk bir farzandi, sodiq fuqarosi bo'lishi, el-yurt uchun ko'p ishlar qilishi, sevgilisi vasliga erishib baxtli hayot kechirishi mumkin bo'lgan bu navqiron o'g'lon umri o'n gulidan biri ham ochilmay turib xazonga aylanadi. Uning hayotini mustabid tuzum, totalitar rejim siyosatini yurgizganlar, afg'on urushini boshlaganlar, «o'zbeklar ishi», «paxta ishi» mojarosini o'ylab topgan g'alamislar zavol etadi. Rustam halokati mana shu mudhish siyosatga zo'r bir aybnoma kabi yangraydi.

Asardagi Komissar obrazi esa murakkab obrazlardan biridir. Uning murakkabligi shundaki, harakatlarini, faoliyatini oqlab ham, qoralab ham bo'lmaydi. Nazarimizda, u, sovet davrining ramziy ifodasiga o'xshaydi. Asarni o'qish davomida, ko'proq, uning salbiy xususiyatlari ko'zga tashlansada, biz uni butunlay inkor eta olmaymiz.

Davr, ijtimoiy muhit shunday ediki, hattoki, ta'riflab berish mushkul bo'lgan darajada, kishilar e'tiqodi «dogma» holatiga keltirilgan edi. Komissar ham ana shunday e'tiqodi qotgan, o'zi uchun qat'iy normalarni yaratib olgan-«prinsipial» kimsa edi. Uning ruhiyat olamiga, psixologik va ma'naviy qiyofasiga nazar tashlaydigan bo'lsak, o'zgalar fikrini tan olmaydigan, o'z fikrida «sabit», o'zini jamiyatning eng kerakli ustuni, ya'ni uni «yot unsur» lardan tozalovchi kishi deb biluvchi kimsa ekanini bilib olamiz. U hech kimga ishonmaydi, hattoki farzandlari, xotini, yaqinlariga ham. Yozuvchi uning bu qiyofasini sekin-astalik bilan dalillab boradi. Birinchi dalil uning tergov hujjatidan keltirilgan biografiasida ko'rinadi.

«G'aniyev Soat G'aniyevich. Yetmish besh yoshda. Ittifoq miqyosidagi pensioner. Millati-yo'q. So'qqabosh. Avval sudlanmagan. Qatortol mavzei, 40-uy, 41-xonadonda istiqomat qiladi. 1941 yildan beri partiya a'zosi. Qizil Yulduz, Jangovar Qizil Bayroq ordenlari, oltin medal nishondori».[6]

Mana shu tarjimai holda ko'rinadiki, uning hech qaysi millatga mansub emasligi (bo'lishi mumkin emas-K.Sh) va Sovet hukumati oldidagi «beqiyos» xizmatlari aytiladi.

-Savolni men...

-Yig'ishtiring demagogiyani! So'roq qilishni bilmas ekansiz. Umuman sistemangiz aynib ketgan. Tartib yo'q. Tartib bo'lsa, Shomatovni organga ishga olmas edingiz.

-Kechirasiz grajdanin... o'rtoq Komissar... Bu gaplarni siz qayoqdan bilasiz?

-Men hamma narsani bilaman. Bu sohada ish boshlaganimda sizning otangiz ham tug'ilmagan edi.[6]

Ha, uning hamma narsadan xabardor bo'lib turishi o'zi va jamiyat uchun eng zarur hol edi.

“Ba’zilar organ deganda nuqul jazo beruvchi tashkilotni tushunadi. Unaqa emas. Organ jamiyatni yot unsurlardan himoya qiladi. Shunday ekan, uning qo’ligina emas, “qulog’i” ham yaxshi ishlashi shart. Har qanday tashkilotda, hatto yamoqchining do’konida ham “quloq” bo’lsa ziyon qilmaydi. To’g’ri-da, vaqti-vaqti bilan “tozalash” o’tkazib turmasa boshqarib bo’ladimi bu turfa jamiyatni!

Urushdan keyingi “tozalash” ham bejiz qilingani yo’q. Ayniqsa, olifta intelligentlar haddidan oshib ketdi. Gazeta-jurnallarda sovet jamiyatini masxara qiladigan narsalar paydo bo’la boshladi. Maktab o’qituvchisidan tortib olimgacha –hammasi “dono!”. Hammasi-“daho!” Xex!”. [6]

Asardan keltirilgan ushbu parchadan biz Komissar obrazi, uning ruhiy olami, ma’naviy qiyofasi haqida yanada aniqroq tasavvurga ega bo’lamiz. U haqdagi xulosalarimizni jamlashga harakat qilamiz.

Asarda ijtimoiy muhit ta’sirida xarakteri shakllangan Soat G’aniyev obrazi juda haqqoniy tasvirlangan. Uning xarakteridagi bo’yin egmaslik, cho’rt kesarlik, shafqatsizlik bolaligidayoq mavjudligini voqealar tasvirida ko’ramiz: «- Ha –a, kamissar! Qani, bir g’ayrat qil-chi, ko’ramiz suvga teskari suzish qanaqa bo’larkan!... Soat tag’in oqimga qarshi suzishga tushdi... Bora-bora qo’llaridan mador ketganini, oyoqlari uvishib qolganini sezdi... o’z yo’liga oqib yotgan suvga teskari suzish yaxshi emasligini idrok etdi... - Eshitib qo’yinglar! –dedi Soat alam aralash g’azab bilan. – Men komissar bo’laman! Albatta bo’laman! Hammangni otaman! «(O’sha asar, 34-36 betlar). Bu satrlarda komissar bo’lish orzusida yurgan, bolalikning beg’ubor damlarini o’z boshidan o’tkazyotgan Soat G’aniyevning xarakteridagi xususiyatlar ifodalangan. Komissar umri davomida hayot oqimga qarshi yuradi. Asar boshida keltirilgan va ramziy ma’noda tasvirlangan. «O’z yo’liga oqib yotgan suvga teskari suzish yaxshi emasligini», - anglagan komissar hayot oqimiga qarshi harakat qiladi. Natijada, o’z farzandi ham unga qarshi chiqqanda azoblar iskanjasida qoladi:

«Qarang, bu olifta intelligentni! O’z otangni tergashni kim qo’yibdi senga! Zamon qanaqa bo’lganini sen qayoqdan bilasan! Inqilob g’alabalarini himoya qilish kerakmidi? Mamlakatni ichki dushmanlardan tozalash kerakmidi? Bundan tashqari harbiy qasamiyodga sadoqat, ofiserlik burchi, degan gaplar bor!», - deya o’zini oqlashga harakat qiladi. Bu obraz haqida adabiyotshunos U.Normatov shunday yozadi: «Komissar bilan Nazira ikkisi ikki olam. Komissar – mustabid tuzumning hukmron mafkuraning qilich va qalqoni, tuzum yetishtirgan «siyosiy hushyorlik» yozuvlik, shafqatsizlik timsoli. Nazira esa nafosat, poklik ramzi».

Asar davomida komissarga xarakter jihatidan butunlay teskari bo’lgan Nazira oilasida yaxshigina uy bekasi, vafodorlik yo’lida o’z eriga sadoqatli, farzandlarining sevimli onasi sifatida ko’z o’ngimizda namoyon bo’ladi. Nazira hayoti davomida birov bilan qarama-qarshilikka bormagan, hatto erining ishlariga umuman, aralashmagan beozor inson kabi gavdalanadi. Hatto umri so’ngida ham osongina «jon taslim» etadi. Bu holatni yozuvchi qo’yidagicha tasvirlaydi:

«Nazira hayotida hech kim bilan olishishni istamagani kabi o’limda ham ajal bilan tortishib o’tirgisi kelmaganidek osoyishta yotar, lablarida alamli tabassum qotib qolgan, go’yo oxir oqibat, bu azoblardan qutilganiga shukur qilgandek, sen bilan o’tgan umrimga ham, dunyoning ishlariga ham pushaymonman deb mayus kulayotgandek edi...» (O’sha asar, 142-bet). Komissar Naziraning o’limidan o’kirib yig’laydi. Ammo bu yig’i uning umrida birinchi va oxirgisi bo’lib qolishini o’zi ham tasavvur eta olmasdi.

Romanda tasvirlangan ikki qutbning ya’ni, Soat G’aniyev yozuvlik, munofiqlik timsoli bo’lsa-da, Nazira-poklik, ezgulik elchisi sifatida namoyon bo’lib, ularning hayoti birga kechsa-da, Naziraning qalbida unga nisbatan kuchli nafrat tuyg’usi o’sib ulgurmagan. Shuning uchun ham: «- Jon dadasi, - dedi yolvorib. - Ertaga chaqaloqni tug’ruqxonadan olib chiqishadi. Umrim bino bo’lib sizdan hech nima so’ramadim? Iltimos, bir marta xo’p deng, boraylik... Mayli, ko’pmas, besh minutga... Bir og’iz tabriklab chiqing. Buva bo’ldingiz axir. – O’zing boraver! – Odammisiz o’zi nimasiz?! – dedi iltijo qilib. – Bir og’iz gap uchun o’z pushti kamaringizdan bo’lgan farzandingizdan kechasizmi?» (O’sha asar, 139-bet).

Asarning bu satrlarida Naziraning ichki dunyosidagi qarama-qarshilik yanada yorqinroq ifodalangan. Ammo uning qalbidagi alam asta-sekin yuzaga chiqqan boshlaydi. Shunda ham o'zligini saqlab qolishga intiladi. Farzandiga bo'lgan onalik mehri kuchlilik qiladi.

Biz yuqorida "uchlik obraz" iborasini ishlatdik. Bu uchlikning yana biri Qurbonoy obrazidir.

Qurbonoy-o'zbek ayollarining timsoliga o'xshaydi. Unda haqiqiy o'zbek ayollariga xos bo'lgan andisha, mehr-oqibat, iymon, pokizalik saqlanib qolgan.

Faqat shunisi qiziqki, nima uchun uning ismi aynan Qurbonoy? Nimaga Sadoqat emas? Nima uchun Mehrixon emas? Yoki umuman? Shu o'rinda yozuvchi ism tanlashda ana shu ismlarga ma'lum ma'nolarni yuklaganligiga amin bo'lamiz.

Davrning bo'ronlarida, mustabid tuzumning taloto'plarida aynan o'zbek millatining necha minglab farzandlari qurbon berilgani tarixiy faktlardan bizga ma'lum. Asardagi ana shu davrning, tuzumning eng katta qurboni ham Qurbonoydir. To'g'ri, uning ismi haqida asarning bir o'rnida to'xtab o'tiladi. Bu Komissar navbatdagi "tozalash"ni o'tkazayotgan paytda, Qurbonoylarning uyida yapon rezidentiga yozilgan xatni tintish jarayonida yuz beradi.

"Qurbonoy emish! Xo'p topibsanmi, qizingni otini! Demak, Qurbon hayitida tug'ilgan. Maktabda o'qituvchilik qilasan, uyingda Qur'on o'qiysan... Ilon! Munofiq!" Qizaloq hamon onasini quchoqlab turar, chamasini dadasining oldiga uchib borib bo'yniga osilgisi kelar, ammo notanish "amaki"dan qo'rqar edi." [6]

Bu o'rinda yozuvchining niyati o'sha davrda dinga, diniy marosimlarga munosabat qanday bo'lganligini ko'rsatish uchunгина Qurbonoy ismini tanlaganligi biroq haqiqatdan chetroq tuyuladi. Albatta, biz ta'kidlagan fikrlarni yozuvchi o'ylagan aniq. Biroq, Qurbonoy obrazi asarda davrning eng katta qurboni sifatida gavdalanadi. Holbuki, u go'dakligidan boshlab qancha-qancha siyosiy zug'umlarni ko'rgan, bobosidan, otasidan va so'ngida onasidan ayancli holda ajragan edi. Bu voqealar, zug'umlar uning yuragini olib qo'ygan edi. Shuning uchun ham u taqdirga tan bergan, yozig'ida nimaiki bo'lsa, xudodan ko'rguvchi edi.

Bir qaraganda Qurbonoy obrazi asarda biz istaganchalik vazifa bajarmayotgandek tuyuladi. Uning asar bosh qahramoni Rustam bilan bir "dom"da istiqomat qiluvchi farrosh ayol ekanini bilamiz. Qurbonoy o'rniga boshqa obraz kiritilsa yoki umuman kiritilmasa ham bo'ladigandek. Biroq, gap bunda emas, Qurbonoy bilan Rustam o'rtasidagi munosabat unchalik chuqurlashmagan bo'lsa-da, davr muhiti, tuzum kishilari haqidagi xulosalarimizning yana ham quvvatliroq bo'lishida Qurbonoy obrazining o'rni kattadir. Chunki, uning taqdiri, o'tmish fojeasi bevosita Komissar bilan bog'liqdir. Komissar esa, necha minglab qurbonoylarning boshiga yetgan jamiyatning "qo'li" hisoblangan. Komissar xarakterining to'laqonli ochilishida Qurbonoy obrazining roli kattadir.

Xulosa. Roman epik hodisa bo'lgani holda undagi biz uchun eng muhim jihatlardan biri subyektiv ibtido (ya'ni, asarda tasvirlangan narsaning o'zigina emas)dir desak, yanglishmagan bo'lib chiqamiz. Zero, roman ijodkor tomonidan ko'rilgan, idrok etilgan va qayta yaratilgan borliqdirki, unda muallifning o'zi yashagan yoki asarda aks ettirilgan davr (jamiyat va inson)ni qanday tushunganiyu baholagani – dunyoyu davr konsepsiyasi o'z ifodasini topadi. Avvalroq aytdikki, klassik tushunchadagi roman ijtimoiy-shaxsiy ehtiyoj mahsulidir. Bu ehtiyoj esa ijodkor shaxsning jamiyat bilan ziddiyatidan yuzaga keladi, ya'ni roman o'z hayot yo'lida chigal muammolarga duch kelgan ijodkorning "ziddiyatli holatni adabiy yo'l bilan yechishga urinishi"dir [7]. Mazkur ehtiyojni qondirish uchun ijodkorning hayot materiali(dispozisiya)ni badiiy idrok etishiyu ideal asosida qayta ishlab badiiy reallik(kompozisiya)ka aylantirishi taqozo qilinadi. Voqeylik bilan muntazam muloqot asosida amalga oshgan ijodiy jarayon (badiiy tafakkur) asar strukturasi muhrlansa, muallif anglagan haqiqatlar asar butunligi(sistema)da o'z ifodasini topadi. Modomiki, romanning badiiy voqeyligi muallif ko'zi bilan ko'rilgan va ideali asosida qayta yaratilgan borliq ekan, u qanchalik obyektiv tasvirlanmasin, bari-bir ijodkor subyektini o'zida aks ettiraveradi. Zero, muallif subyektini roman situatsiyasidayoq,[8] ya'ni unda personajlarning joylashtirilishiyu har birining asar voqeyligida tutgan mavqeyidayoq ko'zga tashlanadi.

Yuqoridagi fikrlarni umumlashtirgan holda shunday xulosaga keldikki, O'tkir Hoshimovning "Tushda kechgan umrlar" romani o'zbek adabiyotidagi jiddiy voqea, muhim yangilikdir. 90-yillar badiiy adabiyoti shaxs olamidagi ziddiyatlarni, shaxs va muhit o'rtasidagi

qarama-qarshiliklarni haqqoniy tasvirlashga intilganligidan dalolat beradi. Roman voqealari hayotning murakkab qirralarini badiiy talqin etish bilan bir qatorda, hayotiy ziddiyatlarning shaxs xarakteriga tasirini borlig'icha yoritishga harakat qilgan. Yozuvchimiz bu romani orqali badiiy xarakterning go'zal na'munalarini yaratdi. Badiiy adabiyot xarakterlar yaratish san'ati ekan, yozuvchining bir romani misolida, bu tushunchalarni nazariy jihatdan asoslash, xarakter darajasiga ko'tarilgan badiiy obrazlarning o'ziga xosligini ifodalab berish orqali bugungi estetik tamoyillardagi o'zgarishlarni badiiy asar sujetiga mohirona singdirganligidan dalolat beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Normatov U., Quronov D. Romanning yangi umri// Jahon adabiyoti. 2001.№9, -185 bet
2. Normatov U. Umidbaxsh tamoyillar. Toshkent "Manaviyat", 2000-yil, - 112 bet.
3. Umurov H. Adabiyot nazariyasi. Darslik. – Toshkent, "Sharq", 2002 yil. - 256 bet.
4. Yo'ldosh Q. Yoniq so'z. Adabiy o'ylar. – Toshkent, "Yangi asr avlodi", 2006 yil. – 548 bet.
5. Sharafiddinov O. Ijodni anglash baxti. – Toshkent, "Sharq", 2004 yil. – 640 bet.
6. Hoshimov O'. Saylanma. Ikki tomlik. Ikkinchi tom. – Toshkent, "Sharq", 2001 yil, - 586 bet.
7. Прието А. Морфология романа//Семиотика. - М.,1983.- С.371
8. Эсалнек А.Я. Об особенностях романной структуры//Принципы анализа литературного произведения.- М.,1984.- С.99
9. Karimov H. Istiqlol davri adabiyoti. Darslik. - Toshkent, "Yangi nashr" nashriyoti, 2010 yil, - 364 bet.
10. Sodiq Sanjar. Ijodning o'ttiz lahzasi. Adabiy - tanqidiy maqolalar. – Toshkent, "Sharq", 2005 yil, - 320 bet.
11. Sulton Izzat. Adabiyot nazaryasi. Darslik. – Toshkent, "O'qituvchi", 2005 yil. -272 bet.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Sodiqova Muqaddam Islamovna

О‘zbekiston davlat san’at va madaniyat instituti
"Jahon tillari va adabiyoti" kafedrasida katta o‘qituvchisi

INGLIZ TILIDAGI BA’ZI SINONIM SO’ZLARNING MA’NO JIHATIDAN FARQLANISHI



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-8287-2023-1-9>

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada sinonim so‘zlar, xususan, uning turlari haqida ma’lumot berilgan. Shuningdek o‘zaro sinonim bo‘lgan so‘zlar haqida, ularning ma’no jihatidan farqlanishi ko‘rsatib o‘tilgan. Maqoladan ma’nodosh so‘zlarning gap tarkibida qo‘llash va ulardan amalda foydalanish jarayonlari ifodalangan. Ingliz tilida shunday sinonim so‘zlar borki, ular o‘zbek tilidagi ma’nodosh so‘zlardan farq qiladi. Ular gap tarkibida qo‘llanilganda ma’lum darajada, ya’ni ma’no nozikligi nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Shuning uchun yangi o‘rganuvchilar sinonimlardan foydalanish mobaynida qiyinchiliklarga duch kelishadi. Maqola orqali biz o‘rganuvchilarga yengillik yaratish maqsadida ma’no farqlash jarayonidagi ba’zi sinonim so‘zlarni o‘rganib chiqdik.

Kalit so‘zlar: sinonim, sinonimiya, matn, ma’no, o‘g‘zaki nutq, yozma nutq, uslub, so‘z.

РАЗНОЕ ЗНАЧЕНИЕ НЕКОТОРЫХ СИНОНИМОВ СЛОВ В АНГЛИЙСКОМ

АННОТАЦИЯ

в этой статье описываются синонимы, в частности их типы. Также было показано, что слова, которые являются синонимами, имеют разные значения. В статье описывается, как слова используются. В английском языке есть такие синонимы, что они отличаются от узбекских синонимов. Они могут существенно различаться по смыслу предложения. В этом процессе ученик сталкивается с трудностями при использовании синонимов. В этой статье мы изучили некоторые синонимы в значении слов, чтобы облегчить студентам.

Ключевые слова: синоним, синонимия, текст, значение, устная речь, письменная речь, предложение.

MEANING DIFFERENCES IN SOME SYNONYMS IN ENGLISH

ANNOTATION

This article is about synonyms, particularly their types. It has also been shown that words that are synonymous are distinct from each other. From the article how words are used in the sentence structure, in which cases the use processes are described. There are such synonyms in English that they are different from the Uzbek synonyms. We can distinguish them by meaning, in other words they are used in the context of the sentence. In this process, the learner will have difficulty using synonyms. Through the article, we have explored some synonyms in meaning differentiation to facilitate the learner.

Key words: synonym, synonymy, meaning, text, oral speech, written speech, style, word.

Sinonim so'zlar ma'no jihatidan bir xil, ammo shakli jihatidan turlicha bo'lgan so'zlar hisoblanadi. Misol qilib ingliz tilidagi **face, visage, countenance** so'zlarini olsak, ularning barchasi yuz, ya'ni tana a'zosining bir qismini ifodalash uchun qo'llanadi. Sinonimlarning xuddi shunday bir xil ma'noga ega bo'lish hodisasi esa sinonimiya jarayoni hisoblanadi. Sinonimiyada bir so'z bosh so'z, ya'ni asosiy-dominanta so'z vazifasini bajaradi. **Face, visage, countenance** -o'zaro sinonimlar ichidagi asosiy so'z **face** hisoblanib, eng ko'p qo'llaniladigan, umumiy so'zdir. **Leave, depart, quit, retire, clear out**- jo'nab ketmoq ma'nosidagi ushbu leksemalardagi bosh so'z **leave** so'zi hisoblanadi. Ma'nodosh so'zlar belgi va xususiyatiga ko'ra 2 turli bo'ladi :

1. Ideografik sinonimlar ;

2. Stilistik sinonimlar.

Ideografik sinonimlar o'zaro darajalanish xususiyatiga ega bo'lganligi bilan stilistik sinonimlardan farq qiladi. Ular bir-biriga juda yaqin bo'lsa xam, kontekstda turli xil ma'nolarni anglatadi. Masalan, **beautiful – fine – handsome – pretty** -go'zal. **Beautiful** so'zi sinonimiyadagi so'zlar uchun eng to'liq ma'noga ega bo'lgan so'zdir. **Fine-handsome-pretty** so'zlari esa uning bir qismi hisoblanib, darajalanish jarayonida **beautiful** kuchli ma'noga ega ekanligi bilan farq qiladi. Stilistik sinonimlar esa, matn ichida asosiy ahamiyatga ega ekanligi va emotsional bahoga ega ekanligi bilan ajralib turadi. Ushbu ma'nodosh so'zlar she'rlarda, qadimgi boshqa ma'noda, hozirda boshqa ma'noda qo'llanilgan holatlarda, asarlarda o'zaro sinonim bo'lib kelishi mumkin. Misol uchun, **maid** so'zi **girl, bliss** so'zi **happiness** so'ziga sinonim bo'lishi stilistik sinonimiya hisoblanadi[1].

Demak, sinonimlar uslubiy xususiyatiga, emotsional bo'yoqqa ega ekanligiga ko'ra bir-biridan farq qiladi. Nutqimizda sinonimlarning, har birining o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olgan holda foydalanish muhim ahamiyat kasb etadi. Sinonimlarning ma'nosi bir xil bo'lishiga qaramay, ular ma'no farqlash jarayonida o'zining aniq ma'nosini yaqqol saqlab qoladi. Ko'pincha insonlar bir uyaga mansub so'zlarni ma'nodosh deb hisoblashadi. Bu hodisa mutloq xatodir. Misol uchun, **horse** va **animal** leksemalari semantik jihatdan o'xshash bo'lsa-da, ammo o'zaro sinonimlar hisoblanmaydi[2].

Bundan tashqari, ingliz tilida shunday sinonim so'zlar mavjudki, biz ularni yolg'on yoki aldanchi sinonimlar deb atashimiz mumkin. Ushbu tur shakldosh so'zlaning eng xatarli turi hisoblanib, o'quvchiga sinonimlar qo'llash jarayonida noaniqliklarga sabab bo'lib qoladi. Misol uchun, **car** va **vehicle** so'zlari anglashilgan ma'no jihatidan va ko'rinishidan transport vositasi hisoblansa-da, aslida **car** va **vehicle** so'zlari umuman boshqa ma'noli bo'lgan so'zlardir. Ularning umumiy ma'nosi qisman mos kelsa-da, ba'zan ular bir-birlarini almashtirib qo'llash mumkin. Yana misol qilib, **famous** va **notorious** – mashhur ma'nosidagi sinonim so'zlarni olishimiz mumkin. Chunki, ular hech qachon bir-birini almashtirib qo'llanilmaydi, ular ma'no jihatdan bir- biriga mos kelmaydi va ularning mazmunida o'zaro eksklyuziv belgilar mavjuddir. **Famous** va **notorious** so'zlarini xamma umumiy nom ostida biladi. Ammo ular ma'no nozikligi nuqtayi nazaridan turlichadir.

Famous - mashhur, taniqli ma'nosida ;

Notorious - esa mashhur, taniqli, ammo yomon nom bilan.

Wages, salary, pay, fee so'zlari ham ushbu tur sinonimlarga kiradi. Bu yerda **wages** so'zi oddiygina ishchilarga beriladigan ish haqi ma'nosida, **salary** – xizmati uchun beriladigan oylikka, **pay** so'zi esa asosan harbiy xizmatchilarning maoshi ma'nosida, **fee** so'zi esa qalam haqqi uchun to'lanadigan to'lov miqdori ma'nosiga ega bo'lgan sinonimlar hisoblanadi. Ularni o'z holatida ishlatish nutqdagi g'alizliklarni oldini oladi.

Resign – retire listen – hear look – see

learn – study shade – shadow treat – cure remember – remind [3].

Ushbu sinonimlar ham shu turga mansub bo'lgan sinonimlardir. Masalan, **resign** va **retire** sinonimlari ham ma'no nozikligi nuqtayi nazaridan o'zaro farqlanadi. Ya'ni **resign** - boshqa lavozimni egallash uchun lavozimidan ketish bo'lsa, **retire** esa nafaqat ushbu lavozimni tark etish, balki umuman ishlashni to'xtatish, nafaqaga chiqishdir.

Hear va **listen** so'zlarini tahlil qilganimizda, **hear** so'zi jismoniy harakat natijasida yuzaga keladigan tovushlarni eshitish va uni idrok etishda ishtirok etadigan biologik jarayondir. **Listen** esa, bu tovushlarning ma'nosiga e'tibor berish va uni tushunish qobiliyati. Biz shovqinlarni eshitamiz, musiqani tinglaymiz. Chunki, shovqin quloqlarimizga xech qanday harakatsiz yetib boradi.

See va **look** sinonimlarini farqlaganimizda, **see** ko'zlarimiz yordamida kimnidir yoki nimanidir payqash yoki xabardor bo'lish uchun qarash ma'nosi anglashiladi. **Look** esa, bu ko'zlarimizni ma'lum yo'nalishga yo'naltirish, yana ham batafsil aytganda, ko'rish qobiliyatidir.

Learn va **study** so'zlari ham qiyoslaganimizda bir-biriga juda yaqin ma'noli so'zlar hisoblanadi. Ammo ular xam ma'no nozikligi jihatidan farqlanishi mumkin ekan. Ya'ni, **learn** o'rganish yoki bilish orqali bilimga yoki mahoratga ega bo'lish bo'lsa, **study** esa faktlarni yodlash, xuddi maktabga borib o'rganish demakdir.

Shadow va **shade** so'zlari: **shadow** xar qanday yorug'lik manbalari orqali, masalan, sham, chiroq, osmondagi yorug'lik yoki sun'iy yorug'likdan tushadigan soya ma'nosida qo'llanilsa, **shade** esa faqatgina quyosh nurida paydo bo'ladigan soyaga nisbatan ishlatiladi.

Treat va **cure** so'zlari ham o'zaro farqlanadi. **Treat** bemorning ahvolini va hayot sifatini yaxshilanishi- davolash bo'lsa, **cure** esa bemorni kasallikdan butunlay xalos qilib davolanishidir.

Remind va **remember** so'zlariga kelsak, **remind** fe'li oddiy qilib aytganda qo'zg'atuvchi fe'l ya'ni kimgadir esdan chiqayotganda eslatib o'tishdir. **Remember** esa, refleksdir. Ikkala fe'l xam bir xil ma'noni anglatga-da, ammo ular narsa bilan bog'liqligi nuqtayi nazaridan o'zaro farqlanadi.

Persuade va **convince** sinonimlari o'zaro farqlanganda, **persuade** fe'li biron bir insonni biror bir narsaga mantiqiy ishontirishi ya'ni tortishuv paytlarida ishontirish ma'nosi anglashiladi. Mohiyatan bu ikki so'z o'zaro solishtirilganda **persuade** insonning aqli bilan ishontiradi, **convince** esa, natijaga ishontiradi.

Visit va **attend** so'zlarini solishtirganimizda, ular orasidagi farq yaqqol namoyon bo'ladi. Chunki, **visit** so'zini biz joyga nisbatan tashrif buyurish ma'nosida, **attend** so'zini voqealarga yoki tadbirlarga qatnashish ma'nosini tushunib yetamiz.

Note va **notice** fe'llarmiz xam mavjud. **Note** so'zi odatda tinglash jarayonida yoki yozish jarayonida qisqacha qilib, yozma shaklda eslatma sifatida ishlatiladi. Misol uchun:

I noted down the details – men tafsilotlarni qayd qildim.

Notice esa xabardor qilish maqsadida ishlatiladi. Masalan:

I noticed his hat was falling off - Uning shlyapasi tushganini xabar berdim

Shuningdek, umumiy bo'lgan yana shunday so'zlar borki, ularni farqlashimiz lozim. Shulardan biri, **work** va **job** so'zlaridir. **Work** so'zi job so'zidan ko'ra umumiyroq hisoblanadi. **Work** umumiy maqsad va maqsadga erishish uchun qilinadigan ishlarni nazarda tutsa, **job** so'zi ma'lum bir kasbga oid so'z hisoblaniladi.

Sinonimlar odatda bir yoki bir nechta jihatdan farqqa ega bo'ladi. Shulardan biri ma'no qirrasidagi farq bo'lishi mumkin. Quyida ba'zi sinonimlarning semantik jihatdan farqlanishni misollar yordamida ko'rib chiqamiz. Masalan, ingliz tilidagi **miss** va **lose** so'zlarini farqlaganimizda quyidagi xulosaga kelish mumkin.

We went to the cinema last night. It was great movie. We missed the first ten minutes - o'tgan tunda biz kinoga bordik. U ajoyib edi. Biz uni avvalgi 10 daqiqasini boy berdik. Ushbu gapdagi **miss** so'zi yo'qotmoq ma'nosida aynan qo'llanilmagan. Balki, boy bermoq va topib bo'lmaydigan vaziyatlar ma'nosi anglashilgan. Ammo :

I lost my keys and suddenly I find them – Men kalitlarimni yo'qotib qo'ydim va tasodifan ularni topdim.

Ushbu gapda **lose** so'zi esa, boy bermoq ma'nosida emas, aksincha yo'qotmoq, ya'ni biror bir predmetni yo'qotish ma'nosini kasb etgan.

Bundan tashqari, yana shunday so'zlar borki, ma'no farqlash jarayonida turli qiyinchiliklarni vujudga keltiradi. **Arrive** va **reach** so'zlarini farqlab ko'rganimizda, ulardagi ma'noviy farq matn ichida namoyon bo'ladi.

Finally, I reached my prize - Vanihoyat, men o'z yutug'imga erishdim.

Ya'ni, **reach** leksemasi biron bir narsaga o'z mehnati evaziga erishish, qo'lga kiritish sxemasini ifodalab kelgan.

I arrived home - men uyga yetib keldim.

Arrive esa joy yoki makonga nisbatan yetib kelish holatlari uchun ishlatiladi. **Reach** va **arrive** so'zlari xam o'zaro sinonim bo'lsa-da, ular faqatgina matn ichida boshqa ma'no ifodalashi mumkin. **Pick** va **select** so'zlarini tahlil qilganimizda, ular orasidagi farq juda yaqin ekanligini ko'ramiz. Ya'ni **select** so'zi tanlash jarayonida imkoniyat borligini anglatadi. Masalan :

Select Christmas present for a child - bolalar uchun rojdestvo sovg'asini tanlash ya'ni bu yerda tanlash uchun imkoniyat bor, xech qanday cheklov yo'qligini ko'rishimiz mumkin. **Pick** esa, kelajakda ishlatilishi mumkin bo'lgan predmetlarni tanlash, ya'ni ishora qilish uchun ishlatiladi. Misol uchun:

pick new words - yangi so'zlarni tanlash .

Answer va **reply** so'zlarini farqlash jarayonida, **answer** ko'proq og'zaki nutq uslubi uchun xosligi, **reply** so'zini esa yozma nutq uslubi uchun xosligini bilishimiz va buni so'zlashish jarayonida kuzatishimiz mumkin. Bundan tashqari, **reply** umumiy holatlar uchun, **answer** qisqa javob beriladigan vaziyatlar uchun mosdir. Bu o'zaro sinonimlarni predloglar yordamida farqlashimiz xam mumkin. Misol uchun, **answer a question**, lekin **answer to question** shaklida gap tuza olmaymiz. Balki, **reply to a question**. **Reply** so'zi o'ziga to predlogini qabul qilishi bilan xam farqlanishi mumkin ekan. Sinonim so'zlarni farqlar ekanmiz, ularning turli xil ekanligini, xar xil emotsional xarakterga ega ekanligini, matn ichida turlicha, semantik jihatdan yagona ma'noga ekanligini ko'rishimiz mumkin. Ma'nodosh so'zlarni yagona ma'noga ega ekanligi emas, ularning xar biri o'zgacha ma'no kasb etayotganligini kuzatishimiz mumkin.

Ko'p foydalaniladigan so'zlardan biri **survive** va **outlive** - yashamoq, uzoqroq yashamoq. Misol uchun:

No mother wants to outlive her children - xech qaysi ona farzandlari bilan yashashni xohlamaydi.

Yoki,

She survived her husband by ten years - u turmush o'rtog'i bilan 10yil yashagan.

Ushbu so'zlarni o'zaro taqqoslash jarayonida ulardagi qo'shimcha ma'noga xam e'tibor qaratish lozim. Har ikki so'z xam bir xil ma'noga ega, ammo **survive** so'zi omon qolmoq ma'nosida xam ishlatiladi:

She definitely didn't know how to survive in the forest - u aniq bilmaydi qanday qilib o'rmonda tirik qolgan.

Xulosa qilib aytganda, ingliz tilidagi ma'nodosh so'zlar rang-barang bo'lib, ularni nutq jarayonidami yoki matn bilan ishlayotgan vaqtda xam keng qo'llay olish imkoniyati mavjud. Bu esa nutqimizni mahsuldor bo'lishi uchun, turli xil zerikishlardan qochish uchun xizmat qilib, kelajakda xar taraflama yordam beradi. Chunki, sinonimlar ya'ni shakldosh so'zlar nutq jarayonida ham, yozma shaklda ham qo'llanilganda tinglovchiga qiziqish uyg'otadi. O'rganishimiz mobaynida

sinonimlardan oqilona va gap tarkibida qanday shakldosh so'z qo'llashimizga e'tibor berishimizga, ularni noto'g'ri ishlatilmasligiga ya'ni gaplarimiz g'aliz chiqmasligini oldini olishga yordam beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati:

1. Давлетбаева Д.Н. Lectures on English Lexicology. Казан 2018. 28-bet
2. Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. Москва. Высшая школа. 1986. 78-79- bet
3. Ginzburg R.S, Khidekel S.S, Knyazaeva G.Y, Sankin A.A. A course in Modern English Lexicology. Moscow 2006
4. Иванова Н.К. English Lexicology .Иваново 2019
5. Фамина Н.В Лексикология Английского языка. Москва МАДИ 2018.
6. Осиянова О.М, Романюк М.Ю. English Lexicology Оренбург ИПК ГОУ ОГУ 2019.
7. Grinberg L.E, Kuznets M. D, Kumacheva A. V, Meltser G. M. Exercises in Modern English Lexicology. Moscow 1960
8. Leonhard Lipka. An Outline of English Lexicology. Max Niemeyer Verlag Tubingen 1992
9. Nino Tevdoradze. English Lexicology. Antrushina 2019

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Дадахонов Аъзамжон Олтмишевич

Докторант (PhD)

Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти кафедраси

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

mr.dadakhonov@gmail.com; intern-journ@yandex.ru

МЕДИАКОНВЕРГЕНЦИЯ ШАРОИТИДА ЖУРНАЛИСТИК ФАОЛИЯТ ВА ТАЪЛИМДАГИ ИННОВАЦИЯЛАР



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2023-1-10>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола медиаконвергенция жараёни, унинг характерли хусусиятлари, журналистика ва соҳадаги таълимга таъсирини тадқиқ этишга бағишланган. Муаллиф томонидан турли илмий адабиётлар ва манбалар, журналистик амалиётдаги янгиланишларни ўрганган ҳолда конвергенция жараёнларининг ОАВ таҳририятлари тузилиши ва журналистларнинг кундалик иш тартибини ўзгартириб юбораётгани очиб берилди, “универсал журналист” феномени таҳлил этилиб, миллий ва хорижий ОАВ ходимлари амалиётидан мисоллар келтирилади. “Конвергент таҳририят” тушунчаси, журналистлардан талаб қилинаётган янгича технологик ва ижодий касбий кўникмалар хусусида сўз юритилади. Соҳадаги сўнгги инновацияларнинг журналистик таълим жараёнларини ташкил этишга ҳам янгича талаблар қўяётгани таъкидланади, мавзу юзасидан зарурий умумлашма хулосалар чиқарилади.

Калит сўзлар. Конвергенция, рақамли технологиялар, конвергент таҳририят, 90, 180, 270, 360 даражали мультимедиавий янгилликлар хоналари (нюсрум), универсал журналист, касбий ижодий кўникмалар, таълимга гуманитар ва технологик ёндашувлар.

Дадахонов Аъзамжон Олтмишевич

докторант (PhD)

Кафедра теории и практики международной журналистики

Узбекский государственный университет мировых языков

mr.dadakhonov@gmail.com; intern-journ@yandex.ru

ИННОВАЦИИ В ЖУРНАЛИСТСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ОБРАЗОВАНИИ В КОНТЕКСТЕ МЕДИА КОНВЕРГЕНЦИИ

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена изучению процесса конвергенции СМИ, его характеристикам, его влиянию на журналистику и образование в данной области. В статье рассматриваются различные научные литература и источники, обновляется журналистская практика, раскрывается, что процесс конвергенции меняет структуру СМИ и распорядок дня журналистов, анализируется феномен «универсального журналиста» и приводятся примеры из практики национальных и зарубежных СМИ. Понятие «конвергентная редакционная

статья» относится к новым технологическим и творческим профессиональным навыкам, необходимым журналистам. Отмечено, что последние нововведения в данной области также предъявляют новые требования к организации образовательного процесса журналистики, по этому вопросу делаются необходимые выводы.

Ключевые слова. Конвергенция, цифровые технологии, конвергентная редакционная статья, мультимедийные редакции новостей 90, 180, 270, 360 градусов (нюсрум), универсальная журналистика, профессиональные творческие навыки, гуманитарные и технологические подходы к образованию

Dadakhonov Azamjon Oltmishevich

PhD student

Theory and Practice of International Journalism Department

Uzbekistan State World Languages University

mr.dadakhonov@gmail.com; intern-journ@yandex.ru

INNOVATIONS IN JOURNALISTIC ACTIVITY AND EDUCATION IN THE CONTEXT OF MEDIA CONVERGENCE

ABSTRACT

This article is devoted to the study of the process of media convergence, its characteristics, its impact on journalism and education in the field. In this study, the author examines various scientific literature and sources, updates in journalistic practice, reveals that the convergence process changes the structure of media editorials and the daily routine of journalists, analyzes the phenomenon of "universal journalist" and gives examples of national and foreign media practice. The concept of "convergent editorial" refers to the new technological and creative professional skills required of journalists. It is noted that the latest innovations in the field also place new demands on the organization of the educational process of journalism, the necessary conclusions are drawn on the subject.

Key words. Convergence, digital technologies, convergent editorial, 90, 180, 270, 360 degree multimedia newsrooms (newsroom), universal journalism, professional creative skills, humanitarian and technological approaches to education.

Кириш

Ахборот жамияти қонуниятлари ҳаётга татбиқ этилиб, жамият ривожланишининг янги босқичига кирган бугунги даврда ахборот олишнинг тезлиги, ҳажми ва сифати ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг барқарор ва самарали ишлаши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Янги оммавий коммуникация каналлари – Интернет ва мобил алоқа, ижтимоий тармоқларнинг пайдо бўлиши бутун жамият аъзоларига ва ҳар бир шахсга глобал телекўрсатувлардан тортиб, бутун дунё бўйлаб газета, журнал, ахборот агентликлари маҳсулотларига очиқликни таъминлади. Бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг муҳим роли шундан иборатки, улар ўзаро мулоқот қилишади, бирлашади, ҳамкорликни йўлга қўяди. Натижада бутун дунё бўйлаб ахборотни тарқатишда янги имкониятлар пайдо бўлади.

Журналистика бу соҳада ишлайдиган кишиларнинг тинимсиз меҳнатлари сабабли жамиятнинг ахборотлашуви ва тараққий этиш жараёнларида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, жамиятдаги тараққиётини таъминлайдиган ахборот ва технологик янгиликларнинг барчаси бевосита профессионал журналистик фаолият билан узвий боғлиқ ҳолда тарқатилади.

Иккинчидан, оммавий ахборот тизимидаги кескин ўзгаришлар рўй бермоқда ва бу журналистлардан ўз устида тинимсиз изланиш зарурлигини такозо этмоқда.

"Медиа конвергенция" тушунчаси ОАВ соҳасидаги асосий тараққиёт тенденцияларидан биридир. Мазкур тушунчанинг долзарблиги ахборот-коммуникация соҳасининг келажакдаги ўзгаришлари ҳақидаги илмий мунозараларда бу феноменга турлича ёндашувлар ва шарҳларнинг кўплиги билан изоҳланади.

Ҳозирги босқичда конвергенция жараёни келгуси ўн йилликлар ичида нафақат оммавий ахборот воситалари ва коммуникация тизимларини, балки касбий фаолиятнинг турли соҳаларини, жумладан, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасини ҳам бутунлай ўзгартириши мумкин бўлган жараёндир. Малакали ва билимли кадрларнинг етишмаслиги билан боғлиқ эҳтиёжлар, конвергент характердаги ахборот соҳасида касбий фаолият учун тайёрланган, журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш зарурлигига асос бўлади.

Асосий қисм

Конвергенция – (лотинча *convergere* – яқинлашиш, қоришиш) ОАВ фаолиятининг тубдан янгиланишига туртки бўлаётган тамойиллардан бири. Конвергенция жараёнларида ОАВ барча форматдаги ахборот ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширишга имкон берадиган медиа маконга айланади. Аслида онлайн журналистика ривожланиши билан кўпчилик таҳририятлар ўзларининг интернетдаги клонларини ёки веб-сайтларини яратишга киришишди. Конвергент характери сабабли онлайн ОАВ – матбуот, радио, ТВ – барча форматдаги ахборотни тайёрлашни журналистлар олдига асосий талаблардан қилиб қўяди. Чунки анъанавий газета ўз электрон шаклида фақат матн билан иш кўриш орқали ахборот асри аудиторияси эътиборини жалб эта олмайди ва онлайн макондаги рақобатда ўзиб кета олмайди.

Коммуникация воситалари ривожланиб борар экан мультимедиавий контент (видео, аудио, фотосуратлар, шарҳли фотосуратлар, инфографика) энди нафақат Интернет орқали, балки уяли телефон орқали ҳам бемалол олиш, кузатиш, ҳатто шундай форматдаги ахборотни йиғиш, қайта ишлаш ва тарқатиш имконияти пайдо бўлди [5, 7].

Аслида, журналистикада конвергенция атамасининг пайдо бўлиши XX асрнинг 70-йилларига бориб тақалади. У илк марта хорижлик олимлар Негропонтте (1976, 1995) ва И.Де Сола Пуль (1983) томонидан ишлатилган. 1990 йилнинг охирларидан, рақамли технологиялар натижасида журналистикадаги инновацияларга сабаб бўлган улкан ўзгаришлар бу тушунчани алоҳида аҳамиятга эга бўлишига олиб келди. Шу даврга қадар турли олимлар бу тушунчага турлича таърифлар бериб келишди. "Конвергенция" атамасига берилган таърифларда учта ёндашув ёки учта илмий мактаб фикрлари юзага келди. Хронологик тартибда берилса, улар конвергенцияни 1) маҳсулот; 2) тизим; 3) жараён сифатида таърифлашди [2, 21].

Мазкур тушунча ўзида турли ОАВ га хос хусусиятларнинг бир оммавий коммуникация каналида бирлашиши, қоришиб кетишини ифодалайди.

Медиа конвергенция тушунчасига таърифларни шу даврга қадар хорижлик олимлардан С.Куин, Д.Фишер, А.Грант, Ж.Уилкинсон; россиялик олимлардан Е. Л. Вартанова, А.Г. Вартанова Качкаева, С. Д. Балмаева, М. М. Лукина, Д. Рендалл, С. Квинн, И. В. Кирия; ўзбек олимларидан Н.Қосимова, Н.Муратова, С.Дониёров, М.Нуритдинова ва бошқаларнинг асарлари ва олиб борган тадқиқотларидан учратиш мумкин.

Ўзбек олималаридан М.Нуритдинова медиаконвергенциянинг роли ҳақида куйидагиларни ёзади: "...журналистика соҳасида юзага келган оммавий ахборот воситаларининг конвергенцияси амалда мавжуд форматлар ва жанрларнинг ўзаро бирлашиб, интегратив фаолият юритиши, яъни яхлит мультимедиавий контентига замин яратди. Замонавий журналистиканинг ижодий фаолияти тубдан ўзгарди... бир қанча вазифаларни жамловчи медиаплатформалардаги ОАВ интеграцияси маълумотларни формат, жанр ва турли мукамал дастурларда тақдим қилиш имкониятини яратди" [9, 19].

Журналистик амалиётда конвергенция бир неча кўринишларда намоён бўлмоқда:

1. Тайёрланаётган журналистик материалнинг конвергенциялашуви – бунда журналист томонидан тайёрланаётган ҳар бир материал матн, видео, аудио сингари қисмлардан иборат бўлади ва барча ОАВ каналларида узатиш мумкин.

2. Журналист касбининг конвергенциялашуви. Журналист мультимедиа воситаларидан фойдаланган ҳолда материал тайёрлайди. Ундан барча ОАВ тури учун таъсирчан ахборот тайёрлаш усул ва кўникмалари бўйича етарли билим бўлиши керак бўлади.

3. Ахборот бозорининг конвергенцияси. ОАВ саноати телекоммуникацион воситалар ва ахборот-компьютер технологиялар билан бирлашуви ахборот бозорида янги иштирокчилар: сунъий йўлдошли каналлар, интернет телевидение, компьютер компаниялари, интернет провайдерлар кабиларни бирлаштиради.

Конвергенциялашув шароитида мультимедиа воситалари, тармоқ хизматлари, компьютер технологиялари ва дастурий инжиниринг сингари соҳаларнинг имкониятлари бир коммуникация каналига бирлашади. Бу эса келажакда нафақат ОАВ тизими, балки у билан боғлиқ ахборот саноатини ҳам ўзгартириши мумкин [3, 115].

Компьютерлар, телекоммуникациялар ва оммавий ахборот воситаларининг технологик қўшилиши туфайли улкан глобал ва регионал консорциумлар (монополистик бирлашмалар) шаклланди. Компьютер компаниялари, телефон тармоқлари, кабель станциялари, йўлдошли телевидение, янги бозордаги таваккалчиликни қисқартиришга ҳаракат қилган ҳолда, рақобатлашадилар, бирлашадилар.

Мультимедиавий журналистика имкониятларига эга бўлган оммавий ахборот воситалари замонавий медиамаконда барча форматлардаги ахборот яратишга интеграциялашган таҳририятларни бунёд этилишига олиб келмоқда.

Хорижий илмий адабиётларда “мультимедиавий таҳририят”, “конвергент таҳририят” деб аталган ижодий муҳит, замонавий журналистик таҳририят хонаси ҳақида кўплаб таҳлиллар учрайди. Бундай таҳририятларда ахборот марказлаштирилган ҳолда тайёрланади ва тарқатилади, унинг таркибидаги бир неча хил ОАВ бир гуруҳ ҳолида ишлайди ва анъанавий ОАВ даги тузилмалар сингари автоном бўлмайди.

Конвергент таҳририят – бу битта медиакомпания таркибидаги оммавий ахборот воситалари (матбуот нашрлари, радио, телевидение, ахборот агентликлари, Интернет) учун янгиликлар, тезкор хабарлар, эълонлар, ахборот материалларига гиперҳавоалар ва реклама майдончалари каби медиамаҳсулот ишлаб чиқарувчи интеграллашган ижодий тузилма.

Конвергент таҳририятлар турли хил йирик ОАВ - газета, радио, телевидениенинг бир тузилмага бирлашиши асосида пайдо бўлади.

Конвергент таҳририятнинг ривожланишини белгилайдиган муҳим омил, ҳозирги босқичда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини мувофиқлаштириб турадиган ва ўзаро таъсирини таъминлайдиган кенг қамровли вазифаларини бажариш билан бир қаторда, ахборотни бир марта яратиш ва турли йўллар билан – газеталар, телевидение ва радио, тармоқ порталлари, мобил телефонлар ва бошқа коммуникация каналлари орқали тарқатиш имконини берадиган технологиялардир. Бундай технологиялар кенг кўламли уланишларга эга: макро даражада – бу рақамли контентни тарқатиш учун канал, микро даражада – бу "мультимедиавий янгиликлар хоналари" номини олган рақамли журналистика воситалари бўлиб, медиакомпаниялар учун ахборот марказларига ҳамда янгиликлар “двигателлари” га айланиш имконини беради [10].

Тадқиқотлар натижасида шу маълум бўладики, мультимедиа янгиликлар хоналари (ньюзрумлар) очик журналистик ижод майдони (таъбир жоиз бўлса, уларни ҳозирда кенг тарақалаётган ко-воркинг марказларига ўхшатиш мумкин). Уларда:

- Раҳбарлар ва ходимлар яқин доирада ишлашади;
- қулай ижодий муҳит ва иш ўринлари оқилона жойлашади;
- энг сўнгги русумдаги АКТ, рақамли медиа технологиялар мавжуд бўлади;
- очик майдон концепциясига мувофиқ ишлаб чиқариш мажлислари ва катта йиғилиш заллари бўлади;
- ижодий студиялар – бир нечта ОАВ – телевидение ва радио студиялари учун янгиликларни ёзиб олиш, таҳририятга келган меҳмонлардан интервью олиш, кўрсатув ва радиоэшиттиришларни олиб бориш учун студиялар мавжуд бўлади.

Дунё мамлакатларидаги янгиликлар хоналари (ньосрумлари) интеграциялашувини ўрганган тадқиқотчилар молиявий ва технологик имкониятларга, шунингдек, журналистлар жамоасининг янги медиа технологияларда ишлашга тайёрлик даражасига қараб, улардаги рақамли технологиялар ривожланишига қараб янгиликлар таҳририятлари, хусусан, конвергент таҳририятларни турлича таърифлайдилар. Жумладан, рус тадқиқотчиси Людмила Петровна Шестеркина ўз докторлик диссертациясида мультимедиа янгиликлар хоналари 90, 180, 270, 360 даражали мультимедиавий интеграция турларига бўлиб таҳлил қилади [11, 100-101].

Олиманинг ўз ишида берган тасниф ҳамда хорижлик олимлар Марта Стоун (Martha Stone), Жан Бээрхофф (Jan Bierhoff) ларнинг “Европада мультимедиа хоналарининг ҳолати” (“The State of Multimedia Newsrooms in Europe”) номли мақоласи [12] да илгари сурилган фикрларидан келиб чиқиб, мультимедиавий янгиликлар хоналарини қуйидаги жадвалда тавсифлашга ҳаракат қилдик (Жадвал 1).

Жадвал 1

Конвергент таҳририятларда мультимедиа янгиликлар хоналари (ньосрум) лар таснифи

№	Мультимедиавий янгиликлар хонаси (ньосрум) даражаси	Конвергенциялашган ОАВ	Имкониятлари	Мисоллар
1.	90 даражали янгиликлар хоналари	Бир ОАВ ўзининг тўлақонли онлайн версияси / электрон нашри	босма оммавий ахборот воситалари, телевидение ёки радиоэшиттириш журналистлари нафақат одагий кундалик ва ишончли материални, балки Интернет-версиясини (электрон нашри) 24 соатлик янгиликлар циклига тайёрлаб, сўнгра тўла ҳуқуқ билан эртаси куни нашрни тарқатишади.	“Хабар” газетаси ва унинг муассислигидаги “xabar.uz” ахборот-таҳлилий портали
2.	180 даражали интеграциялашган мультимедиа янгиликлар зали	интернет журналистикаси имкониятларини ҳам бирлаштирган ОАВ нинг 2 тури	камида иккита оммавий ахборот воситасининг иштирок этишини, икки ОАВ форматадаги ва ҳар хил таркибдаги янгиликлар пакетларини яратишни талаб қилади, бунда матнларга қўшимча равишда бошқа маълумотлар базаларига, видеоклипларга, анкеталарга ва бошқаларга ҳаволалар мавжуд бўлади.	“Даракчи”, “Даракчи Плюс”, “Суғдиёна” газеталари, “darakchi.uz” сайти, “Mening yurtim” (MY5) телеканалли
3.	270 даражали интеграциялашган мультимедиа янгиликлар хонаси	интернет журналистикаси имкониятларини ҳам бирлаштирган ОАВ нинг 3 ва ундан ортик тури	Таркибда бирлашган ОАВ сонини кўп бўлади, унинг мультимедиавий фаолияти радио, телевидение, газета ва Интернетга қўшимча равишда интеграциялашган.	Тампадаги News Сентер Мультимедиа маркази (Флорида, АҚШ)
4.	360 даражали мультимедиа янгиликлар хонаси	Барча ОАВ каналлари, имкониятлари бирлашган технологиялар конвергент таҳририят	бугунги кунда дунё ахборот компанияларининг мультимедиа ҳаракатларига йўналтирилган конвергент таҳририятларнинг энг тўлиқ версияси. Мультимедиа ходимларига эга ва тўлиқ Мультимедиа маҳсулотини ишлаб чиқарадиган бундай янгиликлар хоналари ҳали ҳам ташкилий босқичда, аммо Интернет сайтларидан видеоларни осонгина кўришга имкон берадиган кенг тармоқли уланишлар яқин келажакда уларнинг кўринишини ҳақиқатга айлантиради.	Шаклланиш босқичида

Анъанавий нашрдан мультимедиа янгиликлар хонасига ўтиш жараёнида тахририят жамоаси ишини ташкил қилиш талаблари сезиларли даражада ўзгариб боради. Бундай ўзгаришлар инглиз тадқиқотчиси Поль Бредшоунинг "Model for a 21st Century Newsroom" китобида тасвирланган. Муаллиф таъкидлашча, Интернет-медиа ўз ишида бир-бирини тўлдирувчи ва ўзаро қарама-қарши бўлган омиллар: тезлик ва сифат билан ишлайди. Янги технологиялар янгиликларни олдинги алоқа воситаларига - радио ва телевизорга қараганда тезроқ тарқатишга имкон беради. Шу билан бирга, Умумжаҳон Интернетнинг чексиз майдони ва вақти, гиперматннинг табиати, барча оммавий ахборот воситаларини бир-бирига улаш имконияти воқеликни яхшироқ, кенгроқ ва чуқурроқ тавсифлаш учун имкониятларини оширади [1].

Онлайн оммавий ахборот воситаларининг тезлиги ва сифатининг бундай ўзаро таъсирида, конвергент тахририят ишининг асосий моҳияти барча оммавий ахборот воситалари учун контент яратиш ва ушбу ахборот оқимини ягона марказдан бошқаришдир. Бу нашриётчилар бирон-бир маҳсулотидан воз кечиб, бутунлай Интернетда ишлашга ўтишади дегани эмас. Бу турли хил ахборот каналларининг барча оммавий ахборот воситаларининг максимал интеграциялашувига эришилган битта ижодий конвергент тахририятда бирлашувини англатади.

Тахририятни “анъанавий” кўринишдан “конвергент” тузилишга ўтказиш кундалик ахборот ишлаб чиқариш ва ижодий жараёнга ҳам таъсир қилади:

- материалларни режалаштириш ва реклама қилиш тамойилларини ўзгартиришга олиб келади;

- материаллар ишлаб чиқариш ва уларни нашр этиш циклини ўзгартириш;

- авваллари якка тартибда ишлаб чиқарилган фотосуратлар, видео, аудио, инфографика, матнли ва бошқа хабарларни бир мультимедиавий маҳсулот таркибига жойлаштириш;

- ўзаро реклама контенти яратиш, уларни алмашиш ва тарқатиш фаолияти;

- мультимедиавий маълумотларнинг янги манбаларидан фойдаланиш;

- янги бизнес моделларини, хизматларини, тўғридан-тўғри реклама форматларини ва бошқа ўзгаришларни киритиш ва бошқалар шулар жумласидандир [5, 71-72].

Бундай ҳолда журналистларга янги техника билан ишлаш кўникмаларини шакллантириш учун қўшимча тренинг машғулотлари ташкил этиш зарурати ҳам пайдо бўлади. Шунга мос равишда янги ахборот тайёрлаш ва тарқатиш муҳити журналистикада янгича иш ўринлари ва вазифаларни юзага келтиради

Инглиз журналисти ва тадқиқотчиси Поль Бредшоу замонавий оммавий ахборот воситаларининг асосий ахборот манбаларига қараб, Интернетда, тахририят ва шахсий маълумотлар базаларида, ижтимоий тармоқларда ва ахборот агентликларининг янгиликлар тасмаларида – конвергент тахририятда қуйидаги янги иш ўринларини ажратиб кўрсатади (таъкидлар бизники – А.Д.):

- **агрегатор-муҳаррир** – фаолият доираси маълумот тўплашга (агрегацияга), фойдали ва тегишли материалларни саралашга (филтрлаш), (сайтда, босма нашрларда, ижтимоий саҳифаларда ва блогларда) нашр қилишга йўналтирилган ходим;

- Интернетдан “ташқарида”ги воқеаларни топишга қодир **мобил журналист**;

- Интернет маълумотлар базалари ва жадваллар билан ишлаш, ўлчов мезонларини аниқлаш, статистикани биладиган **журналист-аналитик**;

- бутун ахборот контенти учун масъул бўлган **мультимедиа продюсери**;

- соҳа ихтисослашувини бошқариб турадиган **эксперт-муҳаррир**;

- **онлайн ҳамжамият муҳаррири**, унинг вазифаси жамоаларни шакллантириш, мунозарани бошлаш ва боришини таъминлаб туриш, саволларга жавоб бериш, тушунтириш, фойдаланувчиларга индивидуал лойиҳалар бўйича ёрдам бериш ва конструктив фаолиятни рағбатлантириш [5, 89-91].

Шу ўринда конвергент тахририятдаги ушбу ихтисосликлар рўйхатидан биз турли оммавий ахборот форматидаги янгиликлар материалларини яратишга қодир журналистлар фаолиятига тавсиф бериш ўринли бўлади.

Журналист ўзи профессионал равишда ишлайдиган ва маълум бир янгиликни ёритишга мос келадиган форматда материал яратиши зарур. Масалан, веб-сайтда видео ёки аудио билан тўлдирилган ахборот материали, газета саҳифаларида эса экспертлар томонидан таҳлил ва шарҳлари берилган мақола жойлаштирилиши мумкин.

Ҳозирги кунда Интернет, ижтимоий тармоқлар ва блоглар журналистлар учун тезкор ахборот манбаи, ўз мухлислари билан интерактив мулоқот қилиш майдони бўлиб қолган. Шунинг учун дунёдаги машҳур тележурналистлар ўз муаллифлик кўрсатувларитни тайёрлаб эфирга узатиш билан бирга, ижтимоий тармоқларда фаол бўлиш, ўз шахсий блогини юритиши, шунингдек, кўрсатувларини YouTube каби ижтимоий тармоқларда тарқатиши ёки телеканал веб-саҳифасида ҳам фаол бўлиши кузатилади.

Маълумотларга кўра, РИА журналисти Ирина Ясина, РИА веб-сайтида ўзининг иқтисодий телевизион кўрсатувини тайёрлаб узатади, аудитория билан ишлаш бўйича ҳам социологик кузатув ва амалий тажрибалар ўтказди – айрим шаҳарларнинг телекомпаниялари аудиторияларини қиёсий ўрганган ҳолда веб-сайт имкониятларидан келиб чиқиб, ўз мухлислари сонини кенгайтиришга ҳаракат қилади [5, 7].

Ўзбекистондаги йирик медиа компаниялар айни вақтда жаҳоннинг ривожланган давлатларидаги медиа марказлари мультимедиа янгиликлар хоналари каби техник жиҳозларга тўлиқ эга эмас, аммо уларнинг конвергенция шароитида ишлаши ҳам журналистларнинг касбий фаолиятидаги ўзгаришлар борасида маълум ижобий натижаларга олиб келмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг сайти мавжуд. Бундан ташқари вазирлик муассислигидаги “Инсон ва қонун” газетаси бугунги кунда онлайн нашрлар билан ҳам рақобатга киришиб, 2020 йилнинг 26 февралда “hudud24.uz” ахборот- таҳлилий сайти фаолиятини йўлга қўйди. Ҳозирги кунда газетанинг мухбирлари камсонли бўлишса-да, сайт контентини тўлдириш ва газетани тайёрлаб чоп этиш ишларини амалга оширадilar. “hudud24.uz” ахборот-таҳлилий сайти “@hudud24official” манзил номи билан телеграм каналида, Facebook, instagram, Twitter, Youtube тармоқларида ўз материаллари ва контентини тарқатади ва ахборот истеъмолчиларини шу йўл билан кенгайтиришга интилади. Бирок ҳозирча ушбу тузилма ўз ходимлари штатлар бирлигини ва фаолияти доирасини аниқ белгиламаган – барча ходимлар асосан кундалик ахборот материаллари яратиш ва сайт, газета саҳифаларини тўлдиришга кўпроқ аҳамият беришади. Агар улар конвергент таҳририят талаблари асосида иш тақсимоли билан таъминланса, иш фаолияти самарадорлиги ортади. Лекин бунда ходимлар сони янада кўпайтирилишига эҳтиёж бўлади.

Интернетда ўз шахсий блогини юритадиган телерадио журналисти, ўз-ўзидан, эшиттириш ва телевидение форматларини яхши билиши керак бўлади. Бундай вазиятда медиа-марказдаги ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичлари: мухбир + муҳаррир + фотожурналист + оператор + монтажчи/дизайнер каби вазифаларни уддалай олган мутахассис универсал журналист бўлади. Ҳозирда шундай журналистлар дуёнинг йирик таҳририятлари ва медиакомпанияларида мавжуд.

Битта сайтда турли хил маълумотларни тақдим этишдан фойдаланиш конвергент таҳририят фаолиятининг яна бир муҳим хусусиятидир. Конвергент таҳририятлар ва конвергент ОАВ нинг пайдо бўлиши журналистикада узоқ йиллардан бери турли карикатураларда “олтита қўл ва тўрт оёқли шахс” сифатида образи тасвирлаб келинган “универсал журналист” тушунчасининг пайдо бўлиши олиб келмоқда.

Конвергент журналист ва анъанавий журналист ўртасидаги асосий фарқ шундан иборатки, у маълум бир янгилик учун мақбул форматни аниқлаб, унда ўз материални яратишга қодир. Хусусан, у интервью ўтказиш техникасини, далил ва маълумотларни танлай олиши, видеокамера, овоз ёзиш мосламасидан фойдаланиши, видео-, аудио- ва фотоматериалларни қайта ишлаши, график дизайн қилиш кўникмаларига эга бўлиши, (газета, радио, телевидение, Интернет учун) матнларни ёза олиши керак [7, 5].

Ўзбек тадқиқотчиларидан С.Дониёров ёзади: “Конвергенция шароитида ахборотни тарқатиш учун белгили-мазмунли тизимларнинг барча турли-туман кўринишлари қўлланилади.

Босма ОАВнинг замонавий журналистлари ўз компанияси таркибига кирадиган ҳамкор ТВ-канал учун камерада суратга олишлари, газетанинг интернет ёки босма нашри учун фотожурналистлар олган суратлар галереясини узатишлари мумкин” [4, 19].

Айнан шундай шароитда замон талабларига мос ҳолда ҳам самарали ва тезкор журналистик ижод билан шуғуллана оладиган, ҳам энг сўнгги ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ахборот материали тўплаб, уларга ишлов бера оладиган журналист кадрларни тайёрлашга талаб кучайиб бораверади.

Филология фанлари номзоди, доцент А.Нурматов таъкидлаганидек: “Бир вақтнинг ўзида янгиликлар ёза оладиган, интервью олиш, расм ва видеога тушириш маҳоратини эгаллай олган, уларни чоп этиш ёки эфирга узатиш учун материаллар тайёрлай оладиган универсал журналистларни етиштириш ҳозирги кунда жуда муҳим” [8, 32].

Шунингдек, медиаконвергенция шароитида журналист кадрлар тайёрлаш жараёнида қўйиладиган талаблар ҳам кучаяди. “Журналистика назарияси, тарихи ва тараққиёти” қўлланмаси бу борада шундай фикрлар илгари сурилган: “Замонавий журналист битта смартфон билан тезликда видеороликни тасвирга тушира олиши, жойлардан интервью олиши ҳамда уларни ўз таҳририятига жўнатиб, чоп эта олиш қобилиятига эга бўлиши керак... Профессионализм нуқтаи назаридан эса ушбу жабҳада журналистик фаолиятнинг турли кўринишларига хос бўлган хусусиятлар бир-бири билан аралашиб кетиш жараёни рўй беради. Масалан, газетага мақолалар ёзадиган журналист телевидение учун “тасвирга олиш” малакасига ҳам эга бўлиши керак ва ҳоказолар” [6, 66-67].

Ўқув жараёнига бундай ёндашувлар, албатта, талабаларнинг келгусида конвергенция шароитида ишлаш учун зарур бўлган касбий малака ва кўникмаларни шакллантириши, уларда “универсал” журналистга хос қобилиятларни ривожлантириб бориши зарур.

Яна шуни ҳам таъкидлаш зарурки, шу даврга қадар анъанавий ОАВ алоҳида – бирлашмаган ҳолда ишлаганда ҳам барча журналистлар учун бирдек муҳим бўлган умумий касбий талаблар ҳам мавжуд. Таълим босқичларида уларни ҳам назардан четда қолдирмаслик зарур. Фикримизча, замонавий журналист эгаллаши керак бўлган касбий ва шахсий малакалардан асосийлари қуйидагилар бўла олади:

- гуманитар фанлар соҳасидаги чуқур билимлар;
- замонавий дунёда оммавий ахборот воситаларининг алоҳида ролдан хабардорлик;
- шахсий ижтимоий муносабатлар ва касбий жавобгарлик даражаси;
- юқори маданий даража;
- ҳар хил турдаги ОАВ фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини тушуниш;
- касбий фаолиятнинг барча соҳаларида фаолият юритиш қобилияти;
- касбий таълимнинг бир қисми сифатида журналистик таълимнинг натижаси - бу шахсни ўқитиш жараёнида олган қобилияти, ўз-ўзини ўқитиш, ўзини такомиллаштириш қобилияти.

Хулоса

Медиаконвергенция онлайн журналистика ва анъанавий ОАВ фаолияти, улар ўртасидаги ўзаро рақобат асосида янгича қиёфага кирмоқда. Бугун журналистиканинг янги кўринишлари фуқаролик журналистикаси, блогсоҳа, интерактив журналистика, фриланс журналистика, мультимедиавий журналистика кабиларнинг жадал ривожланиши журналистик таълимнинг шакли ва усулларини ўзгартириб юбормоқда. Рақамли ОАВ тараққиёти ва рақобатнинг ўсиши шароитида журналистларни тайёрлашнинг замонавий моделларини миллий ва хорижий тажрибалар асосида тадқиқ этиш долзарб аҳамият касб этади.

Медиаконвергенция шароитида журналистик фаолият ва таълимдаги инновациялар мавзусини тадқиқ қилиш жараёнида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Медиаконвергенция журналистик амалиётда кадрлардан барча турдаги ОАВ каналлари учун ахборот материаллари тайёрлашни кўзда тутати.

2. Интернет журналистиканинг кенг оммалашishi ва тараққиёти, ОАВнинг интернетдаги саҳифалари ҳамда соф онлайн ОАВ кўринишларининг пайдо бўлиши конвергент таҳририятлар шаклланмоқда.

3. Онлайн ОАВ ва таҳририятларда матн, фотосурат, аудио ва видео материаллар, инфографика, анимация каби барча турдаги ахборот материаллари тайёрлаш ахборот бозоридаги рақобатда самарали журналистик фаолият юритишнинг асосларидан бўлиб қолмоқда.

4. Ахборот асрида конвергент хусусиятга эга ахборот материаллари тайёрлайдиган малакали журналистларга эҳтиёж ортмоқда ва бу журналистика соҳасида таълим берадиган муассасалари ўз ўқув режаларини қайта кўриб чиқишнитоқозо этди. Ҳозир барча факультетлардаги ўқув режаларда интернет журналистика фани бир ёки бир неча фанлар доирасида ўқитилмоқда.

5. Фуқаролик журналистикаси ва блогсоҳанинг ривожини ва талабаларнинг улардаги фаол иштироки бевосита ўқитувчилар ва таълим берувчилардан бир қатор фанлар мазмун-мундарижасини қайта кўриб чиқиш талабини қўймоқда. Бугунги кунда “Медиадизайн асослари”, “Журналистикада АКТ”, “Матбуот типологияси ва техникаси” сингари фанлар, шунингдек, матбуот, радиожурналистика, тележурналистика асосларини ўргатадиган фанлар таркибида ҳам онлайн журналистика хусусиятлари ўргатилмоқда.

Умуман олганда, ахборот асри ва рақамли медиатеологиялар ривожланган, миллий ва хорижий ОАВ ўртасида кескин рақобат кучайиб бораётган бугунги даврда замон талаблари даражасида тезкор ва журналистика тамойилларига мос ҳолда иш юрита оладиган журналист кадрларни тайёрлашнинг миллий ва хорижий моделлари, усуллари ва технологияларини ва бу борадаги янги ёндашувларни тадқиқ қилиш ва уларнинг ютуқли жиҳатларини амалиётга татбиқ этиш бугунги кунда нафақат журналистика олий таълимининг, балки журналистика ва оммавий коммуникация соҳасининг энг долзарб вазифаларидандир. Чунки журналистик таълим мазкур соҳа тараққиётини таъминловчи ва келажагини белгиловчи муҳим пойдевордир. Ахборот асри жамиятдаги соҳаларда ахборот технологияларини кенг қўллаш талабини кўяр экан, мазкур йўналишда чуқур билим ва кўникмага эга бўлган кадрларга эҳтиёж тобора ортиб бораверади. Мамлакатни ташқи ахборот хуружларидан ҳимоялаш, миллий интернет сегментини тўлдиришда ҳам онлайн журналист кадрларнинг ўрни ниҳоятда муҳимлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Bradshaw P. Model for a 21st Century Newsroom - Redux. How digitisation has changed news organisations in a multiplatform world. Leanpub. 2012. // <http://leanpub.com/21stcenturynewsroom>
2. Salaverria R., Masip P., Garsia-Aviles Jose A. Media Convergence // The Handbook of global online Journalism, First edition. Ed. by E.Siapera and A.Veglis.- John Vile & Sons, Inc. 2012. P. 528.
3. Дадахонов А. Онлайн журналистика тараққиётининг асосий тенденциялари // “Ўзбекистонда хорижий тиллар” илмий-методик электрон журнали www.fledu.uz, №2 (10) /2016. –113 – б. 118
4. Дониёров С.М. Медиаконвергенция шароитидагазеталар таҳририятлари ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари (Ўзбекистон мисолида, 2010 йилдан кейинги давр). 10.00.09 – Журналистика (филология фанлари). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.Т.: 2019. — б. 47.
5. Журналистика и конвергенция : почему и как традиционные СМИ превращаются в мультимедийные / под ред. А. Г. Качкаевой. - М., 2010. — с.200
6. Журналистика назарияси, тарихи ва тараққиёти. А.Нурматов ва бошқ. Ж.1: - Т.: “O’zbekiston” НМИУ, 2019. — б. 66-67.

7. Засурский Я. Н. Журналистское образование // Вестник Моск. ун-та. Сер. 10, Журналистика. 2006. № 4. — С. 3-8
8. Нурматов А. Замонавий ОАВда касбий универсаллашув ва ихтисослашув. // “Олий журналистика курсларида ихтисослашув масалалари” мавзуида илмий-амалий семинар материаллари. – Т., Гафур Фулом НМИУ, 2013. — б. 514.
9. Нурутдинова М.Ч. Медиаконвергенция шароитида мультимедиавий журналистика. 10.00.09 – Журналистика (филология фанлари). Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати.Т.: 2020. — б. 56.
10. Хуан Антонио Гинер «От медиакомпания к информационному центру». URL:<https://publications.hse.ru/mirror/pubs/share/folder/yu0tbfz0rm/direct/117277645>
11. Шестеркина Людмила Петровна. Формирование инновационной модели подготовки журналистов в контексте становления конвергентных сми (гуманитарный и технологический аспекты). Специальность 10.01.10 – Журналистика. Диссертация на соискание ученой степени доктора филологических наук. Москва- 2011. — б. 535.
12. <https://cmsw.mit.edu/mit2/Abstracts/JanBierhoff.pdf>

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Сотволдиев Сирожиддин Махаммаддин ўғли
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
sirojiddinsotvoldiyev454@gmail.com

АРАБ ТИЛШУНОСЛИГИДА ШАКЛДОШ-ТАЛАФФУЗДОШ СЎЗЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-1-11>

АННОТАЦИЯ

Араб тили ва ёзуви тарихига назар ташланса, унинг инсоният тамаддунидаги ўрни, ўзига хос тараққиёт йўли, бошқа тиллар тизимида учрамайдиган лексик, морфологик ва синтактик хусусиятлари яққол намоён бўлади. Бу эса унда кечаётган ҳар бир жараёнга хусусий ёндашувни тақозо этади. Жумладан, араб тилидаги омонимия, паронимия ва вариантдошлик ҳодисаларини умумий тилшунослик қоидалари асосида ўрганиш кўзланган натижага олиб келмаслиги мумкин. Бунда нафақат талаффуз, балки ёзув хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Чунки араб ёзувининг илк шаклланиш босқичида товушларни ёзувда ифодалашда ҳозиргидек диакритик белгилар ва қисқа унли ҳаракатларга эҳтиёж сезилмагани сўзларнинг шакл муносабатига кўра турлари жуда кенг қамровли бўлишига хизмат қилган. Қолаверса, махражлари (ҳосил бўлиш ўрни) бир-бирига яқин ҳарфларнинг мавжудлиги ҳам мазкур ҳодисалар араб тилида ўзига хос намоён бўлиши учун асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилган.

Ушбу мақолада араб тилшунослигида ўзига хос тарзда намоён бўлувчи шаклдошлик ҳодисаси тадқиқ этилган. Араб тилида ёки ёзувида битилган манбаларни тадқиқ этаётган матншунос-манбашунос қатор қийинчиликларга дуч келади. Жумладан, бир хил ёзиладиган, бироқ турлича талаффуз қилинадиган сўзлар – омонимлар, паронимлар ва сўз вариантларининг хусусиятларини билиш манбашунос учун жуда муҳим.

Шаклдош-талаффуздош сўзларни тадқиқ этиш ўзбек шарқшунослиги учун янги мавзу бўлмаса-да, уни ўрганиш методлари юзасидан ҳозиргача умумий нуқтаи назар мавжуд эмас. Бундай сўзларни назарий ва амалий баҳолаш, аниқлаш ва тасниф қилишда ҳатто араб тилшунослигида ҳам бир неча гуруҳга бўлиниш ҳолатлари учрайдики, бу ҳам мавзунинг мураккаб эканини кўрсатади.

Калит сўзлар: шаклдошлик, омоним, пароним, сўз вариантлари, мусаллас, уржуза луғат, лексикография, шаклдош-талаффуздош сўзлар, Қутруб, Ибн Молик, ал-Баталявсий.

Сотволдиев Сирожиддин Махаммаддин ўғли
Международная исламская академия Узбекистана

ИСТОРИЯ ИЗУЧЕНИЯ СФОРМИРОВАННЫХ СЛОВ НА АРАБСКОМ ЯЗЫКЕ

АННОТАЦИЯ

Если вы посмотрите на историю арабского языка и письменности, то ее роль в человеческой цивилизации, ее конкретный путь развития, а также ее лексические, морфологические и синтаксические особенности, которых нет ни в одной другой языковой системе, очевидны. Это требует отдельного подхода к каждому процессу. В частности, изучение феномена ароматических, паронимических и вариаций в арабском языке на общих лингвистических принципах может не привести к намеченному результату. Важно учитывать не только произношение, но и особенности написания. Это связано с тем, что на ранних этапах написания на арабском языке при написании звуков диакритические знаки и короткие гласные не нужны, что является причиной широкого разнообразия слов. Кроме того, наличие букв близко друг к другу, что является одним из ключевых факторов возникновения этих явлений на арабском языке.

В этой статье исследуется феномен образования, который проявляется в арабском языкознании. Исследователь текстоведения, изучающий источники, написанные на арабском или письменном языке, сталкивается с рядом трудностей. В частности, для исследователя источника важно знать характеристики слов, местоимений, фраз и слов, которые написаны одинаково, но по-разному.

Хотя словообразование не является новой темой для узбекского ориентализма, до сих пор нет единого мнения о том, как его изучать. При теоретической и практической оценке, идентификации и классификации таких слов, даже в арабской лингвистике, существуют случаи группировки, что указывает на сложность предмета.

Ключевые слова: омонимы, паронимы, варианты слова, мусаллас, словарь глоссария, лексикография, Кутруб, Ибн Малик, ал-Баталяусий.

Sotvoldiev Sirojiddin Maxammaddin o'g'li
International Islamic Academy of Uzbekistan

HISTORY OF STUDY OF FORMED WORDS IN ARABIC LANGUAGE

Annotation: If you look at the history of the Arabic language and writing, its role in human civilization, the way of its own development, and the lexical, morphological and syntactic features that are not encountered in any other language system are evident. This requires a separate approach to each process undergoing it. In particular, the study of the phenomenon of aromatic, paronimic, and variation in Arabic on general linguistic principles may not lead to the intended result. It is important to consider not only the pronunciation but also the peculiarities of the writing.

This is because in the early stages of the formation of Arabic writing no voice was required, as in the present diacritical signs and short vowels, which contributed to the wide variety of words according to the form. In addition, the presence of letters close to each other, which is one of the key factors for the emergence of these phenomena in Arabic. This article explores the phenomenon of formation that is manifested in Arabic linguistics. The textual scholar-source researcher who studies sources written in Arabic or in writing faces a number of difficulties. In particular, it is important for the source researcher to know the characteristics of the words, pronouns, phrases and words that are written in the same but different way.

Although word-research is not a new topic for Uzbek Orientalism, there is still no consensus on how to study it. In theoretical and practical evaluation, identification, and classification of such words, even in Arabic linguistics, there are cases of grouping, which indicates the complexity of the subject.

Keywords: Formation, Hadeem, Paronim, Vocabulary, Muscle, Vocabulary, Lexicography, Vocabulary, Qutrub, Ibn Malik, al-Batalawsi.

Кириш. Араб тили ва ёзуви тарихига назар ташланса, унинг инсоният тамаддунидаги ўрни ва ўзига хос тараққиёт йўли, бошқа тилларда учрамайдиган лексик, морфологик ва

синтактик хусусиятлари қисман намоён бўлади. Жумладан, умумий тилшуносликнинг шаклдош-талаффуздош (المُشْتَرَكُ الْاَلْفِزِيُّ – al-mushtarak^u al-lafziyu^u) сўзлар – омонимлар, паронимлар ва сўз вариантларини ўрганувчи соҳаси ҳам араб тилида ўзгача бўй кўрсатади. Бунда нафақат талаффуз, балки ёзув хусусиятлари ҳам ҳисобга олинади.

Хулосалар етарли бўлса-да, ҳозиргача шаклдош-талаффуздош сўзлар бўйича яқдил тўхтамга келинмаган.

Араб тили лексемасидаги шаклдош-талаффуздош сўзларнинг бадий қийматини балоғат усталари яхши англаганлар. Улардан бири Абдулкоҳир Журжоний бўлиб, ўз вақтида: «Омонимларни нутқда қўллаш суҳбатдошни чалғитишга, гўё уни алдаётгандек ёки ниманидир яшираётгандек тутишга, нутқни икки маъноли бўлишига хизмат қилади», – деб ёзган эди.

Замонавий тилшуносликда омонимларнинг тўлиқ (الجناس التام – al-jinās^u at-tāmm^u) ва тўлиқ бўлмаган (الجناس غير التام – al-jinās^u ghayr^u at-tāmm^u) турлари ажратилади. Бу турлар ҳам ўз ўрнида бир неча навларга таснифланади. Тўлиқ омоним (الجناس التام – al-jinās^u at-tāmm^u)нинг содда, содда-ўхшаш, содда-ўхшаш бўлмаган, бирикмали, бирикмали-ясама, бирикмали-ўхшаш, бирикмали-боғланган, бирикмали-тўқилган навлари бор. Тўлиқ бўлмаган омоним (الجناس غير التام – al-jinās^u ghayr^u at-tāmm^u) эса ўзаро талаффузи ва диакратик белгилари билан фарқ қилувчи, таҳриф, тасхиф, музореъ-лоҳиқ каби навларга ажратилган.

Шаклдош-талаффуздош (al-mushtarak^u al-lafziyu^u) сўзларни ўрганиш муаммоси Асмайнинг «Al-’ishtiqaq^u wa al-’ajnas^u», Абу Убайднинг «Al-gharīb^u al-muṣannaf^u», Ибн Дурайднинг «Al-jamharat^u», Саолибийнинг «Fiqh^u al-lughat^u», Ибн Жанийнинг «Al-khaṣā’iṣ^u wa sirr^u aṣ-ṣinā’at^u», Ибн Фориснинг «Aṣ-ṣāhibiyyu^u» ва Ибн Саййиданинг «Al-muḥaṣṣaṣ^u» каби рисолаларида ҳам етакчи баҳслардан бири эди.

Шаклдош-талаффуздош сўзлар ҳозиргача араб тилшунослигида кенг миқёсда ўрганилган ва бунда илк ўрта асрларда «‘ulūm^u al-Qur’ān^u» ва «‘ulūm^u al-ḥadīth^u» каби шаръий илмларнинг ривожланиши етакчи омил бўлган. Биргина қироат илмлари мисолида бу мавзунинг нечоғлик аҳамиятга эга эканини исботлашга ҳаракат қиламиз. Куръони каримнинг Воқиа сураси 55-оятдаги «شرب» (shrb) сўзи имом Нофий, имом Осим, имом Ҳамза, имом Абу Жаъфарларнинг қироатида «شُرْب» (shurb^a) деб «shīn» ҳарфининг ҳаракати замма билан ўқилади. Қолган барча қироатларда бу сўз «شَرِب» (sharb^a) тарзида фатҳа ҳаракати билан

ўқилади. Ҳар икки ҳолатда ҳам сўзнинг маъноси ўзгармайди. Шу зайл машҳур ўн қироат тарихи ва қироатларнинг ўзаро фарқли жиҳатлари билан танишилса, биргина сўз вариантларининг бу илмдаги аҳамияти ҳақида етарлича тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Mumtoz she’riy asarlarda fikr shunchaki bayon qilinmasligi, ularning aksariyati, xususan, diniy-tasavvufiy namunalarda ramz va majoz yetakchi bo’lishi, biz yuqorida sanab, tahlil qilgan lirik obrazlar zohiriy va botiniy ma’no qatlamlarida o’ziga xos mazmun, mohiyat kasb etishi, qolaversa, aruz she’r tizimiga xos nozik ohanglar tovlanishi noma janrini o’rganishda alohida ahamiyatga ega. Ana shu xususiyatlarni hamisha yodda tutish Mumtoz adabiyotimiz namunalaridan, xususan, noma janrida yaratilgan asarlardan to’laqonli bahra olishimizga sabab bo’ladi [7, 52]. Fikrimizcha, xat, maktublardagi individual-intim xususiyatlar, ko’ngil rozini, his-tuyg’ularni to’laqonli aks ettira olish imkoniyati uning bora-bora badiiy adabiyotga ham kirib kelishiga zamin hozirlagan. Xat yozuvchilar dastlab roqim (raqam qiluvchi), munshiy (insho bituvchi) kotib (maktub yozuvchi) singari shaxslardan bora-bora adib va muallifga

aylanganlar. Xatni eltuvchi vositachilar dastlab qosid, roviy (rivoyat qiluvchi) deb nomlangan bo'lsa, ularning o'rniga asta-sekinlik bilan bodi sabo, tong nasimi singari maktubni yetkazuvchi obrazlar shakllangan. Shu tariqa maktub-nomalarda an'anaviy obrazlar ham shakllangan. Turli badiiy usul va vositalar esa maktubning adabiyot taraqqiyotida o'ziga xos o'rin tutishiga zamin hozirlagan.

Xulosa: Mumtoz shoirlarimizning noma janridagi asarlari, ular tarkibidagi badiiy san'atlar, dunyoviy ishq-muhabbat mavzusi bilan bir qatorda diniy ahkomlar, ilohiy e'tiqod masalalarini ham qamrab olgan bo'lsa-da, ularda odob - axloqqa oid muhim pand-nasihatlar, kundalik turmush uchun zarur bo'lgan yo'riqnomalar ham targ'ib etiladi. Shuni alohida ta'kidlash kerakki, kichik lirik janrlarda muxtasar holda olg'a surilgan hayotbaxsh da'vat va g'oyalar epik ko'lamda yanada chuqurroq va batafsilroq yoritilgan. Bu asarlarda kishilar o'rtasidagi o'zaro birodarlik, mehr-muhabbat, rahm-shafqat, saxovat va oliy himmatlik tushunchalari badiiy tarannum etiladi [8, 61]. Maktub-nomalarning umumbashariy g'oyalar tashishi, lirik obrazlarning mukammalligi, xarakterlarning hayotiyliги mualliflarni o'z davri an'alaridan yuqori ko'targan xususiyatlardan biridir. Ayniqsa, Xorazmiy ko'plab salaflari, zamondoshlaridan farqli ravishda, lirik obrazlarning tashqi portretiga zeb beribgina qolmasdan, ularning ruhiy-ma'naviy olamiga ham yo'l ochdi. Bir so'z bilan aytganda, shoir yaratgan lirik obrazlar muallifning yuksak ideallarini tashish bilan birga, hayotga juda yaqin keldilar va she'riyat muxlislarining ko'ngil mulkiga aylandilar.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. R.Vohidov, H.Eshonqulov. O'zbek Mumtoz adabiyoti tarixi. T.: 2006.
2. Y.Isoqov. So'z san'ati so'zlari. T.: 2014.
3. A.Xo'jiyaxmedov. Mumtoz badiiyat muloхati. T.: 1999.
4. A.Asallayev, V.Rahmonov, F.Musurmonqulov. T.: 2015.
5. R.Orzibekov. O'zbek lirik she'riyati janrlari. Sam.: 2006
6. O.Nosirov, S.Jamolov, M.Ziёviddinov. Ўзбек классик шеърляти жанрляри. T.: 1979.
7. S.Tohirov. O'zbek she'riyatida aruz. Sam.: 2010.
8. D.Salohiy. Tasavvuf - insoniylik ilmi. Sam.: 2017.
9. Muborak maktublar. T.: 1987.
10. Ishoqov Yo. Xorazmiy va uning "Muhabbatnoma" asari. O'zbek adabiyoti tarixi. 1-tom. T.: 1976.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Ergasheva Dilrabo Allanazarovna
Termiz davlat universiteti o'zbek
tilshunosligi o'qituvchisi
ergashevad@tersu.uz

ODIL YOQUBOV ASARLARIDA INSON RUHIY HOLATI IFODALANISHINING LISONIY MANZARASI



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-1-14>

ANNOTATSIYA

Maqolada til va tafakkurning o'zaro munosabati, bu aloqadorlikning badiiy asar nutqida ifoda etilishi, unda til birliklarining aktuallashuviga sabab tug'diruvchi omillar to'g'risida so'z yuritiladi. Odil Yoqubovning "Ulug'bek xazinasi", "Diyonat" nomli asarlari misolida qahramon ruhiy holatining ifodasi tahlil etiladi.

Qahramonlarning turli hayotiy vaziyatlardagi ruhiy holati - zavqlanish, ruhiy a'ziyat chekishi, xafalanishi, g'azablanishi va boshqa hissiyotlari nutq vositalari orqali qanday ifodalanishi ilmiy tahlil qilinadi. Bunda psixologiyistik qarashlarga tayanib ish ko'rilgan. Shu asosda inson va uning ruhiyati hamda nutq vaziyati bir- birini taqazo etadigan jarayon ekanligi ko'rsatib o'tilgan.

Kalit so'zlar: til, tafakkur, ularning o'zaro munosabati, badiiy asar tili ijodiy tafakkurning namoyon bo'lish shakllaridan biri sifatida.

Эргашева Дилрабо Алланазаровна

Преподаватель кафедры языкознания Узбекского языка Термезского
Государственного Университета
ergashevad@tersu.uz

ЛИНГВИСТИЧЕСКИЙ ВЗГЛЯД НА ВЫРАЖЕНИЕ ДУШЕВНОГО СОСТОЯНИЯ ЧЕЛОВЕКА В ТРУДАХ ОДИЛА ЯКУБОВА

АННОТАЦИЯ

В статье излагаются взгляды относительно взаимосвязи языка и мышления, отражения данного взаимоотношения в литературном тексте и факторов, влияющих на актуализацию языковых единиц. На примере произведений О. Якубова «Сокровище Улугбека», «Совесть» анализируется выражение психологического состояния героя.

В изображении душевных состояний героев разнообразных жизненных ситуациях - вдохновении, разные сострадания, обиды, горячность и других чувств основательно обоснована на примерах материалов данных произведений. В этих анализах автор оперируется психолингвистических взглядов узбекских и иностранных языков.

Ключевые слова: язык, мышление, их взаимоотношения, языковые особенности литературного произведения как способ проявления творческого мышления.

Ergasheva Dilrabo Allanazarovna

Lecturer at the Department of Uzbek Linguistics

Termez State University

ergashevad@tersu.uz

LINGUISTIC LOOK AT THE EXPRESSION OF A PERSON'S MIND STATE IN THE WRITINGS OF ODIL YAKUBOV

ANNOTATION

In the article, the speech goes on about the relations of language and thought, the expression of this relationship in the speech of literal work the factors causing the actualization of linguistic units in it. The expression of spiritual condition of a hero is analyzed in the examples of the works "Treasure of Ulugbek", "Conscience" by O. Yokubov.

On the basis of analysis, the proficiency of the writer in the drawings of characters emotional state was exposed. The way of expressing emotional state of heroes in various circumstances of life such as, enjoyment, suffer, sadness, anger and other feelings by the means of speech were analyzed scientifically. This research was based on psycholinguistic views. Consequently, it was shown that human beings and their emotions, as well as, the condition of speech are interconnected.

Key words: language, thought, relationship between them, language of literal works as on of the forms of creative thought.

KIRISH:

Badiiy matnni lingvopoetik jihatdan tadqiq etgan M. Yo`ldoshev o`z ilmiy ishida shunday deydi: "Tilni faqat va faqat kishilar o`rtasidagi aloqa vositasi sifati talqin etish insonning tabiiy tilini, bu murakkab va muhtasham hodisani, eng kami, jo`nlashtirishdan, aniq bir milliy qiyofa yoki milliy-ruhiy zamindan mosuvo bo`lgan sun`iy tilga (masalan, Esperanto kabi) tenglashtirishdan, yo`l harakatini tartibga solish maqsadida yaratilgan shartli "tilga" baravarlashtirishdan boshqa narsa emas. Xolbuki, odamlar til vositasida tuyg`u va kechinmalari, hayrat va hayronliklari, qalbdagi huzurlari kabi xilma-xil sezgilarni ham ifodalaydilarki, bular hamisha ham sof kommunikativ maqsadlarni ko`zda tutmaydi. [1:164].

Zamonaviy o`zbek tili ekspressiv bo`yoqdor so`zlarga boyligi bilan hamda fikrni berishda jimjimadorlikka yo`naltirilganligi bilan ajralib turadi. Ekspressivlik va jimjimadorlik bor joyda uni ifodalovchi shaxs ruhiy holati o`z-o`zidan aks etadi. O`z asarlarida mana shunday ekspressiv bo`yoqdor va jimjimador so`zlarni o`z o`rnida qo`llay bilgan hamda davr, mafkura, insonlar taqdiriga qanchalar kuchli ta`sir ko`rsatishi mumkinligi, ulug` o`zgarishlarga sabab bo`lishini qilqalami bilan ishonarli aks ettirgan mahoratli yozuvchi Odil Yoqubovdir.

Odil Yoqubov o`tkir qalami va tasvir mahorati bilan tarixiy shaxslarni badiiy haqqoniyati va salobati bilan gavdalantiradi, real shaxslarni o`ta ta`sirchan badiiy obrazga aylantiradi. Davr ruhini hamda qahramonlar ichki ruhiyatini tasvirlashda u fonetik, leksik vositalar bilan bir qatorda morfologik vositalardan shunday unumli foydalanadiki, asarlarini o`qigan kitobxon qahramonlar bilan kuladi, qahramonlar bilan yig`laydi.

ASOSIY QISM:

Inson ichki ruhiyatini aks ettirishda ruhiy holat ifodalovchi fe`llar o`ziga xos o`rin tutadi [2; 34]. G.Kushkarova nemis tilidagi tovushga taqlid asosida yuzaga kelgan ruhiy holatni aks ettiruvchi fe`llarning quyidagi turlarini farqlaydi. 1)nutqiy muloqot jarayonida so`zlovchining ruhiy holatini beruvchi fe`llar; 2) emotsiyalarning tovushdagi ifodalanishi asosidagi fe`llar [3; 59]. Bu kabi fe`llarni o`zbek tilida, jumladan O. Yoqubov romanlarida ham uchratish mumkin. Masalan, "Tilla" so`zini eshitgan chol **ijirg`anib** gapirdi va yuzini burishtirdi... Mirza Abdullatif **ijirg`anib** gapirdi. (Odil Yoqubov "Ulug`bek xazinasi "85-bet). Bu matnlardagi **ijirg`anib** fe`li so`zlovchining nutqiy muloqot vaqtidagi ruhiy holati haqida ma`lumot beradi.

Badiiy asar tili ijodiy tafakkurning namoyon bo'lish shakllaridan biri sifatida antropotsentrik mohiyat kasb etadi. Til va tafakkur hamkorligi yangi-yangi badiiy ifodalarni yuzaga keltirib, ham shaxs salohiyatini, ham tilining cheksiz imkoniyatlarini yuzaga chiqaradi [4; 802-803].

Quyidagi misollarda esa fe'llarda aks etgan harakatning tovushlar bilan bog'liq holda yuz berishi inson ruhiy holatini yuzaga chiqarishga yordam bergan:

Mirzo Ulug'bek bu gaplarni **xo'rsinish** bilan aytdi. ("Ulug'bek xazinasi "38-bet) Nigoraning **chiyillab** gapirishi Sarkorning asabiga tegardi. (Osiy banda. 31-bet.) Ota holsizlanib o'tirib qoldi, yana telefon jiringladi. Bu safar Ivan bilan tishini **g'ijirlatib** so'zlashdi. (Osiy banda. 32-bet)

Ma'lum bo'ladiki, o'zbek tilidagi tovushga hamda holatga taqlid so'zlar asosida yuzaga kelgan ayrim fe'llar ham inson ruhiy holatini ifoda etish uchun xizmat qiladi.

Bir tomoni movlonoga ham qiyin, u hibsga tushgan dastlabki kunlari qattiq yotib qoldi, kechalari olovday yonib alahlab chiqar, yomon tushlar ko'rib uvvos tortib uyg'onib ketar, ko'zlariga allanimalar ko'rinib qorong'u burchakka tiqilib olar va bir nimalar deb **pichirlar edi**. (Ulug'bek xazinasi. 118-bet). Bunda **pichir-pichir** tovushga taqlid so'zdan pichirlamoq fe'li xosil bo'lib, matnda insonning vasvasaga tushib qolish holatini aks ettirmoqda. Yoki:

- Bundan chiqdi, shu bitta... isqirt piyanistani deb, sassiq qo'ng'izday hamma joyda sasib, yosh avlodni yo'ldan urib yurgan bir ig'vogarni deb shuncha odam, oliy ma'lumotli ikki yosh juvonmarg bo'p ketaveradimi?

- Ie? – dedi Proxor, go'dakning ko'zlariday ma'sum **ko'zlarini pirpiratib**. – O'lgan odamni piyanista deb, qabih bir jinoyatni bosdi-bosdi qilib yubormoqchimiz hali?.. (Diyonat. 231-bet).

... Ali qushchining **asabiy pirpiragan** lablariga kinoyali tabassum yugurdi. (228-bet).

Ushbu matnlarda ham holatga taqlid so'zdan yasalgan fe'l orqali insonning ichki ruhiy holati ochib berilgan.

Ma'lum bo'ladiki, yuqoridagi matnlarda keltirilgan fe'llarda aks etgan harakatning tovushlar va holat bilan bog'langan holda yuz berishi inson ichki olamini yorqinroq yuzaga chiqarishga yordam bergan.

Ruhiy holat fe'llari holat fe'llarining semantik tarkibiga kiruvchi, asosan, insonda yuz beradigan, uning ruhiyati bilan bog'liq bo'lgan muayyan bir jarayonni ifodalab keluvchi fe'llar hisoblanadi. Ruhiiy holat fe'llari inson ruhiy faoliyatini, ruhiy holatini ifodalaydi. Ularga o'ng'aysizlanmoq, qo'rqmoq, ajablanmoq, zavqlanmoq, xursand bo'lmoq, xafalanmoq, achchiqlanmoq, yumshamoq, g'azablanmoq, taajjublanmoq, ikkilanmoq, jiddiylashmoq, shodlanmoq, xo'rsinmoq, siqilmoq, shavqlanmoq, xo'mraymoq, maftun qilmoq, masxaralanmoq, masrurlanmoq, xunob qilmoq, ishonmoq, ma'yuslanmoq, mag'rurlanmoq va boshqalar kiradi.

Ushbu ruhiy holat fe'llari insonda yuz bergan yoqimli va yoqimsiz tuyg'ularni, tinchlik-farog'at, hayajonlanish va ma'yuslanish, dadillik va taraddudlanish, quvonish va g'azablanish, qo'rquv va shodlik kabi ijobiy va salbiy emotsional holatlarni ifoda etish bilan boshqa leksik-semantik guruh holat fe'llaridan ajralib turadi. Arxisemasi "holat", integral semasi "psixik" bo'lgan ruhiy holat fe'llari muayyan munosabatni ifodalashiga ko'ra ikki guruhga ajraladi:

Ijobiy munosabat ifodalovchi holat fe'llari va salbiy munosabat ifodalovchi holat fe'llari.

Insonning ijobiy yoki salbiy munosabat ifodalovchi holat fe'llari ta'sirchanlik darajasi ortiqligiga, kuchliligiga ko'ra alohida ahamiyatlidir. Bunday semantik guruhga kiruvchi so'zlar ham xabar (darak), ham ta'sirchanlik ifodalashi, ba'zi hollarda esa tasirchanlik darak (xabar) mantiqiy ifodasiga nisbatan ustunligi, ortiqligi bilan ifodalanadi. Qiyoslang: dahshatlanmoq, telbalanmoq, shodlanmoq.

Ijobiy munosabat ifodalovchi ruhiy holat fe'llari: quvonmoq, shodlanmoq, sevinmoq, suyunmoq, yayramoq, zavqlanmoq, maroqlanmoq, xursand bo'lmoq, lazzatlanmoq, shavqlanmoq, faxrlanmoq, masrurlanmoq, rohat olmoq, rohatlanmoq, kayflanmoq, yengillashmoq, tinchlanmoq, tinchimoq, xotirjamlanmoq, xotirjam tortmoq, yuragi joyiga tushmoq, yuragi jizillamoq, ruhlanmoq, ko'ngli ko'tarilmoq, ko'ngli yumshamoq, maftun bo'lmoq, mahliyo bo'lmoq, kayfini surmoq, suymoq va boshqalar.

Bunday fe'llar Odil Yoqubovning barcha romanlarida qahramon ruhiy holatini ifodalashda asosiy rol o'ynaydi. Masalan:

Otaning so`ngi so`zlaridan Sarkor nihoyatda **xursand bo`ldi**. Axir besh-olti oydan beri uyqusida halovat yo`q. (Osiy banda).

Mirzo Ulug`bek ahvolidan xabar topgach, Ali ancha **xotirjam tortdi...**(Ulug`bek xazinas).

Qalbini yorug` nur chulg`ab olgan Malikul sharob, mayni bir sipqorishda bo`shatib, kosani qo`yarkan:

- Ooo! –bu hayot qanchalar lazzatli!- dedi va yana chol bilan bo`lgan voqeani eslab **quvondi...** (Ko`hna dunyo)

Qalbida ilk muhabbat g`unchalari paydo bo`lgan Haydar onasining gaplaridan **sevindi**. Ko`z oldiga Latofatning nur bilan yug`rilgan tiniq yuzi keldi-yu, chuqur xo`rsindi. U ich-ichidan **shodlanardi**. (Diyonat).

Ziyodaxonning noz-ishvasi Sarkorni befarq qoldirmasdi. U qizning yoqimli suhbatidan doim **rohatlanardi...** (Osiy banda) va hokazo.

Odil Yoqubov romanlaridan olingan matnlarni kuzatar ekanmiz, unda qahramonlarning ruhiyatini ifodalashda bir qator salbiy munosabat ifodalovchi fe`llarni ko`rishimiz ham mumkin. Bunday salbiy munosabat ifodalovchi ruhiy holat fe`llariga: xafalanmoq, xafalashmoq, jahllanmoq, g`azablanmoq, yuragi og`rimoq, ma`yuslanmoq, kibrlanmoq, qo`rqmoq, xunobi chiqmoq, kayfi uchmoq, bag`ri kabob bo`lmoq, ko`ngli xijil bo`lmoq, xit bo`lmoq, ishqori ozmoq, ichi achimoq, jigari suv bo`lmoq, zardob yutmoq, zardasi tutmoq, zil-zambil bo`lmoq, ichdan zil ketmoq, yuragi zirillamoq, bepichoq so`ymoq, xo`rsinmoq, siqilmoq, yuragi zirqillamoq, ko`ngli cho`kmoq, umidsizlanmoq, mulzam bo`lmoq, xomushlanmoq, uyatli bo`lmoq va boshqalar kiradi. Masalan:

Latofat yosh to`la ko`zlari bilan Haydarga mo`ltirab qaradi, so`ng yuzini uning ko`ksiga yashirib, **o`ksib-o`ksib yig`lab yubordi**.(Diyonat).

Otaqo`zi hovlida to`xtamay, to`g`ri uyga kirdi. Uning ketidan kirgan Haydar dadasining vajohatini ko`rib **qo`rqib ketdi**: rangi oppoq oqarib, sochlari to`zg`ib ketgan Otaqo`zi shishani derazadan zimiston boqqa qarab otdi. Haydarning vujudidan ilonday sovuq bir vahima o`rmalab o`tdi.(Diyonat).

... Ibn Sino go`yo bu mudhish voqea o`ttiz yil muqaddam emas, hozir ro`y berganday, **yuragi tinimsiz bezillab** uzoq yotdi...

...Sulton bebosh daryoday ko`pirib-toshgan bu olomoni ko`rib, bir daqiqa **hushidan ayrilib, garang bo`lib qoldi**. So`ng, Mozori kalon qabristonining qo`rg`oniga ko`zi tushdi-yu, **dahshat ichida baqirib yubordi...**

Malikul sharob sekin boshini ko`tarib, qulog`ini ding qildi. Ammo bu baloi jahannamdan hech qanday sas chiqmadi. Malikul sharob **siqilib ketdi**, atrofqa qaramoqchi bo`lib, burilgan edi, oyoqlari ostidagi bir to`nkaga qoqilib, yuztuban yiqildi...(Ko`hna dunyo)

Yo tavba! Qo`yday yuvosh bu odamning vajohati shu darajada o`zgarib qoldiki, Sarkor hatto hozir militsiyasini chaqirib, “opketinglar bu odamni tegishli joylaringga!” deb yuboradimi, deb **seskanib ketdi**.(Osiy banda).

Berilgan matnlar tahlili asosida shuni aytish mumkinki, yozuvchi salbiy munosabat ifodalovchi fe`llarini o`z o`rnida qo`llash orqali, qahramonlar ruhiyatini yaqqol tasvirlab bergan.

Ruhiy holat fe`llarini ijobiy va salbiy munosabat bildiruvchi fe`llarga ajratish orqali ularning turli ma`no nozikliklari, uslubiy qo`llanishi, ta`sir darajasining farqlanishi kabi qo`shimcha jihatlarni ham qamrab oladi.

Ruhiy holat fe`llari insonga xos bo`lgan hissiy-ruhiy holatlarni ifodalashi bilan xarakterlanadi. O`zbek tilida ruhiy holat fe`llarining hosil bo`lishida inson ichki his-tuyg`ularini ifodalovchi otlar, ruhiyati bilan bog`liq bo`lgan sifatlar asos bo`ladi. Masalan, azob inson ruhiy holatini ifodalovchi ot so`z turkumidan quyidagi ruhiy holat fe`llarini hosil qilishimiz mumkin: azoblamoq, azoblanmoq, azob chekmoq, azob bermoq, azob ko`rmoq kabilar. Bu so`zlar bir paradigmatic qatorni tashkil qiladi. Matnda o`ziga xos uslubiy ma`nolari bilan farqlanadi. Buni to`liqroq tushunish uchun quyidagilarga e`tibor qaratamiz: azob, alam, nafrat, ranj, afsus, araz, sog`inch, sarosima, istehzo, ozor, zulm, kayf, tashvish, istihola, xayol, xavf, zavq, jabr, jahl, taajjub, faxr, xavotir, vahima, umid, jafo, shavq, lazzat, kibr, yig`i kabi inson ruhiy holatini ifodalovchi

otlar; zor, zo'r, tinch, tund, xotirjam, mag'rur, tajang, vahshiy, ma'yus, nolon, ruhsiz, notinch kabi ruhiy holat sifatleri va otlari.

Otaqo'zi qizining bo'g'ilib-bo'g'ilib yig'laganidan, uning haqsiz xo'rlanganidan **azoblendi**. (Diyonat.198-bet)

Ibn Sinoni tanimay, unga yomon muomala qilganidan o'z-o'zidan uyalib, bir necha kun **ma'yuslanib yurdi**. (Ko'hna dunyo).

Ruhiy holat sifatlaridan hosil bo'lgan ruhiy holat fe'llari: shodlanmoq, masrurlanmoq, umidsizlanmoq, injiqlashmoq, notinchlanmoq, xafalanmoq, xotirjamlanmoq, dili g'ashlanmoq, munglanmoq, xomushlanmoq, tundlanmoq, achchiqlanmoq, bezovtalanmoq, betoqatlanmoq, betoqat bo'lmoq, bejolanmoq, begonasiramoq, bezor bo'lmoq (qilmoq), dili g'ashlanmoq, yovuzlashmoq, yuvvosh tortmoq, yuvvoshlanmoq, ilojsizlanmoq, ma'yuslanmoq, majburlamoq, masrurlanmoq, zoriqmoq, zorlanmoq, zo'riqmoq, zo'rloq, zo'raymoq, injiqlashmoq, inoqlashmoq, notinchlanmoq, nolon bo'lmoq, kayfsizlanmoq, yengillashmoq (ko'chma ma'noda), yengillanmoq (ko'chma), umidsizlanmoq, xafalanmoq, xafa bo'lmoq, xafa qilmoq, xorlamoq, xor bo'lmoq (qilmoq), xomushlanmoq, mulzam bo'lmoq, mulzam qilmoq, xotirjamlanmoq, xotirjam bo'lmoq, xomushlanmoq, xomush tortmoq, munglanmoq (kam qo'llanadi), manzur qilmoq (etmoq), maza qilmoq, mazax qilmoq, mazaxlanmoq, mag'rurlanmoq, muloyimlashmoq, toqatsizlanmoq, terslanmoq, tersaymoq, to'zimsizlanmoq (kam qo'llanadi), shodlanmoq, tajang bo'lmoq, tajanglan(lash)moq, tinchlanmoq, tinchsizlanmoq, tinchimoq, tundlan(lash)moq, xitlanmoq, xijolat bo'lmoq (tortmoq, chekmoq), zadalanmoq, vahshiylashmoq, vazminlashmoq (ko'chma), takabburlanmoq, ruhsizlanmoq, sarg'aymoq, telbalanmoq, jiddiylashmoq, g'ashlanmoq, qiynalmoq, garangsiramoq, yomonlamoq, sergaklanmoq, dadillanmoq, o'ng'aysizlanmoq va boshqalar. Bunday fe'llarning ko'pchiligini o'z asarlarida qo'llagan Odil Yoqubov inson qalb tug'yonlarini noyob iste'dodi bilan yoritib bergan:

U kechagina bo'lib o'tgan uchrashuvni qayta-qayta eslab **shodlanar**, qizning **ma'yus** tortib qolgan ko'zlarini ko'z oldiga keltirarkan, o'sha vaqt unga taskin bermaganidan **xijolat tortib, notinchlanmoqda edi**. (Diyonat). Berilgan matnda ruhiy holat sifatlaridan hosil bo'lgan ruhiy holat fe'llarining bir qanchasi ishtirok etgan hamda insonga xos bo'lgan turli kechinmalarni ifodalab bergan.

XULOSA:

Til ruhiy faoliyat mahsuli ekani Qur'oni karim oyatlarida ko'rinadi. Olloh taolo Odamning tanasini rostlab jon kiritgach: "Va u zot Odamga ismlarning barchasini o'rgatdi" (Baqara surasi, 31-oyat). Demak, Olloh taolo til deb atalmish bebaho ne'matni Odam atoning ongi-yu qalbiga jo qiladi. So'ngra farishtalarga yuzlanib, bilsangiz, mana bu narsalarning nomini aytib beringchi, dedi. Ular, zoti poking haqi, O'zing o'rgatgandan o'zga ilmimiz yo'q, deb javob qildi. Shunda yaratgan Zot Odamdan ular nomini aytib berishini so'radi. Odam barchasining nomini birma-bir aytdi (Baqara surasi 31-32-oyatlar) [5;17].

Odil Yoqubov xoh tarixiy, xoh zamonaviy obraz yaratmasin, u lingvistik vositalar orqali inson ruhiy holatini yoritib bera olgan.

Ruhiy holatni ifodalovchi fe'llar ruhiyat bilan bog'liq bo'lib, asosan shaxs psixikasini anglatib keladi. Ruhiy holat fe'llarining yasalishi jihatidan tasnifiga e'tibor bersak, uning 85 foiz qismi inson ruhiy holati bilan bog'liq bo'lgan otlar va ruhiyat bilan aloqador sifatlardan hosil bo'lganligini ko'ramiz.

Inson qalbi poyoniga yetib bol'maydi. Negaki, davrlar osha insonning ongi va tushunchasi o'sib, o'zgarib borgani kabi, qalbi ham ham o'sib boradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Yo'ldoshev M.M. Badiiy matnning lingvopoetik tadqiqi: Filol. fan. d-ri...dis...-Toshkent: O'zR FA TAI, 2009. 164b.
2. Слово и текст в психолингвистическом аспекте // Сборник научных трудов. Тверь: ТГУ, 1992.

3. Кушкарлова Г. К. Коммуникативно – прагматические функции глаголов прямой речи в художественном тексте (на материале немецкой прозы XXв.) . ҚД. Алматы.1999. С. 59.
4. Белинский В. Г. Собрание сочинений в 3-ч томах, т. 3, -М., 1989.-С. 802-803.
5. To`laganova S. Ruh va adabiyot. Tafakkur. 2001, 5-son, 17-bet.
6. Нурмонов А. Танланган асарлар. 3 жилдли. 3-жилд. – Тошкент: Академнашр, 2012. – Б. 262-263
7. Ҳақимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2004. – 23 б.
8. Азимова И.А. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психоллингвистик тадқиқи. – Тошкент: ЎзМУ, 2008. – 24 б.
9. Белянин В.П. Основы психологической диагностики(модели мира в литературе). – М:Тривола, 2000. -С.8.
10. Xudoyberganova D. Matnning antropotsentrik tadqiqi. Toshkent, 2013.
11. Yoqubov Odil. Ulug`bek hazinasi. Toshkent,1980.
12. Yoqubov Odil. Diyonat. Toshkent, 1979.
13. Yoqubov Odil. Osiy banda. Toshkent. 2016.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

KINO OPERATORLIK SAN'ATI VA KINO SAN'ATI REJISSURASI

Umid Malikov

Sahnalashtiruvchi operator

Toshkent shahridagi S.A.Gerasimov VGIK o'qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada kino operatorlik san'ati va kino san'ati rejissurasi haqida ma'lumotlar keltirib o'tilgan. Shuningdek, o'zbek kino san'ati tarixi, kinolarning yaratilish jarayonlari, dramaturg hamda kino operatorlarining ijodiy mehnatlari xususida fikr-mulohazalar bildirib o'tilgan. Bundan tashqari, bugungi kundagi o'zbek kino san'atida amalga oshirilayotgan islohotlar haqida ham ilmiy tahliliy yondashuvlar yoritilgan.

Kalit so'zlar: kino operator, kino san'ati, kino rejissurasi, dramaturg, kino, ijodkor, kadr

КИНООПЕРАТОР ИСКУССТВО И КИНОРЕЖИССУРА

Умид Маликов

Оператор постановщик киностудии Узбекфильм,

преподаватель Ташкентского филиала Всероссийского Государственного

Института Кинематографии им С.А.Герасимова

Аннотация: В данной статье представлена информация о кинематографе и кинематографии. Также были высказаны мнения об истории узбекского кинематографа, процессе создания фильмов, творчестве драматургов и кинематографистов. Кроме того, освещены научно-аналитические подходы к реформам, реализуемым сегодня в узбекском киноискусстве.

Ключевые слова: кинематографист, киноискусство, кинорежиссер, драматург, фильм, создатель, кадр

CINEMA OPERATOR ART AND CINEMA DIRECTION

Umid Malikov

D.O.P. & MD of cinematography

Abstract: This article provides information about cinematography and cinematography. Also, opinions were expressed about the history of Uzbek cinematography, the process of creating films, the creative works of playwrights and cinematographers. In addition, scientific analytical approaches to the reforms implemented in Uzbek film art today are also covered.

Keywords: cinematographer, film art, film director, playwright, film, creator, frame

San'atning yangi turi bo'lgan kinoning vujudga kelishi va rivojlanishi fan, texnika taraqqiyoti hamda ungacha bo'lgan san'at turlarining erishgan yutuklari bilan bog'liqdir. Kinoning paydo bo'lishiga bir qator kashfiyotlar ham sabab bo'ldi. XIX asrning oxirlarida odamlar turmushiga elektr quvvati kirib keldi, kimyo fani rivojlandi, u fotografiya (surat olish)ning paydo bo'lishiga, keyinroq esa plyonkani ixtiro qilishda (1887 yil) katta rol o'ynaydi. Bo'lajak kino uchun J. Plato ixtiro etgan harakatlanuvchi rasmlarga ega bo'lgan apparat, Edisonning harakatni plyonkaga uzatuvchi apparati muhim ahamiyat kasb etdi. Ayni vaqtda proyeksion apparatni ham yaratish yuzasidan tajribalar olib borildi. Bir qancha mamlakatlarda (AQSH, Germaniya, Fransiya, Rossiyada) kinoni kashf etish yuzasidan aniq maqsadga qaratilgan izlanishlar olib borildi va asosiy texnikaviy kashfiyotlar qilindi: suratga oluvchi va ko'rsatuvchi (syomka va proyeksion) apparatlar yaratildi, maxsus kinoplyonka ishlab chiqildi.

Xuddi mana shu narsalardan ixtirochi aka-uka L. va O. Lyumyerlar (1895 yil 28 dekabr) Parijda "Poyezdning kelishi", "Jiqqa ho'l sug'oruvchi", "Bolani ovqatlantirish" nomli dastlabki filmlarni suratga olish va namoyish qilish uchun foydalandilar. Ushbu kun kino san'atining vujudga kelish kuni hisoblanadi. Kinoning san'at turi sifatida shakllanishida an'anaviy san'atlar ham sezilarli ta'sir ko'rsatdi.

1961 yilda hukumat qarori asosida "O'zbekfilm" qoshidagi hujjatli kino bo'limi mustaqil faoliyat yurituvchi O'zbekiston ilmiy-ommabop va xronikal-hujjatli filmlar kinostudiyasiga aylantirildi. Shu ondan boshlab respublikaning hujjatli kino san'atida keskin rivojlanish va ko'tarilish davri boshlandi. Yosh hujjatli kinochilar M.Qayumov, A.Saidov, A.Tursunov, Sh.Zoxidov, A.Raximov, P.Rasulov, I.Gibalevich kabi taniqli hujjatli kino ustalari bilan yonmayon, ko'tarinki ruhda ijod qila boshladilar. Ular katta qiziqish va ishtiyoq bilan respublika solnomalarini yarata boshladilar. N.Ataulloeva, D.Salimov, T.Bobojonov, T.Nodirov, T.Ro'ziev, N.Azimov, K.Xasanov, M.Ismoilov va boshqa rejissyor va operatorlarning nomlari allaqachon respublikamizdan tashqarida ham ma'lum edi. O'zbekistonlik tasvirga olish guruhlarini Hindiston va Belgiyada, Shri-Lanka va Kanadada, Bangladesh va Angliyada, AQSh va Afg'onistonda, Vetnamda, Malayziya, Pokistonda va ko'plab boshqa yurtlarda kam uchratish mumkin edi.

Respublika kino san'atining keskin rivojlanib borishi 60-yillarda boshlandi. 1961 yilda "O'zbekfilm" studiyasi Shayhontohur madrasasidan yangi qurilgan binoga, ya'ni Chilonzor hududiga ko'chib o'tdi. Studiya yangi jihozlar, xona va sexlarga ega bo'libgina qolmay, eng zamonaviy texnik jihozlar, ayniqsa eng zamonaviy tasvirga olish uskunalari va pavilonlariga ega bo'ldi. Keyinchalik 1966 yilda ilmiy-ommabop va hujjatli filmlar studiyasi ham yangi binoga joylashadi. Ijodiy va texnik xodimlar jamoasiga yosh mutaxassislar kelib qo'shildi. Ular Butunittifoq davlat kinematografiya institutini (VGIK) tamomlagan, Leningrad kino muxandislari institutini (LIKI), Moskva Oliy ssenariy mualliflari malaka oshirish o'quv yurtini hamda Toshkent teatr va rassomlik institutini tamomlagan bir guruh bitiruvchilari, ijodkorlar yoshlar edilar.[3;89]

Bularning barchasi badiiy, ilmiy-ommabop va hujjatli filmlar ishlab chiqarish imkonlarini yanada kengaytirdi. Natijada sifat o'zgarishlari yuz berdi. Yoshlar o'z ijodiy imkoniyatlarini namoyish eta boshladilar. Ijodiy jarayonda uning uslub va uslubiyatida yangilanish ko'zga tashlana boshlandi. Kasbiy mahorat takomillashib o'sib bordi, mavzu va janrlar rangbarangligi ko'rinib zamonaviy mavzular keng va teran talqin etishga bo'lgan harakat yaqqol ko'rinish berdi.

Yosh mutaxassislarning ijodkorlar safiga kelib qo'shilishi nafaqat mavzular va uslublarning yangilanishi, balki hujjatli kinoda shu paytgacha qo'llanilmagan yangi shakl va uslublarning yuzaga

kelishi va rivojlanishidan darak berar edi. Filmlarning tasviriy yechimini belgilashga tamomila yangicha yondashuv, suratga olish uslublariga, kadr kompozitsiyasiga yangicha nuqtai nazar va yangicha munosabatda bu yaqqol ko'zga tashlanar edi. Yangicha uslub mavzuni poetik idrok etish, turli metaforalarga boy tasviriy til va falsafiy umumlashmalarda namoyon bo'ldi. Yosh ijodkorlar M.Qayumov, M.Penson, A.Tursunov, P.Rasulov, I.Gibalevich, T.Nodirov va boshqa kasb ustalari tomonidan yaratilgan o'ziga xos ijodiy maktab an'analari, yillar davomida orttirilgan ulkan ijodiy tajribalar asosida yanada faol shakllandi, rivojlandi.[4;54]

Zamonaviy materialga asoslangan kinokomediyada o'zbek xalqining hayoti va uning kundalik turmush tarzi o'zgarib borishi bilan birga, insonlarning ruhiyati, tafakkuri, dunyoqarashi ham o'zgarib, rivojlanib borayotgani, yoshlar taqdirini belgilashdagi turli irim-sirimlar, bid'at tushunchalarning asta-sekin yo'q bo'lib ketayotgani haqida hikoya qilinadi.

Filmda asosiy rollarni R.Pirmuhammedov, L.Sarimsoqova, M.Yoqubova kabi iste'dodli, atoqli kino va teatr aktyorlari ijro etganlar va o'ziga xos yorqin obrazlar yaratganlar. Film operatori V.Vladimirov, postanovkachi-rassom E.Qalantarov o'zbek xalqining ruhiyatini, uning milliy xususiyatlarini yaxshi bilgan ijodkorlar sifatida film vatanimiz va dunyoning ko'plab mamlakatlarida keng namoyish etilib tomoshabinlar olqishiga sazovor bo'ldi. Butunittifoq va xalqaro kinofestivallarda bir qator faxrli mukofotlar va oliy darajadagi sovrinlarni, diplomlarni qo'lga kiritdi. Internatsionalizm, umuminsoniylik mavzusini Sh.Abbasov o'zining "Toshkent non shahri" (A.Neverovning shu nomli juda mashhur qissasi asosida yaratilgan) filmida davom ettirdi va aytish mumkinki bu mavzuni yanada chuqurlashtirdi. Bu film 60-yillar so'ngida o'zbek kino san'atidagi muhim ahamiyatga ega bo'lgan yutuq bo'ldi. Rejissyor Sh.Abbasov, operator X.Fayziev, rassom E.Qalantarov insonlarga bo'lgan samimiy muhabbat bilan, o'sha davr ruhiyatini ekranlarda mahorat bilan ko'rsatib bera olganliklari, badiiy haqiqat bilan tomoshabinlar diqqat e'tiborini tamomila zabt etdilar.[5;34]

Ammo shuni ham takidlash zarurki zamonaviy mavzular barcha filmlarda ham o'zining yetarli darajadagi badiiy ifodasini topmadi. Hayot haqidagi yuzaki tasavvur, haqiqatni, voqelikni tasvirlashda biryozlamalik va kasbiy mahoratning yetishmasligi filmlarning g'oyaviy va badiiy darajasiga salbiy ta'sir ko'rsatdi.

Biroq, shu bilan birga bir qator yaxshi kinofilmlar ham yaratildi. "Oq qushlar, oppoq qushlar", "Uyg'onish", "Surayyo", "Davra", "Nafosat", "Sevishganlar" kabi asosan yosh rejissyorlar tomonidan yaratilgan kinoasarlari o'sha davr o'zbek kinematografiyasini ko'p jihatdan boyitdi, uni ijodiy kamolot sari boshladi. Bularning barchasi kinostudiya ijodiy jamoasining kasbiy mahorati o'sib borayotganidan, ijodkorlarning zamonning dolzarb muammolarini o'ziga xos tarzda anglashga, tushunishga va ifoda etishga urinayotganliklaridan dalolat berar edi. Bu filmlar kino tadqiqotchilar va keng tomoshabinlar ommasi e'tiborini tortdi.

Rejissor A.Hamraev, operator D.Fatxulin, ssenariy mualliflari Sh.Abdusalomov va O.Agishevlarning o'zaro hamkorligida 1966 yilda yaratilgan "Oq qushlar, oppoq qushlar" filmi zamonning ma'naviy-axloqiy muammolariga bag'ishlangan. U adabiy asosining, rejissurasining, operatorlik ishi va aktyorlik san'atlarining betakrorligi, o'ziga xosligi va juda mukammalligi bilan ajralib turardi. Film atrofida qiziqarli ijodiy bahs boshlandi. Ba'zilar film mualliflari hayot haqiqatiga tik boqqanliklari va asar qahramonlari atrofida yuzaga keskin, ziddiyatli dramatik vaziyatlar uchun qo'llab-quvvatladilar. Boshqalar esa film ijodkorlarini hayotiy me'yorlarni buzganliklari, filmning asosiy qahramonlari - Malik va Qayum atrofidagi muammoli, chigal muhitni sun'iy ravishda bo'rttirib ko'rsatganliklari uchun va o'z mualliflik pozitsiyalarini aniq belgilab olmaganlikda tanqid qilishdi.

Bu kabi xolis va qiziqarli ijodiy munozaralar kelgusida O'zbekiston yosh kinoijodkorlari ijodini faollashtirish, ekranda zamonaviy mavzuni rivojlantirish uchun yaxshi asos bo'lib xizmat qildi.

O'zbek kinoustalarining kasbiy mahorati yil sayin o'sib takomillashib bordi. Ularning muvaffaqiyatlari haqida jahon kino arboblari doimo e'tirof etib kelgan. Ular kelajak avlodga erkin ijod qilishlari uchun o'ziga xos ijodiy muhit, yaxshi zamin yaratdilar.

Mamlakatda amalga oshirilgan chora-tadbirlar kinoijodkorlar, ayniqsa yoshlarni ijodiy izlanishlar olib borishga, yuqori saviyadagi kinoasarlarni yaratishga undaydi. Toshkent xalqaro kinofestivali davomida yana bir ahamiyatli tadbir bo'lib o'tdi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 28 avgustdagi "Toshkent shahrida "S.A. Gerasimov nomidagi Butunrossiya davlat kinematografiya instituti" federal davlat byudjeti oliy ta'lim muassasasi filiali faoliyatini tashkil etish to'g'risida"gi PQ-5238-sonli qaroriga ko'ra 2021 yil 1-oktabr kuni institutning ochilish marosimi o'tkazildi.[1]

"Kinematografiya sohasi uchun yuqori malakali ijodiy kadrlar tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish, rivojlangan xorijiy mamlakatlarning yetakchi oliy ta'lim tashkilotlari bilan hamkorlikni kengaytirish, ta'lim muassasalarining oliy ma'lumotli ijodiy kadrlarga bo'lgan ehtiyojlarini qondirish maqsadida" tashkil etilgan mazkur institut 2021-2022 o'quv yilidan o'z faoliyatini boshladi.[2]

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, oxirgi o'n yillikda mamlakatda kino san'atini rivojlantirish uchun qator ishlar amalga oshirildi. Jumladan, respublikada tashkil etilgan turli festivallar bunga dalil bo'la oladi. Albatta, ma'lum bir kinofestivalning muntazam davom ettirilmagani achinarli hol. Ammo bir tadbirning o'rniga boshqa tanlovning vujudga kelishi, o'zbek kino sohasining taraqqiy etishi uchun qilinayotgan say-harakatlarning to'xtab qolmaganidan darak beradi.


FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti qarori 19.06.2021, N PQ-5151
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti qarori 19.06.2021, N PQ-5138
3. Климина А.В., Карташов С.Л. Кинофестивальная деятельность: основные направления повышения эффективности. Наука и образование в жизни современного общества: сборник научных трудов по материалам международной научно-практической конференции 29 ноября 2013 г. Часть 17. Тамбов: ООО «Консалтинговая компания Юком», 2013.
4. Kasimova, N. Formation of short films in Uzbekistan. Theoretical & Applied Science. 2019, (9).
5. Fayziyeva F. Teleserial xodisasining evolyutsiyasi. Oriental Art and Culture, 2021, December.
6. Kasimova, N. Features of creativity in short films. The European Journal of Arts. 2020, (3).
7. Akbarov H. Adabiyot va kino. - T.: G'. G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti, -2014 y.
8. <https://cyberleninka.ru/article/n/o-zbek-kinematorafiyasida-malakali-mutaxassis-kadrlarni-tayyorlashda-kinooperator-kinorejissor-iqbol-meliqo-zievning-zamonaviy>
9. <https://cyberleninka.ru/article/n/filmlarda-tasviriy-yechim-va-sifat-maxalliy-kinooperatorlarning-yetishib-chiqishi>

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Gavhar Ramazonovna Xodjiyeva
o'qituvchisi, Buxoro davlat universiteti, O'zbekiston

ZAMONAVIY O'ZBEK ADABIYOTIDA IMOM BUXORIY TIMSOLI

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2024-1-16>

ANNOTATSIYA

Yangi o'zbek adabiyoti sahifalari nazardan o'tkazilsa, she'riy dramalarning katta qismi tarixiy mavzuda yozilganligi kuzatiladi. Bu jarayon, aytish mumkinki, Oybekning "Mahmud Torobiy", H.Olimjonning "Muqanna" asarlaridan boshlangan. Ushbu adabiy an'ana istiqlol yillarida ham davom ettirildi. Jumladan, she'riy dramaning "Sohibqiron" (A. Oripov), "Imom Buxoriy" (U.Qo'chqor), "Samarqand sayqali" (Iqbol Mirzo) badiiy yuksak namunalari dunyo yuzini ko'rdi. Usmon Qo'chqorning "Imom Buxoriy" asarida ulug' mutasavvuf Imom al-Buxoriy siymosi yaratilgan. Unda allomaning ayni yetuklik pallasi qalamga olinib, uning Nishopurdan Buxoroga qaytishi voqealari, ona yurtidagi hayoti lavhalari falsafiy-psixologik yondashuv asosida aks ettirilgan. Asarda Islom dinini mayoq qilib olgan, lekin dindan mutlaqo bexabar, jaholat botqog'iga botgan bir guruh qalandarlar obrazi Imom Buxoriyga, din va ma'rifat ahliga qarama-qarshi qo'yiladi. Maqolada mazkur asar sujeti, kompozitsiyasi, obrazlar tizimi nuqtai nazaridan tahlil etilgan va shu asosda she'riy drama ga xos xususiyatlar ochib berilgan.

Kalit so'zlar: drama, she'riy drama, lirik kechinma, tush motivi, mavzu, g'oya, badiiy talqin, estetik ruh, maqol, ibora

Ходжиева Гавхар Рамазоновна

Преподаватель

Бухарский государственный университет, Узбекистан

ОБРАЗ ИМАМА БУХАРИ В СОВРЕМЕННОЙ УЗБЕКСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ

АННОТАЦИЯ

Если мы пролистаем страницы новой узбекской литературы, то увидим, что большинство поэтических драм написано на исторические темы. Этот процесс, можно сказать, начался с "Махмуда Тороби" Ойбека и "Муканны" Х.Олимжона. Эта литературная традиция продолжилась и в годы независимости. В частности, мир увидели высокохудожественные образцы поэтической драмы «Сахибкирон» (А.Орипов), «Имам Бухари» (У.Кучкор), «Самарканд сайкали» (Икбол Мирзо). В произведении "Имам Бухари" Усмана Кучкара был создан образ великого мыслителя знатока хадисов о пророке Мухаммаде Имама аль-Бухари. Он описывает тот самый период зрелости ученого и события его возвращения из Нишапура в Бухару. Сцены его жизни на родине на основе философско- психологического подхода. Пьеса противопоставляет Имама Бухари, человека религии и просвещения, группе отшельников, которые приняли ислам как маяк, но совершенно не

знающие религию и погрязли в невежестве. В статье анализируется произведение с точки зрения сюжета, композиции, системы образов и на этой основе раскрываются особенности поэтической драмы.

Ключевые слова: драма, поэтическая драма, лирический опыт, мотив сновидения, тема, идея, художественная интерпретация, эстетический дух, пословица, фраза

Gavhar Ramazonovna Khodjiyeva

Teacher, Bukhara State University
Uzbekistan

THE IMAGE OF IMAM BUKHARI IN MODERN UZBEK LITERATURE

ANNOTATION

If you look at the pages of new Uzbek literature, you will see that most of the poetic dramas are written on historical themes. This process, it can be said, began with Oybek's Mahmud Torobi and H. Olimjon's Muqanna. This literary tradition continued during the years of independence. In particular, the high artistic samples of the poetic drama "Sahibkiron" (A.Oripov), "Imam Bukhari" (U.Kochkor), "Samarkand saykali" (Ikbol Mirzo) saw the world. In the work of Imam Bukhari by Usman Kochkar, the image of the great mystic Imam al-Bukhari was created. It describes the very period of the scientist's maturity, the events of his return from Nishapur to Bukhara, the scenes of his life in his homeland on the basis of a philosophical and psychological approach. The play contrasts Imam Bukhari, a man of religion and enlightenment, with a group of hermits who have taken Islam as a beacon, but are completely ignorant of the religion and are mired in ignorance. The article analyzes the work in terms of the subject, composition, system of images, and on this basis reveals the peculiarities of the poetic drama.

Key words: drama, poetic drama, lyrical experience, dream motif, theme, idea, artistic interpretation, aesthetic spirit, proverb, phrase

Kirish. Istiqlol yillarida tariximizda munosib nom qoldirgan buyuk siymolar: Imom Buxoriy, Ahmad Al-Farg'oniy, Jaloliddin Manguberdi, Mirzo Ulug'bek, Alisher Navoiy singari buyuk tarixiy obrazlarni gavdalantirish o'ziga xos an'ana tusini oldi. Bu jihatdan Usmon Qo'chqorning "Imom Buxoriy" she'riy dramasi alohida ahamiyatga ega. Mutasavvuf alloma haqida adabiyotimizda bir qancha dramatik asarlar yaratilgan. J.Rasultoyevning "Muqaddas ziyo", S.Ehsonning "Muhaddis", M.Ergashevning "Saodat yo'li", U.Qo'chqorning "Rasululloh kotibi", R.Ma'diyevning "Bir kechalik tush", T.Jumatovning "Imom al-Buxoriy", M.Hamidovanning "Buxoriy muhabbati" kabi sahna asarlari shular jumlasidandir. Usmon Qo'chqor "Imom Buxoriy" she'riy dramasi Imom al-Buxoriyning ayni yetuklik pallasini qalamga olib, uning Nishopurdan Buxoroga qaytishi voqealarini, ona yurtidagi hayoti lavhalarini falsafiy-psixologik yondashuv asosida aks ettiradi.

Usmon Qo'chqor dostonlari adabiyotshunosligimizda u yoki bu darajada o'rganilgan. N.Rahimjonov [1,2,3,4], Sh.Hasanov [5,6,7], D.Quvvatova [8,9,10], N.O'roqova [11] kabi adabiyotshunoslarning ilmiy asarlari fikrimizni tasdiqlaydi. Taniqli adabiyotshunos N.Rahimjonov tadqiqotlarida shoirning "Quvg'in" dostoni teran tahlil etilgan. Sh.Hasanov va D.Quvvatovalarning bir qator maqolalari va doktorlik dissertatsiyalarida shoir dostonlari qo'yilgan ilmiy muammo doirasida tadqiq etilgan.

Asosiy qism. Usmon Qo'chqorning "Imom Buxoriy"[12] nomli she'riy dramasi buyuk vatandoshimiz, mudarrislar imomi, hadis ilmining sultoni Imom al-Buxoriy hazratlarining hayoti va olimlik faoliyatidan hikoya qiladi. Buxoro zaminida tug'ilib voyaga yetgan shoir Usmon Qo'chqor o'z zaminidan bo'lgan din peshvolarining sarvari, Buxoroyi sharif mash'ali bo'lmish buyuk alloma haqida bir asar yozishga qaror qiladi va bu qarorni amalga oshirish uchun she'riy drama janrini ma'qul deb topadi. Voqelik va inson tabiatining tinmay o'zgarib turishi, yangi-yangi g'oyalarning tug'ilishi, makon va zamon hodisalarini yangicha idrok etish jarayoni olam va odamga nisbatan

yangicha qarash, yangicha munosabatni talab qilyapti. Ma'lumki, yangi mazmun hamisha yangi shaklni yuzaga keltiradi. So'nggi yillarda inson shaxsiga bo'lgan e'tiborning kuchayishi, insonning ruhiy iqlimlarini, qalbning to'rt faslini tadqiq etish bevosita uning ongi, saviyasi, fantaziyasini ham qamrab olishni taqozo etadi [13, 75]. She'riy dramalarda asosiy e'tibor tashqi olamga emas, insonning ichki (botiniy) olamiga qaratiladi va unda lirik she'rga xos xususiyatlar yetakchilik qiladi. She'riy drama hayotni shaxsning ehtirosli hislari orqali, yuraklarni larzaga soluvchi oniy holatlarda ko'rsatish qobiliyatiga ega. Adabiyotshunos I.Sulton aytganidek, "Hayot go'yo bir azim daryo bo'lsa, drama ana shu azim daryoning tezoqar, eng nishab joylarini tasvir predmeti qilib oladi" [14,260].

Imom Buxoriy hadis ilmining Buxorodan yetishib chiqqan va butun dunyoga shuhrat taratgan allomasi edi. Ibratli hayot yo'li afsonalarga aylangan, hadislariga payg'ambarimizning tabarruk so'zlari joylangan, benazir va g'ayri odatiy quvvayi hofizaga ega bo'lgan Muhammad ibn Ismoil Imom al-Buxoriy hazratlari tavsifiga bag'ishlangan bu asar real tarixiy voqealar bilan bir qatorda to'qima obrazlar va ular bilan uzviy bog'liq bo'lgan to'qima va afsonaviy voqealarni o'z ichiga oladi. Mazkur dramatik asar she'riy shaklda yaratilgan bo'lib, adabiyotimizda uchraydigan boshqa she'riy dramalardan tubdan farq qiladiki, shoir asarni boshdan-oyoq barmoq vaznida uch turoqli va o'n ikki bo'g'inli, o'zaro qofiyadosh ikki misra shaklida keltirgan.

Ijodkor bu tartibdan aslo chekinmagan, asar yakunigacha shu tartibni davom ettiradi. Adabiyotimizda mavjud bo'lgan "Jaloliddin Manguberdi", "Mirzo Ulug'bek", "Sohibqiron" kabi she'riy usulda yaratilgan dramalar, asosan, erkin vaznda yoki oq she'r shaklida bo'lib mazkur drama ulardan barmoq vazni qonun-qoidalariga to'la amal qilganligi bilan ajralib turadi. Dramaning xuddi she'riday ravon va qiynalmasdan o'qilishi hamda qat'iy ohangdor qofiyaga ega bo'lganligini ijodkorning eng katta yutuqlaridan biri deya e'tirof qilsak yanglishmagan bo'lamiz. She'riy drama besh ko'rinishdan iborat bo'lib, hazrat Imom Buxoriyning Nishopurga kelishi, xalqning muhaddislar sultonini yuksak hurmat-ehtiromlar bilan kutib olishlaridan boshlanib, to uning Samarqand safari vaqtida vafot etishigacha bo'lgan voqealarni o'z ichida aks ettiradi. Olimning Nishopurdagi faoliyati uzoq davom etmaydi. O'z nufuzining pasayishidan cho'chigan mahalliy ulamolar xalq oldidagi ilmiy savol-javoblarda uni shakkoklikda ayblaydilar. Bu shaharda tuhmat, bo'hton ostida yashab bo'lmasligini sezgan Hazrat ona shahri – Buxoro sari yo'l oladi.

Allomaning Nishopurdan ona yurti Buxoroga qaytishi sahnasini ijodkor o'zining badiiy yondashuvi bo'yicha to'qima obrazlar asnosida talqin qiladi. Asarda Buxoriy va savdogarlar sahnasi, ularning o'zaro savol-javob asosida suhbatlari aniq faktlar va tarixiy ma'lumotlar, real voqealar asnosida bo'lib o'tadiki, bu suhbat natijasi o'laroq kitobxon Imom Buxoriyni naqadar yuksak aql-zakovat, din-ma'rifat va mo'jizaviy xotira sohibi ekaniga guvoh bo'ladi.

Savdogarlar birin-ketin o'z arz-u hasratlarini qaroqchilardan, shoh-u amaldorlar talab qiladigan bojlardan shikoyat qilib o'zlari ham Imom Buxoriydan: "Mana siz shuncha yurtlarni kezib nima orttirdingiz?" deb so'rganlarida, zakovatli alloma ularga shunday deb javob beradi:

Ko'rdingizkim, hech vaqom yo'q, na qanor, na qop,
Xurjunimda bor-u yo'g'im o'n-o'n besh kitob.
Siznikiga o'xshab ketar mening kasbim ham,
Men ham boylik uchun umrin tikkan bir odam.
Xuddi sizdek el-yurt kezmoq men uchun ham xos,
Sizdek menga bu kasb Rasulullohdan meros.
Men ham kutib o'tirmayman – issiqdir, qordir...
Sizning kasbdan lekin jinday farqi ham bordir.
Men mulkimni tuyalarda yurmayman ortib,
O'g'ri urmas qaroqchilar ololmas tortib.
Kimki mening bu mulkimga tikar bo'lsa ko'z,
Boshim yetar osmonlarga, chekmayman afsus.
Bizning kasbda tavakkalga aslo o'rin yo'q,
Ming bor o'lchab bir kesaman, kesaman aniq.
Bu mulkimdan hech kim xiroj ola bilmaydi,

Olsa – to`liq olar yo`lda qola bilmaydi.
Kimdir barin ola bilsa, bir fazli shukrim,
Ikki karra ortib ketar mening bu mulkim.

Savdogarlarning bu qanday kasb degan savoliga:
Bu dunyoning chekib jafo, mehnatlarini,
Hadis yig`dim – Rasululloh sunnatlarini.

– deya javob qiladi. Bu sahnada Buxoriy 16 yoshida volidasi hamda Ahmad ismli akasi bilan Makka ziyoratiga yo`l olgani, haj sarafidan so`ng onasi va akasi Buxoroga qaytgani, Buxoriy esa Makka, Madina, Misr, Basra, Kufa, Shom kabi shaharlarda hadis yig`ish bilan mashg`ul bo`lgani, bu hadislarni qirq yil davomida yig`ganligini aytib o`tadi.

Uchinchi savdogar

Qay usulda yig`ardingiz ularni, ustod?

Buxoriy

Hofizamga yozar edim – olar edim yod.

Birinchi savdogar

Qanchalar bor yod bilgan hadis hammasi?

Buxoriy

Yod bilganim olti yuz minglardir chamasi...

Muhaddisning bu javobidan taajjublangan savdogarlardan biri shunday deydi:

Olti yuz ming hadis yodlash narida tursin,

Shu sanoqni sanash uchun – uxlamay tun-kun,

Yemay-ichmay, turmay-yurmay, rostlamay nafas,

Sanayversang, mo`ljalimcha, o`n kun ham yetmas.

Suhbat davomida din-u iymon, insof-u diyonat, halol yashab, haromdan hazar qilish to`g`risida so`z boradi. Imom Buxoriyning butun umrini shu 600 mingdan ortiq hadis orasidan sahih hadislarni, ya`ni ishonchlilarini, nosahih – ishonchsizlaridan ajratishga baxshida etganini va bu qutlug` yo`lda o`tgan umriga aslo achinmasligini aytib o`tadi.

Roviylar, ya`ni payg`ambarimiz so`zlarini aytuvchilar orasida to`g`ri hadislar bilan bir qatorda shohlarga, amaldorlarga yoqish, o`zini din peshvosi qilib ko`rsatish, mol-dunyo orttirish, dinga dushmanlik maqsadlarida Rasullulloh tilidan lof urganlar ham bo`lgan. Bu hadislarni saralash va islom olamiga yetkazish musulmon olamida Qur`oni Karimdan keyingi ikkinchi muqaddas kitob hadisi sharif “Al-jome’ as-sahih” asarining muallifi Imom al-Buxoriyga nasib etgan.

Qaysi biri yolg`on erur, qaysi biri chin,

Chin bo`lsa gar, ul hadisning chinligi nechun –

O`shalarni saralashga ketdi bu umr,

Biroq zinhor pushmonim yo`q, shukr, ming shukr!

Bunda butun umri azob-mashaqqatlardan, dushmanlarining, din g`animlarining yetkazgan aziyatlaridan, sarson-u sargardonlikdan, vatangadolikdan iborat bo`lganini, ammo bu sharafli ishni ado eta olgani uchun Ollohdan minnatdor ekanini aytadi.

Qayga bormay, bir oqil-u yuz nodon ko`rdim,

Hikmat bilan jaholatni yonma-yon ko`rdim.

Qirq yildirkim, qorin g`amin yemadim, hayhot,

Bir parcha non, bir qultum suv – men uchun hayot.

Goh ko`zimga dard ilashdi, ko`rolmay qoldim,

Gohida tan zaiflashdi, yurolmay qoldim.

Hech kimsaga shikoyat-u shikva aytmadim,

O`limlardan qaytdim, ammo yo`ldan qaytmadim.

Shoir “Goh ko`zimga dard ilashdi, ko`rolmay qoldim” misrasi orqali Buxoriyning ko`zi ojizlanib yana ochilganligiga ishora qiladi. Aytishlaricha, Muhammadning ko`zi yoshligida jarohatlanib, ojizlanib qoladi. Tabiblarga qaratadilar, foyda bermaydi. Bir kuni uning onasi tush

ko`radi. Tushida Ibrohim alayhissalom unga qarata: “Ey volida, duolaring sharofatidan Alloh o`g`lingga ko`rish ne`matini qaytardi!” – deb xitob qilayotganmish. Cho`chib uyg`onib, o`g`lidan xabar oladi. Qarasaki, Muhammadning ko`z-qaroqlarida nur o`ynardi.

Bu haqida bir qancha tarixiy manbalarda ham ma`lumotlar uchramiz, ammo shu misraga qofiyadosh qilib keltirilgan ikkinchi misra “Gohida tan zaiflashdi, yurolmay qoldim” dagi ma`lumot biron bir manbada uchraydimi- yo`qmi, muallif bundan xabardor bo`lganmi yoki asar pafosini kuchaytirish va ohangdorligini ta`minlash maqsadida keltirganmi, bu bizga mavhumligicha qoladi. Imom Buxoriy ketayotgan savdogarlar karvoniga qaroqchilar hujum qiladi. Qaroqchiboshi Imom Buxoriydan kim ekanligini so`raydi. Buxoriyni Nishopurda o`ylab va uni tanimagani uchun avf etishini so`raydi:

Tangrim, bu ne so`z?!

Oqib tushsin sizday zotni tanimagan ko`z!

Hadis ilmin eng sarbaland a`lomi-ku, siz,

Hazrat, axir, imomlarning imom-ku, siz.

Bundan ko`rinadiki, o`z zamonasida ham barcha qatlam vakillariga ovozasini yetgan, musulmon olamining e`tirofiga va e`zoziga sazovor bo`lgan va bu g`oyaga yondosh holda ana shu qaroqchining ziyoli kishi bo`lganligi Buxoro hukmdorining zulmiga qarshi qo`zg`olonga bosh bo`lganligi, qaroqchilik bilan shug`ullanganligi va bu shunchaki mol-dunyo to`plash maqsadidagi yo`lto`sarlik emas, balki bu yo`l orqali sarmoya to`plab yana zolim hukmdorga, uning johilona siyosatiga qarshi kurashish uchunгина ekanligi g`oyasi she`riy misralar mag`ziga singdiriladi.

Qaroqchiboshi o`z maqsadini bayon etgandan keyin Imom Buxoriy shunday javob qiladi:

Dahshatli bir maslakdir bu, vahshiy bir g`oya.

Razolatga qarshi yana yangi razolat,

Jinoyatga qarshi undan battar jinoyat?!

Yovuzlikni yengib bo`lmas bu niyat bilan,

Jihad lozim urfon bilan, ma`rifat bilan.

Odamizod ming ko`chaga kirib chiqadi,

Goh nimadir olib, goho berib chiqadi.

Kengga kengdir ushbu dunyo, torlarga tordir,

Ming yillarning pandi bordir, o`giti bordir.

Qobilining qonin Hobil to`kkan dunyo bu.

Ibrohimni gulxanlarga otgan dunyodir,

Nuh atalmish to`fonlari botgan dunyodir.

Razolatga, jaholatga botsa, nihoyat,

Olloh ilmi bandasiga bo`lgan hidoyat.

Adashibon bashar yum-yum to`kkanida yosh,

Ilm-u urfon eshigiga urib kelgan bosh.

Bandasining Rabbisiga qaytar kuni bor,

Hammasiga bir kun hisob aytar kuni bor.

(osmonga qo`l cho`zib)

Bundan buyon adashtirma qulingni, yo Rab,

Hadislarni men to`pladim xuddi shu sabab.

Qur`ondan so`ng turguvchi ul bir kitob bo`ldi,

Hidoyatga boshlaguvchi oftob bo`ldi.

Hech kim Rasul sunnatini qilolmas inkor,

Mahshargacha uning nuri so`nmagay zinhor.

Ushbu misralar zamirida tarixiy haqiqat, aniq faktlar bilan birga badiiy obrazli talqin, ulug` zot siymosiga hurmat va ehtirom, Rasullulohga e`tiqod, ilm-u urfonga munosabat aks ettirilgan. Asarda tasavvufiy g`oyalari, ya`ni Ollohga iymon keltirish, Rasulullohga ergashish, dunyoning hoy-u havaslaridan yuz o`girib, Haq yo`liga o`tish, jaholatga qarshi ma`rifat bilan kurashish g`oyalari

ilgari suriladi. Imom Buxoriy e'tiqodi va qarashlarida naqshbandiya tariqati, ya'ni "Dil ba yoru, dast ba kor" (Diling Oллоhdа, qo'ling mehnatda bo'lsin) degan g'oya yetakchi o'rinda turadiki, uzlat, ya'ni tarki dunyo qilish muammolarning yechimi emasligi aytib o'tiladi.

Yo'q, uzlatdan najot yo'qdir bashariyatga,
Tarki dunyo boshlab bormas oliy niyatga.
Barcha o'zin xilvatlarga urib ketsa jim,
Bashariyat rizq-u ro'zin yetkazadi kim?
Poklik – iymon, irodatga bog'liqdir, illo,
Tojlarda ham, balchiqda ham tillodir – tillo!
Uzlat aro inson o'zin poklanishi mumkin,
Biroq, mening nazarimda, ul inson – xudbin.
El ichinda, yurt ichinda kezmasang kushod,
Poklamasang, poklanmasang, nechun bu hayot?!

Oллоhni sevib, Oллоhdan qo'rqib, Oллоhga ishonib xalq orasida yurgan, xalqning quvonchi-yu g'amiga sherik bo'lgan, odamlarning mushkulini oson qilish evaziga savob olguvchilar Oллоhning ham sevgan bandalari hisoblanishi, ularga oxirat kuni eng oliy mukofot ajri borligi e'tirof etiladi.

Shu o'rinda yangicha bir bayon, ajib bir dalillash e'tiborimizni tortdi: "Tojlarda ham, balchiqda ham tillodir – tillo". Asarda Buxoriy tilidan aytilgan bu fikr pok qalbli mo'minlar ta'rifi uchun keltirilgan bo'lsa-da, unda allomaning jaholat shamoli ufurgan, razolat buluti qoplagan, ma'rifat quyoshi to'sib qo'yilgan Buxoro zaminida tojlarni bezaguvchi tillo balchiqqa qorilgani; Nishopurda xo'rlangan va o'z tuprog'ida ham tuhmat, bo'hton balosiga uchraganligi; ona maskani Buxoroga sig'may, tuprog'idan yiroqlarga ketishga majbur bo'lganligi, vatangadolikda vafot etgani ham aks etadi.

Daryodagi tosh singari dumalab emas,
Har bir inson dunyo bo'lib oqmog'i lozim!

Asarda ona yurti sog'ingan, ona tuproqqa oshiqqan, Oллоh va Vatan mehrini pok iymonli qalbiga jo qila bilgan mo'ysafid Buxoriyning Buxoroga qaytayotib (uch ko'rinishning oxirida) aytgan so'zlarida kuzatamiz:

Ha, darvoqe, ketmoq kerak, yo'l olis, zotan.

(sekin ortiga boqib)

Umr ortda qolib ketdi...

(oldinga qo'l cho'zib)

Oldinda – Vatan.

Yuzlarimga urilmoqda Turon shamoli,

Taxayyulim ko'zgisida Oллоh jamoli.

Mazkur dramaning to'rtinchi ko'rinishida Buxoro hukmdori Amir Zuhariy huzuridagi mashvaratda qadim va boqiy Buxoro haqida shunday misralar keltiriladi:

Salmon Forsiy bir hadisda eturkim ta'rif,

Qiyomatda Xurosondan uch shahri sharif

Nur taratib turar emish ziynatlar aro –

Biri – Yashkard, Samarqand, biri – Buxoro.

Jabroilning o'zi o'tib bundoq guvohga,

Payg'om bermish Muhammadun-Rasullohga!

Bu hikmatni eshitgan Amir mashvarat ahlidan yurt ravnaqining mezoni nima deb so'raganida, G'unjor ismli muarrix shu o'lkaning ilm-u urfoni deya javob beradi. Uning ilm-u ma'rifat haqidagi so'zlarini Barqo ismli ikkinchi bir vazir ham tasdiqlaydi. Asarda mazkur suhbat davomida muarrix G'unjor tilidan Amir Zuhaliyga Buxoroga Buxoriy kelganligi xabari shunday bayon etiladi:

Shahrimizda nash'u navo topmish ko'p olim.

Lekin bir zot keldilarkim, so'z indallosi,

Jahon aro ul hazratning yo'qdir qiyosi.

Buxoriydir! Tangri yozmish yurt iqboliga,

Butun shahar ko`chib chiqdi istiqboliga.

Bamisoli izlab keldi bemorin tabib,

Daryo oqib keldi go`yo o`zanin topib.

Amir huzuridagi ma`rifat dushmanlari, jaholat peshvolari, razolat me`morlari bo`lgan bir necha saroy a`yonlari tirnoq ostidan kir qidirish payida shu so`zlardan ham fisq-u fujur, g`araz-u adovat izlaydilar.

Kinoya bilan:

Tabib keldi?! Juda og`ir ekan-da bemor?

Daryo keldi?! Demak, endi toshqin xavfi bor?

Amir Buxoriyning ayni paytda qanday yumushlar bilan mashg`ul ekanini so`raganda, madrasada toliblariga saboq beradi va yana kitoblar bitadi deya javob berishadi:

Hazrat hadis borasida mumtoz, benazir,

“Al-jome’ as-sahih” larin etmishlar hozir.

Umrlarin fido aylab, kezib yurt, olam,

Eng ishonchli hadislarni aylamishlar jam.

Hasdgo`ylar Buxoriyni shakkoklikda ayblaydilar va Amirga ham shuni uqtirishga harakat qiladilar:

Balki ilmi bo`lsa bordur Imomning, G`unjor,

Biroq ilmi boshqa, dili boshqalar bisyor.

Nishopurda cheklanmayin ilm-urfon ila,

Xaloyiqning yuragiga solib g`ulg`ula,

Hatto ahli ulamoni mensimasdan to –

Ul zot oliy mansablarni etganmish da`vo!

Ushbu bahsda Buxoriy ixlosmandlarining qo`li baland kelganidan keyin, Amir Zuhaliy Buxoriyni saroyga kelib, amirning farzandlari va qarindoshlariga saboq berishini aytib odam yuboradi. Ikkiyuzlamachi, mansabparast Amir Buxoriy tarafdorlarining gaplariga xayrixohlik bildirib, muxoliflariga: “Buxoriy hozir el nazarida, uni el e`tirof qiladi, el suyadi. Hozir unga qarshi chiqsak, xalq qo`zg`alishi tabiiy. Sizlar borib, unga Amir – din rahnamosi, denglar. Imomning nufuzidan foydalanib, yurtda o`z nufuzimizni mustahkamlab olaylik” – deydi.

Hechqisi yo`q, saroyimga kelarkan ul zot,

Ilm-u urfon homiysi deb chiqaraman ot.

Bajarilgay men chiqargan farmon-u ahkom,

El jilovin qo`llarimda tutgayman mahkam.

Mabodo men saroyda u bilan murosa

Qilolmasam, topajakman o`zga xulosa.

Yo`q, hech qachon saroy ilm-u urfonga emas,

Ilm-u urfon saroyga bosh egmog`i shart. Bas,

Baskim, dunyo ko`zlariga surib turgan zot –

Kelib surgay poyimni o`z ko`ziga, hayhot !..

Asardagi yana bir ko`rinishda Buxoriy o`tirgan kulbaga Abu Iso kirib keladi. Imomning suyukli shogirdi bu gapim ustozimni dilini ranjitmasmikan deb, biroz istihola qila turib, fikrini shunday bayon etadi:

Sekin borib surishtirsam, men shul orada,

Ular nizo chiqarmishlar sizning borada.

Bilmam, ustoz, biri sizni atar pok,

Ul bu guruh qichqiradur: – Buxoriy – shakkok!

Madrasada Imom dars beradigan talabalarning uchtasi kelib, ikkitasining otasi Imomni shakkoklikda ayblaganini aytadi. Bittasi esa tahsilini davom ettirishini ma`lum qiladi. Buxoriy uchinchi talabani bag`riga bosib:

Baxtli edim yaray olsam, sening koringga,

Ming tashakkur, ul padari buzrukvoringga.

O`g`lim, mushkul yo`l boshida turibsan garchand,

Buxorodan, mayli, faqat birgina farzand
Chiqsa edi – mendan keyin ko`targuvchi tug` –
Qiyomatda yuzim Oллоh oldida yorug`!

Shu payt saroydan ikki vazir kelib, Amir Imom Buxoriyni saroyga chorlaganini, u yerda kitoblarini Amirga o`qib berib, uning farzandlari va qarindoshlariga saboq berishini, saroyda yashashini buyurganini aytadilar. Vazir Varqo:

(kibr bilan)

Ilm-u urfon yarashadir mardumi xosga,
Shart emasdir ilm o`rganmak avomun-nosga-

Buxoriy:

Ilm-u urfon borasinda chekmang, bundoq darz,
Har mo`min-u mo`minaga ilm o`rganmak – farz.

Adib Buxoriyning: “Ilm borib berilmaydi, kelib o`rganiladi. Men shohga ham gadoga ham bir xil ilm beraman” – degan javobini she`riy misralarda bunday keltiradi:

(shiddat bilan)

Men ilmni saroylarda yurmam xor qilib,
U kimgaki lozim bo`lsa, o`rgansin kelib.
O`z ilmimni hech kimsadan tutmayman pinhon,
Eshigimiz ochiq erur – gadomi, sulton.

Asarda Islom dinini mayoq qilib olgan, lekin dindan mutlaqo bexabar, jaholat botqog`iga botgan bir guruh qalandarlar obrazi Imom Buxoriyga, din va ma`rifat ahliga qarama-qarshi qo`yiladi. Aynan bu holat XX asr o`zbek adabiyotining yirik vakillaridan biri O.Yoqubovning buyuk ma`rifatparvar hukmdor, astronom olim Mirzo Ulug`bek hayoti va fojiasi aks ettirilgan “Ulug`bek xazinasini” romanidagi voqealarni eslatadi. Har ikki asarda ham xurofot dengiziga g`arq bo`lgan, ilm-u ma`rifatdan, aql-u zakovatdan yiroq bo`lgan johil qalandarlar, aql-u donish dahosi, ilm-u urfon rahnamosi bo`lgan zotlarga, ya`ni Mirzo Ulug`bek va Imom Buxoriyga, oxir-oqibat ularning fojiasiga o`z ta`sirini o`tkazadilar, ma`rifat daraxtiga bolta uradilar.

She`riy dramada mazkur qalandarlar tilidan keltirilgan she`riy parcha E.Vohidovning “Ruhlar isyoni” dostonidagi ayni shu mavzuda yaratilgan “Jaholat to`g`risida rivoyat” qismida muallif tilidan keltirilgan bir parcha bilan ham o`xshash ekanligiga guvoh bo`lamiz. Quyida mazkur ikki asardan olingan parchalarni aynan keltirib o`tamiz. “Ruhlar isyoni” dostonidan:

Cho`g` temirda ko`ksin dog`lab,

Dorga osmoq bo`ldilar.

So`ng bo`yniga xarsang bog`lab,

Suvga bosmoq bo`ldilar.

Imom Buxoriy” dramasidan:

Birinchi qalandar

(Buxoriyni ko`rsatib)

Buni dorga osmoq kerak ko`zini yoshlab!

Ikkinchi qalandar

So`ymoq kerak bu shakkokni tovondan boshlab!

Uchinchi qalandar

Bo`yniga tosh osib suvga g`arq qilmoq kerak!

To`rtinchi qalandar

Toshbo`ronlar qilib uni o`ldirmoq kerak!

Mazkur parchalarni taqqoslashimizdan maqsad, Erkin Vohidov dostonidagi tabib va she`riy dramadagi Imom Buxoriy qismati o`xshaydi.

Xalqimiz tarixida jinoyatchilarni elning ko`z o`ngida qizdirilgan temir bilan qiynash, dorga osib, suvga cho`ktirib, tovonidan boshlab terisini shilish tarzida qatl qilish odat bo`lganini yuqoridagi ikki adib ijodida kuzatamiz. Mazkur ikki asarda ikki adibning bir mavzu – jaholat haqidagi qarashlarini bir yo`sinda ammo ikki xil talqin qilganliklariga guvoh bo`lamiz.

“Ruhlar isyoni” dostonidan:

Jaholatning zahri tekkan,
 Nodon, johil, gumrohlar.
 Shifosiga ojiz ekan
 Men kashf etgan giyohlar.
 Ko`r ko`zlarga mehriyodek,
 Nur baxsh etgan nashtarim.
 Qalblar ko`zini ochmoqqa lek,
 Kamlik qildi hunarim.

“Imom Buxoriy” she’riy dramasiidan:

Jaholatning aso tutgan so`qir ko`zlari –
 Men haqman, deb da’vo qilsa, quyun singari
 Yopirilsa ma’rifatning chamanlariga,
 Qandoq chidash mumkin, axir, buning bariga?
 Falak, bu ne bedodlik, bu nechuk tahqir,
 Yo Rabbano?! Sening ko`zing ochiq-ku axir!

Bu ikkala dostonida yana bir mushtarak jihat ko`zga tashlanadi:

“Ruhlar isyoni” dostonidan:

Bandasiga bermoq doru,
 Yaratganga isyondir.
 Demak, hakim ishi makr-u
 Uning o`zi shaytondir.

“Imom Buxoriy” dramasiidan:

Birinchi qalandar

(Buxoriyni ko`rsatib)

Iblis bila, shayton bilan hamkorga o`lim!

Ikkinchi qalandar

Shum niyatin pinhon tutgan makkorga o`lim!

Uchinchi qalandar

Kufru g`araz yo`lin tutgan batkorga o`lim!

To`rtinchi qalandar

Dinimizni buzmoq bo`lgan g`addorga o`lim!

Tarixdan ma'lumki, Buxoro amiri Buxoriyga Buxoroni tark etishni buyuradi. Yillar davomida Vatan sog`inchi qiynagan, endi diydoriga yetdim deganda, yana vatangadolik, vatandan ayrilish, vatan sog`inchi bilan yashash dardiga mahkum Buxoriy tilidan bu judolik shunday ifodalanadi:

Vatan yolg`iz ilinj edi, so`nggi manzil, voy,
 Farzandiga bermadi u bir qabrlik joy!

Ayurmishlar meni bundoq chamandan ham,
 Ketar bo`ldim Vatandan ham, Vatandan ham!

She’riy dramaning oltinchi ko`rinishida Imom Buxoriy Samarqand yaqinidagi Xartang qishlog`iga keladi va bu yerda ham johillar uni shakkoklikda ayblaydilar. U yerdan ketmoqchi bo`lib, do`st-u birodarlari bilan xayrlashar chog`ida to`satdan yiqiladi:

Dunyoni keng, deb o`ylagan ekanman bekor,
 Bu dunyosi bir bandaga bo`lib qoldi tor.
 Kim yomonlik qilgan bo`lsa, yoddan o`chirdim,
 Yetkazingiz, zolimlarning zulmin kechirdim.
 Ham-m-masini kechirdim men! Ey Qodir Egam!
 Darig` tutma rahmatingni o`shalardan ham!

Drama Imom Buxoriy kalima keltirib, hayotdan ko`z yumishi sahnasi bilan yakunlanadi:

Alvido, ey foniy dunyo! Ey achchiq hayot!
 Assalom, ey abadiyat! Assalom mamot!
 Men tayyorman! Yuzim yorug`! O`zingda xayol!

Olar bo`lsang, bor Xudoyo, omonating ol!
Lo iloha illalloh! Muhammadun abduhu va
Rasuluhu!...

Asarda muallif Imom Buxoriy tilidan quyidagi ikki misrani keltiradiki, kitobxon shu ikki satr orqali o`z qalbida Buxoriy haykalini tiklay oladi:

Yuragimga bashar baxtin orzusi indi,
Va o`z baxtim juda-juda kichik ko`rindi.

Butun bashariyat baxtini o`z baxti deb bilgan, o`z baxtini xalq baxti yo`lida qurbon qilgan va jaholatga qarshi kurashishdan, jahonga ma`rifat ulashishdan baxt tuygan buyuk siymo Imom Ismoil al-Buxoriy hayoti, faoliyati va fojiali vafoti aks ettirilgan ushbu drama bizga IX asr Nishopur va Buxoro shaharlari, o`sha davr hukmron tabaqalari, oddiy xalq vakillari, talabalar, qaroqchilar, qalandarlar, olim-u ulamolar haqida ham bir qator ma`lumotlar berishi mumkinligiga guvoh bo`ldik. Zotan g`avvos ummonlardan olib chiqar dur,
Lekin unga o`zga kaslar egalik qilur.

She`riy dramada shoirning tush motiviga ham murojaatini kuzatamiz. Asosan, xalq og`zaki ijodi namunolari (doston, afsona, mif, latifa)da ko`p uchraydigan bu motiv yozma badiiy adabiyotda ham roman-u qissalarni, komediya-yu tragediyalarni bezaydi. Insonda shu singari sezgilarning borligiga ishora qiladigan va ishontiradigan tabiiy holatni badiiyatda aks ettirish tush motividan foydalanish deyiladi. Mazkur dostonda ham ana shu motivga personajlardan birining o`z fikrini dalillash maqsadida Amir va majlis ahliga roviylardan birining tushini misol qilib keltirish sababidan murojaat qilinadi:

Roviylardan biri shunday qilmishkim bayon:
Bir tush ko`rdim, Rasululloh bo`lmish namoyon.
Sal norozi qiyofada tikilib, alhol,
So`ngra menga aylamishlar shundoq bir savol:
Shofeiyydan tobakay dars berursiz, biroq
Nega mening kitobimdan bermaysiz saboq?
Bul dashnomdan dovdirdim, o`zni yo`qotdim,
Nurlar aro shamday erib zo`rg`a so`z qotdim:
“Yo Rasulim, sizning kitobingiz qaysidur?”
Dedilarkim: Muhammad al-Buxoriy zotning
“Al-jomi` as-sahih” nomlig` asari erur.

Dostonda tush bayoni shunday aniq, ravon, qisqa va tugal aks ettiriladiki, izohga, tahlilga hojat topmadik. Ammo bu tush motivi bilan so`zlaguvchi personaj Amir va a`yonlarga, shoir – muallif esa kitobxonga, o`quvchiga muhaddislar imomi Imom Buxoriyni va “Al jome` as-sahih” asarini, uning musulmon olamidagi o`rni va ahamiyatining qay darajada benazir ekanligini isbotlab berish g`oyasini ilgari suradi.

Asarda tabiat manzaralariga, hayvonot va nabotot olamiga murojaatni ko`p kuzatamiz. Tabiat hodisalaridan badiiy san`atlar yaratishiga, majoz va ramzlarni mohirona qo`llashiga va bu orqali kitobxonga mavzu va g`oyani badiiy talqinda, estetik ruh bilan yetkazish qobiliyatiga guvoh bo`lamiz.

Avvalroq daryo-yu durlarga yuzlangan bo`lsa, keyingi sahifalardan birida tog` va quyosh, burgut va bo`rilar ramziylashtiriladi:

Tog` qanchalar yuksak bo`lsa, bo`lsa purviqor,
Uning boshi uzra yog`ur shunchalar ko`p qor.
Yumronlarni cho`chitgaydir burgut parvozi,
Shabpalaklar quyoshdan bir umr norozi.
Gulxanga hech yaqin kelolmas bo`rilar,
Lekin zulmat og`ushida yaqin irillar.

Ushbu liro-epik dramada muallifning bir qator maqol va iboralardan foydalanganligi e`tiborimizni tortdi. “Yel bo`lmasa, qimirlamas daraxtning uchi”, “O`z chodirin chopgay, botir

chiqsa lo'lidan", "Egasidan rag'bat olgan it battar hurar", "Ushoq tosh, ko'z chiqargay", "Qovurgaylar qirg'ovulni o'z yog'i bilan, Chog'ga tushgay har kimsa o'z oyog'i bilan", "Yuz bor eshitgandan bir ko'rgan afzal" singari maqollarning qo'llanganligi asar pafosini kiuchaytirishga xizmat qilgan.

Xulosa. Istiqloq sharofati bilan diniy qadriyatlarimizga e'tibor oshdi, tariximizda yashab o'tgan ulug' muhaddislar bosib o'tgan ibratli hayot yo'liga qiziqish ortdi, Bu esa adabiyotda ham shu haqda asarlar yozishga keng yo'l ochdi. Binobarin, Usmon Qo'chqorning "Imom Buxoriy" she'riy dramasi S.Siyoyevning "Ahmad Yassaviy" romani, E.Shukurning "Naqshband" dostonidan keyin shu mavzuda yaratilgan uchinchi asardir. Unda IX asrda yashab, faoliyat ko'rsatgan real shaxs, "Muhaddislar sultoni" deya e'zoz topgan vatandoshimiz Imom Ismoil al-Buxoriy hamda arab xalifaligi tasarrufida bo'lgan Buxoro, Samarqand, Nishopur shaharlari, o'sha davr ijtimoiy- siyosiy, iqtisodiy hayoti haqidagi aniq va tarixiy faktlarni adabiy-badiiy talqinda kitobxonga yetkazib berilgan.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Раҳимжонов Н. Лирическая поэма (на основе материалов узбекской поэзии 1961-1973 гг.): Автореф дисс... канд. филол наук. –Ташкент, 1975. – 24 с.
2. Раҳимжонов Н. Ўзбек совет адабиётида поэма. –Тошкент, Фан, 1986. –174 б.
3. Раҳимжонов Н. Ўзбек совет поэмасининг тараққиёт жараёни. Китобда: Адабий турлар ва жанрлар. – Тошкент: Фан, 1992. –Б.171-292.
4. Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърляти. – Тошкент: Фан, 2007. – 260 б.
5. Ҳасанов Ш. Замонавий дoston поэтикаси. –Самарканд, 2001. –142 б.
6. Ҳасанов Ш. Давр ва дoston // Шарқ юлдузи.– Тошкент, 2002.- № 4. –Б.148-150.
7. Ҳасанов Ш. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек дostonлари поэтикаси: Филол.фанлари д-ри дисс... –Тошкент, 2004. –284 б.
8. Қувватова Д. XX аср иккинчи ярми ўзбек поэмаси. –Тошкент, Турон замин зиё, 2014. – 176 б.
9. Қувватова Д. XX аср иккинчи ярми ўзбек поэмачилигида жанр ва услуб ранг-баранглиги. –Тошкент, Фан, 2014. –144 б.
10. Қувватова Д. XX аср иккинчи ярми ўзбек дostonчилигининг тараққиёт хусусиятлари: ДД. – Тошкент, 2016. – 268 б.
11. Ўроқова Н. Сўнгги давр ўзбек дostonчилигида ижодкор услуби ва индивидуаллиги (И.Отамурод ва У.Қўчқор дostonлари асосида). Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. Qarshi, 2019. –148 б.
12. Usmon Qo'chqor. Imom Buxoriy// Sharq yulduzi, 2015, №1. –В. 68-85.
13. Каримов Ҳ. Истиклол даври адабиёти. Дарслик. – Тошкент: Yangi nashr", 2010. –364 б.
14. Izzat Sulton. Adabiyot nazariyasi. – Toshkent: O'qituvchi, 1980. –408 b
15. Normatov U. Doston va zamon// Sharq yulduzi, 1987. №10. – 173-180 b.
16. Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. –Toshkent: A.Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2004. –224 b.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Tajibayeva Latofat Farhodovna
o'qituvchi, Berdaq nomidagi
Qoraqalpoq davlat universiteti

FURQAT IJODIDA MAVZU VA G'OYA YAXLITLIGI



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-1-17>

ANNOTATSIYA

Ushbu maqolada mumtoz adabiyotning mazmuniy yangilanishida Furqat ijodining ahamiyati xususida so'z yuritiladi. Marifatparvarlik adabiyotini rivojlantirishda alohida o'rin tutgan Furqat ijodi XIX asr ikkinchi yarmi va XX asr boshlarida madaniyat tarixida mustahkam o'rin egallaydi. Umuminsoniy g'oyalarni tarannum etgan shoir lirikasida tanqidiy tafakkur ustuvor. Ijtimoiy ongning xolis va haqqoniy ifodalash, realistik tamoyillar barqarorlashuvi aynan Furqat she'riyatidan ibtidolanadi. Shuningdek, Furqat badiiy mahorati ila mumtoz adabiyot an'analari yangi davr umumkayfiyatiga omuxtalashtirilganligi, Vatan va millat hayotidagi yangiliklarni, dardni, orzu-armonlarni she'rga ko'chirganligi tahlillar asnosida ochib berilgan.

Kalit so'zlar: Furqat, "Gimnaziya", "Ilm hosiyati", "Nag'ma bazmi xususida", "Vistavka xususida", "Suvorov", an'ana, mumtoz adabiyot, marifatparvarlik, ijtimoiylik, yangi davr.

Таджибаева Латофат Фарходовна

Бердахский Каракалпакский государственный университет,
Преподаватель кафедры узбекского языка и литературы

ЕДИНСТВО ТЕМЫ И ИДЕИ В РАБОТЕ ФУРКАТА

АННОТАЦИЯ

В данной статье обсуждается важность работы Фурката в семантическом обновлении классической литературы. Работа Фурката, сыгравшая особую роль в развитии просветительской литературы, занимает прочное место в истории культуры во второй половине XIX века и начале XX века. Критическое мышление преобладало в лирике поэта, которая прославляла универсальные идеи. Выражение общественного сознания объективным и правдивым образом, стабилизация реалистических принципов начинается с поэзии Фурката. В ходе анализа было также выявлено, что художественное мастерство Фурката адаптировало традиции классической литературы к общему настроению новой эпохи и воплотило в поэзии новинки, боли, мечты и чаяния Родины и нации.

Ключевые слова: Фуркат, «Гимназия, Наука», «Нагма», «Выставка», Суворов, традиция, классическая литература, просвещение, социальность, новая эра.

Tajibayeva Fotimaxon Voxidjon qizi
O'zDJTU Tayanch Doktorantura 13.00.02.
Ta'lim-tarbiya nazariyasi va metodikasi yo'nalishi
I-bosqich talabasi

FILOLOG-TALABALARNING IJTIMOYIY-MADANIY KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISHDA XALQ OG'ZAKI IJODI NA'MUNALARIDAN FOYDALANISH

Annotatsiya: Mazkur maqolada filolog-talabalarning ijtimoiy-mada'niy kompetensiyasini rivojlantirishda xalq og'zaki ijodi na'munalaridan foydalanish, xalq og'zaki ijodi terminlarining qiyosiy tipologiyasi, xalq og'zaki ijodi terminlarini tipologik jihatdan ma'lum turlari haqida batafsil bayon etilgan.

Kalit so'zlar: ijtimoiy-madaniy kompetensiya, xalq og'zaki ijodi, qiyosiy tipologiya, adabiyotshunoslik.

Kirish:

Xalq og'zaki ijodi terminlarining qiyosiy tipologiyasi. "O'zbek tili tarixini qiyosiy-tarixiy metod asosida o'rganish natijasida qo'shni qardosh turkiy tillarning leksik-grammatik va fonetik jihatdan umumiyliklari aniqlanadi. Tarixiy lingvistik ma'lumotlar, ya'ni tillardagi ba'zi umumiyliklar o'zbeklarning bir qismi bilan uyg'ur, qozoq, qirg'iz, qoraqalpoq va turkmanlar orasida genetik yaqinliklar bo'lganidan dalolat beradi.

Shu xalqlar tillaridagi umumiy hodisalarning paydo bo'lishiga olib kelgan eng muhim sabablardan biri xalqlar tarkibidagi ayrim qabila va urug'lar orasida qardoshlik munosabatlarining mavjudligidir. Tillarni chog'ishtirib o'rganish tilning leksik va grammatik xususiyatlarini yoritish uchun, uning taraqqiyot manbalarini aniqlash uchun keng imkon yaratadi".

Adabiyotlar tahlili va metodologiya:

Tilshunoslikda bir tillar oilasiga xos bo'lgan tillarni qiyoslash, chog'ishtirish masalasi doimo dolzarb bo'lib kelgan. Bu borada o'zbek va qirg'iz tilshunosligi va adabiyotshunosligida muayyan ishlar qilingan bo'lsa-da, ammo tadqiq etilishi lozim bo'lgan jihatlari talaygina. Shuning uchun, qardosh xalqlar tilshunosligi va adabiyotshunosligida qiyosiy-tipologik kuzatishlar olib borish taqozo qilinmoqda.

Asrlar mobaynida adabiyotning o'ziga xos mustaqil ko'rinishi tarzida shakllanib kelgan og'zaki ijod turkiy xalqlar ma'naviy hayotining ajralmas qismi sifatida muhim o'rin tutadi. Chunki xalqlar ijtimoiy hayotidagi o'zgarishlar, voqelikni idrok etish tamoyillarining har bir davrga moslashib o'zgarib turishi badiiy adabiyot takomillanishi barobarida og'zaki ijodning ham taraqqiy etishiga, uning janrlari puxtalanishiga, badiiy-estetik qirralarining namoyon bo'lishiga zamin yaratdi.

Xalq badiiy ijodi mahsuli bo'lgan badiiy adabiyot og'zaki va yozma ko'rinishda xalq ma'naviy-estetik ehtiyojini qoplashga xizmat qildi. Dastlab og'zaki ko'rinishda keyinchalik yozma adabiyot ko'rinishida badiiy ijodning rivojlanishi, turkiy xalqlar hayot tarzi, ijtimoiy muhit va ijodiy jarayonlarning xilma xil kechishi folklor asarlarining ham o'ziga xos xususiyatlar kasb etishiga olib keldi.

Folklor asarlari sanaluvchi afsona va rivoyatlar, lof, latifa, maqol, topishmoq, ertak, doston, qo'shiq, askiyalar xalq og'zaki badiiy ijodining asosiy janrlari sifatida badiiy ijoddan mustahkam o'rin egalladi. Barcha sohalarda bo'lgani kabi insonning badiiy tafakkuri, ijodiy qobiliyati bilan bog'liq bo'lgan adabiyotshunoslikning ham o'zi tadqiq qiladigan obyektlari, o'rganadigan asosiy nazariy masalalari mavjud.

Adabiyotshunoslik alohida fan sifatida inson ijodiy mahsuli bo'lgan adabiyotni o'rganadi. Adabiyot doirasida xalqimizning asrlar davomida shakllangan og'zaki poetik ijodini o'rganish sohasi folklorshunoslik deb yuritiladi. Folklorshunoslik adabiyotshunoslik tarkibidagi mustaqil fan hisoblanadi. Uning ham tadqiq obyekti badiiy adabiyot. Shu bois keng ma'noda u adabiyotshunoslik fani bilan umumiy tomonlarga ega. Faqat adabiyotshunoslikda yozma adabiyot vakillari qalamiga mansub g'azal, ruboiy, doston, noma kabi; she'r, hikoya, roman, drama kabilarning janr xususiyatlari o'rganiladi. Folklorshunoslikda esa xalq og'zaki adabiyotidagi maqol, qo'shiq, ertak, doston kabi janrlarning o'ziga xoslik tomonlari tadqiq qilinadi.

Folklor janrlari xalq tarixiy taraqqiyotiga bog'liq tarzda shakllanadi va davrga bog'liq holda yangi janrlar paydo bo'ladi, ayrimlari eskirib tarixiy qatlamdan joy oladi. Masalan, miflar va afsonalar o'z tabiatiga ko'ra urug' - qabilachilik davriga borib taqalsa, mavsum-marosim qo'shiqlari ijtimoiy yashash tarzi, kasb-kori bilan aloqadordir.

Asrlar o'tishi bilan esa lirik va tarixiy qo'shiqlar, latifa va loflar yuzaga kelgan. Folklorshunoslikda xalq og'zaki adabiyoti namunalari hisoblanuvchi turli maqol, qo'shiq, ertak, doston, afsona, naql, rivoyat, ayrim termalar, latifa, loflar o'rganiladi. Turkiyshunoslikda bu borada ancha ishlar amalga oshirilgan.

Xalq og'zaki ijodi terminlarini tipologik tomondan ma'lum turlarga ajratish mumkin. Biz quyida o'zbek va qirg'iz adabiyotshunoslik terminlari misolida ularni ko'rib o'tamiz. Keyingi yillarda qirg'iz folklorshunosligida epik asarlarni madaniy-falsafiy tomondan keng miqyosda tadqiq etishga bo'lgan qiziqish sezilarli darajada kuchaydi. Xalq eposlari qirg'iz ma'naviy hayotida asosiy o'rin tutadi.

Natijalar:

Qahramonlik eposlari qirg'iz folklorining eng qadimgi janrlaridan biri bo'lib, o'zida qirg'iz baxshichilik an'analarini mujassamlashtirgan noyob va qimmatli hodisa sanaladi. Manaschilik san'ati tafakkuri va madaniyatining yorqin namunasidir. Mahorat bilan ijro etilgan manaschilik qirg'iz xalqining ruhi, o'tmishini chuqur his qilishga imkon yaratadi. Manaschi o'tmish va kelajakni bog'lovchi zanjir halqasi bo'lib, hozirgi davrda epik madaniyatning o'z badiiy-estetik qimmatini yo'qotmasligini ta'minlaydi.

Qirg'iz eposi – xalq og'zaki poetik ijodining o'ziga xos noyob namunasidir. Eposda xalq og'zaki ijodining boshqa janrlariga qaraganda xalqning boy ma'naviy dunyoqarashi, atrofni o'rab turgan voqelikning badiiy tasviri yorqinroq aks etadi. Eposda jamiyat hayoti va tafakkurining global kategoriyalari: tarix, din, moddiy va badiiy madaniyat, qirg'iz mentaliteti asrlar mobaynida muhrlanib qolgan.

Epos xalqning badiiy yilnomasi sifatida mohir baxshilar ijodida paydo bo'ladi. Eposni ijro etish san'atida baxshi qirg'iz folklorida eng murakkab va mas'uliyatli sanalgan ishni – janr qoidalariga asoslangan holda o'z qoidalarini yaratadi. Eposning ahamiyati nihoyatda katta. Bu xalq hayoti va san'atining o'ziga xos "qomusi", xalq ma'naviy o'zligining asosiy vositasi, millatni anglash manbaidir.

Epos so'zi qirg'iz adabiyotshunosligida 1920-1930-yillarda xalq og'zaki ijodini tadqiq etishga qiziqish tufayli yuzaga keldi. U asta-sekinlik bilan jomokni siqib chiqardi. Bu termin keng ma'noda Qirg'izistondagi barcha epik ijodiyotni - ertakdan tortib dunyodagi eng katta epopeya deb tan olingan Manasgacha qamrab oladi. Tilshunoslikda bir tillar oilasiga mansub bo'lgan tillarni qiyoslash, chog'ishtirish muammosi har doim jiddiy bo'lib kelgan. Bu borada o'zbek va qirg'iz tilshunosligi va adabiyotshunosligida muayyan ishlar qilingan bo'lsa-da, ammo tadqiq qilinishi kerak bo'lgan tomonlari talaygina. Shu bois, qardosh xalqlar tilshunosligi va adabiyotshunosligida qiyosiy-tipologik kuzatishlar olib borish taqozo qiomoqda.

Respublikamizda ta'lim tizimining rivojlantirilishi uchun alohida e'tibor berilmoqda, eng ilg'or xorijiy tajribalar asosida har jihatdan zamonaviy tizim yaratilmoqda, maktabgacha ta'lim tizimi mazmuni va uni amalga oshirishning zamonaviy pedagogik va axborot-kommunikatsion texnologiyalaridan foydalanishning maqbul mexanizmini yaratish ustida tadqiqotlar olib borilmoqda.

O'sib kelayotgan yosh avlodni barkamol inson qilib tarbiyalash borasidagi zamon talablari darajasiga olib chiqishga erishish, yosh avlodga ta'lim-tarbiya berishda milliy va umuminsoniy qadriyatlarga tayanish orqali ta'lim-tarbiyaning mazmuni, mohiyatini rivojlantirish va shakllantirish, maktabgacha ta'lim pedagogikasi fanining qoida va qonunlarini xalqimizning boy tajribalari asosida boyitib borish va uning yangi qirralarini izlash bugungi kunning jiddiy muammolaridir. Bugungi kunda o'quv ta'limiy fanlar bo'yicha, xususan, ingliz tilini o'rgatuvchi texnologiyalarning yetishmovchiligi, ingliz tili o'qituvchilarining kasbiy kompetensiyasi yetarli darajada shakllanmaganligini ko'rishimiz mumkin.

Muhokama:

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to'g'risida"gi farmonida "jamiyatda millatlararo totuvlik va dinlararo bag'rikenglik muhitini mustahkamlash, milliy madaniy markazlarni davlat tomonidan qo'llab-quvvatlash tizimini yanada shakllantirish, millatlararo munosabatlar sohasida O'zbekiston Respublikasi davlat siyosati konsepsiyasining izchil amalga oshirilishini ta'minlash, turli millat yoshlari uchun qo'shimcha qulay shart-sharoitlar yaratish, ularda fuqarolik burchini anglash, vatanparvarlik, bag'rikenglikka

asoslangan millatlararo muomala madaniyatini yuksaltirish, xorijiy mamlakatlar bilan do‘stlik aloqalarini shakllantirish niyatida do‘stlik jamiyatlari faoliyatini rivojlantirish” kabi ustuvor vazifalar belgilangan. Shunday ekan, davlatimiz ta’lim tizimi maqsadi, mohiyati va mazmuniga yuqorida keltirilgan masalalarni singdirish kerak. Ilmiy manba va adabiyotlar tahlili shuni ko‘rsatdiki, etnomadaniyat va etnokompetensiya tushunchasi mohiyati yetarlicha o‘rganilmagan. Lekin ta’lim amaliyotida “kompetentlilik” tushunchalaridan tez-tez foydalanilmoqda. Bu ta’lim mazmunini isloh qilish zarurati bilan uzviy bog‘liq.

Inglizcha “competence” tushunchasi lug‘aviy jihatdan bevosita “qobiliyat” ma’nosini ifodalaydi. Mazmunan esa “faoliyatda nazariy bilimlardan samarali foydalanish, yuqori darajadagi kasbiy malaka, mahorat va iqtidorni namoyon eta olish”dan iborat. Talabalarda etnomadaniy kompetensiyani rivojlanishida professor-o‘qituvchilarning shaxsiy namunasi, mamlakat siyosati va kasbiga bo‘lgan fidoyiligi ham asosiy ahamiyatga ega. Shu sababdan ular kasbiy mahorati va kompetensiyasini yuqoriligi bilan talabalarga o‘rnak bo‘lishga intilishi zarur.

Sanab o‘tilgan fikrlar asosida etnomadaniy kompetensiyaning shakllanishi bevosita talaba shaxsining individual xususiyatlari, qiziqishlari, shaxsiy istak va xohishlari zamirida paydo bo‘ladi deb aytish mumkin. Talabalarda etnik qiziqish va maylini inobatga olish zarur, uning zamirida kasbiy kompetensiya ham rivojlanadi. Ular orasida o‘zaro bog‘liklikni ta’minlanishi pedagogik oliy ta’limda bo‘lajak pedagoglar faoliyatini muvaffaqiyatli bo‘lishini ta’minlaydi. Hamda talabalarda muvaffaqiyatga erishish mas’uliyati ham tarbiyalanadi.

Etnik bilimlar millatlarning o‘zaro bir-birini hurmat qilishi va harakatini amalga oshirishda muvaffaqiyatga erishishning muhim vositasi sanaladi. Shuningdek, talabalarining o‘z milliy madaniyati va qadriyatlarini o‘zga millat madaniyati bilan taqqoslash, umummadaniy jarayonlarda etnomadaniyatning ahamiyatini anglash, etnomadaniy ongni takomillashtirish, etnotsentrizm va shovinizm g‘oyalariga qarshi immunitet, etno bag‘rikenglik o‘z-o‘zini hurmat qilish va vatanparvarlik hissini rivojlantirishdan iborat.

Xulosa:

Xulosa o‘rnida shuni aytish joizki, davlatimizda amalga oshirilgan ilmiy tadqiqotlarda oliy ta’lim jarayonini sifatli tashkil qilish, samaradorlikni ta’minlash, ta’lim turlari o‘rtasidagi integratsiyani ta’minlash, kasbiy kompetensiyani rivojlantirish bilan bog‘liq ko‘plab masalalar o‘rganilgan. Xususan, talabalarni pedagogik faoliyatga tayyorlashning ilmiy-pedagogik asoslari, tashkiliy-uslubiy jihatlari mahalliy olimlar tarafidan o‘rganilgan. O‘zbek adabiyotshunosligida xalq og‘zaki ijodining maqol, qo‘shiq, ertak, doston, afsona, naql, rivoyat, ayrim termalar, latifa, loflar kabi turlari mavjudligi qayd etiladi.

Adabiyotlar ro'yxati:


1. Qodirov B.G‘., Begimqulov U.Sh., Abduqodirov A.A. “Axborot texnologiyalari”. Elektron darslik. 2002
2. Begimkulov U.Sh. Pedagogik ta’limda zamonaviy axborot texnologiyalarini joriy etishning ilmiy-nazariy asoslari. Monografiya. -T.: Fan, 2007.
3. Turdiyev N.Sh., Asadov Yu.M. Akbarova S.N., Temirov D.Sh. Umumiy o‘rta ta’lim tizimida o‘quvchilarning kompetensiyalarini shakllantirishga yo‘naltirilgan ta’lim texnologiyalari. T.N.Qori Niyoziy nomidagi O‘zbekiston pedagogika fanlari ilmiy-tadqiqot instituti, T.: 2015.
4. Sodiqova SH.A. “Maktabgacha ta’lim yo‘nalishi talabalarini ijtimoiy pedagogik faoliyatga tayyorlash.” ped.fan.nom. diss. - Toshkent, 2010.
5. Ma‘murov B.B. Bo‘lajak o‘qituvchilarda akmeologik yondashuv asosida ta’lim jarayonini loyihalash ko‘nikmalarini rivojlantirish tizimi: ped. fan. dok. ... avtoref. –Toshkent, 2018.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Давлатова Мухайё

Бухоро давлат тиббиёт институти, ўқитувчиси.
Бухоро давлат тиббиёт институти профессори,
Шодмонов Қ.Б.

FE'LLARNING ASPEKTIK VA LEKSIK-SEMANTI K TASNIFI

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-1-18>

АННОТАЦИЯ

Феъл семантикасини аниқлашга оид кенг қамровли тадқиқотлар амалга оширилган бўлса-да, унинг моҳиятини ўрганиш ҳамда маълум қолипга бирлаштириш ва таснифий ишларни амалга ошириш масалалари долзарблигича қолмоқда. Феъл семантикасини таснифини шакллантиришда ҳаракат тарзи категорияси барча тилларга хос умумназарий ҳодиса эканлиги билан аҳамиятлидир. Ҳаракат тарзи моҳиятини талқин қилиш масаласига тадқиқ этилаётган тил табиатидан келиб чиққан ҳолда турлича ёндашилса ҳам, лекин умумий мақсад битта бўлиб, у ҳам бўлса, феъл семантикаси таснифини шакллантириш ҳар бир тилда ўзига хослигини очиб беришдан иборатдир. Ҳаракат тарзи, грамматик аспект категорияси ва фаза тушинчалари аспектualiк категориясига бирлашади. Тилшунос олимлар яратган назарияларга биноан, ҳар бир категория феълнинг лексик ва грамматик хусусиятларини ўзида акс эттиради ва ўз навбатида ҳар бир тилнинг табиатига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам, мазкур мақолада инглиз тилида резултативлик ҳаракат тарзи категориясининг асосий гуруҳларидан бири сифатида таҳлил этилган. Резултативликни ташкил этувчи омиллар ўрганилган ва ички таснифий белгилари амалга оширилган.

Калит сўзлар: семантика, ҳаракат тарзи, резултативлик, аспект, перфект, акционалик, тасниф, лексик, категория, феъл, предикат, аспектuali семантика.

Давлатова Мухайё

Бухарского государственного
медицинского института ассистент
Бухарского государственного медицинского
института, проф. Шадманов К.Б.

АСПЕКТУАЛЬНАЯ И ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКАЯ КЛАССИФИКАЦИЯ ГЛАГОЛОВ

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются эмоционально-каузативные единицы английского и узбекского языков. В ходе анализа. Это оправдывает то, что семантика происходит на основе каузативного значения глагола. Несмотря на то, что были проведены обширные исследования для определения семантики глагола, остается актуальным изучить его сущность и интегрировать его в конкретный шаблон и реализовать классификацию. В классификации семантики глаголов важна категория действия, потому что это универсальное явление, общее для всех языков. Хотя интерпретация характера движения отличается от

природы изучаемого языка, но общая цель состоит в том, чтобы сформировать классификацию семантики глаголов в каждом языке. Стилль движения, грамматическая категория аспектов и концепции фаз интегрированы в категорию аспектов. Согласно теориям, сделанным лингвистами, каждая категория отражает лексические и грамматические особенности глагола и, в свою очередь, зависит от природы каждого языка. В частности, речь идет об изучении языковых факторов, связанных с семантикой поведенческих глаголов, таких как значения, продолжительность, процедурность, итеративность, перфекционизм, рефлексивность и так далее.

Ключевые слова: Семантика, способ действие, аспект, перфект, классификация, лексический, категория, глагол, предикат, аспектуальная семантика.

Davlatova Mukhayyo

Assistant, Bukhara State Medical Institute
Professor of Bukhara State Medical Institute
K.B. Shodmonov

ABSTRACT

The article deals with the problem of and emotional and causal units of the English and Uzbek languages. It justifies that the semantic meaning is based on the causative feature of the verb plays. Despite the fact that extensive research has been carried out to determine the semantics of a verb, it remains relevant to study its essence and integrate it into a specific template and implement the classification. In the classification of verb semantics, the category of action is important because it is a universal phenomenon that is common to all languages. Although the interpretation of the nature of the movement is different from the nature of the language under study, but the common purpose is to form a classification of the verb semantics in each language. The movement style, the grammatical aspect category, and the concepts of the phase are combined into the category of aspect. According to the theories made by linguists, each category reflects the lexical and grammatical features of the verb, and in turn depends on the nature of each language. In particular, it deals with the study of linguistic factors that are related to the semantics of behavioral verbs, such as meanings, duration, procedurality, iterativeness, perfectionism, reflexivity, and so on. It is also controversial that the linguistic units that form the recursive meanings are expressed in different constructions according to their own design. Therefore, this article analyzes resulting deduction in English language as one of the key categories in the behavioral category. The factors contributing to relapse were studied and internal classification criteria were implemented.

Key words: Semantics, type of action, resulting deduction, perfect, classification, lexical, category, verb, predicate, aspectual semantics.

Introduction. Vocabulary research involves combining lexical-semantic and grammatical aspects of verbs, in particular, by examining the syntactic properties of the verbs. In linguistics, it is recognized in many ways that the functional aspect of language influences its structure and development as language lives and evolves in speech. So the development of the language is also related to its functional aspect. [Nasilov D.M. Problems of Turkic aspectology: Actuality. L., 1989. 208 p., 6]. Verbs that play a significant role in language function are polysemy, variety in form, richness, formation of compounds and their ability to differentiate and change meaning, cognitively, to capture the subject's inner and outer senses and processes in the mind.

Main part. Different approaches to verbs, verb categories, verb constructions, and verb combinations by many researchers as objects of research show that the transformative and derivative features of the object can be explored in different areas of linguistics as well. Proof of this is research in anthropological, psychological, cognitive and other linguistic fields. In general, the possibility of classifying verbs in terms of lexical, lexical-semantic, lexical-grammatical, functional semantics can be considered as one of the reasons for the study of this category in these areas. In

most cases, verb-based verbs form »grammatical objects« of verbs (modally, taxis, causative, passive, beneficial, grammatical, temporal, and grammatical categories).»[Konenko Yu., Petrukhina E.V. Aspectual semantics in verbal systems of the Russian and Japanese languages (comparative analysis of fragments of the linguistic picture of the world) // Problems of Linguistics. 2004 No. 4.P. 19-34.]. Verb semantics interacts with all the tools available in the language. All words and syntactic means surrounding the verb reveal the true meaning of the verb lexeme. As Le Frank points out, the word does not come in isolation in the living, natural language [41, 8]. Of course, the lexical-semantic meanings of each lexical unit vary in the syntactic meaning of the categorical meanings. The syntactic differential markings of words and phrases will increase. Changes in the semantic-syntactic meanings of these differential characters in a language are attributed to the use of verbs. As we know, verb semantics is more rich in syntactic connections in speech and speech than in other lexical grammar classes, but also leads to the manipulation of the semantics of the sentence and the change of meaning. The lexical-semantic domain of the verbs differs from other words in the form of syntactic forms, with the variety of sentence semantics. Analysis of the lexical-semantic of verbs plays an important role in uncovering polysemantic problems and in determining the relationships between the structural components in the semantic-syntactic field. Verbs are most important in the content of expression in any language. The lexical-semantic meanings of the verbs are richer and more flexible than those of the other categories. When we say flexible, the semantics of the verb may change in the same situation, depending on the lexical meaning of the same component. Verbs are most important in the content of expression in any language. The lexical-semantic meanings of the verbs are richer and more flexible than those of the other categories. When we say flexible, the semantics of the verb may change in the same situation, depending on the lexical meaning of the same component. In most cases, verb lexemes can be combined with other categories to form complex or complex meanings. These meanings can be expressed in different languages and in different combinations. We can explain that the emerging meanings of components in the function of syntactic units are subject to situations where the behavior, condition and other symbols are related, in particular to the subject. English verb lexemes are distinguished by their peculiarities. The meaning of the English verbs varies in different cases and in different combinations. Similar patterns can be seen in other languages. In particular, we see that verbs in the Uzbek language are the main organizers of the sentence.

Defining and grouping the lexical-semantic domain of a unit in the lexical structure reveals the smallest features, from the general semantics of synonymic and antonymic properties to them. Specifically, the lexical-semantic field of verbs belonging to different lexical-semantic groups can be identified and compared to their differences in meaning elements (movement, dependency, orientation, orientation difference, movement, subjective perception, movement attitude, movement assessment, action, the properties of the subjects, the object attitude, etc.). The static and dynamic verbs are distinguished by a variety of verbs, with the main difference being that the static state does not require any special action from the subject for continuity. Dynamic verbs do not represent a fixed situation. They represent different changes, such as moving from one state to another. One of the most common contradictions in the internal structure of verbs belonging to a dynamic class is their classification of processes (events) and phenomena. The distinction between them is related to the concepts of time, and when the phenomenon is used to signify the transition from one state to another over a short period of time, the process is used to evolve and change slowly. When a group of verbs involves running, playing, working, and jumping, exploding, falling. Thus, given the fact that the process changes over time, it also implies that they are at an end. For example, writing a novel is interpreted in terms of the process, ending writing is seen as a phenomenon. In the first case an unrestricted feature (atelic, unbounded) occurs, and the second is called boundary (telic or bounded). Restrictions are usually applied to completion of an action as a result of reaching an end point.

Verbs can interact with any language unit within the context of speech and speech, and can also influence their semantics. Verb is a key component of sentence structure. Therefore, verbs are subject to different classifications at different levels.

Basic doctoral student of the Department of Uzbek
Literature of Bukhara State University

IMAGE OF A TREE AND SYMBOLISM IN POETRY ZULFIYA

ANNOTATION

The artistic interpretation of the seasons in Eastern classical poetry has its deep roots. Examples of the literature of the X-XII centuries, the poets of the later period, in particular, Alisher Navoi, Babur, Ogahi, Furkat, attribute the seasons to human life, the artistic detail, which reflects the spiritual landscapes of the lyrical protagonist, is of particular importance as a means of drawing philosophical conclusions in the poetic work. This literary tradition has been successfully continued in modern Uzbek poetry. This article analyzes the poems in the works of Zulfiya, a great representative of Uzbek literature. The article focuses on the symbolic meaning of the image of the seasons and the image of the tree, and the symbolic content embodied in this image in the poet's work and its originality.

Keywords: Zulfiya, seasons, image, symbol, human figure.

Кириш. Адабиётимизда фасллар ҳақида ёзилган шеърлар бисёр, уларда қўлланган рамзлар турфа, тимсоллар ҳам ранг-баранг. Бу ҳақдаги шеърларни таҳлил қилар эканмиз, дарахт образига кўп мурожаат қилинганлигини кузатишимиз мумкин. Бу образ ўзида турфа ҳаётлий маъноларни ташийд. Энг аввало, дарахт ҳаётлийлик ва ҳаётнинг давом этишини ифодалаб келади. Шунингдек, бу тимсол инсон сиймосини акс эттирадики, унинг моҳиятини очиш фасллар тасвири берилган шеърлар мазмунини тушинишда айрича аҳамиятга эга.

Асосий қисм. Дарахт образи Зулфия ижодида айниқса кўп қўлланган. Шоиранинг Ҳамид Олимжонга бағишланган машҳур “Баҳор келди сени сўроқлаб” шеъри кўпчилик назм ихлосмандларининг қалбидан жой олган. Биз агар лозим бўлса, бу шеърни пейзаж воситасидаги садоқат ва ҳижрон куйланган энг яхши шеър деб атаган бўлардик.

Салкин сахарларда, бодом гулида,

Бинафша лабида, ерларда баҳор.

Қушларнинг парвози, елларнинг ноzi,

Бахмал водийларда, қирларда баҳор... [5,28]

Илк мисраларнинг ўзи кишида беихтиёр баҳор кайфиятини уйғотади. Аммо Зулфияхоним наздида баҳор бу гал фақатгина табиатдаги вазифасини бажариш учун келмаган. У ўз куйчисини излаб келган, уни севган, бутун қалби билан кўклам яратган мўжизаларни кутган инсон билан дийдорлашиш учун ҳам келган. Аммо излагани бу гал йўқ... Шу боис уни излаб сарсари кезади, “қишнинг ёқасидан тутиб сўрайди”, “шаббода бўлиб” қидириб чиқади, ўз хуснини кўз-кўз қилиб чор атрофни яшил япроқларга буркаб излайди. “Топмай, сабри тугаб бўрон бўладию, жарликларга бошини олиб кетади”. Баҳор ҳамма ердан уни излайди, ҳатто йўлдошининг ётоғидан ҳам уни топмагач, шоирани қаттиқ сиқувга олади:

“Қани мен келганда кулиб қаршилаб,

Қўшиғи мавжланиб бир дарё оққан?

“Бахтим борми дея, яккаш сўроқлаб”

Мени шеърга ўраб суқланиб боққан?

Аммо инсон ҳаёти ҳам баҳор гуллари сингари ўткинчи. Келиш борки, кетиш муқаррар. Кўклам бор экан, хазон барҳақ. Бу аччиқ ҳақиқатга баҳор ҳам дош беролмайди:

Қандай жавоб айтай, лолдир тилларим.

Баридан тутдим, келдим қошинга.

У ҳам ғаминг билан кезди афтода,

Боқиб туролмайин қабринг тошига.

Аламда тутақиб дарахтга кўчди,
Куртакни уйғотиб сўйлади ғамнок.
Сенинг ёдинг билан елиб бекарор,
Гуллар ғунчасини этди чок-чок.

Шеърдаги поэтик тасвир ғоят содда, гўзал ва ҳаётий. Табиатнинг бу галги уйғониши одатий эмас, бу соғинчдан, ҳижрон изтиробидан туғилган кўклам. Қалб оғриқлари табиат ходисалирига уйғун тасвирланган. Дарахт образи эса бу шеърда ҳаёт давомийлигини ифодалаб келган.

Зулфиянинг “Азиз туйғулар” номли туркум шеърлари борлиги маълум, таъкидлаш ўринлики, бу шеърларни бирлаштирадиган мавзу – баҳордир. Бу шеърларда баҳор ташийдиган маъно шунчаки табиат ходисасидан фарқ қилиб, фурсат ғаниматлиги, умр ўткинчилиги, меҳнат ва меҳрнинг, Ватанга муҳаббат ва инсон садоқатининг ҳаётий кучини ифодалайди. Шоира фикрини ўқувчига тўла етказиш учун баҳорга ёндош дарахт образига, хусусан, мажнунтолга мурожаат қилади:

Яланғоч дарахтлар ора мажнунтол,
Шоир хаёлидай латиф, серҳашам.
Бутун новдалару танлари зилол,
Шу ерда таваллуд топмиш илк кўклам[4,102].

Санъаткорнинг бошқа инсонлардан фарқи унинг бошқалар кўрмаган гўзалликлардан завқлана олиши ва бунини образли тасвирлашида кўринади. Баҳорнинг илк ташрифини назмда турлича ифодалайдилар. Масалан, Навоий “ғунчайи хандон била” ёр ҳусни гулида “хуррам баҳор”ни[1,140] кўрса, Бобур “баҳор айёми”ни “йигитликнинг авони”да[2,56] кўради. Чўлпон “Кўк кўйлакнинг битишига унча кўп ҳам қолмаган!”[10,491] дея ҳайқирса, Абдулла Орипов “Гўдак нафасидек юпатар юзни Қиш бўйи интизор кутган баҳорим”[8,120] дея шивирлайди. Эркин Воҳидов “Сахролар кўксига тақди қизғалдоқ”[3,204] тарзида кўклам келишини ифодаласа, Муҳаммад Юсуф “Бойчечакка борар йўллар очилсин”[7,146] тарзида унинг келишига муносабат билдиради. Кўринадики, баҳорнинг туғилишини мажнунтолнинг зилол танларида кўриш эса фақат Зулфия ижодига хос поэтик топилмадир.

Зилол бу ёмғирнинг тагида бир чол
Умр ва қиш юкларидан гўё олар дам.
Юз-кўзида яйрар баҳорий хушҳол,
Кифтга зилол толдан тўн ёпмиш кўклам.

Бу бандда ўз ҳаёт йўлига назар ташлаётган инсон образи шеърда олиб кирилган. Тасвир жуда аниқ, бўёқлар ёркинлигидан киши кўз ўнгида буюк мусаввир чизган суратни намоён қилади. Юз-кўзларида ҳаётдан мамнунлик акс этиб турган бу чол ким ўзи? Нега ёмғир остида, елкасига мажнунтолдан зилол тўн ёпиб турибди? Бу тасвирда бир умрнинг сўнгги ва янгисининг ибтидоси – ҳаёт давомийлиги ифодаланган. Кейинги бандда муаллиф ҳусни таълил санъатидан маҳорат билан фойдаланади, мажнунтолнинг табиий қиёфасидан ибратли хулоса чиқаради:

Мажнунтол йиғлоқи, боши ҳам дерлар,
Қўлларин чўзган-чун тупроқ тафтига.
Ҳаёт-чун, ҳусн-чун, ризқ-чун таъзим-ла
Лабларин қўймоқчи сахий кафтига.

Мажнунтол нафақат борлиги учун заминдан миннатдор, балки унинг бу туришида юксак садоқат ҳам акс этиб турибди:

Дарахт ҳам инсоний ердан олар жон,
Инсон қачон ердан кетган узилиб?
Мажнунтолда зилол шодлик бир жаҳон:
Яшайди тупроққа садоқат бўлиб.

Садоқат бўлмаса, одамзод албат,
Ўзи кашф этарди, кашф этгандай бахт[4,103].

“Азиз туйғулар” туркумидан ўрин олган “Боғлар қийғос гулда” номли шеърда ҳам дарахт образини учратамиз. Бунда баҳорда гулларга бурканган ҳар бир дарахт ўзга бир олам эканлиги билан эътиборни тортади:

Боғлар қийғос гулда – яхлит бир чаман,

Ҳар дарахт анвойи бир тароватда.

Бир кафт боғ меҳнату ҳосилга ватан,

Ўзга кўрк,

Ўзга ранг ҳар бир дарахтда[4,104].

Кейинги бандда дарахт ташийдиган маъно биров кенгаяди. Энди у инсонни эмас, миллат тушунчасини ифодалайди. Инсонни англатиш эса дарахт барглари зиммасига ўтади:

Ҳар навда бир гулда, ҳар гулда бир рўй,

Ҳар дарахт барги бир дунё ҳикоя.

Ҳар бирин ҳосили ўзгасига кўрк,

Бири бири учун кудрат, ҳимоя.

Дарахтлардаги камолот учун у ўсаётган заминнинг аҳамияти катта бўлганидек, инсонлар ва миллатларнинг фаровонлиги Ватанга боғлиқдир. Кейинги мисраларда шеърдаги фикр динамикаси баҳордан меҳнатга, меҳнатдан Ватан муҳаббатига, равнақига, сержило толега томон ўсиб боради:

Ватаним кўзимда: қай бурчи азиз,

Билмам, қайда толе серзавқ, сержило?

Ялпи тўлишади бедахл юртимиз,

Нақ ҳар қаричи дил, жон томир гўё.

Муаллифнинг маҳорати шундаки, шеърдаги фикр банддан бандга ўтгани сайин кучайиб боради ва охирида фалсафий хулосага йўл очади:

Бир қардош тинчисиз – ўзга беором,

Бирининг нонисиз – ўзга эмас тўқ...

Бу – қадим дунёда янги бир олам,

Бунда орқа тоғсиз бир тирик жон йўқ.

Таянч бўлмасайди, одамзод албат,

Ўзи кашф этарди, кашф этгандай бахт[4,104].

Дунё яралибдики, ундаги ҳар бир жисм, жонли ва жонсиз яратиклар, бир-бирига чамбарчас боғлиқ, бири иккинчисини тақазо қилади, бири иккинчисисиз мавжуд бўла олмайди. Бири иккинчисига таянч, ҳар бири ўзига хос кичик оламлар бир-бирига суянчиқдир. Зулфиянинг юқоридаги мисралари фикримизни тасдиқлаб турибди.

Севимли шоирамизнинг “Демак, баҳор келди” номли шеърида эса дарахт кўчма маъно ифодаламай, кўклардан ўз улушини олиши лозим бўлган табиатнинг бир бўлаги, ҳаёт бардавомлигининг исботи сифатида тасвирланган:

Бу нафасдан ерда кексаю ёшнинг

Одим, чехрасида эзгу рўшнолик.

Дов-дарахт кияжак зилол либоснинг

Зилол барин тутиб югурар шодлик.

Демак, баҳор келди! [5,39]

Зулфиянинг “Уни кўзғатдилар...” номли яна бир шеърида ёлғиз, кекса дарахт образига дуч келамиз. Бу шеърда дарахт том маънода инсон тимсоли бўлиб келади ва уни шартли равишда “дарахт-инсон” дейиш мумкин. Бу шеърда йил фасллари тақдир синовлари тарзида тушуниш лозим.

Уни кўзғатдилар...

Фасли қишга яқин бир туп дарахтни

Ниш унган ўрнидан кўзғаб қўйишди.

Наздимда, умрини безаган бахтни

Бу кекса дарахтга камроқ туйишди[4,142].

Дастлабки мисралардан аёнлашадики, бир кекса дарахтни ўз ўрнидан бошқа жойга кўчиришмоқчи. Шоиранинг бу кекса дарахти тилсиз бўлса ҳам, қалбсиз эмас. Унинг ҳам ҳавас қилгулик кечмиши бор. У ҳам кўплар қатори “куёшдан шимириб”, “тупроқдан эмиб” ўсди. Илдизлари эса ернинг бағрига чиқур кириб, “бўйдор-куйдор дарахтларнинг сафига” кирди:
 Ва бир гўзал баҳор кўрсатди ғунча,
 Ва бир тўкин кузда берди нишона...

Онадай, отадай меҳрга ўраб,
 Сахий боғбон этди уни парвариш.
 Ниҳол ўсаверди яшнаб, гуркираб,
 Ҳар йил янги кўркин қилиб намойиш.

Лекин ҳамма ёз ҳам ва ҳамма куз ҳам
 Сийлаб бўлиқ мева этмади ҳады.
 Гоҳ сел ювди, бўрон бошин этди ҳам,
 У тик турди ҳамон мен ҳаёт дея.

Аслида ҳам ҳаёт бир текисда давом этмайди. Баъзан она бўлиб бошимизни силаса, баъзан қаҳрини ҳам кўрсатади. Лекин дарахт-инсон барига чидайдди, яхши кунлардан умид қилади:

...Бир дарахтдан баланд,
 ўзгасидан паст,
 Ўз умридан рози кирарди кузга.
 Умр хотимасин биларди, албат,
 Биларди ниҳоллик қайтмасди ўзга.

Хўш, уни ўрнидан кўзғатиш, бир умрлик ошёнидан айириш унчалик ҳам осон иш эмас. Гарчи унга “кунгай ва назаргоҳ” янги ошённи ваъда қилаётган бўлсаларда, дарахт “ўз кузини” шунда кутмоқни ният қилган. Бу ниятини амалга оширмақ учун унга илдизлари, чайир томирлари ёрдамга келадики, булар шеърда инсон эътиқоди, ажодлар ва камолотга етказган заминга муҳаббатнинг рамзидир:

Чуқур экан илдиз,
 Чайир томирлар,
 Ернинг чор ёғига кетганди сингиб.
 Бўронлардан сақлаб қолган омиллар
 Омон олиб қолди дардини энгиб.
 Кунгайдан ҳаётбахш экан ер баҳри,
 Ўз ўрнида яна кўкарди дарахт.
 Қуюқ шохларидан тиниқ куз наҳри
 Янги ҳосилларни бермоқда хушвақт...[4,142]

Мана шу охириги мисралар бугунги кунда ҳаётга энгил-елпи қараётган кўпчилик инсонларга ибратдир. Яхши яшаш, қийналмай турмуш кечириш учун ўз юртини, туғилган тупроғини осонгина ташлаб кетаётганлар озми? Ёлғон ваъдаларга учиб, ватанини сотаётганлар камми? Муаллиф “Кунгайдан ҳаётбахш экан ер баҳри” деганда айнан мана шуни назарда тутган бўлса эҳтимол. Ажодларнинг ўтган заминда “чуқур илдиз отиш”, “янги ҳосилларни бериш”, авлодлар бардавомлигини таъминлаш чинакам инсоний бахтдир. Баҳор-кузларнинг келиб кетиши, авлодлар алмашиши ҳаёт узлуксизлигини таъминлайдиган мезондир.

Зулфия ижодида фаслларга ёндош ҳолда ёлғиз дарахт тимсоли ҳам кўп учрайди. Шу жиҳатдан унинг “Дарахт” шеъри эътиборни тортади:

Бир дарахт турарди йўл чеккасида,
 Шамол урар эди уни муттасил.
 Аввал кўк, сўнг заъфар-хазон тусида,

Кўркини йўқотди... ҳамон урар ел.

Қурғади, букчайди курашда танҳо,
Зилол қонларидан қолмади зарра.
Шамол, шамол саваб қолмади аммо
Илдиз-ла йиқилди охир бир зарбдан.

Энди ел бўшлиқда кезар дарбадар,
Танҳо қурбонининг қақшашин излаб...
Биламан дарахтдай қуласам агар
Менинг ҳаёт боғим қолмас ҳувиллаб[5,130].

Бир қарашда шеър кекса дарахт ҳазонининг ижодкорга таъсиридай таассурот қолдиради. Аслида бу шеърда ҳам ёлғиз дарахт тимсол сифатида алоҳида инсон образини ифодалайди. Шунинг учун уни бунда ҳам дарахтни шартли “дарахт-инсон” тарзида ифодалаш мумкин. “Аввал кўк, сўнг заъфар-ҳазон тусида” мисраси баҳор ҳамда кузни эмас, инсон умрини, аввал-охирини билдиради. Шамол эса умр йўлларидаги машаққат, қийинчилик ва синовларнинг рамзидир. Чинданда, инсон худди кекса дарахт каби яшиллик ва ҳазон орасида ҳаёт бўронларини енгиб яшаб ўтади. Бу дунё синов майдони. Аммо ундан шунчаки яшаб ўтиш ҳам жоиз эмас, инсон ўзидан яхши ном, гўзал амаллар, солиҳ фарзандлар қолдириши лозим. Шундагина кишининг “ҳаёт боғи” ёлғиз дарахтниги каби “ҳувиллаб” қолмайди. Шеърда Зулфиянинг қизгин умридан, ҳаётдан мамнунлиги, уни беҳуда ўтказмаганлиги, келажакка ишонч кекса дарахтга қиёсан мухтасар очиб берилган.

Зулфия шеъриятидаги фаслларнинг рамзий алмашинишига уйғун тасвирланган ёлғиз дарахт образи кейинги давр ижодкорларининг асарларида ҳам учрайди. Абдулла Ориповнинг “Ёлғиз дарахт” шеъри фикримизни тасдиқлайди:

Адирда ўсарди ёлғиз бир дарахт,
Биров билмас эди ким эккан, қай вақт.
Унинг теграсида ҳатто янтоқ йўқ,
Ҳар ён қовжураган хасларга тўлик.

Зулфиянинг йўл чекасидаги ёлғиз дарахтидан фарқли ўлароқ А.Ориповда макон адирга алмашган. “Саратон чилласи” келганда дарахт сахро қушларининг шойиста ошёнига айланарди, яшил барглари ором манбаи эди. “Қиш фасли изғирин қутурган онлар”да эса уни бўронлар қуршаб оларди.

Кўрди у гуллаган баҳорларни ҳам,
Лекин бўлди доим ёлғизлик ҳамдам.
Бир кун чақмоқ чақди хулласи калом,
Дарахт ёниб кетди, тамом вассалом.

Бу мисраларда яна рамзийлик билан юзлашамиз. Шеърдаги саратон, қиш ва баҳорлар – инсон умрининг босқичларини ифодалайди. Ҳаётнинг бир текис эмаслигига ишора бор. Шоирнинг “Лекин бўлди доим ёлғизлик ҳамдам” деган фикрида эса инсонга берилган синовлардан мақсад ўзлигини англаш эканлиги, қалбан ўзлигини англамаган инсон ёлғизликка маҳкум, ҳаёти бесамар эканлиги аёнлашади.

Тақдир, қайга борма кўрсатгайдир бўй,
Биз адир устида қурган эдик уй.
Ўтди болалигим яхшидир, ёмон,
Олис у йилларни эслайман ҳамон.
Сира ажабланма бир ҳолга, дўстим,
Мен ўша дарахтнинг ўрнида ўсдим[9,353].

Зулфиядан фарқли ўлароқ, Абдулла Ориповда дарахтнинг инсонга нисбат берилган рамз эканлиги кенгроқ очиб берилган. Ёлғиз дарахтнинг йил фаслларга уйғун образи нафақат шеърларда балки кейинги давр дostonчилигида ҳам кўзга ташланади. Икром Отамуроднинг “Ёбондаги ёлғиз дарахт” достони фикримизга далилидир. Бу асар нафақат жанрда, балки

ифода услубида ҳам юқоридаги шеърлардан фарқ қилади. Аммо уларни бирлаштириб турувчи бир қанча жиҳатлар ҳам борки, уларни инкор этиб бўлмайди. Жумладан, унда қуйидаги муштарак жиҳатлар кўзга ташланади:

- 1) ёлғиз дарахт рамзий образининг мавжудлиги;
- 2) йил фасллари умр босқичларини ифодалаб келаши;
- 3) шамол, бўрон, жазирама иссиқ каби табиат ҳодисалари ифодаланганлиги;
- 4) дарахт умрининг ниҳояси тасвири бор;
- 5) фалсафийлик ва рамзийлик бўртиб туради в.х.

Достондаги қуйидаги мисралар Зулфиянинг “Дарахт”, А.Ориповнинг “Ёлғиз дарахт” шеърларидаги фасллар тасвирига ҳамоҳанг фикрларни эслатади:

Лаби қувраб неча бор

жавзо келгандир қақраб?!

Зам қилгандаир неча бор

қилчин қайраб ақраб?!

Либос алмашлаб қайтган

кўклам неча бор, балким?!

Неча бор хайр айтган

тирамоҳ, билмас ҳеч ким?![6,43]

Бу достонни махсус ўрганган ёш олима Н.Ўроқова “Шоирнинг “Ёбондаги ёлғиз дарахт” достони лирик-фалсафий характери билан ажралиб туради. Унда шоир дарахтни инсонлаштиради. Яъни, чексиз ёбондаги ёлғиз дарахт ҳолати кимсасиз қолган инсонни ёдга солади[11,20]” - деб ёзади. Шунингдек, достонда “умр йўллари”, “ҳаётнинг бардавомлиги акс этганини” алоҳида таъкидлайди.

Хулоса. Кўринадики, Зулфия ижодида йил фасллари бағишланган шеърлар ва уларда дарахт образининг алоҳида ўрни бор. Шеърларда ифодаланган бу образ қуйидаги рамзий-тимсолий маъноларни ифодалайди:

1. Дарахт – табиатнинг бир бўлаги сифатида, ҳаёт давомийлигини ва унга муҳаббатни ифодалайди.
2. Инсон садоқати ва сабр-матонатининг рамзи бўлиб келади
3. Инсон ва миллат тушунчаларини акс эттиради (“Боғлар қийғос гулда”, “Дарахт” шеърларида).
4. Меҳнат ва баланд толени ифодалаб келади ва ўзида гўзал қадриятларни намоён этади.
5. Ватанга муҳаббат, камолотга етказган заминга садоқат, юрт равнақига ишончни акс эттиради.

Бу фикрлар Зулфия ижодида йил фасллари бағишланган шеърлар ва уларда дарахт образининг алоҳида ўрни борлигини кўрсатади. Келтирилган шеърлар таҳлили эса фикрларимизни мустаҳкамлайди. Шу нуқтаи назардан Зулфия ижодини ўрганиш бугунги кун учун ҳам жуда муҳимдир.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. Ҳазойин ул-маоний: Ғаройиб ус-сиғар. – Тошкент: “Фан” 1988. – 616 б.
2. Бобур. Сочининг савдоси тушди: Шеърлар. Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Э.Очилов, масъул муҳаррир В.Раҳмонов. – Тошкент: “Шарқ”, 2007. – 288 б.
3. Воҳидов Э. Танланган асарлар. – Тошкент: “Шарқ”, 2018. – 688 б.
4. Зулфия. Сайланма. Нашрга тайёрловчилар Ҳ.Олимжонова, О.Олимжонов. – Тошкент: “Шарқ”, 2015. – 272 б.
5. Zulfıya. Bahor keldi seni so'roqlab: She'rlar. – Toshkent: “Yangi asr avlodi”, 2019. – 192 b.
6. Икром Отамурод. Ёбондаги ёлғиз дарахт. www.ziyouz.com кутубхонаси.

7. Муҳаммад Юсуф. Шоир севгиси. Тузувчи: Назира ас-Салом. – Тошкент: “Ношир”, 2014. – 196 б.
8. Орипов А. Танланган асарлар. 4 жилдлик. 1 жилд. Шеърлар ва дostonлар Тошкент: “Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти”, 2000. – 432 б.
9. Орипов А. Эверест ва уммон. Шеърлар. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017 йил. – 392 б.
10. Чўлпон. Яна олдим созимни. Роман, драма, шеърлар. – Тошкент: “Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъан нашриёти”, 1991. – 576 б.
11. Ўроқова Н. Сўнгги давр ўзбек дostonчилигида иждокор услуби ва индивидуаллиги (Икром Отамурод ва Усмон Кўчкор дostonлари асосида) филология фанлари бўйича фалсафа доктори [Phd] диссертацияси. Қарши, 2019. 146 б.

**СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART**

Одилова Гулноза Комилжоновна

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети Таржима
назарияси ва амалиёти кафедраси доценти
e-mail: gulnozaodilova@gmail.com

Ахророва Шодияхон Сухробхон кизи

Алишер Навоий номидаги Тошкент
давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Таржима
назарияси ва амалиёти факультети 4-босқич талабаси
e-mail: shodiyona0997gmail.ru

**ЖОАН ХАРРИСНИНГ “ШОКОЛАД” АСАРИДА ШИРИНЛИК ТАСВИРЛАРИ
УСЛУБИЯТИ ВА ТАРЖИМА МУАММОСИ**



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-1-22>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ХХI-аср жаҳон адабиётида таом тасвирларининг қўлланиши таҳлил қилинган. Жон Харриснинг “Шоколад” романида қўлланган ширинлик номларининг стилистик хусусиятлари таҳлилга тортилган. Асардаги ширинлик номларининг қаҳрамонлар портретини очиб беришдаги роли ўрганилган. Ширинлик номларини иккинчи тилга таржима қилиш масалалари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: таом, таомланиш, глутонимлар, инсон қиёфаси, бадиий тасвир, таомланиш психологияси.

Одилова Гулноза Комилжоновна

доцент кафедраси Теории и практики перевода
Ташкентского Государственного университета узбекского
языка и литературы имени Алишера Навои.
e-mail: gulnozaodilova@gmail.com

Ахророва Шодияхон Сухробхон кизи

студентка Ташкентского Государственного
университета узбекского языка и литературы
имени Алишера Навои.
e-mail: shodiyona0997gmail.ru

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется использование описаний глуттонических описаний в ХХI веке. Анализируются стилистические особенности названий сладостей, использованных в романе Джона Харриса «Шоколад». Исследована роль номинатов сладостей как стилистическая описание портретов героев. Были рассмотрены вопросы перевода имен десертов на второй язык.

Ключевые слова: еда, питание, глуттонимы, образ человека, художественный образ, психология питания.

Odilova Gulnoza Komiljonovna

Phd.professor department of Theory and practice of translation at
Tashkent state University of Uzbek language and
literature named after Alisher Navai
e-mail: gulnozaodilova@gmail.com

Axrorova Shodiyakhon Suxrob kizi

the 4th year student of faculty of Theory and practice of
translation at Tashkent state University of Uzbek language and
literature named after Alisher Navai
e-mail: shodiyona0997@gmail.ru

ANNOTATION

This article analyzes the use of descriptions of gluttonic descriptions in the 21st century. The stylistic features of the names of sweets used in John Harris's novel "Chocolate" are analyzed. The role of sweets nominates as a stylistic description of the portraits of heroes was investigated. Issues of translating desserts into a second language were considered.

Key words: food, nutrition, gluttonym, human image, artistic image, nutritional psychology.

Таом-инсоният ва уни қуршаб олган ташқи олам билан ўзаро боғлиқ, унинг турмуш-тарзи ҳамда яшаётган жамият маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Инглизчада "Tell me what you eat, I will say who you are" яъни "Сен менга тановул қиладиган таомингни айт, мен сенга сенинг кимлигингни айтиб бераман" деган нақл бор. Шундай экан, таомнинг инсон кийёфасини тасаввур этиш ва руҳий дунёсини тушуна билишдаги ўрни катта ҳисобланади.

Рус олими А.И.Козловнинг фикрича, жамиятда овқат "табиий", "маданий", "инсоний" ва илоҳий", "ўз" ҳамда "ўзга" каби тушунчалар орасида рамзий маъно касб этади. Баъзан бировнинг "мақбул" таомдан воз кечиши, унинг ғайриинсоний ҳислати сифатида қабул қилиниши ҳам мумкин.

Умуман олганда, ошхона ва таом - "ўзингники" ни "ўзганики" дан фарқлаш, "улар" ва "биз" орасидаги чегарани аниқлаб олиш воситасидир[1.,177].

"Таом" тушунчаси инсон ҳаётининг турли хил жабҳаларида-тил, урф-одат, анъана ва маданиятида намоён бўлади. Адабиёт эса маданиятнинг ушбу ажралмас қисмини тақдим этиш воситасидир.

Европа адабиётида XVIII-XIX асрлардан бошлаб асарларда гастронимик мавзунини тўлиқ ёритиш бошланди. XI-XII асрга оид қадимги топилмалардаёқ таом ва ичимликлар ҳақидаги бадиий тасвирларни учратиш мумкин. Юнон ёзувчиси Ксенофонтнинг уй-рўзғор юритиш ва оила иқтисоди ҳақидаги "Уй-рўзғор юритиш" китобида рўзғорни ташкил этиш билан бирга дастурхон олдида ўзини қай йўсинда тутиш лозимлиги, ибодат кунлари тановул қилинадиган маҳсул таомлар ҳақида айтиб ўтилган [2.,177].

Таомни тадқиқ этиш ва инглиз тилида айтганда, "food studies" яъни "таомшунослик" бошқа ижтимоий фанлар антропология, тарих, маданиятшунослик ва социология ҳамда санъат негизида шаклланди. Таомшунослик овқатга доир барча жараёнларнинг: маҳсулот ишлаб чиқаришдан тортиб, таомланиш жараёнининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, овқатланишдаги одат ва маросимлар, тановул учун танланадиган ҳамроҳлар: уларнинг этикаси ва табақаси кабиларни қамраб олади. Бу жараённи ўрганиш эса инсоннинг жамиятдаги ўрни ва миллий маданиятнинг ўзига хослигини кўрсатиб беришга имкон туғдиради.

Психолог Лууле Вилманинг айтишича, инсоннинг таомга ва ошқозон ичак трактига қандай муносабатда бўлиши, унинг ўз ҳаёти ва ишига қанчалик боғлиқлики, қандай

муносабатда эканлиги ва хаттоки, олдига қўйган бирор бир мақсадни бажаришда қай йўсинда ёндашишини белгилаб берар экан [3.,533].

Истеъмол қилинаётган таом тури ва миқдори жинсга ҳам боғлиқ бўлиб, асрнинг бошларида Г.Геймер ўзининг машҳур сўровномасидан фойдаланган ҳолда, “Овқат қайси жинс вакиллари ҳаётида кўпроқ аҳамият касб этади” деган саволига, ҳар икки жинс вакиллари ҳам “эркаклар” деган жавобни беришади [4.,69].

Уйғониш даврида таомланиш. Бу эса, озиқ-овқат тасвирларининг пайдо бўлиши ва таом образини юқори ўринга кўтарди. Бу айниқса, Франсуа Робленинг “Гаргантюа ва Пантагюрьел” асарида ёрқин тасвирланган. Асар қаҳрамонлари, девларнинг уч авлодлари, худди муаллиф каби, яхши таом фақат фойда келтириши мумкинлигини айтишади. Роман озиқ-овқатни истеъмол қилиш ҳеч қачон ёлғиз амалга оширилмаслиги ифодаланган сахналарга бой. Робледа таом бу-ҳар доим хурсандчилик, “бутун дунё учун байрам”. Ҳар қандай ҳолатда ҳам зиёфат қилинади: Гаргантюанинг туғилиши муносабати билан, уруш тугаши муносабати билан ҳам, яхши музокаралар олиб борилган баҳс ва денгиз сафаридан кейинги саодатли қайтишдан сўнг ҳам. Оз устига китобда ушбу асарни қандайдир уйдирма ёки эртак эмас, айна ҳақиқат деб қабул қилиш лозимлиги айтиб ўтилган. Шундай қилиб, таом тасвири XX аср охирига келиб ҳам ўз актуаллигини йўқотмади. Умберто Эко ўзининг 1980 йил чоп этилган “Атиргул исми” асарида ноёб тасвирларни яратади – у ерда ўсимликлар энциклопедияси ҳам, монастыр ошхонасининг қизиқарли тажрибалари ҳам бор. Ўқувчининг омади чопгани шундаки, у ўрта асрлардаги монастыр таомларининг қоидаларини, кичик биродарларининг овқат борасидаги имтиёзлари ҳақида; мунстер, кемембер каби машҳур пишлоқлар монастырлар томонидан яратилганини ҳам билиб олади.

Ҳақиқатдан, инсоният тараққий этар экан, азалдан егулик топиш ҳаётий муаммолардан бўлган. Ҳар бир мумтоз асарни бир ёки бир неча қисмат тарихи деб ҳисоблайдиган бўлсак, унда ҳикоя қилинаётган тарихий давр таом ва овқатланиш жараёни билан боғлиқ қанчадан-қанча ҳодисалардан таркиб топганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Бадий асарда учровчи, “таом” концептини тушунишнинг мураккаб томонлари ҳам мавжуд. Америкалик олимлар Девид ва К.Жонатонларнинг фикрига кўра, овқат ва унга тегишли анъаналар, жамийки нарса ва ҳодисалар турли ёзувчилар онгида турли ассоциация ҳосил қилади. Таом фақат маза ва ҳид билан эмас, балки бошқа жиҳатлари орқали ҳам ҳис этилади. Овқат ҳақидаги тасаввурлар адабиётда бирор миллат хотирасининг негизига сингиб кетган ассоциациялар манбаси сифатида намоён бўлиши мумкин[5.,177].

Инглиз адабиётидан Жоанна Ҳарриснинг “Шоколад” асарида ҳам глютонимлар асарнинг асосий моҳиятини англашда муҳим аҳамият касб этади ва ҳар бир таомнинг қаҳрамонлар табиатини англашда ўзига хос ўрни бор.

Асар бош қаҳрамони ёлғиз она Вивиен Роше Франциядаги Ласкне-су-Танн шаҳарчасига кўчиб келади. Унинг орзуси шаҳарчада шоколад дўконини очиш бўлади. Муқаддас Пасха яқинлашиб келаётган бир пайтда черков рухонийси Франсис Рейно кишиларни дунё лаззатидан баҳраманд этувчи шоколад дўконини очишга қаршилик қилади. Бу масалада шаҳар аҳолисининг фикри иккига бўлинади. Туғма қандолатчилик иқтидорига эга бўлган шаҳарликларга завқ, роҳат ва ҳузур улашади. Ёзувчи қаҳрамоннинг феъл атворини, ошхонадаги ижодкорлигини у тайёрлаётган ширинликлари орқали очиб беради. Ошхонада куймаланаётган аёлни гўзаллик яратувчи аёл сифатида кўрсатади. Адибнинг айтишича, асардаги деярли барча қаҳрамонларнинг прототиpleri бор бўлиб, у ўзининг яқинлари ва қариндошларида кўрган таомдан лаззатланиш ва ҳузурланиш, шу орқали, ҳаётдан завқ туйиш ҳиссини ўз асарида тасвирланган. Хусусан, Вивиеннинг кизи Анук ёзувчи қизининг прототипи бўлса, асар қаҳрамонларидан бири Арманданинг ҳаёт ҳақидаги қарашлари муаллифнинг катта бувиси феъли мисолида намоён бўлган. Жоанна Ҳаррис “Шоколад” асарининг кўп қисмида ўзининг ҳаётга бўлган шахсий муносабатини таом тайёрлаш ва истеъмол қилиш жараёни орқали рамзий тасвирлаб беради. Масалан, қанд касалига чалинган Арманданинг туғилган кунга тайёргарлик вақтидаги ҳолати тасвирини

олайлик. Унда ҳар бир ширин лукмани оғзига тўлдириб солаётган Арманда ўз ҳаётини хавф остига қўяётганлигини тўла англаган ҳолда “Бу менинг охирги лукмам”, дейди ва юзида тансиқ таом ҳақида гапиргандагина пайдо бўладиган хузур ифодаси намоён бўлади. Арманданинг фикрича, “Севимли нарсасидан воз кечиб қийналиб яшагандан кўра, лаззатли ўлим топмоқ яхшироқ”. “Енди менюга ўтсак”, дейди иштаҳа билан қўлларини ишқалиб. Гарчи ширинликлар ейиш қатъий таъқиқланган бўлса-да, қаҳрамонга овқатдан лаззатланиш бахт ва хузур бахш этади. Жоанна Ҳарриснинг “Шоколад” асарида 80 га яқин ширинлик номи ва тури келтирилган бўлиб, ноодатий таъм ва рецептга эга ширинликлар гоҳ бадиий тасвир вазифасини бажарса, гоҳида инсон руҳий ҳолатини акс эттирувчи маркировка вазифасини бажарган. Қуйида асарда номлари келтирилган бир қанча ширинликларни таҳлил қилиб чиқсак:

“fundae”- тухум ва пишлоқдан қилинган егулик бўлиб, рус тилида “фундю” деб таржима қилинади ва ўзбек тилида ҳам муқобил тушунча йўқлиги ҳамда мазкур сўз миллий реалия тўғридан-тўғри таржима қилинади. “Meringue” – тухум оқи ва шакар солиб кўпиртирилган бўлиб, асосан пирогларнинг устига қуйилиб, печда пишириладиган ширинлик. Рус тилида “меренга” дейилади.

“Florentine” – Флорентин бисквити, Италияча ёнғоқ ва мевали ширинлик. “Guimauve” – франсуз тилидан олинган бўлиб, шакар ёки маккажўхори сиропи, иссиқ сувда юмшатирилган желатин, глюкоза, хушбўй ҳид ва ранг берувчи воситалар юмшоқ попуқ ҳолига келтириладиган ширинлик. Рус тили ва иуглиз тилида ҳам да “маршмеллоу” дейилади.

“Mendiant анъанавий франсуз конфетлари. Бу тўртта монастир буйруғини ифодаловчи, ёнғоқ ва қуритилган мевалар билан ишланган шоколад дискдан иборат десерт. Рус тилидаги номи “мендиган” шаклида берилган.

“Sugared almonds-шакарланган бодомлар. Рус тилида эквиваленти “сахарние миндалы”. Асада 79 та ширинлик номи берилган бўлиб, мазкур глюттонимларнинг асар бадиийлиги ва эстетик завқини кучайтиришдаги роли катта:

1) chocolates	21)the pralines	41)Venus’s nipples	61)truffles, mendiants
2) candied fruits	22)hazelnut clusters	42)chocolate seashells	62)candied rose petals
3) sugared violets	23)Aladdin’s cave of sweet	43)dark chocolate	63)guimauve
4) twisted marshmallows	24)sweet vendors	44)biscuit sized discs of dark	64)milk or white chocolate
5) lemonrind	25)almonds and plump Malaga raisins.	45)creme Chantilly	65)chocolate curls
6) espresso	26)smeared with frothy chocolate	46)Florentines (biscuit,an Italian pastry of nuts and fruit)	66)white buttons with coloured vermicelli
7) marzipan fruits	27)peanut brittle	47)clusters	67)cracknels
8) assorted misshape	28)chocolate liquor	48)vanilla,	68)heated copper
9) cinnamon	29)sugared almonds	49)sugared violets	69)chocolate rose leaves
10)chocolate almonds	30)white chocolate mice	50)cakes	70)pies
11)chocolate animals	31)chocolate hens	51)chocolate rabbits	71)Easter chocolates
12)chocolate raisins	32)chocolate Jesus	52)variegated mice marbled through with truffle and maraschino cream	72)pink and white sugar coconut mice
13)delicately tinted mice	33)sugar dappled frosted mice	53)chocolate chips	73)chocolate Pope
14)Easter eggs	34)the confit de canard	54)the spiced merguez	74)eclairs

15)chocolate cream meringues	35)the violet creams	55)the rose petal clusters	75)the goldwrapped coins
16)nests of spun caramel	36)hard shelled sugar eggs	56)chocolate hen	76)biscuits
17)home made chocolate ice cream...	37)chocolate fondue	57)dark and white chocolate roulade bicolore	77)calvados
18)bitter orange cracknel	38)apricot marzipan roll	58)cerisette russe	78)white rum truffle
19)manon blanc	39)cocoa solids	59)chocolat a croquer	79)creme de cassis
20)three nut cluster	40)peach steeped in honey	60)a crystallized peach sliver on the chocolate lid.	

Романда берилган таом номлари кўплигини ҳисобга олган ҳолда, уларни таржима қилиш жараёнида ҳам ўзига хос камчиликлар ва стилистик муаммоларга дуч келиниши табиий. Шулардан бири сифатида қуйидаги сўзни кўришимиз мумкин:

“guimauve” – ширинлик номи бўлиб, француз тилидан олинган сўз ҳисобланар экан. Французча таржимаси қуйидагича берилади:

1.Plante des marais et des prés humides.

2.Pâte molle et sucrée (originellement à base de racine de guimauve)” яъни “ яъни

1. Ўсимлик ботқоқлари ва ҳўл ўтлар.

2. Юмшоқ ва ширин пишлоқ (дастлаб маршмалланнинг илдизидан)”. Сўзнинг иккинчи маъносига кўра, бу ширинликнинг қандай тури эканлигини тасаввур қила оламиз. Аммо бу сўзнинг таржимаси “Oxford” ва “Longman” луғатларида берилмаган. Бундай ҳолатда таржимон ушбу сўзни транскрипсия шаклида таржима қилиб, мисол учун “жумавье” тарзида ҳам бериши мумкин. Аммо бундай вазиятда ўқувчи учун бу қандай турдаги таом эканлиги ҳақида ҳеч қандай тасаввур уйғонмайди. Google таржимон дастури орқали эса, асл манба француз тили эканлигини билган ҳолда таржима қилдик ва таом ҳақида кенгроқ асотсиатсия ҳосил қилиш мақсадида сурати қидирилганда ушбу ширинликнинг русча номи “маршмеллоу” деб берилган ширинликнинг айнаи ўзи бўлиб чиқди. Асарнинг бошқа бир қисмида айнан шу ширинлик “marshmallow ” шаклида ҳам берилган бўлиб, бу вариантда таъриф бериш имконига эга бўлади. Таржимон таомнинг юқоридаги шаклида чуқур изланмаган тақдирда таржимада услубий хатолик рўй беради ва натижада, ўқувчи бу икки номда берилган таом ширинликнинг бир тури эканлигини билмайди.

“Шоколад” романида инсон қиёфасини ва феълени тасвирлашда “apricot heart” яъни “ўрик қалбли” метафраси қўлланилган. Бизга маълумки, етилган ўрик меваси юмшоқ ва мулойим. Асарда қаҳрамоннинг юмшоқ феълени, табиати мулойимлигини тасвирлаш мақсадида шундай тасвир қўлланилган. Мазкур ҳолатда бу бадий тасвирни “ўриқдек юмшоқ қалбли” сингари изоҳлашимиз мумкин. Лекин ўзбек тили лексикологиясида инсоннинг юмшоқ табиатга эга эканлигини ифодалаш учун “ҳалимдек мулойим” ташбеҳи қўлланилади. Ўзбек китобхонига эриш туюлмаслиги ва тасвирни тезроқ узатиш мақсадида ушбу иборани “априсот ҳеарт” ташбеҳи учун муқобил вариант сифатида берадиган бўлсак, “мева” концептининг ўрнини “колорияга бой ва одатий тановул қилинадиган гўштли таом” эгаллайди. Натижада, асарнинг ширинлик ва мевалар орқали психологик дунёни очиб бериш услуби таржима жараёнида маълум мисоллар туфайли бузилади.

Ҳар бир адибнинг ўзига хос профессионал услуби мавжуд. Кимдир биргина детал, кимдир қаҳрамоннинг тилидан айтилаётган сўз орқали персонажнинг феъл-атвори, тарбияси, миллатига хос хусусиятларни очиб беради. Осиё ва Африка миллатлари тилларидан таржима қилиш бир мунча қийинчилик туғдиради, чунки қаҳрамоннинг авзойини билдирувчи юз ифодалари ва рақмонанд ҳаракатларни таржимада бериш анча мушкул. Баъзан биргина оддий детал инсоннинг миллатини ошкор қилиб турган бўлса, бу детални англаш инсоннинг

зийраклигидан далолат беради. Ўзбек тилида инсон қиёфасига оид шундай бадий тасвир воситалари (қовункалла, бўтакўз, хумбош каби) мавжудки, таржимон бу каби ибораларни ўз тилига жуда эҳтиёткорлик билан ўгириши лозим. Табиийки, бу ҳолат чет эл адабиётларида ҳам учрайди. Жон Ҳарриснинг ўзига хос ва ғаройиб услуби ҳам айнан шу-инсон руҳиятининг тасвирида “таом” мотивини қўллаганидир. Буни бир қанча мисоллар орқали кўришимиз мумкин.

Қуйидаги тасвирда муаллиф инсонларнинг тановул қиладиган таомининг нафақат кайфияти, диди ва руҳиятига балки уларнинг турмуш-тарзи ва ҳатто кўринишига ҳам боғлиқ эканлигини тасвирлайди.

Аслият:

But I like these people. I like their small and introverted concerns. I can read their eyes, their mouths, so easily: this one with its hint of bitterness will relish my zesty orange twists; this sweet smiling one the soft centred apricot hearts; this girl with the windblown hair will love the mendiants;

Сўзма-сўз таржима:

Лекин мен бу одамларни яхши кўраман. Мен уларнинг бироз тортинчоқликларини-да яхши кўраман. Кўзларидаги маънони, оғиз қимирлашларини осонликча ўқий оламан: бу аччиқ хаёлга эга бўлган аёл менинг нозик, тўқ сариқ бурмали ширинликларимни яхши кўради; бу ширин табассум ортида ҳалимдек юмшоқ, мулойим қалб яширинган; сочларини шамол учираётган бу қиз мендиантларни севади; бу ёқимтой бразилиялик аёл эса шоколадларни яхши кўради...

Бразилиялик аёллар териси ранги тўқиш, шоколадга мойил ва ялтироқ бўлади. Муаллиф ушбу парча орқали инсоннинг ташқи кўриниши билан тановулидаги нарсанинг кўриниши деярли бир хил эканини тасвирлаш орқали, рамзий маънода ички дунёсини ҳам худди шундай ўхшашликка эга эканлигини ифодалаган десак муболаға бўлмайди.

Кейинги парчада эса, асар қаҳрамони шоколад дўконидаги мижозларидан бирининг ейдиган ширинлик турига қараб, унинг феъли ҳақида мушоҳада қилади. Бу ҳолатга қуйидагича изоҳ бериш мумкин: трюфеллар оғизга солинганда кисирлайдиган, аммо таъми ўта нафис ва лаззатли, нозик дидли инсонларга хуш ёқадиган маҳсулот ҳисобланади. Шу сабабли ҳам, қаҳрамон уни тановул қиладиган аёлни “бу беўхшов ва қўпол кўриниш ортида эса нозик қалб яширинган” деб таърифлайди. Қиёфага “беўхшов ва қўпол” сифатининг юкланишига эса “икки ҳиссали иштаҳа” сабаб дейишимиз мумкин.

Аслият:

Narcisse's appetite for double chocolate truffles reveals the gentle heart beneath the gruff exterior..

Сўзма-сўз таржима:

Нарсиснинг икки ҳисса шоколад трюфелларига бўлган иштаҳаси қўпол қиёфа ортида нафис юрак борлигидан нишон.

Инсоннинг қувонч, ғам, тушкунлик, ташвиш, лаззатланиш каби руҳий ҳолатлари бўлади. Вақти-вақти билан одамзот ўз табиати мос равишда уни ҳаёлда ёки сухбат двомида ифодалашга интилади ва айнан шу руҳий ҳолатнинг кайфияти, унинг даражасини тасвирлаш учун борлиқдаги нимагадир қиёслайди.

Аслият: Chocolate festival. All welcome.' My anger is rising like boiling milk, uncontrollable. For the instant I feel empowered, energized by its heat. I stab an accusing finger at her. `Don't think I haven't guessed what this is all about.'

Сўзма-сўз таржима:

"Шоколад фестивалига барчангиз хуш келибсиз, "Менинг ғазабим қайнаётган сут каби, бошқариб бўлмайдиган даражада ошиб бормоқда.

Мен ўзимга бўлган ишончни ҳис қиладиган айни дамда, ғазабим ҳам ҳароратдан қайнаб бораверди."

Юқоридаги мисолдан шуни кўришимиз мумкинки, инсон ғазабининг қайнаётган сутга ўхшатилиши унинг ғазаб пайтидаги ҳиссиётлари: ичида нимадир қизиқ, қайноқ нарса

қуйилиб келаётгандек бўлиши, уни босишга урингани сари ҳарорат ҳам негадир ошиб бориши жуда ажойиб тарзда ўхшатишган. Ҳар бир инсоннинг ҳаётда ўзи учун азиз ва яшашга маълум миқдорда куч берадиган, сонияларини завққа тўлдирадиган нарса бўлади. Асар қаҳрамонининг ҳаётидаги ана шундай нарса-шоколад.

Психолог Э.П.Ильиннинг “Эмоция ва ҳиссиётлар” китобида “симпатия” тушунчаси келтирилиб, унда айтилишича “симпатия – (“юнонча,” сймпатхеиа” ёқтириш, ички қараш) кимгадир ёки бирор нарсага нисбатан барқарор ижобий муносабатдир. Шоколад дўкони эгаси кизни кучади ва ўша пайтда қиздан шоколад ифори келади деган ҳисни туйиши, қизга нисбатан илиқ ва дўстона, ҳамроз муносабатда эканлигини англатади.

Аслият:

Her arms are warm around my neck. She smells of chocolate and vanilla and peaceful untroubled sleep.

Сўзма-сўз таржима:

Қизнинг илиқ қўллари бўйнимда. Ундан шоколад ва ванилни ҳиди анкиб, беозоргина бўлиб осуда уйкуга кетганди.

Озиқ-овқат ва ичимликлар тасвирлари жаҳон адабиётида ўзига хос ўрин тутди. Озиқ-овқат ва ичимликларга бўлган муносабат, “ошхона” тасвирлари бадиий адабиётда ижтимоий муаммо фониди баъзан стилистик бўёқларда, баъзан борлигича, баъзан эса қаҳрамонларининг ички руҳияти маркерофкаси сифатида кенг қўлланилади. ХХI аср жаҳон адабиёти дурдонаси ҳисобланган Жоан Харриснинг “Шоколад” романи китобхонларга нафақат жаҳон адабиётидан завқланиш, балки, ғарбона тафаккур ва гўзал тасвирлардан завқ олиш, киши руҳиятини теранроқ англаш имкониятини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Одилова Г. К. Дунё адабиётида таом ва тановул мавзуси. Жаҳон адабиёти 2 ,2018-177 б.
2. Одилова Г. К. Дунё адабиётида таом ва тановул мавзуси. Жаҳон адабиёти 2 ,2018-177 б.
3. Виилма. Л. “Лекарство для души” Рига:Издательство Аллис, 2003.- С.533.
4. Виилма. Л. “Лекарство для души” Рига:Издательство Аллис, 2003.-С.69.
5. Одилова Г. К. Дунё адабиётида таом ва тановул мавзуси. Жаҳон адабиёти 2 ,2018-177 .

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTABLARIDA MADANIY TADBIRLARNI TASHKIL ETISHDA REPERTUAR TANLASH VA SAHNALASHTIRISHNING PADAGOGIK ASPEKTLARI

Muratova Saodat Abdurahmanovna

Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti
Musiqqa madaniyati fakulteti "Musiqqa nazariyasi va metodikasi"
kafedrasida o'qituvchisi

Annotatsiya: Ushbu maqolada umumta'lim maktablarida musiqa darslarini o'rgatishning zamonaviy usullari xususida fikr-mulohazalar bildirib o'tilgan. Shuningdek, madaniy tadbirlarni tashkil etishda musiqa darslarini pedagoglar tomonidan tashkil etish metodlari, usullari va zamonaviy interaktiv o'qitish haqida batafsil ma'lumotlar keltirilgan. Ilmiy tadqiqotda sohada amalga oshirilayotgan islohotlar hamda uning natijalari, mavzu dolzarbliligiga oid takliflar yoritilgan. Bundan tashqari umumiy o'rta ta'lim maktablarida madaniy tadbirlarni tashkil etishda repertuar tanlash va sahnalashtirishning pedagogik aspektlari haqida atroflicha to'xtalib o'tilgan. **Kalit so'zlar:** musiqa san'ati, madaniy tadbir, pedagog, zamonaviy usullar, maktab o'quvchilari, milliy san'at, interaktiv o'qitish, ssenariy, pedagogik aspektlar

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПОДБОРА РЕПЕРТОРА И ЭТАП ОРГАНИЗАЦИИ КУЛЬТУРНОГО МЕРОПРИЯТИЯ В ОБЩЕОБРАЗОВАЮЩЕЙ ШКОЛЕ

Аннотация: В данной статье высказываются мнения о современных методах преподавания уроков музыки в общеобразовательных школах. Также представлена подробная информация о методах и методах организации уроков музыки педагогами и современном интерактивном обучении при организации культурно-массовых мероприятий. В научном исследовании освещаются проведенные в сфере реформы и их результаты, предложения, связанные с актуальностью темы. Кроме того, подробно рассмотрены педагогические аспекты подбора и постановки репертуара при организации культурно-массовых мероприятий в общеобразовательных школах.

Ключевые слова: музыкальное искусство, культурное мероприятие, педагог, современные методы, школьники, национальное искусство, интерактивное обучение, сценарий, педагогические аспекты.

PEDAGOGICAL ASPECTS OF REPERTORY SELECTION AND STAGE IN ORGANIZING CULTURAL EVENTS IN GENERAL SECONDARY SCHOOLS

Abstract: In this article, opinions are expressed about modern methods of teaching music lessons in secondary schools. Also, detailed information about the methods and methods of organizing music lessons by pedagogues and modern interactive teaching in the organization of cultural events is provided. In the scientific research, the reforms implemented in the field and its results, proposals related to the relevance of the topic are highlighted. In addition, pedagogical aspects of repertoire selection and staging in the organization of cultural events in general secondary schools were discussed in detail.

Key words: musical art, cultural event, pedagogue, modern methods, schoolchildren, national art, interactive teaching, script, pedagogical aspects

KIRISH.

Bugungi kunda umumiy o'rtta ta'lim maktablarida madaniy tadbirlarni tashkil etishda musiqa ta'lim-tarbiyasining maqsadi va vazifasi nihoyatda muhim. Yosh avlodni milliy musiqa merosimizga vorislik qila oladigan hamda umumbashariy musiqa boyligini idrok eta oladigan va qadrlaydigan madaniyatli inson darajasida voyaga yetkazishdan iborat. Buning uchun har bir o'quvchining musiqiy iqtidorini rivojlantirib, musiqa san'atiga mehr va ishtiyoqini oshirish, musiqadan zaruriy bilim va amaliy malakalar doirasini tarkib toptirish, iqtidorli o'quvchilarning musiqiy rivojlanishlari uchun zaruriy shart-sharoitlar yaratib berish- maktab musiqa ta'lim-tarbiyasining asosiy vazifasidir.

Zamonaviy pedagogik texnologiyalarni ta'lim jarayoniga joriy etish asosida o'qitish samaradorligini oshirish davr talabi sifatida barcha pedagog o'qituvchilar qatorida musiqa o'qituvchisining ham zimmasiga katta mas'uliyat yuklaydi. Har qanday fanni, shu jumladan musiqa madaniyati darslarini o'qitish jarayonida ham faollashtirilgan, o'quvchilarni darsning faol ishtirokchilariga, mustaqil fikrlovchi, mushohada qiluvchi, o'z fikrlarini bildira oluvchi shaxs sifatida namoyon qilishi 9 uchun imkoniyat yaratuvchi-bu o'qituvchidir. O'qituvchi o'zi va o'quvchilar uchun qulay va qiziqarli bo'lgan o'qitish usullari, yo'llari, shakllari, vositalari bilan birgalikda ulardan foydalanish shart-sharoitlarini belgilaydi, ilg'or pedagogik texnologiyalar yordamida o'quv jarayonisamaradorligini oshirishga harakat qiladi. Shu boisdan ham innovatsion pedagogik texnologiya, ta'lim texnologiyalariga o'quv jarayonidagi eng samarali vositalar sifatida qaralmoqda. Ulardan bugungi kunda jahon pedagogikasi amaliyotida keng foydalanilmoqda.

Interaktiv usullar orqali o'qitish va muloqotli ta'lim berish, standart o'qitishning resursi bo'lib hisoblanadi. Kichik guruhlarda o'qitish va ishlash usulini qo'llash natijasida o'qitish jarayonini jaddalashtirish mumkin, ya'ni rivojlanish potensialini yuqori darajaga ko'tarish, mashg'ulot mazmunini chuqur va keng miqyosida o'zlashtirishga sharoit yaratadi. Faol o'qitish usullardan hammasi xam interaktiv usullariga kirmaydi. Interaktiv o'qitish usullari deganimizda, avvalo, o'quvchilar orasida mavzuni o'rganish va o'zlashtirish usuli o'zaro muloqot va o'qitish jarayonini psixologik mexanizm nuqtasidan kuchaytiradiganlarni tushunish zarur. Bular orasida birinchi navbatda madaniy tadbirlarni tashkil etishda kichik guruhlarda ishlash misol bo'ladi. Kichik guruhlarda ishlash usullarini bugungi kunda o'qitish jarayonida kam qo'llanilishining sabablari ko'p bo'lib, ular orasida eski rusumli, ya'ni tushuntirish, demonstratsion va illustratsiya qilish usullari ustin bo'lib saqlanishi va yangi, innovatsion, muloqotga asoslangan o'qitish usullariga ishonch bo'lmaganligi bo'lib hisoblanadi. Bundan tashkari, interaktiv o'qitish usullarini o'qituvchilarning o'zlari ham bilmasligi, metodik tayyorgarlik yetishmovchiligi bu usullarning keng tarqamasligining sababi bo'ladi.

Birgina teatrda qo'yiladigan spektakllar va yakka ijro etiladigan asarlar to'plamiga repertuar deyiladi. Repertuar tanlash va ijro etish uchun munosib asarni izlab topish demakdir. O'quvchi va o'rganuvchilar bilan ishlash uchun repertuar tanlaganda butun diqqat e'tibor sistemali, muntazam o'rganish jarayoniga qaratilishi kerak. Buning uchun qilinadigan ishlarning oddiydan murakkabga, osondan -qiyinga tomon bo'lgan yo'nalishi va ana shu yo'ldagi izchillikka rioya qilinishi shart. Shunga ko'ra, so'z ustida ishlaganda quyidagi bosqichlarni albatta o'tash kerak. 1. Manzara. 2. Kam voqeali parcha 3. Ko'p voqeali parcha 4. Turli janrga oid parchalar 5. To'liq asar yoki murakkab parchalar. Manzara ijrochilik foaliyatining dastlabki davriga oid bo'lib o'quvchida tabiiylik, ko'rish, muomala kabi xususiyatlarni tarbiyalashda qulaylik tug'diradi.

ADABIYOTLAR TAHLILI:

O'zbekiston Respublikasining taraqqiyoti va istiqbolini ta'minlash iqtisodiy, ijtimoiy, siyosiy va madaniy sohalarda bo'layotgan o'zgarishlarga bog'liq bo'lib, bunday o'zgarishlarda faol ishtirok etish uchun kasbiy soha egalaridan yuqori darajadagi umumiy va maxsus bilimlar, intellektual salohiyat, keng dunyoqarash va axborot kommunikatsiyalaridan ustalik bilan foydalanish malakalariga ega bo'lishlik talab etiladi. Ana shu talablar asosida pedagog kadrlarni tayyorlash bugungi kunning eng muhim vazifalaridan biridir. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyev ta'kidlaganidek: "Bugungi

kunda oldimizga qo'ygan buyuk maqsadlarimiz, ezgu niyatlarimizga erishishimiz, jamiyatimizning yangilanib borishi, hayotimizning taraqqiyoti va istiqboli amalga oshirayotgan islohotlarimiz, rejalarimizning samarasi, taqdiri, bularning barchasi, avvalambor, zamon talablariga javob beradigan, yuqori malakali, ongli mutaxassis kadrlar tayyorlash muammosi bilan chambarchas bog'liqligini barchamiz anglab yetmoqdamiz".¹

Maktablardada madaniy tadbirlarni tashkil etishda interaktiv rejimida o'qitish jarayonini qo'llash asosiy masalalari quyidagilar bo'lib hisoblanadi:

- musiqa fanini o'zlashtirish jarayonida o'quvchilarning qiziqishini ko'tarish;
- o'qitish jarayonini o'qituvchi faoliyati hayot real sharoitlariga yaqinlashtirish;
- samarali kommunikatsiya usullari, ya'ni o'qituvchi-o'quvchi va o'zaro, muloqot ko'nikmalarini to'g'ri shakllantirish;
- yangi nazariy bilim va amaliy ko'nikmalarni o'zlashtirish jarayonini yangi darajaga ko'tarish;
- ta'lim olish jarayoniga o'quvchilarning ma'suliyatini oshirish.²

Madaniy tadbirlar ssenariysi hamda ularda repertuar masalalarining yoritilishida interaktiv usullarni qo'llashda o'quvchi sinfda dars jarayonini o'zlashtirish asosiy a'zosi bo'ladi va uning fundamental bilimi o'qitish o'chog'ining asosi bo'lib hisoblanadi. O'qituvchi o'z navbatida o'quvchilarga yangi, tayyor bilim bermaydi, aksariyat o'quvchilar orasida mustaqil ravishda izlanish va fikrlash jarayonini rivojlantirish orqali o'zlashtirishni oshiradi.

TADQIQOT METODOLOGIYASI.

Madaniy tadbirlarni tashkil etish jarayonida a'nanaviy o'qitish usullardan interaktiv usullarning farqi - o'qituvchi va o'quvchi orasidagi to'qnashish jarayonini o'zgartiradi: o'quvchi faolligi o'qituvchining faolligidan ustunlashadi, o'z navbatida o'qituvchining asosiy maqsadi bo'lib, o'quvchilarning initsiativ fikrlash jarayoniga yuqori darajali sharoit yaratib berish bo'ladi. O'qituvchi asosan dars jarayonini tashkillashtirish umumiy masalalari, oldindan tayyorlangan kerak bo'lgan topshiriqlarni tayyorlash, o'quvchilar orasida muloqot uchun savol va mavzularni shakllantirish, konsultatsiya berish, vaqt meyyorini va reja boskichlarini amalga oshirish jarayonini nazorat qiladi.³

Interaktiv usullar:

- o'quvchilarda qiziqishni oshiradi;
- bir vaqtni o'zida guruh barcha o'quvchilarni dars jarayoniga faol jalb qiladi;
- har bir o'qish materiallarini qo'llash natijasini oshiradi;
- o'quv dasturini o'zlashtirish jarayonini faol o'zlashtirish samaradorligini oshiradi;
- qaytarma bog'liqligini ta'minlaydi;
- o'quvchilar orasida mustaqil fikr va bilimiga nisbatini shakllantiradi va oshiradi;
- amaliy ko'nikmalarni jadallashtiradi;
- shaxslararo muloqot ko'nikmalarini yaxshilaydi;
- xulq-atvorini o'zgarishiga olib keladi.

Qo'shiqlarni o'rganishda interaktiv usullardan foydalanish Insonning yoshiga xos umumiy xususiyatlarini o'rganish bilan psixologiyaning maxsus sohasi - yosh psixologiyasi shug'ullanadi. Eng umumiy ko'rinishida maktab yoshi, o'smirlik va ijtimoiy yetuklik davri kabi yosh bosqichlari ajratiladi. Shu asosda quyidagi yosh davrlarini va ularga muvofiq ta'lim-tarbiya muassasalarini ko'rsatish mumkin: Shaxsning musiqiy rivojlanishi, tarbiyasi va shakllanishi musiqiy pedagogikasining umumiy asoslari bo'limi bosh mavzulari xisoblanadi. Insonning musiqiy rivojlanishi uning musiqiy qobiliyatlari va musiqa madaniyatining bir butun tashkil topishi va shakllanishi jarayoni sifatida namoyon bo'ladi. Musiqiy rivojlanish bu shaxs musiqa madaniyatining jismoniy, aqliy va ma'naviy rivojlanishdagi tug'ma va o'zlashtirilgan, miqdor va sifat o'zgarishlarining xar tomonlama takomillashuvi. Inson o'zining musiqiy rivojlanishida qator yosh bosqichlardan o'tadi.⁴

Madaniy tadbirlar ssenariysining aspektlar qismida "Interfaol usullar" haqida Interfaol usuli hamkorlikda faoliyat olib borish ma'nosini anglatadi.

- "Doira" usuli

¹ Sharipova G. "Musiqqa va uning o'qitish metodikasi" Toshkent-2020;

² Hasanova X. "Qo'shiqlar sehri" Toshkent-2018;

³ Karimova D., Yakubova Sh. "Bolalar musiqa asarlari ustida ishlash" Toshkent-2019;

⁴ Umumta'lim maktablarining musiqa darsliklari (1-5 sinflar)

- "Akvarium" usuli
- "Muzyorar" usuli
- "Mozaika"
- "Tarmoqlar" (Klaster)
- "Suratli diktant"
- "Zanjir"
- "Enerjayzerlar"

Ularni dars mashg'ulotlari jarayonlarida qo'llashni sizga tavsiya etamiz. 5

"Doira " usuli

Bunda o'quvchilar doira shaklida o'tirib, turli Mashqlarni bajaradilar. Bu usulning o'quvchilarni qator qilib o'tkazish usulidan qulay tomoni shundaki, hech bir o'quvchi o'zini ajratilganligini, ya'ni kimdir orqada, kimdir oldinda ekanligini 16 sezmaydi. Har bir o'quvchi tarbiyachi nazari va e'tiboridan chetlanib qolmaydi. Hamma o'zini "teng" his qiladi.

"Akvarium " usuli

Bu usulda bir nechta o'quvchi doira ichida turli vazifalarni bajarishadi. O'rtadagi bu o'quvchilar "Akvarium" ichidagi baliqchalar kabidir. Ularning har bir harakati doira atrofida o'tirgan o'quvchilar tomonidan Aniq kuzatib boriladi.

"Muzyorarlar" usuli

Maqsad: Ishtirokchilarni o'zaro tanishuvlari uchun erkin muhitni yaratish. "Muzyorarlar" boshqacha tanishuvlar deb ataladi. Bu mashg'ulot qisqacha qilib aytganda, o'quvchilarning o'zlarini tutishlariga, bir-birlari bilan tanishishiga va guruhda o'zaro ishonch muhitini yaratishga ko'maklashadi. Ularni ishtirok etishga va o'zaro qo'llab-quvvatlashga dav'at etadi. Ta'lim jarayonida biz bunday mashqlarning yangi turlarini yaratishimiz mumkin.

Musiqqa mashg'ulotlarini tashkil etish metodikasi bu ta'limning kompetensiyaviy yondashuviga asoslangan davr talablaridir. 6

O'quv jarayonining yakunlovchi davrlarida o'quvchi o'z didi bilan tanlagan va montaj qilib ishga tayorlagan asar yoki murakkab syujetli, ko'p voqeali parchalar ustida ishlashga to'g'ri keldi. Bu davrda diqqat e'tiborni ko'proq yetuk va to'laqonli obrazlar yaratilishiga o'quvchining chinakam organika yo'lidan borishga erishmoq kerak. Agar o'quvchi iqtidorli bo'lsa, ijrochilik repertuari bo'lib qoladigan katta asarlar va hatto ayrimlari bilan adabiy kompozitsiyalar ustida ishlash mumkin. Xullas, muntazam mashg'ulot davri uchun repertuar tanlaganda asosiy e'tiborni o'quvchilarda san'atning tabiiylik, chinakamiga yashash kabi xususiyatlarini tarbiyalashga qaratish kerak. Repertuar zikr etilganidek, oddiydan murakkabga, osondan qiyinga tomon yo'nalishda tanlanishi kerak.

TAHLILLAR VA NATIJALAR.

Umumiy o'rta ta'lim maktablarida madaniy tadbirlarni tashkil etish hamda ularning ssenariyini ishlashda musiqqa darslarini rejalashtirar ekan, pedagog o'quvchilarning o'rgatiladigan repertuar va faoliyat turlarini ketma - ketligini to'g'ri tuzishi kerak. Har bir musiqqa rahbari xar bir musiqqa mashg'ulotini qiziqarli va o'quvchilar xotirasida uzoq saqlanishi uchun ko'rgazmalardan unumli foydalanishni bilishi zarur darsni tashkillashda musiqqa rahbari quyidagilarni yoddan chiqarmasligi kerak:

- mashg'ulot bayoni, yangi qo'shiq, foydalaniladigan cholg'u asboblari uchun tayyorlangan ko'rgazmalar;
- qismlarni bir-biriga uzviy bog'lay olish;
- o'quvchilarni qiziqtirish uchun ularning yosh xususiyatlarini e'tiborga olgan holda sodda va past ohangda muloqatda bo'lish;
- texnika vositalaridan foydalana olish; - musiqiy ta'limiy va didaktik o'yinlar yordamida o'quvchilar bilim va ko'nikmalarini mustahkamlab borish; Darsni rejalashtirishda quyidagilarga e'tibor berishi kerak:
- Musiqqa tinglashda rasmlardan, bastakor va kompazitor portretlaridan, xilma-xil rangdagi shakllardan

5 Гулов, С. Н. (2018). Роль лидера нации в развитии электронных средств массовой информации. Вестник Таджикского национального университета. Серия филологических наук, (2), 256-259.

6 Choriyev, B. B. (2019). Ideological bases for the modernization of Uzbek folk instruments. ISJ Theoretical & Applied Science, 12 (80), 83-87.

foydalanish;

- Ovoz diapozonini kengaytirish mashqlarida musiqali zinacha ko'rgazmali qurollar, tarqatma materiallardan foydalanish;
- Qo'shiq kuylaganda rasmlarga qarab qo'shiq nomini topish;
- Laparlar va raqslarni ijro etganda atributlar (gullar, lentalar, v.b.) foydalanish;
- Bolalarni ijodiy kobilyatini rivojlantirishda musiqali harakatli va obrazli o'yinlarni o'rgatilganda shu o'yinga mos atributlarni tayyorlab fikrlashga o'rgatish, sahnalashtirilgan jarayonda bolalarni mustaqil harakat qilishlariga imkon yaratadi va katta o'rin egallaydi. 7

Hozirgi zamon musiqa muallimi yuksak madaniyatli, o'z kasbiga cheksiz sadoqat, ilg'or pedagogik tafakkur egasi bo'lmog'i lozim. U o'zining uzluksiz kasbiy madaniy rivojlantirish qobiliyatiga ega bo'lishi shart.8 U musiqa, nafosat, pedagogika va psixologiya-fiziologiya fanlaridan, xususan, musiqa o'qitish uslubiyotidan kompleks tarzda chuqur bilim va malakalar egasi bo'lmog'i darkor. Ayniqsa, musiqa o'qituvchisi ixtisosida zarur me'yorda cholg'uchilik, xonandalik, xor dirijerligi va musiqa nazariyotchiligi sifatleri mujassam bo'lmog'i lozim. U milliy musiqa hamda o'zbek adabiy tilini mukammal bilmog'i, umumbashariy musiqa madaniyatidan, kundalik musiqiy-madaniy hayotdan voqif bo'lishi shart. Musiqa muallimi pedagogik muloqot ustasi bo'lishi, har qanday vaziyatda ham pedagogik ta'sir usullaridan unumli foydalanish qobiliyatiga ega bo'lmog'i lozim.

XULOSALAR.

Musiqa muallimi ilmiy tafakkur egasi, ilg'or tajribalar shaydosi, izlanuvchan va ijodkor bo'lib, musiqa o'qitishning yangi shakl va usullarini kashf etishga intilmog'i lozim. U musiqa ta'lim-tarbiyasi mazmunini boshqa fanlar mazmuni va kundalik hayot bilan bog'lab, boyitib olib borishi darkor.

Boshlang'ich maktab (1- 4-sinflar). Boshlang'ich maktabda o'quvchi musiqa madaniyatining asosiy poydevori shakllanadi. Musiqani tinglash, qo'shiq aytish, raqs tushish, oddiy cholg'ularda chalish orqali badiiy idrok etish, musiqadan olgan taassurotlari va bilganlari haqida gapirib berish, asarni badiiy baholash, musiqa ijodkorligi malaka ko'nikmalarini rivojlantirish amaliyotlari vositasida o'quvchilarda musiqaga havas va badiiy ehtiyoj uyg'otadi. Ta'lim jarayonida o'quvchilar quyidagilar haqida bilim, malakalarga ega bo'ladilar(1-jadval):

1-jadval

Bolalar kuy-qo'shiqlari, musiqali o'yinlar, raqs va qo'shiqlar, xushnavoz milliy cholg'ularimiz (1-sinf);	Yakkanavozlik; cholg'u dastasi; kuy nima? Kuyning ifoda tili (2-sinf);
Cholg'u turlari (cholg'ular bazmi); kuy va usul, tempning, kuyning takrorlanishi, uning o'zgarmas va o'zgaruvchan qaytarilishi, band va naqarot (3-sinf);	O'zbek xalq musiqasi; ommaviy xalq qo'shiqlari (alla, yalla, lapar, terma, qo'shiq aytim) va ommaviy kuylar; o'zbek kasbiy musiqasi (ashula, katta ashula); kompozitorlik musiqa ijodi haqida tushuncha; xalq musiqasi kompozitorlar ijodida (4-sinf).

1-jadval. Ta'lim jarayonida o'quvchilar egallashi kerak bo'lgan bilim, ko'nikma, malakalar

Mavzu mazmunidagi amaliy mashg'ulotlar jarayonida nota yozuvi, oddiy kuylar tuzilishi misolida o'rganiladi, notaga qarab kuylashning dastlabki malakalari hosil etiladi.

7 Хасанов, Х. Р. (2020). Культура и искусство в эпоху Амира Темура и темуридов. Вестник науки и образования, (21-2 (99)).

8 Yarashev, J. T. (2019). "Bukhorcha" and "Mavrigi" song classes-as a national and noetic spiritual values of the Uzbek nation. Традиционная и современная культура: история, актуальное положение, перспективы, 114.

Xullas, musiqaning madaniy hayotda tutgan o'rni muhim bo'lib, musiqiy ta'lim-tarbiyani amalga oshirishda uning bosh maqsad va vazifalarini to'liq anglab mashg'ulotlarni samarali tashkil etish, o'qituvchining dolzarb vazifalaridandir. Musiqa pedagogikasi, uslubiy va moddiy ta'minot, musiqa folklori, iqtidori cheklangan bolalar, vorislik qilish, spetsifik xususiyatlar, aralash dars, faol, emotsional ta'sir, ruhiy ta'sir, ta'lim-tarbiya kontseptsiyasi, pedagogik tafakkur egasi, badiiy ehtiyoj, badiiy baholash, kuyning o'zgarimas va o'zgaruvchan qaytarilishi, notaga qarab kuylash. Musiqa madaniyati o'quv predmeti o'quvchilarning ma'naviy, badiiy va axloqiy madaniyatini shakllantirishga, milliy g'urur va vatanparvarlik tarbiyasini amalga oshirishga mahorat, nafosat, badiiy didni o'stirishga, fikr doirasini kengaytirishga, mustaqillik va tashabbuskorlikni tarbiyalashga xizmat qiladi. Musiqa madaniyati o'quv fani umumiy ta'lim maktablarida o'qitiladigan barcha o'quv fanlari, jumladan adabiyot, tasviriy san'at, jismoniy tarbiya, mehnat va boshqa fanlar bilan bog'lanadi.

Barcha o'quv fanlari qatori musiqiy ta'limda ham milliy musiqiy meroslardan to'laqonli foydalanish imkonini beradi. Bular ommaviy xalq kuy va qo'shiqlarida, xonanda va sozandalarning ijodiy faoliyatlari, maqom, shashmaqom, dostonlar hamda bugungi zamonaviy musiqiy faoliyatda o'z aksini topadi. Musiqa san'atining bu kabi imkoniyatlari yangi avlodni tarbiyalashda, ularning barkamol bo'lib yetishishlarida o'ziga xos va takrorlanmas manba bo'lib xizmat qiladi.

Musiqa ta'limidan davlat ta'lim standartlari asosida yangi ta'lim mazmuni o'quvchilarning musiqiy bilim va malakalari bilan birga ularda kuzatuvchanlik, xotirani mustahkamlash, obrazli tasavvur qilish, ijodkorlik, mustaqillik, tashabbuskorlik, badiiy va musiqiy did kabi xislatlarni rivojlantirishni ta'minlaydi. O'quvchilarning musiqiy-yestetik rivojlanishlari uchun o'qituvchi o'zining ish faoliyatida sidqidildan tayyorlanib, darslarni yuksak metodik darajada o'tilishini ta'minlashi lozim. Zero, dars o'qituvchidan katta irodaviy kuch, izlanish, hozirjavoblik hamda turli pedagogik vaziyatlarga tezda munosabat bildirishini talab etadi. Samarasiz, omadsiz dars, kamchiliklar uzoq vaqt o'qituvchiga orom, halovat bermaydi, ortga nazar solib uning sabablarini qidirishga ehtiyoj sezadi.

Musiqa madaniyati darsi - maktabda musiqa tarbiyasini tashkil etishning asosiy shaklidir. Musiqiy to'garaklar, fakultativ mashg'ulotlar ham amaliyotda bo'lsada, dars hech qachon o'z ahamiyatini yo'qotmaydi. Musiqa madaniyati darslari musiqiy faoliyatning turli shakllarini o'z ichiga oladi. Bular - ommaviy jamoaviy aytim, musiqiy ritmik harakatlarni bajarish, musiqa tinglash, savodxonlik, musiqa ijodkorligi, bolalar cholg'u asboblarida chalish faoliyatidir.

Musiqa darslari boshqa fanlar darslaridan o'zining badiiyligi, qiziqarliligi va bolalarda ko'proq ijodiy zavq, emotsional tuyg'ular va obrazli kechinmalar uyg'otishi bilan ajralib turadi. Musiqa, ayniqsa, bolalarning aqliy va axloqiy rivojlanishiga katta ijobiy ta'sir ko'rsatadi. Zero, "Musiqa tarbiyasiz bolalarga aqliy tarbiyani etarli darajada bajarib bo'lmaydi". Shuning uchun musiqa darslari, eng avvalo, tarbiya darsidir. Badiiy tarbiya uning mantiqiy mazmunidir.

Musiqa darslari quyidagi xususiyatlari bilan farq qiladi:

Birinchi, u musiqa tarixi, nazariyasi va ijrochiligiga doir turli namunalardan-xor mashg'ulotlari, musiqa savodi, musiqa tinglash, musiqa tahlili va adabiyoti, bolalar cholg'u asboblarida chalish, ritmik harakatlar bajarish elementlaridan iboratdir. Shuning uchun u aralash dars tipiga kiradi.

Ikkinchi, musiqa boshqa san'at turlaridan o'zining ifoda vositalari, "tili" bilan farq qiladi. Agar badiiy adabiyot, badiiy so'z, tasviriy san'at ranglar va grafik chiziqlar, raqs, badiiy harakatlar bilan ifodalansa, musiqa musiqiy tovushlarda vujudga kelgan ohang vositasida ifodalanadi. Agar tasviriy san'at va haykaltaroshlik asarlarini ko'rish orqali, badiiy adabiyotni o'qish va eshitish vositasida, kino va teatrni ko'rish va eshitish orqali idrok etsak, musiqani faqatgina diqqat bilan tinglabgina idrok eta olamiz.

Buning uchun hatto ko'zi ojiz kishilardan ham yetuk musiqa ijrochilarining yetishib chiqishlari bejiz emas. "Faqat musiqiy quloqgina musiqaviy hissiyotni uyg'ota oladi".

Musiqa aniq vaqt o'lchovi bilan bog'layotgan san'atdir. Ijro etilayotgan musiqa tempiga sozlanib, uning har bir elementini ilib olib tinglamasa, asar mukammal idrok etilmaydi. Shuning uchun klassik asarlarni ham bir qayta tinglaganda uning yangi badiiy qirralarini his etamiz.

Musiqa vositasida ifodalanadigan his-tuyg'ularni so'z bilan ifodalash qiyin. "Qachonki so'z ojizlik qilsa, musiqa yordamga keladi"

Uchinchi, musiqa bolalarga faol estetik ta'sir ko'rsatadi, quvontiradi, ijobiy kechinmalar uyg'otadi. Yahshi, mazmunli, qiziqarli musiqa darsid an bolalar quvnoq, xursand bo'lib, xordiq chiqaradilar. Demak, agar musiqa darsi oxirgi darsda qo'yilgan bo'lganda ham, bolalar hordiq chiqarib,

charchoqlari tarqaladi. Musiqa darsi o'zining aralash dars tipi (tuzilmasiga ega), ifoda vositasi (tili) va aktiv psixologik ta'siri bilan farq qiladi. Demak, musiqa darslari bolalarning shaxsiyati va dunyoqarashining shakllanishida muhim rol o'ynaydi.

Xulosa qilib aytganda, boshlang'ich o'quvchilari milliy musiqa vositasida musiqaga bo'lgan qiziqishni kuchaytiribgina qolmay, Vatanga, xalqqa, san'atga madaniyatga, o'z xalqi va o'zga xalqlar tarixiga hurmat e'tiborini oshiradi. Shu asosda mustahkam vatanparvarlik tuyg'ulari hamda o'quvchining e'tiqodi uning axloqiy-estetik fazilatlarining ijobiy shakllanishi va rivojlanishining omili hisoblanadi. Musiqa muallimiga qo'yiladigan asosiy talablar: Har bir kasb o'ziga xos xususiyatga ega. Musiqa muallimining o'z "sirlari" bor.

Musiqa muallimi musiqaga muhabbat, haqiqiy musiqa tarbiyasisiz komil inson sifatida shakllantirish mumkin emasligi to'g'risidagi g'oya va tasavvurlar bilan yashaydi. Bu kasbning murakkabligi shu bilan belgilanadiki, deb ta'kidlaydi taniqli pedagog O.A. Apraksina - "o'qituvchi" va "musiqachi" tushunchalariga kiruvchi har bir elementning mustahkam o'zaro bog'liqligidir. Bu tushunchalar har biri o'z navbatida ko'p qirralidir. Musiqa muallimi o'quv-tarbiyaviy ishlarni olib boradi, o'quvchilarning qarashlarini shakllantiradi, ularning ma'naviy ehtiyojini, didini tarbiyalaydi. Uning faqat o'z fanini biluvchi chuqur ma'lumotli kishi bo'lishi kamlik qiladi, shuningdek, o'qituvchi shaxs sifatida ham shakllangan bo'lishi kerak.

Xulosa qilib shuni ta'kidlash kerakki, ijro etish uchun tanlangan asarning qimmatini uning g'oyaviy yuksakligi va badiiy yetukligi bilan o'lchanadi. Shuning uchun ham so'z san'ati uchun tanlanadigan repertuar g'oyaviy puxta, badiiy yetuk, san'at asarlarini egallash uchun qulay bo'lishi kerak. Tayanch repertuar milliy adabiyotdan bo'lishi (chunki o'quvchi uchun har tomonlama yaqin va tanish bo'ladi) jahon mumtoz san'ati va tarqqiyarparv adabiyotidan ham unumli foydalanish mumkin.


FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Sharipova G. "Musiqa va uning o'qitish metodikasi" Toshkent-2020;
2. Hasanova X. "Qo'shiqlar sehri" Toshkent-2018;
3. Karimova D., Yakubova Sh. "Bolalar musiqa asarlari ustida ishlash" Toshkent-2019;
4. Umumta'lim maktablarining musiqa darsliklari (1-5 sinflar)
5. [http : //www.Ziyonet.net](http://www.Ziyonet.net)
6. Гулов, С. Н. (2018). Роль лидера нации в развитии электронных средств массовой информации. Вестник Таджикского национального университета. Серия филологических наук, (2), 256-259.
7. Хасанов, Х. Р. (2020). Культура и искусство в эпоху Амира Темура и темуридов. Вестник науки и образования, (21-2 (99)).
8. Yarashev, J. T. (2019). "Bukhorcha" and "Mavrigi" song classes-as a national and noetic spiritual values of the Uzbek nation. Традиционная и современная культура: история, актуальное положение, перспективы, 114.
9. Qoraboyev U. O'zbek xalq bayramlari.—Toshkent; Aloqachi 2008
10. J. Dushamov., Ommaviy tadbirlar rejissurasi. —Toshkent: G'.G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti, 2002
11. Ahmedov F. Ommaviy tadbir va bayramlar rejissurasi va aktyorlik mahorati. —Toshkent: Cho'lpon 2007
12. Muhammedov M. Rejissura asoslari. Toshkent: O'ZDSI bosmaxonasi 2008
13. Djon Govard Louson. Теория и методика Playwritingи написания сценария
14. Rustamov V. Zamonaviy bayramlar rejissurasi muammolari. Toshkent : Fan va texnologiya 2013
15. www.ziyonet.uz www.google.ru www.fikr.uz

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

Qobilova Nargiza Eshimovna
Termiz davlat universiteti Boshlang'ich
ta'lim kafedrasini o'qituvchisi

MATN BIRLIKLARI VA TARKIBIY QISMLARI XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2024-1-24>

ANNOTATSIYA

O'zbek tili lingvodidaktikasida matn yaratish alohida ahamiyatga ega. Bugun tilshunoslik antroposentrik tadqiq yo'lga o'tar ekan, bunda matn o'ziga xos muhim o'rin tutadi. O'zbek tilshunosligida matn birligi bo'lmish abzas alohida tadqiq etilib, bu borada yagona to'xtamga kelinmagan. Matn birliklarini atroflicha o'rganib, abzasning matn shakllanishidagi o'rnini va uning matndagi maqomini belgilash o'zbek tilshunosligida tadqiq etilishi lozim bo'lgan muammolardan hisoblanadi. Maqolada matn birliklari muammosi xususida so'z boradi. Matn birliklari borasida dunyo tilshunoslari, shu jumladan, ozbek tilshunoslarining bildirgan fikrlari tanqidiy va tahliliy o'rganildi va tegishli xulosalar berildi. Maqolada matnning boshqa birliklari va abzas o'rtasidagi farqli, o'ziga xos jihatlari borasida umumiy xulosalar berildi.

Kalit so'zlar: abzas, supersintaktik butunlik, matn, period.

Кабилова Наргиза Эшимовна,
преподаватель кафедры Начального образования,
Термезский государственный университет

НЕКОТОРЫЕ СООБРАЖЕНИЯ О ТЕКСТОВЫХ ЕДИНИЦАХ И ЕГО СОСТАВНЫХ ЧАСТЕЙ

АННОТАЦИЯ

Создание текста в лингводидактике узбекского языка имеет особое значение. Сегодня, когда языкознание переходит на путь антропоцентрического исследования, текст занимает своеобразное место. В узбекском языкознании абзац, который является текстовой единицей, как таково отдельно не изучался, и в этом отношении нет единого мнения. Подробное изучение текстовых единиц, определение роли абзаца в формировании текста и его места в тексте являются одной из актуальных задач, которые необходимы для исследований в узбекской лингвистике. В статье речь идет о проблемах в текстовых единицах. Взгляды о текстовых единицах, высказанные мировыми учеными – лингвистами и узбекскими языковедами были критически и аналитически изучены и сделаны соответствующие выводы. Также в статье приводятся общие выводы о различиях и своеобразных особенностях между другими единицами текста и абзаца.

Ключевые слова: абзац, сверхфразовое единство, текст, период.

Qobilova Nargiza Eshimovna

Lecturer, Department of Primary Education,
Termez State University

SOME CONSIDERATIONS ON THE TEXT UNITS AND COMPONENTS

ANNOTATION

The creation of the text is of particular importance in the Uzbek language linguodidactics. Today, the text is playing a special role when linguistics is moving towards anthropocentric researches. There is no consensus in this regard, as the issues of the paragraph, which is a unit of the text, has not been studied separately in Uzbek linguistics. Thus, the following article is devoted to the problems of text units. It analyzes the considerations of world linguists, including Uzbek, and the text units are studied critically and analytically. The corresponding conclusions are made and this provided general conclusions about the differences and features between other units of the text and the paragraph.

Key words: paragraph, super syntactic completeness, text, period.

KIRISH

Bugun tilshunoslik antroposentrik tadqiq yo`lida ancha samarali natijalarga erishayotgani barchamizga ma`lum va bunda matn o`ziga xos ahamiyatga ega.

Har qanday butunlik kabi matn ham uni tarkib toptiruvchi muayyan birliklardan iborat bo`ladi. Tilshunoslikda qanday birliklar matnni shakllantirishi yoki matnni bo`laklarga ajratganda qanday birliklar aynan matn birligi deb hisoblanishi borasida ancha-muncha munozaralar mavjud. Xususan, abzasning matn birligi tarkibiga kirishi va uning supersintaktik butunlikdan farqi xususida yagona to`xtamga kelinmagan. Jahon va rus tilshunosligida matn birliklari yuzasidan anchagina diqqatga sazovor monografiyalar, bir necha dissertatsiyalar yozilgan. Bu o`rinda G.Ya.Solganik, N.D.Zarubina, L.M.Loseva, A.N.Ostrovskaya, E.A.Referovskaya, N.A.Turmacheva, S.S.Odinsovalarning tadqiqotlarini ko`rsatish mumkin. Ammo o`zbek tilshunosligida bu tadqiq etilishi lozim bo`lgan muammo hisoblanadi.

TAHLIL VA NATIJALAR

M.M.Yuldashev o`zining doktorlik dissertatsiyasida “Mustaqil gaplarning oliy darajadagi koordinatsiyasidan matn shakllanadi, oliy darajadagi koordinatsiya matn deyiladigan butunlikni paydo qiladigan gaplar o`rtasidagi semantik, sintaktik, kommunikativ va estetik jihatdan muvofiqlashuvidir. Gaplarning ana shunday muvofiqlashuvining natijasi sifatida matn mavjud bo`ladi. Ana shu mulohazalardan kelib chiqib, matnning asosiy birligi gapdir degan xulosaga kelish mumkin” degan fikrni aytadi. [1,71]

Aksariyat tilshunoslar gapni matn birligi emas deb hisoblaydilar. Masalan, I.R.Galperin gap emas, balki bir qator gaplarni birlashtiradigan nisbatan yirik butunlik – frazadan katta butunlik (“сверхфразовое единство”) matn birligi bo`la olishini aytadi. U gap ana shunday butunlikda konstituent sifatida ishtirok etishini aytadi, frazadan katta butunlikning tarkibiy qismi bo`lgan gap bir paytning o`zida yaxlit matnning ham tarkibiy qismi bo`la olmasligini ta`kidlaydi. [2,67-68]

Ayni shu frazadan katta butunlik (“сверхфразовое единство”)ni matnning asosiy birligi sifatida baholash deyarli barcha tilshunosliklarda tarqalgan. Bu tushuncha ya`ni terminning bir necha sinonimlari mavjud. Masalan: “Frazadan katta butunlik”— “сверхфразовое единство” (O.S.Axmanova), “murakkab sintaktik butunlik”—“сложное синтаксическое целое” (A.M.Peshkovskiy, N.S.Pospelov), “matn komponenti”—“компонент текста” (I.A.Figurovskiy), “prozaik strofa” – “прозаическая строфа” (G.Ya.Solganik), “sintaktik kompleks”— “синтаксический комплекс”, (A.I.Ovsyannikova), “monologik jumla”— “монологическое высказывание”, “kommunikativ blok” – “коммуникативный блок” va boshqalar. [2,69]

M.Yuldashev supersintaktik butunlikning shakllanishida gaplar ishtirok etishini, ularning matn birligi ekanligi borasida hech qanday munozara yo'qligi, ular matnning asosiy birligi ekanligini ta'kidlaydi. [1, 74]

Ayrim tilshunoslar matnda supersintaktik butunliklar tarkibiga kirmaydigan yakka gaplar ham mavjudligini aytadilar va ularni "erkin" ("свободное") gaplar sifatida baholaydilar, shu asosda erkin gaplarni supersintaktik butunliklar qatorida matn birliklari deb hisoblaydilar. [3,4] M.Abdupattoev ham bu fikrni qo'llab-quvvatlab, o'zining dissertatsiyasida Said Ahmadning "Ufq" romanidan olingan shunday misolni keltiradi:

Dala toshni kuydirgan saraton haroratini bag'riga yashirgan o'sha mash'um tutzor, azamat yigitning pahlavon ko'ksiga bosh qo'ygan qoq tush pallasi...

U damlar Dildorga katta baxt, tush kabi shirin hayot va'da qilgandi. Aldangan qiz hamon tush pallasi o'zini unutgan daqiqalarning dardini tortardi.

Ayol kishiga vafo degan narsa qanchalar qimmatga tushishini ko'plar hali bilmaydi. Dildor hech kimni qoralayolmasdi. Faqat birgina o'zim aybliman deb bilardi. Agar u Nizomjonga bevafoq qilmaganda, bu kunlar boshiga tushmasdi.

Muallif ostiga chizilgan gapni ikkita abzasdan iborat birinchi supersintaktik butunlikka ham, oxirgi abzas shaklidagi ikkinchi supersintaktik butunlikka ham kirmasligini, shuning uchun ham erkin gap ekanligini ta'kidlaydi. [4,114]

Muallif nutq parchasida supersintaktik butunliklar oralig'ida qo'llangan erkin gaplar ularning chegarasini ko'rsatib turuvchi belgi ekanligini ta'kidlaydi va quyidagi misolni keltiradi. Unda ikkita supersintaktik butunlik va bir erkin gap ishtirok etganligini, erkin gap mustaqil bo'lib hech qaysi supersintaktik butunlikka tobe emasligini e'tirof etadi:

Urushning nimaligini Ikromjon yaxshi biladi. U kamgap, hammavaqt kimningdir rahnomoligi bo'lmasa, o'zini eplolmaydigan bolasini sherga aylanib ketganini sezdi. Tursunboy hammadan oldinda, arslondek na'ra tortib yov ustiga tashlanayotganday tuyuldi. Otalar o'z bolalarini dunyodagi bolalarning eng zo'ri, eng xushbichimi, deb bilishadi.

Tursunboy nihoyatda ko'rkam yigit bo'lgan edi. U o'zining shunaqaligini bilib, ko'p bino qo'yardi. O'zini sipo tutardi. Qizlarga zimdan nazar tashlab, ularning qarayotganini bilib, gerdayibroq turardi. Unga kiyim juda yarashardi.

Yuqoridagi misolda tagiga chizilgan gap erkin gap deb ajratilgan. Ammo ana shu erkin gap bilan supersintaktik butunlik bitta abzasni shakllantirgani, bitta abzasning tarkibiy qismi bo'lib kelganligi muallif e'tiboridan chetda qolgan.

Bu borada M.Yuldashev quyidagi fikrni bildiradi: "Ko'rinadiki, gapning matn sistemasidagi o'rnini, ayniqsa uning matn hosil qilishdagi xususiyati haqida gapirganda, mutaxassislar rus ritorikasi namoyondalaridan biri I.Davidovning "Gap dondir, undan butun asar unib chiqadi" tarzidagi obrazli qilib aytgan (1838 yilda) gapini eslashadi. Umuman, gap matn hosil bo'lishida o'ziga xos materialdir. Ana shular hisobga olinsa, matn birliklari sifatida supersintaktik butunliklar bilan bir qatorda erkin gaplarni tan olgan holda har qanday gapni ham ana shunday birliklar ichida qarash maqsadga muvofiq. [1, 76]

Matn birliklari orasida supersintaktik butunlik va abzas masalasi ancha munozarali bo'lib, bugungi kungacha atroflicha o'rganilmagan. Bu o'rinda supersintaktik butunlik va abzasning farqli mohiyatga egaligini ko'rsatib berishga bag'ishlangan ilmiy izlanishlar bor. Ammo ular orasida ikki maqola alohida diqqatga sazovor. Xususan, N.A.Levkovskayaning rus tili materiali va E.V.Referovskayaning fransuz tili materiali asosidagi maqolalarida bu muammoga o'ziga xos tarzda yondashilgan va masalaning mohiyatiga daxldor farqlarni birma-bir belgilashga harakat qilingan. [5- 6]

N.A.Levkovskayaning ko'rsatishicha, matnni bo'laklarga ajratish ko'p aspektli murakkab jarayon, bu jarayon ikki tomonlama xarakterga ega, ya'ni birinchidan, u matnning funksional yo'nalishi — matnning pragmatik maqsadi bilan bog'liq bo'lgan ob'yektiv jarayon. Ikkinchidan, u matn ijodkorining niyati — muallifning pragmatik maqsadiga bog'liq bo'lgan sub'yektiv jarayon. Matnni bo'laklashda ana shunday, ya'ni matnning pragmatik maqsadi — muallifning pragmatik maqsadi tarzidagi o'ziga xos dixotomiya mavjud bo'ladi. Matnni

aynan matnning pragmatik maqsadiga muvofiq bo'laklash mahsuli sifatida supersintaktik birlik ("сверхфразовое единство") yuzaga keladi. Matnni muallifning pragmatik maqsadiga ko'ra bo'laklash mahsuli sifatida esa abzas yuzaga keladi. Ana shunga ko'ra, tadqiqotchi supersintaktik birlik matnni ob'yektiv bo'laklash birligi ekanligini, uning fikriy tugallikka, mantiqiy butunlikka egaligini aytadi. Abzas esa matnning sub'yektiv bo'laklash birligi bo'lganligidan hamisha ham fikriy tugallikka ega bo'lolmasligiga, abzas aksar hollarda kitobxonga ta'sir qilish samaradorligini oshirishning sof emfatik vositasi sifatida namoyon bo'lishiga alohida urg'u beradi. Maqola muallifi abzas ilmiy matnda struktur, semantik va kommunikativ butunlik maqomida bo'lsa-da, badiiy matnda, asosan, emfatik vazifa bajaruvchi vosita sifatida ishtirok etishini ta'kidlaydi.

E.A.Referovskayaning ilmiy kuzatishlarida ham abzas mohiyatidagi sub'yektivlikka asosiy e'tibor qaratilgan, uningcha, "abzas muallifning individual manerasiga muvofiq tarzda mavzuning mazmuniy rivojiga, supersintaktik birlik esa fikr ifodasining struktural shakllanishiga qaratilgan"dir. [5,228]

Bu borada M. Yuldashev quyidagi fikrlarni bildiradi: "Supersintaktik butunlik va abzas o'rtasidagi farqni belgilashda matnni bo'laklashning ob'yektiv va sub'yektiv omillaridan kelib chiqilsa, muammoning xolis echimiga kelish mumkin. Haqiqatan ham, matnni abzaslarga bo'lishda muallifning sub'yektiv maqsadi, fikr tarkibidagi nimani, qanday, qay tarzda ta'kidlash hal qiluvchi rol o'ynaydi. To'g'ri, ilmiy matnda fikrning mantiqiy oqimini izchil ifodalash muhim, shuning uchun supersintaktik birlik va abzas, asosan, mos keladi. Ammo ilmiy matnda ba'zi holatlarda tadqiqotchining fikrni bitta-bitta, "hijjalab", ta'kidlab ko'rsatish maqsadi bilan bir supersintaktik birlik bir necha abzatlarga bo'lingan holda ifoda qilinishi ham mumkinki, bu holat muallif fikrining anglanishini aslo qiyinlashtirmaydi, aksincha, yanada qulaylashtiradi, xolos". [1,82]

Muallif yana qo'shimcha tarzda abzasni matn birligi sifatida talqin etish maqsadga muvofiq emasligini, ammo yozma matnda abzas degan hodisa borligini, uni o'rganish lozimligini, abzasni yozma nutqdagi matn birligi sifatida emas, balki yozma matndagi o'ziga xos kompozitsion-stilistik usul tarzida tadqiq etish maqsadga muvofiqligini ta'kidlaydi. [1,86]

Turkologiyada mustaqil gaplarning semantik va grammatik jihatdan birikuvi natijasida hosil bo'luvchi murakkab sintaktik butunliklar haqidagi dastlabki fikrlarni tatar tilshunosi M.Z.Zakiyevning ilmiy asarlarida uchramiz. [7] Tilshunos olim bunday konstruksiyalarni "сложное синтаксическое целое" atamasi ostida tadqiq etar ekan, uni matnning eng yirik birligi sifatida emas, bog'liq nutqning ko'rinishi sifatida izohlaydi. Shuning uchun ham "CCI (SSB) abzasning bir qismi, yoki to'liq bir abzasdan, butun bir bob, ba'zan to'liq bir asar yoki notiqning butun bir nutqidan iborat bo'lishi mumkin" – degan xulosaga keladi. [7,237]

Bu haqda M.Abdupattoyev supersintaktik butunlik abzasning bir qismi bo'lishi mumkin, lekin butun bir bob, to'liq bir asar yoki notiqning to'liq bir nutqiga teng kelishi kuzatilmashligini ta'kidlaydi. [4,13]

Ozarbayjon tadqiqotchisi Abdullaev Kamol Mexti o'g'li o'z doktorlik dissertatsiyasida gapdan ham yirik, tuzilish jihatdan murakkab sintaktik butunliklar mavjudligini, ularni o'rganish muhim ekanligini ta'kidlab, matn, mikromatn, period, diskurs, SSB va abzasni sanab ko'rsatadi. Ammo dissertatsiyada ular orasidagi farq haqida hech narsa deyilmaydi. [8]

Losevaning fikriga ko'ra murakkab sintaktik butunliklarning asosan abzasdan boshlanishi 86 foizni tashkil qiladi. [3,67]

Mamajonov fikriga ko'ra murakkab sintaktik butunlikning yakuniy chegarasi "shunday ekan", "shularni hisobga olib" kabi yakunlovchi shakllar bilan boshlanadi. Bunda muallif yuqoridagi mikrotamaning izohlaridan so'ng bir umumiy xulosaga keladi. Ana shu kichik mavzu haqidagi fikrlarga o'z xususiy munosabatini oshkora bayon etadi. [12, 58]

"Agar murakkab sintaktik butunlik (CΦE)dagi fikriy markaz parchaning boshida joylashgan bo'lsa, unda navbatdagi gaplar yordamida tushuntirish boshlanadi, o'sha fikr isbotlanadi, shu bilan bir vaqtda so'zlarning aktivlashgan ma'nosi asosida qo'shimcha mazmuniy ottenska bilan boyitiladi", – deya fikr bildiradi Kuznetsova.

Murakkab sintaktik butunlikning yana bir xususiyati uning avtosemantikligi va sinsemantikligidir. Murakkab sintaktik butunlikning avtosemantiklik belgisi matnning umumiy temasiga aloqador boʻlmagan tarzda alohida mazmuniy strukturani tashkil qilishdir. Murakkab sintaktik butunlikning avtosemantikligi boshqa matn parchasiga tobe boʻlmagan ravishda mavjudligidir. [9,51]

Bu haqda I.V.Yermakova shunday deydi: Murakkab sintaktik butunlik (СФЕ)ning avtosemantikligi uning mazmuniy va struktur jihatdan yakunlanganligidir. Bunda Murakkab sintaktik butunlik semantik mazmun jihatidan atrofidagi ifodalarga aloqador boʻlmaydi. [10,30]

Murakkab sintaktik butunlikning sinsemantik belgisi esa uning tarkibidagi elementlarning matnning umumiy mavzusiga yoki oʻzidan avvalgi va keyingi murakkab sintaktik butunliklarga aloqadorlik maʼnosi mavjud boʻlishidir. Aynan mana shunday sinsemantik elementlar orqali Murakkab sintaktik butunliklar orasidagi bogʻlanish yuzaga chiqadi. Bunday sinsemantik elementlar koʻpincha jumalardan tashkil topadi.

Murakkab sintaktik butunliklar mazmunan toʻliq boʻladi, biroq unda sinsemantik elementlar mavjud boʻladi, ularda bayon qilingan fikr mazmunining matnning avvalgi qismiga aloqadorligi sezilib turadi deya taʼkidlaydi Mamajonov. Muallif yana quyidagi misolni keltiradi:

Misol uchun, “Yillar davomida biz “madaniyatsiz, “farosatsiz”edik, “savodsiz” bir bechora edik, degan tuhmat halqasini oʻzimiz oʻzimizning boʻynimizga taqib keldik. Ming yilliklar davomida yaratilgan ulugʻ siymolardan, dunyoga dongʻi ketgan obidalardan faxrlandik. Biroq bir on “savodsiz” va “madaniyatsiz” ekanligimizni unutmadik. Oʻzimizga oʻzimiz tuhmat qildik, oʻzimizni oʻzimiz yerga urdik. Bu ishda biz beshafqatlarcha ish tutdik. Abdulla Qodiriy oz asarlari bilan bu malomatlarga javob berib qoʻygan edi. Bu malomatlarni inkor qilgan edi.

Otabek bilan Yusufbek hoji oralaridagi munosabatga nazar tashlang. Faqat yuksak madaniyat va ziyo egalarigina bir-birlariga shu tarzda mayin va muloyim muomalada boʻlishi mumkin. Yusufbek hoji oʻzining otalik vazifasini suisteʼmol qilmaganidek, Otabek ota oldiga qoʻyish mumkin boʻlgan talablarini ham suisteʼmol qilmaydi”. (M.Qoʻshjonov. Qodiriy erksizlik qurboni”. 1992. 67-bet).

Muallif bu parcha ikkita murakkab sintaktik butunlikdan iboratligini aytadi, murakkab sintaktik butunlik matnning sintaktik-stilistik birligi sifatida mavjudligini izohlaydi.

Oʻzbek tilshunosligida matn sintaksisiga bagʻishlangan dastlabki tadqiqotlardan biri sifatida M.Toʻxsonovning nomzodlik dissertatsiyasini koʻrsatish mumkin. Tadqiqotchi mazkur ishda bir mavzu atrofiga uyushgan gaplar guruhiga nisbatan “mikrotekma” atamasini qoʻllaydi va bu atama ostida rus tilidagi “сверхфразовое единство”ni tushunish lozimligini qayd qilib oʻtadi. [11]

Bu fikrga qarshi Abdupattoyev quyidagi fikrni keltiradi: “... Ishda “сверхфразовое единство”(СФЕ) nomi ostida tushuniladigan hodisaga nisbatan “mikrotekst” atamasi ishlatiladi. Bizningcha, bu atama tadqiq etilayotgan sintaktik butunlik tabiatiga toʻla mos tushmaydi. Chunki bir maʼnoda mikrotekst deyilganda, matnning bir parchasi, kichik bir qismi tushuniladi. Matnning har qanday kichik bir parchasi yoki qismi esa supersintaktik butunlik boʻla olmaydi. Ikkinchi bir maʼnoda esa “mikrotekst” deyilganda, kichik matnlar –hech qanday makromatnlar tarkibiga kirmaydigan va unga boʻysunmaydigan mustaqil sintaktik konstruksiyalar (masalan: ariza, tilxat, eʼlon kabilar)ni ham tushunish mumkin. Supersintaktik butunliklar matn birligi sanalar ekan, demak u faqat matn tarkibida yashaydi. Matn tarkibida mavjud boʻlgan, lekin supersintaktik butunlik tarkibiga kirmaydigan, kommunikativ jihatdan kuchli boʻlgan “erkin gaplar” (A.Mamajonov)—“одиночные предложения” (N.D.Zarubina), “свободные предложения” (L.M.Loseva) ham uchraydiki, bunday gaplarning matn tarkibiga kirishi “mikrotekst” atamasining maʼnosini tushunishni ancha qiyinlashtiradi. Tadqiqotchi “mikrotekst” atamasi ostida ikki narsani: mikromatn hamda uning yirik birligi supersintaktik butunlikni izohlagan. [4,17]

Bizningcha, tadqiqotchi “mikrotekst” atamasi ostida abzasni izohlagan. Chunki matnning har qanday kichik birligi abzas bo‘lib kela oladi. Bundan tashqari makromatnlar tarkibiga kirmaydigan va unga bo‘ysunmaydigan mustaqil sintaktik konstruksiyalar (masalan: ariza, e‘lon, tilxat kabilar) ham abzas bo‘lib keladi, erkin gaplar ham abzasni shakllantiradi.

O‘zbek tilshunosligida matn birliklari masalasida tadqiqot olib borgan tilshunoslar bor, ammo ularning hech biri bu muammoni uzil-kesil hal qilib berolgan yo‘q. Biz bevosita matn tadqiqi bilan shug‘ullanar ekanmiz, yuqorida matnning asosiy birligi deb e‘tirof qilingan birliklar bir yoqlama o‘rganilganligi ayon bo‘ladi. Chunki matnning asosiy birligi deb hisoblanayotgan xoh supersintaktik butunlik bo‘lsin, xoh erkin gap turli uslublarda, turli matnlarda batafsil ta‘riflanmagan. Matnning asosiy birligi hisoblanadigan birlik matnning har qanday ko‘rinishida ishtirok etishi lozim.

Ozarbayjon tilshunosi Abdullayev K.M. tomonidan tuzilishi jihatdan murakkab sintaktik butunlik deb matn, mikromatn, period, diskurs, supersintaktik butunlik va abzas e‘tirof etilgan. Bugungi kungacha o‘zbek tilshunosligida matn tadqiqiga bag‘ishlangan tadqiqotlarning barchasida asosan supersintaktik butunlik, abzas va erkin gaplar haqida bahs yuritiladi. Ammo periodlar masalasi nazardan chetda qolib ketadi.

O‘zbek tilshunosligida periodlar bo‘yicha A.Mamajonov ilk bor tadqiqot olib borgan. [12] Grammatikada, lingvistik tasavvurda, period termini mazmunan va intonatsion tomondan tugallikka ega bo‘lgan katta bir sintaktik butunlikni, bir necha predikativ birliklardan tarkib topgan murakkab konstruksiyali qo‘shma gap tiplari yoki ularning ma‘lum bir gruppasini anglatadi. [13,321] Period termini ma‘lum bir grammatik tushunchaning ifodasi sifatida Aristotel tomonidan kiritilib, u “avval va oxiri o‘zida ma‘lum bo‘lgan nutq” mazmunini anglatish uchun qo‘llanilgan. [14,183]

Period sintaktik butunlik bo‘lishi bilan birga, intonatsion tugallilik xarakteriga ham ega. Shuning uchun ham A.Peshkovskiy uni “fonetik butunlik” –“фонетическое целое” deb ham atagan. Periodning ayrim tiplarida intonatsiya nutqning yuqori va past, tez va sekin talaffuz qilinishi bilan farqlanadi. Bu jihatdan periodlar tarkibidagi sodda gaplarning nechtaligidan qat‘iy nazar, ikki qismga ajraladi:

- a) ovoz ko‘tariladigan qismi;
- b) ovoz pasayadigan qismi.

Birinchi qismni tashkil etgan sodda yoki qo‘shma gaplar bir xil ohangda aytilib, ovoz ko‘tarila boradi, ikkinchi qismidagi gaplar esa oldingi qismdagiga nisbatan sekinroq, pasayuvchi intonatsiya bilan talaffuz etiladi. Period butunlay tugagach, intonatsiya tugallanadi. Intonatsiyaning shu xilda turli tusda bo‘lishi ergash gapli qo‘shma gaplar yoki bog‘langan hamda bog‘lovchisiz qo‘shma gaplar o‘rtasidagi pauza va ohangga o‘xshab ketadi. Natijada period qismlari turli xil mazmun munosabatlarini ifodalaydi, chunki period qo‘shma gaplarning bir necha turlarini o‘zida birlitirgan murakkab sintaktik konstruksiyalardan iboratdir. [12,11]

Periodlar asosan yozma nutq mahsulidir. Grammatik nuqtai nazardan periodlar bog‘lovchisiz, bog‘langan va ergash gapli qo‘shma gaplarning murakkablashgan tiplaridan yoki ularning takrorlanib, uyushib kelishidan hosil bo‘lgan murakkab sintaktik konstruksiyalardir.

Periodlarning badiiy adabiyotda ham o‘rni katta, chunki u yozma nutq mahsulidir. Og‘zaki nutqda period tipidagi gaplar juda kam qo‘llaniladi. Ba‘zan uchrab qolishi mumkin, ular ham maqollardan iborat bo‘ladi.

Period tipidagi murakkab konstruksiyalar intonatsiyasi, tarkibidagi qismlarning o‘zaro mazmun munosabati, bog‘lanish uslubi nuqtai nazaridan yaxlit bitta sintaktik butunlikni tashkil etadi. Ularda aniq va tugal fikr ifodalanadi. Periodlar 3,4,5 va hatto o‘ndan ortiq sodda gaplarning birikuvidan hosil bo‘lishi mumkin.

Referovskayaning fikricha, har qanday ko‘rinishdagi matn shakl jihatidan hamda semantik nuqtai- nazardan murakkab sintaktik butunlik, abzas, paragraph, bo‘lim va qismlarga bo‘linadi. [15,82]

Matn turlicha parchalardan tashkil topadi, o'z navbatida shunday parchalarga bo'linadi. Bunday parchalar ma'lum bog'lovchi vositalar yordamida o'zaro bog'lanadi. Ularning o'zaro birikishi va chegaralanishi o'sha parchaning mazmunidan kelib chiqadi.

Matn komponentlarining lingvistik xususiyatlarini yanada aniqroq belgilash maqsadida ularning o'zaro farqli va o'xshash tomonlarini chuqurroq o'rganish zarur. Agar biz matn birliklari bo'lgan abzas va murakkab sintaktik butunliklarni matn kompozitsion birligi sifatida shakliy tomoniga e'tibor bersak, abzas o'zining chegaralanishi bilan ko'zga yaqqol tashlanib turadi. Ammo bu birliklarni faqat formal tomonidan tekshirish, ularning farqli va umumiy tomonlarini ochish uchun yetarli emas deb hisoblaymiz. Shuning uchun bu komponentlarga xos semantik- sintaktik va kompozitsion- stilistik belgilar ularning o'zaro farqlanishi uchun asosiy nuqta bo'lib xizmat qiladi.

Ilmiy adabiyotlarda abzas va murakkab sintaktik butunliklar haqida turlicha nuqtai- nazarlar mavjud. Ba'zi tadqiqotchilar abzaslar bu murakkab sintaktik butunliklarning o'zi deb hisoblaydilar. Bunday munosabat nutqning umumiy stilistikasi masalalari bilan shug'ullanuvchi adabiyotshunoslarga tegishlidir deb ta'kidlanadi. [15,82] Ularning fikricha, matnning bu ikki birligi orasida hech qanday farq yo'q va ularni farqlashning keragi ham yo'q, degan g'oya ilgari surilgan.

Boshqa tadqiqotchilar esa matnga xos bo'lgan birliklarning mavjudligi, ular alohida- alohida hodisalar sifatida namoyon bo'lishi va ularni o'zaro keskin farqlash lozimligini qat'iy ta'kidlaydilar. Jumladan, T.I.Silman abzas va uning matn tarkibida tutgan roli to'g'risida fikr yuritar ekan, gaplarni birlashib, bir abzas tugab ikkinchi abzasning boshlanishida grammatik chegara yo'q, balki bir xat boshidan boshqasiga o'tishda fikr bir yo'nalishdan ikkinchi yo'nalishga ko'chib davom etadi, deydi .

Abzas bir tomondan, bu o'zida aniq mazmun birligini ifoda etuvchi matnning bir parchasidir, boshqa tomondan –semantik struktura jihatdan esa, abzas bir yoki bir necha gaplardan iborat bo'lishi mumkin.

Abzas yozma nutqning aniq chegaraga ega bo'lgan bir parchasi bo'lib, u murakkab sintaktik butunlik funksiyasini bajarishi mumkin . [13,27]

Abzas murakkab sintaktik butunlik funksiyasini bajarishi mumkin ekan, ana shu matn komponentlari orasidagi umumiy va farqli tomonlarini ko'rsatib o'tish zarurdir .

Ma'lumki, har bir matn ma'lum bir qismlardan iborat bo'ladi, ular o'zaro mazmunan va ayrim vositalar yordamida bog'lanadi. Tekstning har bir komponenti ma'lum miqdorda tugallangan mazmunni ifodalaydi. Agar kichik mavzu abzas uchun ham, murakkab sintaktik butunlik uchun ham xos bo'lsa, unda ularning farqli belgisi nimada?

Ba'zi tilshunoslar esa abzasni murakkab sintaktik butunlikka teng yoki bir qancha abzas bitta murakkab sintaktik butunlikni tashkil qilishi mumkin deb izohlaydilar. [16,13]

Boshqa tadqiqotchilar esa abzas bilan murakkab sintaktik butunlikni bir xil narsa deb qaraydilar. “Bizningcha, bu ikki hodisani bir xil narsa deyish umuman noto'g'ri. Chunki tildagi har bir hodisa o'zining hosil bo'lish qonuniyatlariga ko'ra har xildir” –deya fikr bildiradi M.Hakimov. [17]

Matnda abzas chegarasini aniqlash juda oson . Buning uchun mutaxassis bo'lishning hojati yo'q, biroq matnni abzaslarga ajratib yozish murakkab masaladir. Shu jihatdan qaraganda “bir mantiqiy fikr”, “bir mikrotema”, “bir fikriy yo'nalishdan ikkinchi fikriy yo'nalishga o'tish” matnni abzaslarga ajratishning asosi sifatida qaralishi lozim.

Matnda murakkab sintaktik butunlik chegarasini aniqlash esa abzasga nisbatan birmuncha murakkab. Uning birinchi belgisi unda doimo bir mikrotemaning mavjudligidir. Murakkab sintaktik butunlik abzas kabi aniq shakliy chegaraga ega emas. Murakkab sintaktik butunlikning birinchi jumlasini boshqa gaplarga nisbatan mustaqil bo'ladi va o'zida bir mikrotemani ifodalaydi. Murakkab sintaktik butunlik tarkibidagi qolgan gaplar esa ana shu dastlabki jumladagi fikrni izohlaydi, mazmunan to'ldiradi. Ana shu jumladan sinsemantik elementlar bosh gapga aloqadorlik ma'nosini ifodalaydi, o'zining konkret ma'nosiga bosh jumla – birinchi gap yordamida ega bo'ladi. Murakkab sintaktik butunlikning oxirgi chegarasi

yakuniy ohang yordamida aniqlanadi, ba'zan esa "shunday qilib", "shularni hisobga olib" shakllari orqali ham uning chegarasini aniqlash mumkin bo'ladi.

Abzas bilan murakkab sintaktik butunlikning farqli belgilari bilan birga o'xshash tomonlari ham mavjud. Bu haqda tilshunos olim Ye.A.Referovskaya shunday deydi: "Ikkalasi ham matnning yakuniy tematik parchasidir, ikkalasi ham asosiy tasvir liniyasini rivojlantirish uchun xizmat qiladi". [15,84]

Matnning bu birliklari bir mikrotemani to'liq qamrab olgandagina biri ikkinchisiga mos keladi va bir-biridan farq qilmagan aynan bir hodisa sifatida tadqiq qilinadi. Qolgan holatlarda abzas o'zida mikrotemani to'liq qamrab ololmasligi mumkin. Murakkab sintaktik butunlik esa doimo bir mikrotemani yoritadi, bu bilan matnda bir mikrotemaga xos yakuniy parcha bayon qilinadi, faqat shu o'rinda bir murakkab sintaktik butunlik o'ziga bir necha abzasni biriktirishi mumkin.

XULOSA

Abzas va supersintaktik butunlik bir-biri bog'liq va biri ikkinchisini to'ldirib turadigan jarayonlardir. Matnning abzaslarga ajratilishi undagi fikriy yo'nalishning o'zgartirilishi bilan amalga oshiriladi. So'zlovchi tomonidan ifoda etilgan fikrda aniq mantiqiy yo'nalish, ya'ni bir mavzu doirasida ortiqcha so'z yoki iboralardan xoli bo'lgan konkret bir mazmun o'z ifodasini topadi. Unda kitobxon hech ikkilanishsiz bir mavzu chegarasini ajrata oladi, shu fikrdan so'ng albatta, yangi grafik ko'rinishga asoslangan o'zgacha mazmunning boshlanishidan ham ogoh bo'ladi.

Abzasda garchi mantiqiy fikrlash birinchi planda tursada, ana shu mantiqiy fikr natijasi til birliklarining ma'lum grammatik qoidalari asosida o'z ifoda shakliga ega bo'ladi.

Matn birliklardan tashkil topadi. Bu birliklarga gap, period, abzas, supersintaktik butunliklarni misol qilishimiz mumkin. Bu birliklar umumiy va xususiy belgilarga ega. Ularning umumiy belgisi tugallangan fikr ifoda etishidir. Xususiy belgilari esa quyidagilar:

– Period boshlanayotganda yuqori ton ohang, tugallanayotganda quyi ton ohang bilan yakunlanadi. Period ritorik so'roq gap bilan tugaganda quyi ton ohang bilan boshlanib, yuqori ton ohang bilan yakunlanadi. Periodlar asosan yozma nutq mahsuli, og'zaki nutqda ba'zan maqollar vositasida ifodalanishi mumkin;

– Abzasning period va SSBlardan farqli xususiyati o'zida birgina so'z, so'z birikmasi, gap yoki ikki va undan ortiq SSB, periodlarni ham o'zida mujassamlashtira oladi.

АҚШ армиясининг "Ranger handbook III 21-76" қўлланмаси ва унинг таржимаси мисолида ҳарбий атамаларни таржима қилиш усуллари.

Термин / терминологик бирикмаси	Ўзбек тилига таржима	таржима қилиш усули
army artillery	жанг майдони	лексик ва семантик алмаштириш (аниқлаштириш)
battlefield	дала артиллерияси	калкиллаштириш
zeroing	кўриш (қуролни оддий жангга олиб келиш)	лексик-семантик алмаштириш (модуляция)
dipole	дипол (антенна тури)	Транскриция
	автоматик аниқлаш режимида	Изоҳлаш

auto-ranging telescope	телескопик кўриш диапазонлари	(тавсифловчи таржима)
frequency-shift keying	созлаш орқали модуляция частотаси	грамматик алмаштириш
spot report	мавжуд вазият ҳақида шошилинич ҳисобот	изоҳлаш (тавсифловчи таржима)
chief master sergeant	бош уста сержант	транслитерация + таржима
servomechanism	Сервомеханизм	Транскрипция
army artillery	дала артиллерияси	лексик-семантик

2-жадвал

АҚШ армиясининг "Ranger handbook III 21-76" қўлланмаси ва унинг таржимаси мисолида ҳарбий қисқартиришларни таржима қилиш усуллари.

Бошланғич қисқартмалар			
Қисқартириш	Шифрни очиш	Ўзбек тилига таржима	Таржима қилиш усули
AA	avenue(s) of approach	ёндашув усуллари	калкиллаштириш
AAR	after-action review	вазифа натижаларини таҳлил қилиш	лексик-грамматик алмаштириш (тушунтириш, модуляция)
AARTY	Army artillery	дала артиллерияси	лексик алмаштириш (модуляция)
AATF	air assault task force	ҳаво ҳужуми тактик гуруҳ	калкиллаштириш
ABF	attack by fire	О`т очиш	лексик алмаштириш (аниқлик)
ACE	ammunition, casualties, and equipment report	ҳарбий ҳаракатларнинг натижалари тўғрисида ҳисобот (истеъмол ва қолдик ўқ-дорилар, ўлдирилганлар ва ярадорлар сони, мавжудлиги) зарур ускуналар)	лексик-грамматик алмаштириш (изоҳлаш)

Ушбу тадқиқотнинг амалий қисмида биз ушбу атаманинг тузилиши таржима стратегиясини, яъни таржимани қабул қилишни белгилайдиганлигини аниқладик. Оддий ва мураккаб (кўп компонентли) атамаларни таржима қилишда энг кенг тарқалган усуллар лексик ва семантик алмаштиришлар (модуляция, умумлаштириш, конкретизация), изоҳли ва тавсифли таржима.

Тасвирий таржимадан фойдаланиш нафақат тил бирликларининг турлича лексик ва синтактик мувофиқлиги, балки икки мамлакатнинг ҳарбий тузилишидаги фарқлар ва натижада ўзбек тилида маълум тушунчаларнинг йўқлиги билан изоҳланади. Қисқартириш ва қисқартиришларни таржима қилишнинг энг кенг тарқалган усуллари бу кузатув (тўлиқ шаклнинг таржимаси) ва модуляция (1 ва 2-жадвалларга қаранг).

Хулоса. Хулоса қилиб айтганда таржима қилаётганда маълумотнинг тузилишини, кетма-кетлигини ва жойлашишини диққат билан кўриб чиқиш лозимдир. Бу кимгадир расмий ва кераксиз нарсаларга ўхшаши мумкин. Бирок, буларнинг барчаси ваколатли офицер учун катта аҳамиятга эга. Жанг ҳужжатлари, кичик бўлимлар, параграфлар тартиби ва уларни белгилаш тури (код мавжудми ёки йўқми), вақтни узатиш аниқлиги, саналар, қисмларнинг рақам белгилари - буларнинг барчаси таржима қилинган шаклда аниқ етказиш учун жуда

муҳимдир. Шу ўринда бир қизиқарли далилга тўхталиб ўтсак, Андрей Чупригин шундай дейди: - Барча касбларнинг сирлари бор. Ҳарбий таржимонларнинг ҳам. Биз ҳар доим ўнлаб маҳаллий ҳазилларга дуч келамиз ёки уларни биламиз. Албатта, улар расмий конференцияларда ва бошқа жойларда айтилмайди. Ҳазиллар маслаҳатчилар, мутахассислар билан мулоқотда вазиятни бузиш учун жуда яхши. Ҳазил - бу маданий воқеликни акс эттирадиган кучли қурол. Агар бизнинг ҳазилларимизнинг 90 фоизи сўзма-сўз таржима қилинган бўлса, ажнабий ҳеч нарсани тушунмайди, шунчаки елкаларини қисиб қўяди. Тажрибали таржимон, қоида тариқасида, кўплаб маҳаллий ҳазилларни, кулгили ҳикояларни захирада қолдиради. Бу ҳолда таржимоннинг маҳорати - суҳбатдошнинг исталган ҳолатига (реакциясига) эришган ҳолда, тезда бундай воқеани танлаш ва сўзлаб беришдан иборат бўлади."

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- 1.Бахтин, М. Нутқ жанрлари муаммоси/ М. Бахтин // Оғзаки ижоднинг эстетикаси. - М.: Санъат, 1986 йил. 254 бет.
- 2.Галперин И. Инглиз тилининг стилистикасига оид иншолар /- М.: Нашриёт 1988 йил. 432 бет.
- 3.Гореликова С. Терминнинг табиати ва инглиз тилида атама шаклланишининг баъзи хусусиятлари / ОСУ хабарномаси. - 2002. 129-130 бетлар.
- 4.Зарбаилова А.В. Терминологические проблемы перевода текстов военной тематики. Вестник ВолГУ. Серия 9. Вып. 13. 2015. 113 бет.
- 5.Нелюбин Л. Ҳарбий таржима дарслиги. Инглизча. - М.: Ҳарбий нашриёт, 1981. 128 бет.
- 6.Новикова Т.Б. Таржимоннинг оғзаки онглилиги/(Тилшунослик ва таржимологияга оид саволлар): мақолалар тўплами. Санъат. - 6-сон. - Волгоград: ВолГУ нашриёти, 2013. - 20-28-бетлар.
- 7.Новикова Т.Б. Таржимоннинг касбий ваколатлари / Замонавий тилшуносликнинг коммуникатив жиҳатлари ва лингводидактика: интернат материаллари. илмий. сонф - Волгоград: ВолГУ нашриёти, 2012. 92–94 бетлар.
- 8.Скребнев Ю. М. Инглиз тили стилистикасининг асослари/- М.: Астрел, 2000 йил. 118 бет.
- 9.Стрелковский Г. М. Илмий-техник таржима/-М.: Таълим, 1980. 50-51 бетлар.
- 10.Стрелковский Г. М. Ҳарбий таржима назарияси ва амалиёти: немис / - М.: Ҳарбий нашриёт, 1979. 83 бет.
- 11.Шевчук В.Н. Статистика ва динамикадаги ҳарбий терминологик тизим / - М., 1985 йил.126-128 бетлар.
- 12.Жесперсен О. А. Тарихий принциплар бўйича замонавий инглиз тили грамматикаси / Морфология. - 1946. - № 6. 550–551 бетлар.
- 13.Рэнжер қўлланмаси Ш 21-76 // дала штаби бўйича қўлланма; Деп. армия. - Вашингтон, Колумбия округи, 2006. 327 бет.
- 14.№ 6. - 4. Знаменская Т. Инглиз тилининг стилистикаси. Курс асослари / - М., 2005 йил. 43-44 бетлар.

**СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ
МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА
INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART**

Quvvatova Dilrabo Habibovna

Buxoro davlat universiteti,
O`zbek adabiyoti kafedrası professori, f.f.d.
e-mail: dilrabo68@mail.ru

Kamolov Ixtiyor Nigmatullayevich

Buxoro davlat tibbiyot instituti akademik litseyi,
Ijtimoiy fanlar kafedrası o`qıtuvchisi, ilmiy izlanuvchi.
e-mail: kamalovixtiyor@gmail.com

**G`ARB ADABIYOTIDA BOBUR OBRAZI TALQINIDA
BIOGRAFIK YONDASHUV**



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-1-27>

ANNOTATSIYA

Shoh va shoir Z.M.Bobur jahon tamadduniga hissa qo`shgan ulug` siymolar qatorida turadi. Shu bois bu tarixiy shaxs haqida dunyo miqyosida u yashagan davrdan hozirga qadar qator tarixiy va badiiy asarlar yaratildi va yaratilmoqda. Bu tarixiy va badiiy manbalarda ulug` mutafakkir haqidagi muhim haqiqatlar, uning nihoyatda murakkab, biroq mazmunli hayoti o`z ifodasini topgan. Mazkur manbalarni muqoyasaviy o`rganish bugungi adabiyotshunoslik va tarixshunoslik ilmi oldidagi dolzarb vazifalardan biridir. Shu nuqtai nazardan ushbu maqolada avstriyalik yozuvchi Fris Vyurtlening “Andijon shahzodasi” qissasi hamda amerikalik sharqshunos Harold Lambning “Bobur – yo`lbars” biografik romanida yaratilgan Bobur obrazi Z. M. Boburning “Boburnoma” memuar va Muhammad Haydar Mirzoning “Tarixi Rashidiy” tarixiy asarlari bilan qiyosan tekshirilgan. Bunda adabiyotshunoslikdagi biografik metod asos qilib olingan.

Kalit so`zlar: biografik yondashuv, tarixiy shaxs, tarixiy asar, badiiy asar, obraz, tarixiy haqiqat, badiiy to`qima, “Boburnoma”, “Tarixi Rashidiy”.

Кувватова Дилрабо Хабибовна

Доктор филологических наук, профессор
Бухарский Государственный Университет.
e-mail: dilrabo68@mail.ru

Камолов Ихтиёр Нигматуллаевич

Научный сотрудник, академический лицей
Бухарского Государственного Медицинского Института.
e-mail: kamalovixtiyor@gmail.com

**БИОГРАФИЧЕСКИЙ ПОДХОД К ЛИЧНОСТИ БАБУРА В ЗАПАДНОМ
ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИИ**

АННОТАЦИЯ

Поэт и правитель З. М. Бабур относится к ряду великих фигур, внесших ценный вклад в мировую цивилизацию. По этой причине об этой исторической личности до сих пор

создаются художественные и исторические произведения мирового масштаба. В этих исторических и художественных источниках описывается тяжелая, но весьма благотворная жизнь великого мыслителя. В статье дан сопоставительный анализ повести австрийского писателя Фриса Вюртле "Принц Андижана" и роман американского востоковеда Гаролда Ламба «Бабур – тигр» с такими историческими источниками как мемуары «Бабурнаме» Бабур и «История Рашиди» Мирзо Мухаммад Хайдара с точки зрения биографического подхода.

Ключевые слова: биографический подход, историческая личность, историческое произведение, художественное произведение, образ, историческая правда, художественный вымысел, "Бобурнаме", "Тарихи Рашиди"

Quvvatova Dilrabo Khabibovna

Doctor of Science in Philology,

Bukhara State University.

e-mail: dilrabo68@mail.ru

Kamolov Ikhtiyor Nigmatullayevich

Scientific researcher, Academic lyceum

At Bukhara State Medical Institute

e-mail: kamalovixtiyor@gmail.com

BIOGRAPHICAL APPROACH TO THE PERSONALITY OF BABUR IN WESTERN LITERARY STUDIES

ANNOTATION

Poet and ruler ZM Babur belongs to a number of great figures who made a valuable contribution to world civilization. For this reason, literary and historical works of a world scale are still created about this historical person. These historical and artistic sources describe the difficult but very meaningful life of the great thinker. The article provides a comparative analysis of the novel "The Prince of Andijan" by the Austrian writer Fric Woertle and the novel "Babur the Tiger" by the American orientalist Harold Lamb with such historical sources as the memoirs "Baburname" by Babur and "Tarikhi Rashidiy" by Mirzo Mukhammad Khaidar from the point of view of a biographical approach.

Key words: biographical approach, historical character, historical work, literary work, image, historical truth, fiction, "Boburname", "Tarihi Rashidi".

Kirish. O`zbek davlatchiligi tarixi, mumtoz adabiyotimizning bosib o`tgan yo`li, buyuk mutaffakkir-u allomalarimiz qoldirgan bebaho ma`naviy xazina nafaqat mamlakatimiz, qolaversa, dunyoning turli hududlarida tadqiqot olib borayotgan tarixchi, adabiyotshunos olimlarni o`ziga jalb qilib kelmoqda. Xususan, buyuk davlat arbobi, ulkan imperiya va sulola asoschisi, shoh va shoir Zahiriddin Muhammad Boburning hayoti va ijodi bo`yicha nafaqat yurtimiz yoki Bobur saltanat tuzgan hududlarda, balki Yevropa va Amerikaning ilmiy-tadqiqot markazlaridan ham mutaxassislar tomonidan o`rganib kelinmoqda. Shoh va shoir haqida ko`plab tarixiy va badiiy asarlar bitilgan va hozirda ham yaratilyapti. Markaziy Osiyo davlatlari, Eron, Hindiston, Yaponiya, Rossiya, AQSh, Germaniya, Buyuk Britaniya, Fransiya va boshqa juda ko`p mamlakatlarda "Boburnoma" memuari dunyo tillariga tarjima qilindi, kitobxonlarda buyuk bobokalonimiz she`riyatidan xorijiy tillarda ham tanishish imkoniyati paydo bo`ldi. Zahiriddin Muhammad to`g`risida ma`lumot beruvchi tarixiy manbalar asosida ilmiy ekspeditsiyalar tashkil etib kelinmoqda. Aslida bunday ilmiy izlanishlar Sharq mamlakatlarida ancha oldin, G`arbda esa o`tgan asrning birinchi yarmida boshlangan edi. Bu tadqiqotchilarning darg`alari – boburshunoslik ilmining nemis tilidagi maktabini boshlab bergan avstriyalik sharqshunos olim va yozuvchi Fris Vyurtle bo`lsa, olis Amerikada bu yo`nalishda ilk ilmiy izlanishlar Harold Lambga tegishlidir.

Asosiy qism. Fris Vyurtle (Woertle Fric) – Avstriyada yashab, ijod qilgan nemis olimi va yozuvchisi boʻlib, u haqida bizgacha juda kam maʼlumot yetib kegan. Asosan, XX asrning birinchi yarmida ijod qilgan ushbu ijodkordan bizgacha nemis tilida “BABUR, DER TIGER” (“Bobur – yoʻlbars”) asari yetib kelgan. Ushbu sarguzasht-qissa 1947-yilda Avstriya poytaxti Vena shahridagi “S. Jsrgl & Co” nashriyotida chop etilgan. Kitob istiqloq yillarida “Bobur” Xalqaro fondining saʼy-harakatlari bilan topilib, nemis tilidan olima va tarjimon Yanglish Egamova tomonidan oʻgʻirilgan va oʻzbek tiliga “Andijon shahzodasi” nomi bilan (2011) nashr etilgan.

Qissani oʻqib chiqish jarayonida shunga amin boʻlish mumkinki, muallif oʻz asarini boshlashdan oldin Zahiriddin Muhammad Boburning hayot yoʻli hamda “Boburnoma” asarini qunt bilan oʻrganib chiqqan, u yashagan davr, ijtimoiy-geografik muhit va Movarounnahrning iqtisodiy-siyosiy holati toʻgʻrisida muhim maʼlumotlarga ega boʻlgan. Xususan, muallif qissaning kirish qismida quyidagi maʼlumotlarni keltiradi: “Ushbu asarning qahramoni XVI asrda yashagan va hukmronlik qilgan yosh Zahiriddin Muhammad Boburdir. U 11 yoshida Fargʻona hukmdori boʻldi. Hindistonda uzoq hukmronlik qilgan sulolaga u asos solgan. Bobur oʻz boshidan kechirgan voqeahodisalar haqida oʻz ona tili, turkiy-chigʻatoyda bir kitob yozgan. Kitob “Boburnoma” deb ataladi hamda qoʻlingizdagi qissa ushbu asar asosida yaratilgan” [1, 5].

Fris Vyurtlening Bobur haqidagi sarguzasht qissasi Gʻarbda ushbu mavzuda yozilgan boshqa asarlardan tubdan farq qiladi. Asar, qissa imkoniyatlaridan kelib chiqib, Boburning butun hayot-ijod yoʻlini emas, balki faqat endi taxtga chiqqanidan boshlab, dastlabki hukmronlik (1494– 1496) yillarini qamrab olgan. Qolaversa, kitob barcha yoshdagi kitobxonlar uchun, ayrim tadqiqotchilar taʼkidlaganidek asosan “F.Vyurtle oʻz asarini bolalarbop, yaʼni bolalar adabiyotiga xos tarzda yaratgan” [2]. Qissada navqiron yoshdagi Bobur siymosi badiiy badiiy gavdalantirilgan. Muallif oʻrta asrlar Sharq hukmdoriga biroz Yevropa ritzarlariga xos xarakterni beradi. Jumladan, qissani oʻqish jarayonida yosh Bobur oʻzidan katta-kichikka, ustozlariga ham “sen” deb murojaat qiladigan, dagʻal, qoʻpol; nutqida gʻarbcha betakalluf soʻzlarni tez-tez qoʻllovchi qoʻrs inson sifatida tavsiflangan. Shu bilan birga yozuvchi yosh Zahiriddinni ilmga qiziqishi past, biroz oʻyinqaroq, fors tilini qiynalib oʻqiydigan; ustoz Mirzo Ullohning xipchinlaridan qoʻrqqani boisidan majburan taʼlim olayotgan, yoshi ulugʻ ustoziga “Baqaloq laʼl” deb laqab qoʻygan [3, 12] tolib sifatida tasvirlaydi. Albatta, bularning barchasi, F.Vyurtlening nuqtai nazaridir. Buni badiiy toʻqima mahsuli deb ham baholash mumkin. Biroq adabiyotshunoslik ilmida badiiy toʻqima asosida tarixiy haqiqat yotishi muhim tamoyildir.

Yozuvchi “Andijon shahzodasi” qissasida Zahiriddin Muhammad Bobur biografiyasiga oid maʼlumotlarni singdirishga harakat qilgan. Muallif asarning kirish qismida yosh hukmdor taxtga 11 yoshida oʻtirganini yozadi. “Boburnoma” muqaddimasida muallifning oʻzi “Fargʻona viloyatida oʻn ikki yoshta podshoh boʻldum” [4, 5] deb yozadi. Ushbu jumla shoh va shoir haqida Sharq-u Gʻarbda barcha davrlarda yozilgan tarixiy va badiiy adabiyotlarning boshlanmasi uchun asos boʻlgan. Ammo “11 yoshda” deb Fris Vyurtle xatoga yoʻl qoʻymagan, balki shunchaki Boburning tugʻilgan va taxtga oʻtirgan yillarni matematik usulda ayirib (1494-1483=11), shunday xulosaga kelgan. Yana bir oʻrinda yosh Bobur taxtga oʻtirgan paytda aslida navqiron yoshda boʻlgan Qosimbek asarda yoshi ancha joyga borib qolgan, koʻzlari ojiz bek sifatida tasvirlanadi.

Asardagi alohida diqqatga sazovor yana bir jihat – Boburning otasi Umarshayx Mirzoning oʻlimidir. Bugungi kun tarixshunosligida, “Boburnoma” va shu mavzudagi barcha badiiy adabiyotlarda ham bu oʻlim tasodifiy, baxtsiz hodisa sifatida taqin qilinadi. Xususan, XVI asr muarrix Mirzo Muhammad Haydar oʻzining oʻta qimmatli “Tarixi Rashidiy” asarida bu holatga “Umarshayx Mirzo kabutarxonadin kabutar birla uchub, shunqor boʻldi” [5, 250] – deb yozadi. Aslida tarixiy haqiqatga aylanib ugurgan ushbu fakt Fris Vyurtlening qissasida atayin uyushtirilgan qotillik sifatida baho beriladi. Muallif asarning “Oq kabutar” bobida “...bit sotqin iblis podshoni yovuzlarcha oʻldirgan” [3, 45] deb badiiy talqin qiladi.

Tarixdan maʼlumki, shoh va shoir tugʻilgandayoq unga unga shayx Xoʻja Ubaydulloh Ahror tomonidan bobosi Yunusxon ishtirokida “Zahiriddin Muhammad Bobur” ismi berilgan. Bu maʼlumot, XV-XVI asrda Sharqda yaratilgan barcha tarixiy va badiiy kitoblarda, qolaversa, amerikalik sharqshunos va yozuvchi Harold Lambning “Bobur – yoʻlbars” asarida ham taʼkidlab

o`tilgan [6, 17]. F. Vyurtlening qissasida tasvirlanishicha, Bobur tug`ilganida unga faqat “Zahiriddin Muhammad” ismi berilgan. 15 yoshdan o`tganda, Axxi qal`asini sotqinlardan qaytarib olganida hukmdorga askarlari tomonidan “Bobur – yo`lbars” ismi berilgan.

Bobur Mirzoning hayot yo`li tinimsiz kurashlar, xiyonat, topish va yo`qotishlar bilan o`tgan. 12 yoshidanoq mamlakat boshqaruvi zimmasiga tushgan yosh hukmdorga dastlab qarindoshlari, ishongan beklari pand beradi, keyinchalik 1497-yildan boshlab esa Movarounnahrda hokimiyat uchun Shayboniyxon bilan kurash olib borishga majbur bo`ladi. Ammo “Andijon shahzodasi” asarida Bobur taxtga o`tirgan ilk kunlardanoq Shayboniyxondan do`q-po`pisaga to`la maktub olib, Dashti Qipchoqliklarga qarshi kurashga juda erta kirishadi.

“Andijon shahzodasi” asarining so`nggi boblarida Bobur o`zining azaliy dushmani Shayboniyxonni urushda yengib, asirga oladi, Bobur uni o`ldirmaydi, balki shart qo`yadi: yo mag`lubiyatni tan olib, unga bo`lgan dushmanlik munosabatidan voz kechadi, yoki jallodning qo`liga tushadi. Shayboniyxon Boburning bunday tanti va saxovatpesha ekanligini ko`rib, unga tan beradi. Gina-kuduratlar unutilib, hatto bu ikki sobiq dushman Farg`onada Umarshayx Mirzo uchun qurilayotgan maqbaraning qurilishini boshlab berishadi. “Bobur birinchi toshni, Shayboniyxon ikkinchi toshni olib keldi. Shundan so`ng kishanlardan, bo`shatilgan asir jangchilar tosh tashishga kelishdi” [3, 156]. Tarixiy haqiqatga to`g`ri kelmaydigan ushbu xulosadan yozuvchining maqsadi – aslida kitobxonga har qanday vaziyatda ham kechirimli va saxiy bo`lishni, urush muammoning yechimi emasligini uqtirishdir.

Umuman olganda, “Andijon shahzodasi” qissasi Sharq tamadduniga katta hissa qo`shgan Boburning dunyo tarixida ham munosib o`rin egallaganligini ko`rsatib turadi. Binobarin, olis Avstriyada yashab ijod qilgan nemis yozuvchisi Fris Vyurtlening mazkur mavzuga qo`l urishini shu jihatdan alohida ta`kidlash mumkin. Adib asarda ayrim tarixiy haqiqatlardan chekingan bo`lsa ham, buyuk ajdodimiz Zahiriddin Muhammad Bobur shaxsiyatini ulug`laydi, uning hayot yo`lini g`arblilik kitobxonlarga o`rnak qilib ko`rsatadi.

Sharq tarixi va madaniyati, buyuk ajdodimiz Zahiriddin Muhammad Boburning hayoti va ijodiga yuksak mehr qo`ygan yana bir tadqiqotchi, boburshunoslik ilmining Amerika maktabini boshlab bergan sharqshunos olim va yozuvchi Harold Lambdir.

Harold Albert Lamb (1892—1962-yillarda yashab o`tgan) AQShning mashhur Kolumbiya universitetida tahsil olish davomida Markaziy Osiyo, Xitoy va Hindiston tarixi bilan qattiq qiziqib qoladi [7, 784].

Ilmiy faoliyati davomida Lamb Chingizxon, Sohibqiron Amir Temur, Sulton Sulaymon va boshqa Sharq hukmdorlari haqida 20 dan ortiq tarixiy biografiyalar yaratdi. Ana shu ilmiy asarlar orasida “Bobur – yo`lbars” biografiyasi muallif ijodida alohida o`rin tutadi.

“Bobur – yo`lbars” (“Babur the Tiger: First of the Great Moguls”) asari muallifning so`nggi asari bo`lib, Harold Lamb vafot etgan 1962-yilda nashr etilgan. Asar Bobur haqida Amerika va umuman, G`arbda qilingan tadqiqotlar orasida alohida o`rin tutadi. Biografiyani boshlashdan oldin sharqshunos olim juda ko`p izlanishlar olib boradi, o`sha davr va jamiyat to`g`risida ma`lumot beruvchi ko`plab manbalarni qiyosiy o`rganadi, ulardan to`g`ri xulosalar chiqara oladi. O`zi uchun asosiy manba sifatida “Boburnoma” memuar asarini tanlagan muallif uning bizgacha yetib kelmagan qismlarini qayta tiklash va Bobur hayotini to`laqonli o`rganish yo`lida katta ilmiy izlanishlarni olib bordi. Kerakli materiallarni yig`ish maqsadida Moskva, Tehron kabi shaharlarda bo`lib, izlanishlarini davom ettirdi.

“Bobur – yo`lbars” asari orqali Lamb Movarounnahr, Xuroson va Hindistonda taxt uchun keskin kurash olib borish bilan bir qatorda, ijodiy faoliyatni bir zumga ham to`xtatmagan shoh va shoir hayot yo`li haqida bizga hikoya qiladi. Asar asosan tarixiy mazmunda bo`lib, muallif ba`zi o`rinlarda badiiy talqinga, o`z shaxsiy fikrlari orqali qiyosiy tahlilga ham murojaat qiladi. Shu boisdan ham asarning ayrim qismlarida biz uchun bahsli ko`rinadigan fikrlarga sababchi bo`ladi. Xususan, asarning kirish qismida Harold Lamb Boburning tug`ilishi haqida so`z yuritar ekan, uning ota tomondan ilm-ma`rifatli temuriylar xonadoniga, ona tomondan esa ko`chmanchi hayot kechiruvchi, nisbatan qoloq mo`g`ullar xonadoniga mansub Yunusxonning nabirasi ekanligini ta`kidlaydi. Shu o`rinda Bobur tug`ilgach, unga ism qo`yish ulug` shayx Xo`ja Ahror Valiyya

topshirilganini, shayx chaqaloqqa “Zahiriddin Muhammad” deb ism berganini ta’kidlaydi. “Bobur” ismini esa H.Lambning talqinicha, biroz yovvoyi va savodsiz boʻlgan Yunusxon “Zahiriddin Muhammad” ismini talaffuz qilolmagani uchun qoʻshgan [6, 10]

Aslida yuqoridagi masala boʻyicha Harold Lamb biroz yanglish fikrga boradi. Sababi – Yunusxon moʻgʻul xonlari orasida eng maʼrifatli hukmdorlardan edi. Bu fikrimizni XVI asr tarixchisi, Yunusxonning nabirasi, Boburning xolavachchasi muarrix Muhammad Haydar Mirzo(1499–1551-yillarda yashagan) oʻzining “Tarixi Rashidiy” asarida bobosiga bergan quyidagi taʼrif isbotlaydi: “U tabarruk zot bir qancha fazilatlar bilan bezangan edi: “Qurʼon”ni qiroat qilgan va koʻchirgan, shoirlik iqtidoriga ega, xushshabat, xushtabiat kishi boʻlgan, ilmi muammodan xabardor, xushxat, musavvir ham boʻlgan, shuningdek, faqat nozik tabiatli kishilargagina xos qobiliyat egasi ham boʻlib, chunonchi, musiqiy asboblarni chalish va ashula aytishda ham mumtoz boʻlgan” [5, 230]

Asarning yana bir oʻrnida Harold Lamb 6 asrdan beri bahsga sabab boʻlgan mavzuni koʻtaradi. Yaʼni Bobur Samarqandni 2-marta egallab, ammo biroz muddatdan soʻng

Shayboniyxonga yengilib, Amir Temur poytaxtini tashlab ketishga majbur boʻladi. Shayboniyxon bilan sulh tuzilgandan soʻng, Bobur shaharni tark etadi, biroq uning tugʻishgan opasi Xonzoda Begim dushman qoʻlida qolib ketadi. Bir guruh Gʻarb tarixchilari, hatto Boburning xolavachchasi, uning qoʻlida ancha yil hurmat-eʼtibor topgan tarixchi Muhammad Haydar Mirzo ham “Bobur oʻz opasini oʻzining hayoti evaziga Shayboniyxon huzurida qoldirib ketgan”ligiga ishora qiladi [5, 305]

Ammo Bobur oʻz “Boburnoma”sida opasi kutilmaganda “Shayboqxonning qoʻliga tushdi” deb taʼkidlaydi. [4, 97]. Boburning yuqoridagi fikrini Harold Lamb ham tasdiqlaydi. U asarida “Ukasiga hamisha sadoqat bilan xizmat qilgan Xonzoda Begim oʻz ixtiyori bilan Shayboniyxon huzurida qolganday tuyuladi” [6, 69]

deb yozib, Bobur oʻz opasini dushmanga topshirib, oʻz hayotini saqlab qoladigan inson ekanligiga ishonmaydi. Ammo shu oʻrinda kichik bir xatolikka ham yoʻl qoʻyadi. Yaʼni Lamb yengilgan Bobur Samarqandni “shaharga suv kiradigan tarnov orqali yarim tunda onasini yetaklaganicha chiqib ketdi” [6, 70] deb mubolagʻa fikrni keltirib oʻtadi. Aslida Bobur Shayxzoda darvozasi orqali [4, 97] mahramlari bilan shaharni tark etadi.

Zahiriddin Muhammad Bobur hayot yoʻliga oid yana bir nozik masala – uning Samarqandni qoʻlga kiritish uchun 3-urinishida Eron shohi Ismoil Safaviy bilan tuzgan kelishuvidir. Bugungi kunda nafaqat xorij tarixshunosligi, balki oʻsha davr muarrixlari: Xondamir, Muhammad Haydar Mirzo kabi tarixchilar yakdil fikrga kelolmagan ushbu muammo yuzasidan Harold Lamb yana Boburning pozitsiyasini himoya qiladi. Haydar Mirzo aytganidek “zarurat yuzasidangina” [5, 363] ushbu kelishuv keyinchalik Boburning butun umrga oʻz yurtini tark etganligiga sabab boʻlganiga kitobxonni ishonitirishga urinadi.

“Bobur – yoʻlbars” asarining barcha qismlarida Harold Lamb har bir fikrini tasdiqlash maqsadida “Boburnoma”dan, Mirzo Haydar, Xondamir, Gulbadanbegim kabi oʻsha davr tarixchilarining asarlaridan asoslar keltiradi. Boburning har bir siyosatini, har bir islohotini tahlil qilishga harakat qiladi. Kitobni oʻqir ekansiz, Lambning Zahiriddin Muhamma Boburga boʻlgan ulkan hurmati va muhabbatini sezishingiz aniq. Mualli uni ham kuchli jangchi, ham iqtidorli lashkarboshi, ham ulkan imperiya tuzgan shahanshoh, ham tarixchi, shoir, musiqashunos, tarjimon, xullas, qomusiy olim, komil inson sifatida tasvirlaydi. Shu bilan birga Bobur ham barcha singari oddiy inson, solih farzand, mehribon qarindosh, gʻamxoʻr ota sifatida insoniy fazilatlariga tasannolar aytadi.

Harold Albert Lamb “Bobur – yoʻlbars” asarining soʻngsoʻzida taʼkidlaganidek: “Uning qoʻl ostidagi oʻlkalar endi oʻtmishga emas, balki kelajakka umid bilan koʻz tikadigan boʻldi. Mahalliy anʼana va udumlar, iqtisodiyot, ishlab chiqarish usullari va munosabatlari saqlanib qolindi. Keyinchalik inglizlar Hindistonni bosib oldilar. Lekin ular Boburchalik katta muvaffaqiyatlarga erisha olmadilar” [6, 289].

Ushbu oʻlmas asari bilan Harold Lamb Amerika sharqshunosligi uchun Bobur va boburiylar mavzusini muhim pogʻonaga olib chiqdi hamda keyingi koʻplab ilmiy tadqiqotlar uchun turtki berdi.

Xulosa. Demak, Yevropa olimlaridan Zahiriddin Muhammad Bobur shaxsiga va ijodiga birinchilardan bo‘lib murojaat qilgan yozuvchi sifatida avstriyalik Fris Vyurtleni e’tirof etsak, bu ishni Amerikada sharqshunos olim Harold Lamb amalga oshirgan. Har 2 ijodkorning asarlarini qiyosiy o‘rganish asosida quyidagi xulosalarni keltirib o‘tishimiz mumkin:

1. Fris Vyurtle ham, Harold Lamb ham o‘z asarini "Bobur – yo'lbars" deb nomlagan. Demak, bu ikkala muallif Zahiriddin Muhammad Boburni, birinchi navbatda, jasur sarkarda, qo‘rqmas jangchi sifatida gavalantirishni maqsad qilib olishgan.

2. F.Vyurtle o‘z qissasini nemis tilida, H.Lamb esa ingliz tilida yozgan.

3. Har ikkala muallif o'z kitoblarining kirish qismida asarlarining yozilishi uchun "Boburnoma" memuari asos qilib olinganini alohida ta'kidlab o'tishgan.

4. V.Fyurtle qissasida Boburning endi taxtga o‘tirgan yillarigina aks etgan bo'lsa, H. Lamb asarida esa Zahiriddin Muhammad Boburning dunyoga kelishidan toki vafotiga qadar bo'lgan tarixiy voqealar yoritiladi.

5. Harold Lambning "Bobur – yo'lbars" biografiyasi "Boburnoma" hamda Bobur haqida hikoya qiluvchi boshqa tarixiy manbalarga tayanib yozilganligi bois undagi ma'lumotlar tarixiy faktlarni ko‘p rad etmaydi, tarixiy haqiqatlar badiiy to‘qimalarga nisbatan salmoqli o‘rin egallaydi. Fris Vyurtlening "Andijon shahzodasi" qissasida esa Boburni butunlay boshqacha qiyofada tasvirlaydi: asarda badiiy to‘qima sujetlar tarixiy manbalarga anchagina nomutanosib, qolaversa, bu kitobdagi Bobur shaxsiyati boshqa barcha tarixiy-badiiy asarlardagi obrazdan butunlay farq qiladi.

6. "Andijon shahzodasi" qissasida Boburning asosan qo‘rqmas sarkarda, kelajakka umid bilan qaraydigan yosh hukmdorlik sifatleri ulug‘lanib, shoirlilik va ijodkorligiga deyarli urg‘u berilmagan bo'lsa, Harold Lambning biografiyasida esa Bobur ham sarkarda, ham hukmdor, ham shoir-u ham yozuvchi sifatida, bir so'z bilan aytganda, Sharqning yetuk va barkamol vakili sifatida tasvirlangan.

7. F.Vyurtle o'z qissasini, asosan, bolalarga moslab yozgan. Ushbu asar Bobur Vatanni, or-nomusni himoya qilishga tayyor turuvchi kuchli shaxs sifatida yosh avlodga o‘rnak qilib ko‘rsatiladi. Harold Lamb biografiyasi esa yoshi, qiziqishlaridan qat'i nazar barcha kitobxonlar uchun mo‘ljallangan bo‘lib, undagi Bobur shaxsiyati har jihatdan: solih va sodiq farzand, munosib turmush o‘rtoq, saxovatpesha qarindosh, mehribon ota, g'amxor sarkarda va xalqparvar hukmdor sifatida ham betakroridir.

Ko‘rinadiki, Zahiriddin Muhammad Boburning avlodi sifatida biz bu ikki ijodkorga – Yevropada birinchilardan bo‘lib Bobur obrazini adabiyotga kirgan avstriyalik yozuvchi Fris Vyurtlega hamda olis Amerika kitobxonlariga shoh va shoirning hayoti, ijodini tanitgan sharqshunos Harold Lambning xotirasiga hurmat ko‘rsatib, ularning ijodini yanada chuqurroq o‘rganishimiz, shu bilan birga buyuk bobokalonimizning barcha xalqlar uchun o‘rnak qilib k'orsatish mumkin bo'lgan umr yo‘lini, eng ezgu insoniy fazilatlar yo‘g‘rilgan ijodiy asarlarini butun dunyoga tanitishimiz lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Woertle F. Babur, der tiger. –Vienna: S. Jsr gl & Co, 1947. –156 b.
2. Tursunov A. "Andijon shahzodasi" qissasida Bobur obrazi poetikasi. <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2019/iss1/4>.
3. Vyurtle F. Andijon shahzodasi. –T.: O`qituvchi, 2012. – 160 b.
4. Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. –T.: Fan, 2019. –440 b.
5. Muhammad Haydar Mirzo. Tarixi Rashidiy. –T.: Sharq, 2010. – 720 b.
6. Lamb H. Bobur – yo'lbars. –T.: O`zbekiston, 2018. – 296 b.
7. Twentieth Century Authors, a biographical dictionary of modern literature. / Ed. by Stanley J. Kunitz and Howard Haycraft; (Third Edition). New York: The H. W. Wilson Company, 1950. – 785 p.
8. Sulton I. Adabiyot nazariyasi. – Toshkent: O`qituvchi, 2005. –270 b.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

ANSAMBLDA MILLIY CHOLG‘U ASBOBLARIDAN FOYDALANISH

Vaxidov Yusuf Kadirovich

O‘zbekiston davlat san’at va madaniyat instituti

“Cholg‘u ijrochiligi va musiqa nazariyasi” kafedrasida dotsenti v.b.



<https://doi.org/10.5281/zenodo.11286322>

Annotatsiya: Ushbu maqolada ansambl jarayonlarida milliy cholg‘u asboblaridan foydalanish xususida batafsil ma’lumotlar keltirilgan. Bundan tashqari cholg‘u ijrochiligi tarixi, shakllantirilishi haqida ma’lumotga ega bo’lishi, ansamblarni tashkil qilish haqidagi nazariy va amaliy bilimga ega bo’lish, ijrodagi usullar (cholg‘u zarblari, shtrixlari) xususida fikr-mulohazalar keltirilgan.

Shuningdek, doira usullari, bezaklardan unumli foydalanish olish, cholg‘ular ijrosida unison va ko’p ovoqlik musiqiy asarlarni o’rganish, tahlil qila olish, cholg‘ular haqida qiziqarli so’hatlar o’tkaza olish, umum ta’lim maktablarida turli xil ansamblarni tashkil eta olish, repertuar tanlay olish, konsert chiqishlarini uyushtirish malakalarini egallashdan iborat.

Kalit so‘zlar: musiqa savodi, bolalar musiqasi, milliy cholg‘u ijrochiligi, milliy cholg‘ular, rekonstruksiya va yangidan yaratilgan musiqiy cholg‘ular, musiqiy meros, sozandachilik, an’anaviy musiqiy janrlar, bastakorlik ijodi, kompozitorlik

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ НАЦИОНАЛЬНЫХ ИНСТРУМЕНТОВ В АНСАМБЛЬНЫХ ПРОЦЕССАХ

Вахидов Юсуф Кадырович

Государственный институт искусства и культуры
Узбекистана Доцент кафедры «Инструментальное
исполнительство и теория музыки» В.Б.

Аннотация: В данной статье представлена подробная информация об использовании национальных музыкальных инструментов в ансамблевых процессах. Кроме того, даются мнения по истории и становлению музыкальных инструментов, теоретические и практические знания по организации ансамблей, методам исполнения (инструментальные ритмы, линии). Также, чтобы уметь эффективно использовать приемы кружка, декорации, изучать и анализировать унисонные и многоголосные музыкальные произведения при исполнении на инструментах, уметь вести интересные беседы об инструментах, в общеобразовательных школах необходимо различное обучение. приобрести навыки организации ансамблей, выбора репертуара, организации концертных выступлений.

Ключевые слова: музыкальная грамотность, детская музыка, игра на народных инструментах, национальные инструменты, реконструкция и вновь создаваемые музыкальные инструменты, музыкальное наследие, музыкальность, традиционные музыкальные жанры, композиционное творчество, композиция.

USE OF NATIONAL INSTRUMENTS IN ENSEMBLE PROCESSES

Vahidov Yusuf Kadyrovich

State Institute of Art and Culture of Uzbekistan

Associate Professor of the Department of "Instrumental Performance and Music Theory" V.B.

Abstract: This article provides detailed information about the use of national musical instruments in ensemble processes. In addition, opinions on the history and formation of musical instruments, theoretical and practical knowledge of the organization of ensembles, methods of performance (instrumental beats, lines) are provided. Also, to be able to make effective use of circle methods, decorations, to study and analyze unison and multi-voice musical works in the performance of instruments, to be able to have interesting conversations about instruments, in general education schools, various is to acquire the skills of organizing ensembles, choosing repertoire, and organizing concert performances.

Key words: musical literacy, children's music, performance of national instruments, national instruments, reconstruction and newly created musical instruments, musical heritage, musicianship, traditional musical genres, compositional creativity, composition

O'zbek xalqining bebaho boyligi hisoblanmish milliy musiqiy cholg'ularimiz o'zining betakrorligi, naqsh bezagining jozibadorligi, ovoz tarovatining rangbarangligi va ijro imkoniyatlarining beqiyosligi bilan milliy musiqiy madaniyatimizda alohida o'rin tutadi.

«Musiqiy ta'lim mutaxassisligi» bo'yicha talabalarni cholg'u ijrochiligi tarixi, shakllantirilishi haqida ma'lumotga ega bo'lishi, ansambllarni tashkil qilish haqidagi nazariy va amaliy bilimga ega bo'lish, ijrodagi usullar (cholg'u zarblari, shtrixlari). Doira usullari, bezaklardan unumli foydadan olish, cholg'ular ijrosida unison va ko'p ovozli musiqiy asarlarni o'rganish, tahlil qila olish, cholg'ular haqida qiziqarli so'hatlar o'tkaza olish, umum ta'lim maktablarida turli xil ansambllarni tashkil eta olish, repertuar tanlay olish, konsert chiqishlarini uyushtirish malakalarini egallashdan iborat. musiqiy-estetik va musiqiy-pedagogik faoliyatga tayyorgarlikni shakllantirish; musiqiy-estetik qarashlar, did va talablarni shakllantirish.[1]

«Cholg'u ijrochiligi» fanini o'qitish jarayonida zamonaviy pedagogik va axborot texnologiyalaridan, hamda o'quv va uslubiy qo'llanmalar, ma'ruzalar matni, tarqatiluvchi material, elektron o'quv materiallari, audio yozuvlaridan foydalanish tavsiya etiladi.

Talabalarining ushbu fanni o'zlashtirishlari uchun ular turli texnik obyektlar hisoblarini ilg'or va zamonaviy hisob usullarida bajara olishlari, ijro etish ishlarini shaxsiy kompyuterlarda bajara olishlari, informatika va axborot texnologiyalari fanini mukammal o'zlashtirib, yangi pedagogik va axborot texnologiyalarini tadbiiq qilgan holda, mavjud darslik, ma'ruza matnlari, tarqatma materiallar, elektron materiallar va ko'rgazmali vositalardan unumli foydalanib, dastur tuzishlari hamda uni amalda bajara olishlari kerak. Bunda asosan, talabalar ma'ruzalar matnlarini o'rganish, uni amaliyot ishlari bilan birgalikda olib borish hamda amaliy mashg'ulotlar materiallarini shaxsiy kompyuterlarda bajarish ko'nikmalarni hosil qilishi kerak.[2]

Fanni o'rganishda mashg'ulotlarning ma'ruza, amaliyot mashg'ulotlari, mustaqil ta'lim shakllaridan foydalaniladi va ilg'or pedagogik texnologiyaning zamonaviy elementlari qo'llaniladi.

Cholg'uda ijro etishni o'rgatish jarayoni o'quvchilar tomonidan ijro asoslarini ongli ravishda puxta egallash, ijro uchun zarur bo'lgan ko'nikmalarni hosil qilish va ularni amalda qo'llay olish hamda mustaqil ijodiy fikrlash va kuzatish qobiliyatlarini rivojlantirish, shuningdek, estetika didini shakllantirishga qaratilgan. Mazkur ta'lim yo'nalishidagi umumkasbiy fanlar ichida cholg'u ijrochiligi va ansambli fani talabalarga ijrochilik mahorati, cholg'uchilar ansambli tashkil etish va ishlash, jamoaga rahbarlik qilish bo'yicha tavsiyalar berilgan.

Talabalar ushbu fanlarni birinchi kursdan boshlab o'zlashtirishlari jarayonida o'zbek xalq kuylarini ijro etish malakalarini o'zlashtirib O'zbekiston bastakorlari asarlari, chet el kompozitorlari asarlari, qardosh xalqlar xalq kuylari, rus bastakorlari asarlaridan namunalar ijro etish bo'yicha ijrochilik mahoratlarini shakllantirib boradilar.[3]

Ilg'or pedagogik texnologiyalarning obyekti, predmeti, maqsad va vazifalari nimalardan iborat va ularni ta'lim jarayoniga tadbiriq etish qanday natija beradi va ta'lim mazmunini takomillashishiga qanday ta'sir ko'rsatadi degan savol har bir fanni o'qitilishida ko'ndalang qo'yilayotganligi bejiz emas. Fan, texnika va axborot uzatish, almashish texnologiyalarini aql bovar qilmay dikan darajada tez va shiddatli rivojlanish jarayoni o'z navbatida ta'lim sohasida ham an'anaviy metodlarni yangicha zamonaviy va interfaol metodlar bilan boyitib borishni taqozo etmoqda. Xo'sh, interfaol, modellashtirilgan metodlar qaysi jihatlari bilan ustunlik kasb etmoqda? Uning qanday turlari, tarkibiy tuzilishi, o'quv jarayonlarini tashkil etish shakl va vositalari, ilgari mavjud bo'lgan o'qitish (Ta'lim) metodlaridan nimasi bilan farqlanadi, uning samarasi nimalarda o'z isbotini topadi va uning monitoringi, baholash tizimi qanday olib boriladi degan savollarga har bir o'quvchi-murabbiy va pedagoglar tayyor bo'lishlari ular oldiga qo'yilayotgan eng muhim ijtimoiy buyurtma ekanligini anglash va bu savollarga javob berishga to'g'ri keladi.[4]

Mamlakatimizda yangilangan, jahon andozalariga mos keladigan ta'lim mazmuni o'z - o'zidan emas, balki, ilg'or pedagog - olimlar, metodist o'qituvchilar va jahon miqiyosida orttirilgan pedagogika fani yutuqlari orqali takomillashib boradi. Shu bois ham ta'limni hozirgi bosqichida uni isloh qilish vazifalari yangicha fikrlovchi, shiddatli axborot va axborot texnologiyalari, kompyuterlashgan modeli o'qitish tez rivojlanayotgan sharoitda yosh avlod ta'lim tarbiyasi uchun mas'ul ijodkor o'qituvchilarni shakllantirish vazifasini asosiy o'ringa qo'yimoqda. Mavjud tajribalar shuni ko'rsatadiki, ta'lim mazmuni qanchalik yangilanmasin, mukammal o'quv dasturlari, darsliklar yaratilmasin, o'quv - tarbiya jarayonining samaradorligini ta'minlashda o'qituvchining pedagogik mahorati, yangi ta'lim texnologiyalarini o'zlashtirishi va ulardan ta'lim jarayonida unumli va o'rinli foydalana olishiga bog'liq bo'ladi.

Fan va ta'limning moddiy, uslubiy bazasi mustahkamlanib, o'quv - uslubiy, ilmiy, innovatsion, zamonaviy vositalar mukammallashib o'quv jarayoniga tadbiriq qilinmoqda.

Ma'lumki, didaktikaning predmeti o'rgatish, o'rganish hamda ta'lim mazmunidan iborat. Bu uchala komponentdan birortasini e'tiborda tutmaslik ta'lim mazmunini yo'qqa chiqaradi. O'rgatish ham, o'rganish ham ularning oxirgi natijasi ham ta'lim mazmuniga bog'liqdir. Ta'lim jarayonida har-xil mavzularni o'ziga hos usullar bilan o'rganish uni o'ziga xosligi va mazmunidan kelib, chiqadi, bu esa asosan o'rganishni tashkil etuvchi, yani o'rgatuvchiga (Pedagog o'qituvchiga) bog'liq. Har qanday fanni, shu jumladan musiqa fanini o'qitish jarayonida ham faollashtiradigan, ularni darsning faol ishtirokchilariga, mustaqil fikrlovchi mushohada qiluvchi o'z fikrlarini bildiradigan oluvchi o'quvchi sifatida namoyon qilishi uchun imkoniyat yaratuvchi - bu o'qituvchidir. O'qituvchi o'zi va o'rganuvchi o'quvchilar uchun qulay va qiziqarli bo'lgan o'qitish usullari, yo'llari, shakllari, vositalari ulardan foydalanish shart-sharoitlarini belgilaydi, ilg'or pedagogik texnologiyalar yordamida o'quv jarayoni samaradorligini oshirishga harakat qiladi. Shu boisdan ham pedagogik texnologiya, didaktik texnologiya, ta'lim texnologiyalariga o'quv jarayonidagi eng samarali vositalar sifatida qaralmoqda. Ulardan bugungi kunda jahon pedagogikasi amaliyotida keng foydalanilmoqda. Pedagogik texnologiya hozirgi kunda eng rivojlangan mamlakatlar ta'lim tizimida bo'lgani kabi bizning respublikamizda ham ta'lim jarayonini tashkil qilish, boshqarish, nazorat qilish bilan bog'liq ishlarda ustuvor o'rini egallamoqda. Shuning uchun ham pedagogik texnologiyalardan barcha pedagoglar yaxshi xabardor bo'lishi, ta'lim jarayonida ularni qo'llab dars o'tishlariga muhim e'tibor berilmoqda. Bu aynan jamiyat taraqqiyotining obyektiv qonuniyatlariga mos bo'lib, jamiyat taraqqiy etishi bilan ta'lim - tarbiya mazmuni, maqsad va vazifalari shunga mos ravishda takomillashib borishi bilan bog'liqdir. Hozirgi sharoitda inson faoliyatining asosiy yo'nalishlari taraqqiyotga mos maqsadlarni to'liq amalga oshirish imkoniyatlarini beruvchi modeli tizimga, ya'ni ta'limni texnologiyalashtirishga aylanib bormoqda. Shu tufayli fan sohasining barchasida bo'lgani kabi musiqiy ta'limda ham yangi texnologiyalarga e'tibor kuchayib bormoqda.[5]

Unda musiqiy ta'lim mazmunini milliy negizda shakllantirish, milliy musiqiy merosdan to'laqonli foydalanish, xalq kuy - qo'shiqlari, doston, mumtoz va maqom hamda ularning ta'sirida yaratilgan zamonaviy musiqalar vositasida o'quvchi yoshlarni milliy qadryatlarimizni teran anglaydigan, vatanga, o'z xalqiga, tilimizga, dinimizga, tariximizga, san'atimizga ongli munosabatda bo'ladigan va unga vorislik qila oladigan ma'nan yetuk, barkamol shaxsni tarbiyalash asosiy maqsad va vazifa sifatida ko'rsatilgan.

Ta'lim jarayonida o'quvchilar musiqa san'atini butun nafosati bilan o'rganishlari, idrok etishlari ommaviy musiqqa faoliyatlarini: musiqa tinglash, tahlil qilish, jamoa bo'lib qo'shiq kuylash, nazariy bilimlarni o'zlashtirish (musiqqa savodxonligi) raqsga tushish, bolalar cholg'u asboblari chalish va musiqa ritmek jo'r

bo'lish masalalarini shakllantirish musiqiy ta'limning asosiy mazmunini tashkil etadi.

Pedagogik texnologiyalarni barcha turlarida birdek qo'llaniladigan va ta'lim- tarbiya jarayonini tadrijiy tarkib topishida va rivojlanib borishida hal qiluvchi omillar hamda tarkibiy elementlar uch xil faoliyatdan iborat bo'lib, ular so'zlash, ko'rsatish va mashqlar bajarishdan iborat bo'lib musiqa darslariga uni tadbiq etilganda quyidagicha ketma-ketlik va bog'liqlikda amal qiladi.

Agar o'qituvchida mavjud xususiyatlar bo'lmasa har qanday pedagogik texnologiyalar ham quruq, mazmunsiz va qiziqarsiz, samarasiz bo'lib qolishi ham hych gapmas. Chunki har qanday ta'lim shakli, modeli, turi o'qituvchining pedagogik mahorati, bilimi, malakasi va artislik iqdoriz kutilgan natijani bermasligi aniq.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. F.Mashrabboyeva. "Cholg'u ijrochiligini o'rganishda an'anaviy va zamonaviy metodlar", Journal. "Cholg'u ijrochiligida musiqiy ta'lim uzviyligini ta'minlash" 2022 yil
2. S.A.Mahmudova "Musiqiy madaniyatni shakllantirishda pedagogik tizimning ilmiy-nazariy asoslari" O.quv-uslubiy qo'llanma. Farg'ona 2023 yil.
3. D.T.Nomozova "Musiqqa o'qitish texnologiyalari va loyihalash" T.2019.
4. X.Madrimov. Musiqqa o'qitish texnologiyalari va loyihalash.T.2020
5. Tillakhujayev, O. "The science of music and the role of knowledge of music lyrics in the formation of the musical culture of young people." asia pacific journal of marketing & management review ISSN: 2319-2836 Impact Factor: 7.603 11.11 (2022): 175-178.
6. Tillakhujayev, Orifjon, and Alisher Tolipov. "The role of life and creativity of the people's hafiz of uzbekistan mahmudjon tojiboyev in the formation of the quality of creativity in youth." Academic International Conference on Multi-Disciplinary Studies and Education. Vol. 1. No. 10. 2023.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

RASSOMCHILIK SAN'ATIDA GRAFIKA DIZAYNI VA RANGSHUNOSLIKNING AHAMIYATI

Matmuratov Kuranbay Masharipovich
Kamoliddin Behzod nomidagi Milliy rassomlik
va dizayn instituti amaliy grafika va badiiy
fotografiya kafedrası v.b dotsenti



<https://doi.org/10.5281/zenodo.11286435>

Annotatsiya: Ushbu maqolada milliy rassomchilik san'atida grafik dizayn va ranglarni tanlash xususida batafsil ma'lumotlar keltirilgan. Bundan tashqari rangtasvir ishlashning nozik tomonlari, sirtlarni ifodali tasvirlash masalasi, chizilayotgan narsalarning moddiy ekanligini ko'rsatish muhim hisoblanishi xususida ma'lumotlar bildirilgan. Bundan tashqari buyumlarning tasvirdagi moddiyligi, qanday ashyodan yasalgani yoki tarkib topgani avvalambor uning soya-yorug'ligini aks ettirish vositasi xususida yoritib o'tilgan. Shuningdek, turli materiallardan yasalgan buyumlar sirtining o'ziga xos xususiyatlari bilan birbirlaridan farqlanib turadilar.

Kalit so'zlar: rangtasvir, milliy san'at, rassomchilik, grafik dizayn, usullar, rang tanlash, grafika tuzish

ЗНАЧЕНИЕ ГРАФИЧЕСКОГО ДИЗАЙНА И ЦВЕТА В ИСКУССТВЕ ЖИВОПИСИ

Матмуратов Куранбай Машарипович
Национальная живопись имени Камолиддина Бехзода
и проектный институт прикладной графики и искусства
доцент кафедры фотографии

Аннотация: В данной статье представлена подробная информация о графическом оформлении и подборе цвета в национальной живописи. Кроме того, давалась информация о тонкостях живописи, вопросе выразительности изображения поверхностей, важности отображения материальности рисуемых вещей. Кроме того, материальность предметов изображения, из какого материала они сделаны или из чего сделаны, объясняется прежде всего способами отражения его тени и света. Также изделия из разных материалов отличаются друг от друга уникальными свойствами поверхности.

Ключевые слова: живопись, национальное искусство, живопись, графический дизайн, методы, подбор цвета, графический дизайн.

THE IMPORTANCE OF GRAPHIC DESIGN AND COLOR SCIENCE IN THE ART OF PAINTING

Matmuratov Kuranbay Masharipovich

National painting named after Kamoliddin Behzod
and design institute applied graphics and art
associate professor of photography department

Abstract: This article provides detailed information on graphic design and color selection in national painting. In addition, information was given on the finer points of painting, the issue of expressive depiction of surfaces, and the importance of showing the materiality of things being drawn. In addition, the materiality of the objects in the image, what kind of material they are made of or what they are made of, is explained first of all in terms of the means of reflecting its shadow and light. Also, products made of different materials differ from each other due to their unique surface properties.

Key words: painting, national art, painting, graphic design, methods, color selection, graphic design

Tasviriy san'at har bir ijodkor shaxs uchun juda keng faoliyatlar maydonidir. Rasm chizishni puxta egallash barcha san'at turlarida muhim o'rinni egallaydi. SHu sababli akademik surat ishlash bilimi tasviriy faoliyatning barchasida qo'l keladi, muvaffaqiyatni ta'minlaydi. Qalamtasvir ishlashga va uni o'z ma'naviy hayotida foydalanishga odamlar qadimgi paytlardan intilib kelganlar. Shu sababdan ham rasm chizishning ma'lum konun-qoidalari ishlab chiqilgan va yillar, asrlar mobaynida takomillashtirilib kelgan. Qalamtasvir barcha tasviriy san'at turlarining asosi, negizi desak xato bo'lmaydi. O'quv-mashq vazifalarni puxta, ifodali qilib tasviriy olish akademik rasm qonun-qoidalarini atroflicha ham nazariy, ham amaliy jihatdan o'rganishni taqozo etadi. Ular ish faoliyatini sifatli tashkil etilishiga ham ko'p tomondan bog'likdir. Bundan tashqari chizishda shlatiladigan asbob-anjomlar sifatli, talabga javob beradigan bo'lishi kerak.[1]

Qalamtasvir ishlashning eng asosiy talabi chizish ob'ektini har tomonlama o'xshatib aks ettirishdan iborat faoliyatni ta'minlashdir. Buning uchun tasvirni qog'oz sathida to'g'ri joylashtirish, nisbatlarini to'g'ri aniqlash, buyumlarning o'zaro masofasini va perspektiva holatlarini aniq topish talab etiladi. Ishning maqsadga muvofiq chiqishida albatta bilim, tajriba va mahorat etarli darajada kerak bo'ladi. Bilim o'qish, o'rganish, mutolaa qilish orqali orttirilsa, tajriba va mahorat ko'p ishlash, tinmay mashq qilish, intilish evaziga orttirilishi ma'lum. Ta'lim olishning yana bir muhim sharti har bir tasvir etiladigan narsa, hodisa, lavhani aslidan, ya'ni naturadan qarab aks ettirilishiga juda bog'lpq ekanligi sir emas. Chunki chizishda hayot haqiqatini ko'rsata olish sifati eng muhimdir desak aslo yanglishmaymiz. Tasvir chizishni o'rganish oddiy natyurmortlarni, shuningdek alohida-alohida turgan buyumlarni aks ettirish orqali amalga oshiriladi. Ish tasvirni qog'ozga to'g'ri va chiroyli tarzda joylashtirishdan boshlanadi, so'ng har bir narsani o'zaro joylashishi, ular orasidagi masofalar nisbatlar aniqlanadi. Bunda qalam engil, qog'ozga ortiq darajada bosmasdan ishlatilishi kerak. Aks holda noto'g'ri chiqqan joylar va yordamchi chiziqlarni o'chirg'ich bilan ketkazish qiyin bo'ladi. Shuning uchun o'rtacha yumshoqlik darajasidagi «TM», «M», «2M» rusumli qalamlardan foydalanish aicha qulay.[2]

Tasvirlarni ishlashda perspektiva qoidalariga amal qilinishi zarur. Ma'lumki, har bir narsa boshqa narsadan uzoqroqda turgan bo'lsa, u ko'zimizga kichrayib ko'rinadi, tarxlari ham hiraroq bo'ladi, unga tushayotgan yorug'lik, soyalar ham birinchi plandagi buyumnikidan farqlanib turadi. Bularning hammasi chiziq va havo perspektivasi hodisasining tabiatda namoyon bo'lishidir. Ana shu jihatdan to'g'ri aks ettirilsa tasvir haqqoniy chiqishi ta'minlanadi. Har bir narsa qog'ozda tasvirlanar ekan, albatta uning turishiga nisbatan ufq chizig'i topib olinishi kerak. U chizuvchi kishining ko'zi balandligidan o'tuvchi tasavvur etiladigan gorizontol to'g'ri chiziqni tashkil etadi.[3] Natyurmortlarda uni to'g'ri aniqlab olib tasvir yaratishda foydalanish zarur shartlardan asosiysi bo'lib, tasvirning haqqoniy chiqishni ta'minlaydi. Narsaning tasvirini gorizontol sathga va vertikal kartina sathiga nisbatan holati ham perspektiva ko'rinishiga muvofiq topiladi. Bunda tomonlarning qisqarib, uzoqlashib borgan sari kichrayib ko'rinishi ufqning tutashish nuqtasiga asosan topib chiziladi.

Tasvir yaratishda fazoviy perspektivaga ham ahamiyat berilishi zarur. Chunki yaqinda joylashib turgan buyum uzoqrokdagisidan tusi, rangi, to'q-ochligi bilan ajralib turadi. Soya-yorug'liklarni tasvir tarxlariga monand o'xshatib aks ettirish ular o'rnini to'ri mutanosib topishga ham bog'liqligini unutmasligimiz kerak. Natyurmortlarda manzara tasvirlariga nisbatan perspektiva qoidalarini qo'llash murakkabroq, chunki buyumlar, narsalar orasidagi farq, masofalar kamroq bo'lib, ular diqqat bilan kuzatilib aniqlanadi. Manzara, tabiatdagi perspektiva esa yaqqolroq seziladi. Masalan, tekis yo'nalgan temir yo'lni kuzatsak bu hodisa aniq ko'rinadi. Undagi relslar uzoqlashgan sari bir-biriga yaqinlashib, ufqqa borib birlashib, nuqta bo'lib ikki tomondagi sim yog'ochlar tobora kaltalashib borayotgandek tuyulishi fikrimizni tasdiqlaydi. Bu hodisani kuzatib perspektiva qonuniyatlarini anglab olish, tahlil qilish, tegishli bilimlarni olish mumkin. Rasm chizish jarayonini bosqichma-bosqich tashkil etilishi tasvir yaratishning eng muhim pedagogik shartlardan biridir. Buning uchun rasm chizganda uning hajmiga, ifodasiga ham, har bir narsaning o'zi mavjud bo'lib turgan atrof muhitiga ham ob'ektiv tarzda yondoshilishi haqqoniy tasvirlanishi kerak.[4]

O'quv qalamtasvir xamda qalamchizg'ilar bajarishda kompozitsiy asoslari va ijodiy malakalarni rivojlantirish asviri san'atning barcha turlarida va janrlarida kompozitsiya masalasini hal etish etakchi o'rinlarda turadi, desak yanglishmaymiz. Buning uchun esa har bir san'at turiga muvofiq tarzda kompozitsiya asoslarini qo'llay bilish kerak. Shu o'rinda kompozitsiya umumqoidalari puxta o'rganilishi zarur. Ular akademik alamtasvirlar yaratish, o'rganish, mashq qilish jarayonining ham ajralmas qismidir.

Masalan tasvirning yaxlitligi, tomonlari va qismlarining o'lchami, mutanosibligi, simmetriyaviylik, muvozanat, rang va tus, soya-yorug' munosabatlari, badiiylik me'zonlariga amal qilinishi masalalari, shuningdek, mavzuning aniq-tiniq bo'lishi kerakligi umumqoidalar sirasiga dahldorligi bilan ajralib turadi. Ma'lumki, qalamtasvir barcha tasviriyyot sohadarining asosidir.

Kompozitsiya qonun-qoidalarisiz esa oddiy tezkor chizgini xam tasavvur etishimiz qiyin. Chunki oddiy xomaki rasmda ham o'ziga xos o'lcham, mutanosiblik, hamda uncha ko'lamlil bo'lmasada mazmun mavjud bo'ladi, bu hodisani hech kim inkor qila olmaydi. Ma'lumki, inson qomatini chizish jarayoni bosqichma-bosqich amalga oshiriladi. Bunda albatta akademik rasm ishlash amallari qo'llaniladi. U esa oddiydan murakkabga o'tib borish orqali yuzaga chiqariladi. Odam tasviri talabalar, uni endi chizishni o'rganayotganlar uchun ancha murakkab ishdir. Bu sohaning nazariy qismini o'qib, o'rganish mashqlar uchun chiziladigan vazifalar sifatini oshirishning omilidir.[5]

Chunki nafaqat yillar, balki asrlar davomida akademik rasm chizish sirlari ochilib, tadqiq etib, takomillashtirilib kelinmqa. SHundan ma'lumki o'ziga xos, inkor etib bo'lmaydigan tamoyillar, qonun-qoidalar vujudga kelgan. Ularga amal qilinishi ayniqsa o'rganuvchilarga yordam beradigan zo'r omildir. Odam qomatini to'liq tasvirlash, uning bosh qismini chizish amallari to'liq o'zlashtirilib olingach boshlangani ma'qul. Shunda dastlabki mashqlardanoq yetarli samaraga erishish mumkin bo'ladi. Asosiy e'tibor tanani tadqiq etish va tasvirlash ishiga karatiladi. Ma'lumki inson qaddi-qomatining o'z o'lchamlari, mutanosiblik tamoyillari mavjud. Masalan yosh bola boshining o'lchami tanaga nisbatan jihatdan ancha mutanosiblikda bo'ladi va tanaga, uning balandlik o'lchamiga olti, yetti, ba'zan etti yarim karra joylashadi. Albatta bu me'zonlar nisbatan bo'lib turli odamlarda har xillik kasb etadi. Odam qomatini chizishda uning tuzilishini (konstruksiyasini) bilish katta ahamiyatga ega. Buning uchun chizuvchi tananing qanday harakat holatida, qay vaziyatda turganligini qoralama chizgilar qilish orqali tahlil qilish, ko'plab shunday mashqlar bajarishi, so'ng asosiy ishni boshlashi kerak.

Chizganda ham qiyofani, uning barcha bo'laklarini alohida-alohida emas, balki yaxlit aks ettirishga urinish, hamda buncha erishish lozim bo'ladi. Ammo har bir bo'lak uning tasvirda tutgan roli ham unutilmasligi kerak. Turgan odam qiyofasini chizishning asosiy amallari nimalardan iborat, degan savolni oldimizga qo'yib, unga javob beraylik: Ilgarigi vazifalardagidek bunisida ham dastlabki maqsad ob'ektini qog'oz sathiga chiroyli qilib joylashtirishdan iboratdir. So'ngra tana turish vaziyati, holati topiladi, keyin qomatning qismlari, o'lchamlari o'zaro mutanosibligi topiladi. Ular odamning keksa yoshligiga, semiz yoki ozg'inligiga, bo'yining past yoki balandligiga bog'liq bo'ladi. Bunda albatta odamning qaysi bir oyog'iga, yoki ikkala oyog'iga tayanib turganligi e'tiborga olinishi muhimdir. Chunki shunga qarab tananing holati o'zgarib turadi. Elka, bosh, bel, tos, qo'l va oyoqlar turishi har xil ko'rinishga ega bo'ladi. Ma'lumki, odam umurtqa pog'onasining tuzilishi ham uning ko'rinishiga ta'sir etadi. Ba'zi tanalarning turishi tik bo'lsa,

ba'zilari bukchayibroq ko'rinishi shundan.[6]

Tananing har bir a'zosi gorizontaal va vertikal chiziq'larga nisbatan qanday vaziyatda ekanligi muntazam ravishda tekshirib turiladi. Butun tananing tayanch nuqtasi mavjud bo'lib, u og'irlik qaysi oyoqqa tushayotganiga, yoki ular oralig'iga tushayotganini aniqlashda qo'l keladi. U to'g'ri, joyida topilmagan bo'lsa, odam qiyofasi og'ib, yiqilayotganga o'xshab chiqib qolishi mumkin. Shu sababdan tekshirish uchun ba'zan osma shovundan foydalanish mumkin. U barcha perpendikulyarlarni topishda zo'r vositadir.

Odam qiyofasini chizishni o'rganishda uni skelet bilan solishtirib tekshirish, tananing asosiy mushaklari tizimini Gudon «ekorshe»sidan ko'rib o'rganish maqsadga muvofiq. Ana shunda chizuvchi tananing qaysi bo'lagiga urg'u berishi va batafsil ishlashi kerakligini tushunishi oson bo'ladi. Chunki suyaklar tizimini belgilovchi skelet va mushaklar tana qismlarining shakli-shamoyilini yaqqol qilib aks ettirishda yordam beradi. Umuman yuqoridagilarni sifatli bajarilishi uchun ha bir talaba plastik anatomiyadan yaxshi xabardor bo'lishi zarur. SHuni ham ta'kidlash o'rinliki, ishini bajarishda soya-yorug' munosabatlarini to'g'ri topib tasvirlash ham ahamiyat kasb etadi. Chizish mobaynida katta soyalar va yorug', yarimsoyalarni birvarakay belgilab tuslab borilishi tasvirning hajmli ko'rinishini ta'minlaydi. Umum tanani aks ettirishda uning mayda qismlarini ham yo'lyo'lakay aniqlashtirib boriladi, ammo bunda yaxlitlikka putur etkazilmasligi kerak. Tasvirlash jarayoni izchillikda bosqichma-bosqich olib borilsa, oxirida barcha tomondan ish tekshirib umumlashtirilsa vazifa yaxshi chiqishi ta'minlanadi. Shuni ham aytib o'tish kerakki, vazifani tugal holga keltirish tajribaga, ya'ni ko'p, erinmay, sabot bilan ish olib borilishiga bog'liqdir. Nazariy bilimlarni o'tmish usta rassomlari merosini kitoblardan o'qib o'rganish yordamida oshirib borilishi kerak.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. G.V.Veda. jivopis. Moskva «Prosvechenie». 1986.
2. B.Boymetov, B.Tojiev «Qalamtasvir fanidan ma'ruzalar matni». Nizomiy nomidagi TDPU. Toshkent – 2000.
3. E.S.Gromov. priroda xudojestvennogo tvorchestva. Moskva «Prosvechenie». 1986.
4. Izobrazitelnoe iskusstvo. (Pod redaksiy G.B.Smirnova) Moskva «Prosvechenie». 1977. 85
5. Izobrazitelnoe iskusstvo. (Pod redaksiy A.A.Unkovskogo) Moskva «Prosvechenie». 1980.
6. Izobrazitelnoe iskusstvo. (Pod redaksiy N.S.Bogolyubova) Moskva «Prosvechenie». 1980.
7. Izobrazitelnoe iskusstvo. (Pod redaksiy G.G.Gorelova) Moskva «Prosvechenie». 1980.
8. N.P.Kosterin. Uchebnoe risovanie. Moskva «Prosvechenie». 2021.
9. A.S.Puchkov, A.V.Triselev. Metodika raboty nad natyurmortom. Moskva «Prosvechenie». 2022.
10. Risunok. Jivopis. Kompozitsiya: (Xrestomatiya). Moskva «Prosvechenie». 2009.
11. N.Tolipov. Rangtasvir asoslari. Toshkent – 2019.
12. B.Tojiev. Qalamtasvir asoslarini o'rganish (dastlabki saboqlar). Toshkent –2014.
13. B.Tojiev. Qalamda manzara chizish. Toshkent – 2010.
14. B.Tojiev. «Rangtasvir» fanidan ma'ruzalar matni. Nizomiy nomidagi TDPU: Toshkent – 2020.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

О‘ЗБЕКISTONDA MAQOM SAN’ATINI RIVOJLANTIRISHGA OID ISLOHOTLAR JARAYONI

Sobirov Samandar Sobir o'g'li

O'zbekiston davlat san'at va madaniyat instuti
Milliy qo'shiqchilik kafedrasini o'qituvchisi

 <https://doi.org/10.5281/zenodo.11286497>

Annotatsiya: Ushbu maqolada O‘zbekistonda maqom san’atini rivojlantirishga oid islohotlar jarayoni, maqom san’ati va uning bugungi kundagi ravnaqi, uni o‘rganish va yosh ijrochilarga o‘rgatishga doir bo‘lgan masalalar va bu borada foydali maslahatlar berilgan. Ushbu maqola maqom san’atiga qiziquvchi yoshlar uchun umumiy ma’lumotlar beradi hamda ularning maqom haqidagi tasavvurlarini boyitadi

Kalit so‘zlar: maqom, milliy san’at, musiqa, shashmaqom, usullar, nasr, vazn, ohang

ПРОЦЕСС РЕФОРМ ПО РАЗВИТИЮ ГОСУДАРСТВЕННОГО ИСКУССТВА В УЗБЕКИСТАНЕ

Собиров Самандара

Государственный институт искусства и культуры Узбекистана
Преподаватель кафедры национального пения

Аннотация: В данной статье рассмотрен процесс реформ, связанных с развитием искусства макама в Узбекистане, искусство макама и его развитие сегодня, вопросы, связанные с его изучением и обучением молодых исполнителей, а также даны полезные советы по этому поводу. Данная статья предоставляет общую информацию молодым людям, интересующимся искусством макама, и обогащает их представление о макаме.

Ключевые слова: макам, национальное искусство, музыка, шашмакам, методы, проза, вес, тон.

PROCESS OF REFORMS REGARDING THE DEVELOPMENT OF STATE ART IN UZBEKISTAN

Sobirov Samandar

State Institute of Art and Culture of Uzbekistan
Teacher of the National Singing Department

Abstract: In this article, the process of reforms related to the development of maqam art in Uzbekistan, maqam art and its development today, issues related to its study and teaching to young performers, and useful advice in this regard are given. This article provides general information for young people interested in maqam art and enriches their imagination about maqam.

Key words: maqam, national art, music, shashmaqam, methods, prose, weight, tone

Maqom - xalqimiz vujudidan sizib chiqqan ohang. Shu bois, u asrlar osha yashab kelmoqda. Afsuski, keyingi yillarda bu qutlug' va sohir san'at turiga e'tibor susaygandek edi. Lekin, Prezidentimizning milliy maqom san'atini rivojlantirish to'g'risidagi qarori ayni muddao bo'ldiki, Davlatimiz rahbari O'zbekiston ijodkor ziyolilari vakillari bilan uchrashuvida ta'kidlaganidek, biz xalqimizning noyob merosi bo'lgan maqom san'atini nafaqat yurtimizda, balki butun dunyo bo'ylab keng targ'ib qilish, kerak bo'lsa, xalqaro miqyosda maqom tanlovlarini tashkil etish ustida ishlashimiz kerak. Deya takidlashlari va aynan Prezidentimiz Shavkat Mirziyoev tashabbusi bilan milliy merosimizni ko'z qorachig'idek asrab-avaylash, uni yoshlarga bezavol yetkazish borasidagi ezgu sa'y-harakatlar milliy maqom san'ati rivojiga ko'rsatilayotgan g'oyat ulkan e'tibor va g'amxo'rlikdan yorqin ifodasini topmoqda.

2017-yil 17-noyabrdagi "O'zbek milliy maqom san'atini yanada rivojlantirish choratadbirlari to'g'risida" gi qarorlari esa san'atimiz tarixidagi unutilmas voqea bo'ldi. Mazkur hujjat o'zbek maqom san'atini chuqur o'rganib, o'ziga xos ijro maktablari va an'alarini yangi bosqichda ravnaq toptirish, uning "oltin fondi" ni yaratish va boyitish, xalqaro nufuzini oshirish va keng targ'ib qilishda g'oyat muhim ahamiyat kasb etdi. Milliy maqom san'at irivoji yo'lida ko'rsatilayotgan cheksiz e'tibor barcha ijodkorlarga ilhom, ijod zavqini bag'ishlamoqda. O'zbek xalqi ulkan va betakror musiqiy merosga ega. O'zbek milliy musiqa san'atining gulto'ji sanalgan "Shashmaqom" va uning turkumlari mumtoz she'riyatimiz bilan uyg'un holda g'oyat go'zal san'at namunasini hosil etganki, bu yuksak musiqaga jahon ahli hayrat bilan qaraydi.

Mamlakatimizda har ikki yilda «Sharq taronalari» xalqaro musiqa festivali, mazkur noyob musiqa merosimiz targ'ibotiga oid ko'rik-tanlovlar, ijodiy loyihalarning o'tkazilishi yaxshi an'anaga aylangan. Maqom san'ati ko'pchilik sharq xalqlari musiqa merosida mavjud bo'lib, milliy musiqaning asosini tashkil etadi. Maqomlar ma'lum tartibda yaratilgan turkumli musiqiy majmua bo'lib, bastakorlik ijodiyotining o'ziga xos sayqal berilgan turidir. Maqomlar kengma'noda xalq musiqasi qomusidir. Chunki ularda, xususan Shashmaqomda o'zbek va tojik xalqlari musiqasiga xos vazn xususiyatlari, sadoohanglar, doira usullari, she'riyat bilan xalq ashula yo'llarining bog'lanish qoidalariga asoslangan qator jabhalar o'z to'laqonli ifodasini topgan. "G'iyosullug'at" qomusining muallifi G'iyosuddin quyidagicha ta'riflaydi: "Maqom - pardai surudro go'yand" - «Maqom deb kuy va ashulalar pardasiga aytiladi Musiqaga doir eski manbalardan ma'lumki, maqomlarning tarixiy - nazariy va amaliy tamonlari bor.

Ularning nazariy masalalari IX-XV asrlarda yashab ijod etgan Kindiy, Farobiy, Xorazmiy, Ibn Sino, Urmaviy; Sheroziy, Marog'iy, Jomiy va Husayniy kabi buyuk olimlarning risolalarida chuqur ilmiy asosda sharhlab berilgan. O'zbek maqom san'ati ming yillik tarixga ega. O'zbek maqomi so'zlaridagi boy ma'no barcha zamonlarda e'tirof etilgan. Yurtimizdagi "Shashmaqom", "Xorazm", "Farg'ona - Toshkent" maqomlari kuyning o'ziga xos mavqei va ijrochilik yo'li bilan ajralib turadi. Uning rivojlanishi va asrlar osha sayqal topishida davr, zamon, ijtimoiy voqelik muhim unsur sifatida o'z ta'sirini ko'rsatgan. Har bir ilmning o'z tarixi, shakllanish varivojlanish bosqichi bo'lgani kabi maqom san'ati ham bir necha asrlik boy tarixga ega. Maqom - yetuk va o'ziga xos og'zaki professional musiqa turkum janri bo'lib, o'rta asrlarda bastakorlar tomonidan yaratilgan.

2003 yilda "Shashmaqom" YUNYESKO tomonidan "Insoniyatning og'zaki va nomoddiy madaniy merosi durdonasi", deb tan olinishi maqom san'atiga bo'lgan e'tibor va e'tirofning amaliy ifodasidir. Poytaxtimizda O'zbek milliy maqom san'ati markazi tashkil etilib, hozirda samarali faoliyatini boshlashi ham ulkan voqealarning davomidur. Biz uchun bebaho badiiy qomus bo'lgan maqom san'ati asrlar, necha yuz yillar davomida inson ruhini, uning dardu armonlarini, ezgu intilishlarini yuksak pardalarda ifoda etib kelmoqda. Maqom qalblarga sokinlik, orom, ruhiyatga poklik, mo'tadillik bag'ishlaydi. Uning mo'jizakorligi bu qadimiy merosimizni o'zbek tilini mutlaqo tushunmaydigan xorijliklar ham sehrlanib, sel bo'lib tinglashida yaqqol namoyon bo'ladi. Maqom ohanglari, maqom ruhi va falsafasi har bir inson qalbidan, avvalo, unibo'sib kelayotgan yosh avlodimizning ing ongi va yuragidan chuqur joy olishi uchun bor imkoniyatlarimizni safarbar etishimiz zarur. Maqom xalqimizning bebaho ma'naviy merosi. Ushbu san'at rivojlanishning uzoq davrini bosib o'tgan, ko'plab san'atkorlar, bastakorlar uning tadrijiy taraqqiyotiga o'z hissasini qo'shgan. Ularda inson kechinmalarining eng nozik ohanglari jamlangan.

Shu sabab maqomni his qilish, tushunish uchun ma'lum tayyorgarlik zarur. Buning uchun kishi yoshlikdan musiqaga mehr qo'yishi, ruhiy kamolotini ayni shu jihat bilan bog'lamog'i kerak. Maqomni eshitish uni tugal tushunishni anglatmaydi. Ijro yo'liga kelsak, u alohida san'at, alohida madaniyat. Turkiy xalqlar maqomida umumiy jihat kuy avji va tugallanishiga alohida ahamiyat qaratilishidir. Avj pardalari balandroq, yakuniy qism dilga xush yoquvchi nafis ijro etiladi. Maqom juda yirik turkum. U boshqa musiqa asarlaridan mukammalligi, kuy va shakl tizimlariga ega ekani bilan farqlanadi. Shuning uchun maqomni ijro etayotganda, avvalo, mumtoz adabiyotdan xabardor bo'lishi zarur. Ijrochi maqom ustida ishlayotganda bir so'zning ma'nosini tushunmadimi, shu g'azalni maromiga yetkazib kuylay olmaydi, ya'ni shoir bilan hofiz o'rtasida devor paydo bo'ladi. Maqom juda katta ilm. Maqomchilik havaskor xonandalarning oldiqochdi so'zlari, xatti-harakatidan xoli bo'lmog'i kerak. Maqom ajdodlardan biz avlodlarga o'tib kelayotgan boy xazina. Uni asrab avaylash va bugungi kun yosh ijodkorlari uchun o'z aslicha hech bir ziyonlarsiz yetkazib bera olishimiz shart. Buning uchun esa avvalo o'zimiz bu oltin san'atning tub mazmunini anglashimiz, undagi sehrli jilolaru, qalblarni titratguchi pardalarini aynan asl holicha tushunmog'imiz va ijro etmog'imiz kerak. Aks holda o'zimiz to'laqonli anglab yetmagan tushunchani yosh avlodga yetkazgudek bo'lsak bu durdona san'atga bo'lgan bizning o'quvsizligimiz va hurmatsizligimiz bo'lib qolishi mumkin.

Maqom san'atini o'rganishda quyidagi maslahatlarga amal qilish maqsadga muvofiqdur. - Musiqiy asar ijrochisining malakasini aniqlash. Bu nima degani? Masalan: asar o'rganayotgan talaba uchun bu asar nechinchisi. Agar ilk asar bo'lsa u holda onson va qisqaroq hajmdagi asarni tanlash joiz. Oshirilayotgan malakaga qarab asarlarni murakkablashtirib borish maqsadga muvofiq bo'ladi. - Musiqiy asar ijrochisining ovoz imkoniyatini aniqlash. Bu holatda malumki tanlangan asarning avj pardalariga ijrochi ovozining mutanosligi mos kelishi kerak. Yaniki agar ijrochi ovozidagi avj imkoniyati doimiy holatda "Fa" notada bo'lsayu tanlangan asar avji "Lya" pardada bo'lsa ijrochiga qiyinchilik va noqulaylik tug'diradi. - Musiqiy asarni kelib chiqishini aniqlash. Masalan: "Adolat tanovori"ni olsak. Bu musiqiy asar Adolat ismli qiz uchun uning akasi tomonidan ijro etilgan degan rivoyatlar mavjud. "Munojot" kabi asarlarning kelib chiqishi musiqiy asarning ijrosidagi holatni o'z o'zidan namoyon etadi. Demakki musiqiy asarning kelib chiqishini bilish uni ijro etishdagi holatlarni asliga hoslabberadi. - Musiqiy asardagi so'zlar va ularning ma'nosi tushunib yetish. Bunda ijro etilayotgan musiqiy asardagi so'zlarning tub ma'nosini aniqlash ijro mobaynida so'zlarga o'zgacha sehr va tabiiylik bahsh etadi. Agar ijrochi kuylayotgan ashulasidagi so'zlar ma'nosiga tushunmas ekan u holda ashula unga bo'yun sinmaydi. - Musiqiy asarning asl holicha va sof ijrosiga e'tibor qaratish. "Maqomni tuzatsang - tuzat, also buzma".

Maqomni buzishga hech kimning haqqi yo'q. So'zni xato talaffuz qilish, ohangni, avjni noto'g'ri talqin qilish xalqning boy ma'naviy merosiga xiyonat qilgan bilan barobar. "Kecha kelgum" deb boshlanuvchi g'azal "Kecha keldim" shaklida ijro etilmasligi kerak. Bunda so'z bilan ishlashga alohida ahamiyat bermoq lozim. Maqomda chiroyliroq ijro yarata olinsagina o'zgartirish kiritish mumkin. Yuqoridagi maslahatlar asosida olingan bilimlar maqom san'atini onsonroq o'rganib olishga ko'mak vazifasini bajaradi. Maqom san'atini o'rganar ekansiz undagi manbaalar va uni kelib chiqishi haqida chuqurlashsangiz har bir qirradi inson siyratidan olinganini anglab yetasiz. Masalan maqomdagi usullarni olaylik, Usullar maqomlarning tuzilish xarakterini belgilovchi omillardandir. Ularni ajrata olish, maqomlarni qiyofasini to'g'ri tushunishga imkon beradi. Ular muayyan tartib asosida tarkib topgan. Har bir usul o'z nomiga egadir. Masalan: Saraxbor, nasr, talqin, savt, gardun, talqin, qashqarcha, soqiynoma, ufar va h.k. Manbalarda ko'rsatilishicha, ilk usul insonning tomir urishidan olingan. Tomirni barmoq bilan ushlab ko'rilsa, uning go'yo "tan-tan"ga o'xshash bir tekis urayotgani bilinadi. Olimlar buni "Usuli zarbi qadim" (Qadimiy zarb usuli) deb ataganlar. bu ham bo'lsa bir sehrdek gap. Mana shunday sehrga ega "Maqom" san'atini o'rganishda va uni o'rgatishda eng avvalo uni kelib chiqishi, shakllanishi, bugungi kunimizdagi ahamiyatini chuqur o'rganishimiz va ana shu tushunchalarni o'z aslicha yosh o'rganuvchilarga yetkazishimiz, maqom san'atini hali yana ming yillar yashashi va yashnashiga asos bo'la oladi degan umiddamiz.

Milliy ma'naviyat va ma'rifat yangidan ko'z ochayotgan bir davrda mafkuramizning rivojlantirishda xalqimizning umrboqiy san'at tarixini keng yoritish, musiqa merosimizni o'rganish va sanoatsevar xalqimizga etkazish muhim o'rin tutadi. Ayniqsa bu borada ustozdan - shogirdga o'tib

kelgan xalq anʻonaviy ijrochilik maktabi asosiy manba sanaladi. Biz oʻtmishda yashab ijod etgan buyuk allomalarimizning tarixiy asarlarida murojaat qilish bilan birga bobokalon sanoatkorlarimiz meros qilib qoldirib ketgan durdonalarni chuqur oʻrganib bormogʻimiz lozim.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti “Oʻzbek milliy maqom sanʻatini yanada rivojlantirish chora - tadbirlari “ toʻgʻrisidagi qarori Toshkent 17.11.2017 yil
2. OʻzME . Toshkent 2000-yil
3. Yunus Rajabiy. “Maqom asoslari” Gʻ.Gʻulom nomli badiiy adabiyot va sanʻat nashryoti . Toshkent 1992-yil.
4. Talaboev, A., Akbarov, T., & Haydarov, A. The European Journal of Arts, Issue 1/2020.
5. Yunusov, G., Juraev, I., & Ahmedov, R. (2020). A look at the regional seasonal folklore and their origin. The role and importance of folklore in the development of dance art. European journal of arts, (1), 121-124.

СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

YUSUF MASXARABOZ

Jabborov Alisher To‘raqulovich

O‘zbekiston Davlat san’at va madaniyat instituti

Xalq ijodiyoti” fakulteti, “Milliy qo‘shiqchilik” kafedrası,

o‘qituvchisi



<https://doi.org/10.5281/zenodo.11286551>

Annotatsiya: Bu maqolada masxarabozlik san’ati tarixi, bu san’at orqali yoritilgan haqiqatlar, uning xalq orasida rivoj topishi, kulguga yo‘g‘rilgan xalq dardi, masxarabozlik san’atiga fidoiy insonlar va ularning umr yo‘llari, Qoraqolpoq va Xorazm san’atkorlari va masxarabozlarining hamkorliklari, qo‘yilgan tomoshalar tarixi haqida ma’lumot beriladi. Bundan maqsad o‘quvchi talabalarni masxarabozlik san’atiga bo‘lgan qiziqishlarini yanada oshirish va ushbu san’at rivojiga oz bo‘lsada hissa qo‘shishdan iborat.

Аннотация: В этой статье рассказывается об истории искусства клоунады, реалиях, освещенных этим искусством, его развитии среди народа, народной боли, вызванной смехом, людях, преданных искусству маскировки и их жизненном пути, сотрудничестве художников и маскарабозов Каракалпакского и Хорезмского региона, истории представлений. Цель этого состоит в том, чтобы еще больше заинтересовать студентов искусством души и внести небольшой вклад в развитие этого искусства.

Annotation: This article tells about the history of the art of clowning, the realities illuminated by this art, its development among the people, the people's pain caused by laughter, people devoted to the art of disguise and their life path, the collaboration of artists and masqueraders of the Karakalpak and Khorezm region, the history of the performances presented. The purpose of this is to further interest students in the art of ink and make a small contribution to the development of this art.

Kalit so‘zlar: Masxaraboz-(shutnik, qiziqchi), Mang‘it, Qilichvoy- Qororolpoq Respublikasi tumanlari, oxiri- tugallanishi, dobbi- semiz, qurg‘unmi-moliyaviy tamondan ahvolingiz yaxshimi?

Ключевые слова: Масхарабоз- Клоун - (шутник, интриган), Мабгит, Киличвай- Каракалпак, конец - завершение, Добби-толстый, кургунми-в финансовом отношении вы в порядке?

Key words: Clown - (joker, schemer), Mabgit, Kilichvai-Karakalpak, end - completion, Dobby-fat, Kurgunmi-financially are you?

Boy va uzoq tarixga dahildor bo‘lgan Xorazm xalq teatirining eng ommaviy turlaridan biri bo‘lgan masxarabozlik san’ati o‘ziga xos takrorlanmas qirralarga ega. Bu san’at turi eng qadimiy ananalarni o‘zida mujassamlashtirib, uning tarixi ibtidoiy davirlarga borib taqaladi. Chunki masxaraboz o‘yinlarida taqlid qilish, epcillik, jazavaga tushish kabiy usullar, xalq ijodining ashula, raqs va musiqa qisimlari qo‘shilgan holda ijro qilish kabiy tamoyillari mustaxkam saqlanib qolgan. Bu xususyatlar maskur san’at inson xayotining ibtidosiga qadar qadimiligini tasdiqlaydi.

Masxarabozlik san’ati Xorazm vohasida xalq teatrining eng ko‘p tarqalgan turi bo‘lib, uning xarakatlantiruvchi asosiy kuchi bir kishi, masxarabozning zimmasiga tushadi. Masxaraboz asosan uch-to‘rt kishilik ansambil bilan birga yurigan. Bular surnaychi, doirachi va yordamchi masxarabozdan

iborat gurux bo'lgan. Ayrim hollarda masxarabozning yakka o'zi ham tamosha ko'rsatavergan. 1887-88 yillarda Xivaga kelgan rus zobiti L.E.Dmitriev Kavkazkiy yakka masxaraboz ijrosi haqida shunday yozib qoldirgan: “Qo'shiq va raqsdan keyin baland bo'yli, judaham semiz masxaraboz (shut) paydo bo'ldi. U turli-tuman qiliqlar qilib, Xivaliklarni ichak uzdi kulgusiga ko'ra, bir olam qiziq gaplardan so'zlab tashlada. So'ng u har hil xalqlar raqs va qo'shiqlaridan muvaffaqiyatli ijro etdi. Uning turli xalqlarning xarakterli tamonlarini aks ettirishdagi qobilyatini tamoman ilish maqsadida men undan rus komdatlarining qo'shig'ini qanday aytishini ko'rsatib berishini so'radm. Uning aniq ijrosidan lol qoldim. Ikki-uch ruscha so'zni ishlatish bilan u ashulani butun so'zlarini aytganday bo'ldi, saldat qo'shig'ining kuy va xarakterini favqulotda yaxsh ifoda qildi. Shuningdek u bir-biri bilan aytishib qolgan saldatlarni ajoyib qilib gavdalandirdi. Bu favqulotda talantli aktiordir”.

Qoraqolpoqistonning Mang'it bilan Qilichboy oralig'i – uncha uzoq emas. Lekin shu torgina joyda jahonni qalbiga jo qila biladigan ko'plab bag'ri keng insonlar yashagan. Ular xalqning yahshi kunlarida beminnat xizmat qilib, insonlarga shodlik, kulgu bahsh etganlar. Ular qishning qirovli kunlarida ham yozning jaziramasida ham lozim bo'lgan paytda yalang'ochlanib, o'zlarini odmi kiyimlarini kiyib, davraga chiqqanlar va hech qachon pala-partishlikka berilmay sidqidildan xizmat qilganlar. Ammo xalqning qo'liga tama bilan boqmay, boriga baraka qilib yashaganlar. Bu toyifadagi kishilarni qiziqchi, masxaraboz deb atashadi.

Birgina Qilichboyning o'zida Matchon boqoy, Soribosh, Eshamat, Do'samat, Boltaqul, Matyaqub soqor, Rejab shorox, Bo'jon masxaraboz, Rahimboy masxaraboz kabi o'nga yaqin qiziqchilar faolyat ko'rsatgan. Ular bilan bir davrda Qipchoqda Do'saka qirg'in, Mang'itda Bolto tinkildak, Yangibozorda Avazyoz kal, Qizil Cholida Bozorboy to'nka kabi masxarabozlar to'y xashamlarda tamosha ko'rsatishgan.

Binobarin, masxarabozlik ah'analari Mang'it va Qilichboy uchun ota meros xunardir. Keksalarni aytishicha bu joyda qirqqa yaqin masxaraboz yashagan. Ayrim tadqiqotchilar, jumladan, teatrshunos M.Raximov bu erda qaysi bir xon tamonidan Xiva xalq teatri surgun qilinmaganmikan degan fikrni ilgari suradi. Nima bo'lishidan qat'iy nazar Mang'it va Qilichboy Xorazm masxarabozlarini parvarish qilgan o'ziga xos san'at maktabidir. O'sha maktabning talantli va mashxur vakillaridan biri Yusuf masxaraboz bo'lib, u 1890 yilda Mang'itda sovunchi xunarmand oyilasida tavallud topdi. Olti yoshida otasidan yetim qolib, avval nonvoyga keyin masxarabozga shogirt tushdi. Uning ustozlari Matchon boqoy va Soribosh masaxarabozlar o'sha paytlari elga tanilgan qiziqchilar edi. Yusuf masxaraboz tez vaqt ichida ustozlaridan “Po'rxon”, “Polvon yo'li”, “Sartarosh yo'li”, “Etikchi qazaq yo'li”, “Matqurbon devona yo'li” kabi qator asarlarni o'rganib oladi va ularni mahorat bilan ijro qiladi, xalq orasida tez tanila boshlaydi. Yusuf yoshligidan chaqqon, epchil, qaddi-qomati kelishgan, zehni o'tkir so'zamol ayni paytda polvon edi. Uning masaxaraboz bo'lishiga ham kurashga qiziqib to'ylarga borib halqni manaman degan palvonlar bilan olishib, yengishga sabab bo'ldi.

“Kunlardan bir kun Qilchboyda katta to'y bo'ldi. U paytlarda hali to'ylarda qadimgi an'analar barham topmagan, maraka, sayillar barcha qonun-qoyidalari bilan amalga oshirilardi. Shu boyisdan to'ylarda merganlar, chavandozlar, qo'chqorvozarlar, polvonlar, xo'rozvozu itvozlar, arqon tortuvchilar, albatta baxshi va masxarabozlar ham ishtirok etar, ba'zi tamoshalar ikki-uch kungacha davom etar edi”.⁹

Men kichik bola bo'lganim uchun bobom menga bu voqealarni ertak sifatida gapirib berardi. Shu paytlari meni romantika nomli kichik magnitofonim bor edi. Ana shu kasetalarga yozib qoldirilgan bobomning ovozlari, esdaliklar.

O'sha to'yda ham bu tamoshalarning barchasi bor edi. Yusuf o'shanda bosh polvonga talabbon bo'lib chiqdi. Polvonning gavdasi undan biryarim baravar kattaroq bo'lsada, Yusuf bo'sh kelmadi. Yashin tezligida avval o'zi yiqilganday bo'ldiyu, bir zumda polvonni ag'darib urdi. Shu zahoti o'rnidan sakrab turib, bayroqqa qo'yilgan qo'chqorga qarab yugurdi. Haloyiq orasida kulgu ko'tarildi. Uning xarakterlarida polvonlikga qaraganda masxarabozga xos xarakterlar ustunlik qilar edi. To'y boshilar uni davradan yubormaslik uchun ikki-uch marotaba ataylab g'alabasini bekor qilishar, lekin u baribir engilmas, kurash jarayonida yanada kulguli vaziyatlarni yuzaga keltirardi. O'sha to'yda Sariqbosh masxaraboz ham bo'lib Yusufning qiliqlariga zavq bilan termulib o'tirardi. Tamosha tamom bo'gandan keyin u yosh polvonni yoniga taklif qildi va o'zining ansambiliga qo'shilishiga rozilik

⁹ M.Allayarov magnit yozuvlaridan. 1985.

so'radi, Yusuf rozi bo'ldi. Shu-shu u Soribosh bilan birgalikda ko'pgina to'ylarda tamoshalar ko'rsatdilar.¹⁰ Xalqning olqishiga sazovor bo'lib tez orada Yusuf masxaraboz nomi bilan elga mashxur bo'ldi. Yusuf masxarabozning katta talanti, aktiyorlik qobiliyati, tashkilotchilik salohiyati, baquvvat hotirasi, yksak akrobatik san'ati tabora takomillashib, o'sib bordi. Endi uning ustozni ijro dasturi, tamosha san'ati ham qanoatlantirmay qo'ydi. U ko'pgina qardosh xalqlar turkman, qozoq, tatar, azarbayjon tillarini o'zlashtirdi va bir o'zi ikki-uch vakillari muloqotini san'atkorona ijro etish yo'llarini o'rgandi. Soz chalish, raqs, ashula san'atini ham o'rgandi. Endilikda u barkamol san'atkor bo'lgan edi. Bu barkamollik uning mustaqil ansambil tuzib, yangicha tamoshalar ko'rsatishiga yo'l ochib bergan edi.



Yusuf masxaraboz mustaqil tomosha tashkil etish ychun atrofiga eng talantli, iste'dotli san'atkorlarni tanladi. U baxshichilikda Shimoliy Xorazm dostonchiligining yirik vakili sifatida tan olingan, Po'rsi baxshichilik an'analarini davomchisi Ahmad baxshi Matnazarov bilan birga tamosha ko'rsata boshladi. Yonlarida Xudargan bolomonchi O'taganov, Ollosh g'ijjakchi Murodov va aka- uka Hayitboy hamda Qurbonboy sharlamalarni to'pladi. Ba'zan ular yoniga o'sha davrning mashxur xonandalari Bo'jon bolo va Rajab bololar ham qo'shilar edilar. Ular qatnashgan to'ylarning dovrug'i butun Xorazm vohasi bo'ylab ovoza bo'lib ketar, har bir to'y egesi ularni taklif qilishga orzuman bo'lishar, xalq esa ularning san'atini tamosha qilishga doyim ilhaq edi.

Yusuf aka bilan birga yurib surnaychilik qilgan, Yo'ldosh ota Qo'chqorovning eslashicha, ansambil qatnashchilari xorazm vohasining barcha joylarida Darg'on otodon tortib, Urganch, Ko'hna Urganch, Vos, Po'rsi, Ilonli, Xo'jayli, Qo'ng'iro't kabiy shahar va qishloqlarda bo'lib, tamosha ko'rsatishar, ba'zi vaqtlarda ikki oydan oshiq kezib yurib uyga qaytishardi.

O'sha paytlarda Ahmad baxshi Matnazarovning eng yosh ovozi shiraga mingan paytlari edi. To'y boshlanishi oldidan surnay qo'shadan chalinar, Yusuf masxaraboz kichik bir hangomani ijro etar, keyin doston boshlanib ketar edi. Axmad baxshi doston aytganda butun borlig'i bilan asar voqialari ichiga kirib ketar, bir yarim-ikki soat tinmasdan doston aytar, hatto dutorni shunday chalardiki, qo'llari qip-qizil qonga belanib ketar edi. Ayniqsa Go'ro'g'li turkimi dostonlaridan "Avazhon", "Bozirgon", "Qirq ming ilg'ari"ni, shuningdek "Yusuf Axmad"ni kuylaganda uni to'htatib bo'lmas edi. Baxshi horib-charchab to'htaganda masxarabozlarga navbat etardi. Yusuf masxaraboz o'z guruhi bilan davraga chiqib

¹⁰ M.Allayarov magnit yozuvlaridan. 1985.

“Po’rhon”, “Polvon yo’li”, yoki “Matqurbon devona yo’li” hangomalarni boshlar, ikki- uch soat uni xalq davradan yubormas edi.

Kunlardan bir kun, deb hikoya qiladi u, biz Ko’hna Urganchga borib qoldik. To’y davrasi yig’ilguncha mehmonxonada o’tirib, choy ichdik. To’yga mashhur turkman baxshisi Nazar bog’a ham taklif qilingan ekan. Yusuf masxaraboz shunda xazillashib, Nazar bog’aning dutorini olib, turkmancha doston ayta boshladi. Sal o’tmay u Nazar bog’aning qiyofasiga kirib, uning talafuzi, hatti-harakatlarini shunday mohirlik bilan gavdalantirdiki, buni ko’rgan Nazar bog’a: -“Ba, ba xut o’zimov, xut o’zimov” deb takrorlayverdi. Shundan keyin Yusuf masxaraboz yana hazil bilan Nazar bog’aning telpagi va po’stunini kiyib, dutorini olib, davraga chiqdi. Uning yurushi, o’zini tutushi, yo’talishi, qo’yiningki, dutorni ushlashi huddi Nazar bog’oni o’zi edi. U davraga borib doston kuylay boshladi. Bir soatlardan keyin, charchadim bir choy ichib kelay, deb haloyiqdan ruhsat olib uyga kirdi. Keyin Nazar bog’oning o’zi chiqib dostonni davom ettirdi. Biroq baxshilarni almashganini davradagi kishilardan birortasi sezgani yo’q. Yusuf aka anashunday san’atkor edi. Haqiqatdan ham Yusuf masxaraboz muqallid masalasida juda mohir edi. Uning ushbu hususyati hatto uni bir marotaba o’limdan ham olib qolgan ekan. Bu ma’lumot kimniki?

1930-yilda Mang’itda yangi teatr tashkil etildi. Uning birinchi direktori etib Yusup Polvonov tayinlandi. Chunki bu paytgacha Yusup aka Xivada, Mang’itda, sho’ro idoralarida ishlab hukumatga ancha xizmat qilib tanilgan, o’zi ham ancha-muncha tajribaga ega bo’lib qolgan edi. Albatta teatrni tashkil qilish, uni kadrlar bilan ta’minlash onson kechmadi, ayniqsa bu maskanga xotin-qizlarni jalb qilish ancha mushkul edi. Shunday bo’lsada Yusup aka bo’sh kelmadi. O’zining guruhini to’la teatrga o’tkazdi lekin, teatr baxshi va masxarabozlardangina iborat bo’lmasligini tushungan direktor yoshlar orasidan faollarni tanladi. Ismoyil Alloberganovni rejissiyor qilib oldi. Xotin qizlardan Anabibi Vofayeva, Zevar Ashurovalarni teatrga ishlashga jalb qildi. Teatrda kichik-kichik piesalar, intermediyalar, konsertlar deyarli har kuni ko’rsatilardi. Qishloqlar bo’ylab har xil gastrollar uyushtirilardi. Mang’it teatiri shakillanishi va taraqqiy topishida Urganchdagi okruk teatri artistlarining xizmatlari katta bo’ldi. Ayniqsa mashxur san’atkor Sheroziy -Madrahim Yoqubov bu borada ko’p yordam ko’rsatdi.

Yusup masxaraboz teatrda rahbarlik lavozimida ishlasada, o’z faoliyatini hech to’xtatmadi. O’zining eski sheriklari bilan to’ylarda xizmat qilishni davom ettirdi. 30-yillarning o’rtalariga kelib, siyosatda ham, iqtisodda ham katta qiyinchiliklar yuzaga chiqa boshladi. Bu davirga kelib siyosatda ham o’zgarishlar ro’y berdi, asta-sekin qatag’onlik yillari boshlanib ketdi, qama-qama avj oldi, el osmonida qora bulutlar keza boshladi. Yuqoridan topshiriq olgan ichki ishkar hodimlari qishloqma-qishloq yurib “Millatchi”larni izlay boshladilar. Hatto ancha millatchilarni topdilar ham ularni ko’p narsa qiziqtirar edi. Hozirgi davrni maqtamay “Go’ro’g’li”ni, “Yusuf Axmat”ni ulug’lab “Eski” tuzumni qumsaydigan baxshilar turkmancha, qozoqcha so’zlab, millatning shaniga tegadigan qiziqchilar, “Millatchi” emasmikan. Bular xalqni yangi tizimni ag’darishga da’vat etmasmikan?-bu shum fikirlar ularga tinchlik bermas edi shu ta’riqa Axmad baxshi, Yusuf Masxaraboz ham qora ro’yhatga tirkaldi va ularning iziga odam qo’yildi.

1936 yil Sentyabr oylarining ohirlari edi, deb hikoya qiladi Ollosh og’a Murodov. Gurlanga yaqin Sartovul degan joyda katta to’y bo’lishi haqida xabar keldi. Axmad baxshi Yusuf masxaraboz, Xudargan bulamonchi, aka-uka sharlamalar va men to’yga otlondik. Kech peshinga yaqin qishloqqa kirib, to’y uyida mexmonxonaga joylashdik. Ovqat yeb choy ichib o’tirgan edik, bir payt eshik ochilib, basharasi sovuq bir odam paydo bo’ldi. Axmad baxshi uni tanisa kerak, bir qalqib tushdi, negadir rangi oqardi. Kelgan kishi tatar millatiga mansub bo’lgan militiya boshlig’i edi. Uning bir oyog’i bo’sag’adan narirog’da bir oyog’i ichkarida bo’lib, eshik kesagiga suyanib turdi. Keling-keling, degan taklifga quloq ham solmadi. Shunday bo’lsada, Axmad baxshi bir piyalaga choy quyib, tuxumdak qand bo’lagini choyga solib, o’rnidan turib u kishiga uzatdi. Sovuq boshara choyni oldi, bir ikki ho’pladi va piyalani irg’itib, Axmad baxshiga qarab, ko’rsatgich barmog’i bilan buyoqqa chiq, deya imo qildi. Axmad baxshi o’rnidan turib tashqariga chiqdi. Tashqarida mashina bor edi. Baxshini shunga yuklab olib ketishdi. O’sha vaqtda endi qorong’i tushayotgan payt edi, tashqarida katta olomon davrani to’ldirib, bizni kutayotgan edi. Shunda Yusuf masxaraboz bizga dalda berib, zarari yo’q, uni ertagacha qo’yib yuborishadi, u becharada gunoh bo’lmasa nimayam qilishardi. Mana o’zim haloyiqqa 2-3 soat tomosha ko’rsataman, to’yni tarqatib yuborish insofdan emas, dedi. Shu tariqa asboblarni olib endi chiqayotgan

edik, boyagi mashina yana keldi. Haligi sovuq bashara yana ko'rindi. Bu safar u Yusuf masxarabozni imlab chaqirdi. Uni ham mashinaga yuklab ketishdi.

Keyinchalik har ikkala san'atkorning tagdiri ma'lum yo'nalishda toptaldi. Tergov.... bo'yniga qo'yish.... haqorat, kaltak ohirida uzoq muddatli qamoq jazosiga hukum qilib, ularni Samarqand tamonlarga noma'lum ishlarga olib ketishdi. Bu xo'rliklarga chiday olmagan baxshi ham masxaraboz ham o'sha tamonlarda ruxlari chirqirab, bandalikni bajo keltirishdi.

Professor: Otanazar Madrahimov.

Yusuf masxaraboz padari buzruvorimiz (Sheroziy) Madraxim Yoqubov bilan yaqin do'st edilar. Ular ko'pgina to'ylarda birgalikda hizmatda bo'lishardi. Men ham otam orqali u kishi bilan yaqindan tanishgan man. Yusuf aka Xorazm vohasida masxaraboz o'yinlarini zamonaviy sirq darajasiga olib chiqqan talantli san'atkorlardan edi. U uzun bo'yli, qaddi-qomati kelishgan, salohyatli kishi edi. Akrobatika masalasida uning oldiga tushadigan san'atkor yo'q edi. Oyog'ini osmonga ko'tarib, qo'lida yurish, charxipalak bo'lib aylanish, oyog'i orasidan bo'ynini o'tkazish va boshqa qator mashirlarni qiynalmasdan bajarar edi. "Otashbozi" "Qum pishik" tarzidagi, og'zidan o't sochish va muqallid o'yinlari ham uning ijro dasturidan o'rin olgan edi. Ayniqsa Qurbonboy sharlama bilan xotin-qiz kiyimini kiyib, ikki xotin suhbatini qoyilmaqom qilib o'ynar edilar. "Lazgi", "Orazibon", "Chipradalli", "Isxoq", "Rotollo", "Belama", kabi o'yinlarni ham san'atkorona ijro qilar edilar. Xullas, Yusuf aka Xorazm masxarabozchilik san'atini yuksak pog'onaga ko'targan takrorlanmas san'atkorlardan biri edilar. Mana Yusuf aka haqidagi gurungimiz ham nihoyasuga etdi.

FOYDANILGAN ADABIYOTLAR

1. Abdusalom Umarov. Mansur Bekmurodov-(madaniyat va san'at atamalarining izohli lug'ati) Toshkent- 2015. G'. G'ulom nashiryoti.
2. S. Ro'zimboev. (Masxarabozlik san'ati) Urganch- 1995.
3. B. Matyakubov. (Doston navolari) "KARRLO" MChJ. Toshkent 2009.
4. F.M.Karamatov (O'zbek folq'lor qo'shiqlari) Toshkent 1960.
5. Mulla Bekchon o'g'li (Xorazm musiqa tarixchasi) Moskva 1927.

**СЎЗ САНЪАТИ
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ
ИСКУССТВО СЛОВА**

**INTERNATIONAL JOURNAL
OF WORD ART**

№5 2024

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-4000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; E-mail: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-4000